

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ  
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**МУҲАММАД РИЗО ЭРНИЁЗБЕК ЎҒЛИ  
ОГАҲИЙ**

**АСАРЛАР**

**6-ЖИЛД**

**ГУЛШАНИ ДАВЛАТ**

**(ДАВЛАТ ГУЛШАНИ)**

**Нашрга тайёрловчи, изоҳлар муаллифи ҳамда  
форсий матнлар таржимони филология фанлари  
доктори Абдулла Ўрозбоев**

**Тошкент – 2019**

**Атоқли ўзбек адиби шоир, таржимон ва муаррих Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигига бағишланади.**

**Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 238-сонли қарори 3-бандига мувофиқ амалга оширилмоқда.**

**Таҳрир хайъати:**

**Ф.Ў.Эрманов (таҳрир хайъати раиси), С.К.Салаев, Б.А.Абдуҳалимов, Б.И.Абдуллаев, С.Саййид, И.И.Абдуллаев, Н.М.Маҳмудов, Ш.С.Сирожиддинов, А.А.Аҳмедов (нашриёт бош муҳаррири), Ҳ.Ж.Абдуллаев, С.Рўзимбоев, З.Дўсимов, Н.А.Жабборов, Г.Халлиева, Н.Т.Полвонов, М.С.Абдуллаев, Д.Қ.Ғойипов, Р.Ҳасанов, А.Д.Ўрозбоев (лойиҳа мувофиқлаштирувчи ижрочиси)**

**Масъул муҳаррир:**

**Баҳром Абдуҳалимов,  
тарих фанлари доктори,  
профессор**

**Такризчилар:**

**Зариббой Дўсимов,  
филология фанлари доктори, профессор  
Неъмат Полвонов,  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Шукуржон Норбоева,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

**Нашриёт маълумотлари “Шарқ” нашриёти,  
2019 йил**

# بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## Бисмиллоҳи-р-рахмонир-рахим

1<sup>a</sup> Сипоси беинтимос ва ситойиши беиндирос таҳойифеким, давойири афлок сойирлариға азалдин то абаддур ва забони ратбу-л-лисондур, ул Подшоҳи зулжалолнинг муалло ҳазратиға нисордурким, гардунтавон султонларнинг даргоҳи туфроқиға убудийят бошин қўймоқ била тождор ва соҳибъэтибордурлар ва шаъни бемунтаҳо ва шукри лоюҳсо вазойифеким, саройири хокий дойирлари анинг лаззатидин аввалдин то охир ширинком ва вазиъул-баёндуру, Ул султони адиму-л-мисолнинг муаззам даргоҳиға сазовордурким, 1<sup>b</sup> олиймакон хоқонлар анинг остони тошиға ажзу инкисор манглайн урмоқ била комкор ва гардуниқтидордурлар, олами малакут ҳам фазойи мухтасардур қудрати гулистонидин ва жаҳони носут бир сахни муқассардур азамати айвонидин; хуршиди дурахшон ҳикмати байзосидин бир ламъайи нопадиддур, муҳити бекарон макрумат дарёсидин бир қатрайи номуқайяддур.

### Назм:

Шаҳеким, эрур мунфарид зот анга,  
Бари мосиво келди миръот анга.  
Ҳусни даргаҳидур ҳудусу қидам,  
Ғубори раҳидур вужуду адам.

Каримеким, карами омм муқтазоси била афроди инсондин ҳар кишиниким, соҳибдават қилмоқ истаса, салтанат таҳтиға миндуруб, жаҳон мамоликининг инони ихтиёрин анинг қабзайи иқтидориға топширур, андоқким, “Ту’ти-л-мулка ман ташā’у”<sup>1</sup> фаҳвоси андин хабар берур.

Ва Қодиреким, қудрати тамом ижроси била салотини жаҳондин ҳар кимарсаниким, авжи иззатдин 2<sup>a</sup> ҳазизи зиллатға еткурмак тиласа, давлат сариридин тушуруб, олам мамлакатининг

<sup>1</sup> تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ تَشَاءُ (Сен хоҳлаган кишиға ҳукмронлик ато этурсан, “Оли Имрон” сураси, 26-оят)

зимоми ихтиёрин панжайи эътиборидин олур, андоқким, “ва танзи‘у–л-мулка мим-ман ташā’у”<sup>1</sup> муваддоси ани эълom қилур.

### Маснавий:

Худоеки, йўқ мислу монандаси,  
Худовандлардур камин бандаси.  
Карамдин бировға берур шоҳлик,  
Жаҳон аҳли ичра фалакжоҳлик.  
Бировдин олур салтанат давлатин,  
Бошиға солур масканат зиллатин.  
Мусаллам анга мулки ғайбу шуҳуд,  
Эрур Холиқи жумла буду нобуд.

Ғалабат шонаҳу ва аммат эҳсонаҳу<sup>2</sup>.

**Наъти** ҳазрати сайиду-л-мурсалин. Таҳийяту зокиёт ва саловоту таййибот жавоҳириким, аҳли умам замойири уммонидин чиқиб, зуҳур соҳилида намоён бўлур, ул подшоҳи нубувват-боргоҳенинг равзайи мунаввариға лойиқдурким, “сумма данā фатадаллā”<sup>3</sup> мулкининг соҳибнигинидур ва дуруди номаъдуд ва дуойи биломахдуд завоҳириким, аҳли олам ажабаси 2<sup>б</sup> конидин чиқиб, вужуд бозорида аён бўлур, ул шаҳаншоҳи рисолатдастгоҳ-нинг турбати муаттариға муносиб ва муқаррардурким, “қāба қавсайн”<sup>4</sup> ўруни тахтининг болонишинидур.

### Назм:

Шаҳеким, бўлуб макрумат тож анга,  
Мақоми даний келди меърож анга.  
Топиб лутфи Ҳақдин сарафрозлик,  
Русул маъшари ичра мумтозлик.

Соҳибнусратеким, нусрати юмнидин аҳли ислом лашкариға қуввати азим даст берди, комил сиёсатеким, сиёсати ҳуснидин куфру зулом маъшари аҳли ислом доирасиға кирди. Зафарнишон туғиға “иннā фатаҳнā лака фатҳан мубйнā”<sup>5</sup> шукқакушойидур, фатҳиқтирон тиғиға “Ва йансуракаллоҳу насран ‘азизā”<sup>6</sup> жавоҳири зийнатафзойдур.

<sup>1</sup> وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ (“Ва хоҳлаган кишингдан ҳукмронликни тортиб олурсан”, “Оли Имрон” сураси, 26-оят)

<sup>2</sup> Шаъни улуғ ва яхшиликлари ҳаммани қамрасин.

<sup>3</sup> ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّى (“Сўнгра яқинлашиб, пастлади”, “Нажм” сураси, 8-оят)

<sup>4</sup> قَابَ قَوْسَيْنِ (“икки камон оралиғи”, “Нажм” сураси, 9-оят)

<sup>5</sup> إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا (“Биз Сизга аниқ фатҳ (ғалаба) бахш этдик”, “Фатҳ” сураси, 1-оят)

<sup>6</sup> وَيَنْصُرْكَ اللَّهُ نَصْرًا عَزِيزًا (“шунингдек, Аллоҳнинг Сизга кучли ёрдам бериши учундир”, “Фатҳ” сураси, 3-оят)

### Маснавий:

Шоҳи русул, хусрави нусратпаноҳ,  
Келди малойик анга хайли сипоҳ.  
Арши барин келди мақоми анинг,  
Ҳақ берибон не эса коми анинг.  
Дин эли лутфидин ўлуб комёб,  
3<sup>а</sup> Қаҳри била куфр элига изтироб.  
Зоти умам хайлиға раҳмат келиб,  
Даъби маосийға шафоат келиб.  
Даргоҳи олийсиға кавнайн аро  
Жумла жаҳон шаҳлари келди гадо.

Саллалоҳу ‘алайҳи васаллам ва ‘алā āлиҳи-л-мукаррам.<sup>1</sup>

**Манқабат.** Салавоти бешумор ва саломи билоихтикор ҳазрати хайру-л-аномнинг асҳоби кибори, хусусан, тўрт ёри сиддиқ-осорининг мароқиди раҳматоид ва мақобири файзмуосириға мутаволий ва мутавотир нозил бўлсунким, ҳар бири садоқат ва адолат ва ҳаё ва шижоат бобида ўзга асҳоби ҳидоятинтисобидин комил ва фозилдур.

### Маснавий:

Ҳар бириси маркази вилоят,  
Ҳар бириси анжуми ҳидоят.  
Ҳар бирисидур умам аро шоҳ,  
Андоқки, нужум аросида моҳ.  
Ҳар бири далили аҳли имон,  
Бу Бакру Умар, Али-ю Усмон.

Ризвонуллоҳу таъоло алайҳим ажмаъин<sup>2</sup>.

Аммо баъд, арбоби фатонат ва асҳоби диroyатнинг замоири зибасоир ва хавотири байзоназоириға маъруф ва макшуф бўлсунким, бу фақири касиру-3<sup>б</sup> т-таксир, бибизоат, қалилу-л-иститоат, аҳқару-л-ибоди-л-малики-л-Ваҳҳоб<sup>3</sup>, аъни бандаи камина Муҳаммад Ризо Мироб ал-мулаққаб би-л-Огаҳий ибн Эрниёзбек – биродарзода ва дастпарвардаи Мунис мироб, сақаллоҳу сиррахумā ва жа‘ала-л-жанната масвāхумā<sup>4</sup>ким, неча айёмдин бери подшоҳи жаннатжойгоҳлар ва шаҳаншаҳи маърифат-паноҳларнинг марҳамати мулукона ва илтифоти хусравоналаридин

<sup>1</sup> Унга ва унинг мукаррам оиласига Аллоҳнинг саловоту саломлари бўлсин!

<sup>2</sup> Аллоҳ таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин!

<sup>3</sup> “хатолари кўп, қашшоқ, тоатлари оз, Кечиргувчи подшоҳ қулларининг энг ҳақири”

<sup>4</sup> Аллоҳ иккаласининг сирлари сақлаб, манзилларини жаннат айлағай!

воқеъот забти ва тарих рабтиға маъмур ва ул амр воситаси била аҳли олам орасида ниҳоятсиз мубтаҳиж ва масрур эрдим ва чун ҳазрати соҳибқирони сулаймонмакон, искандарнишон, Фаридуни замон ва Ҳайдари даврон, зафартавъамон, фатҳиқтирон, фармон-фармойи жаҳон, муржиъи анвоъи инсон, матбуъи афроди инсу жон, соҳиби-сайфи ва-с-самсом, мураввати қавоиди дини ислом, машиди аркони азамати ва-л-жалол, муассиси бунёни саодати ва-л-иқбол <sup>4<sup>a</sup></sup> боису-л-амни ва-л-амон, моҳийу-з-зулми ва-т-туғён, рофиъи аъломи-л-адолати ва-л-эхсон аъла руъуси аҳли-л-имон,

**маснавий:**

Шаҳи соҳибқирону чархдаргоҳ,  
Мададпарвардайи “насрун мин Аллоҳ”<sup>1</sup>.  
Жалолат буржида тобанда ахтар,  
Адолат дуржида рахшанда гавҳар.  
Ўтуб хуршид бошидин кулоҳи,  
Салотин бошларидур хоки роҳи.  
Бағишлаб шоҳларға лутф ила тож,  
Жаҳон амлокидин ахз этгувчи бож,

ал-муъаяду би-таъйидиллоҳ, ал-мутахаллиқу би-ахлоқиллоҳ, ал-мустаъину би-авниллоҳ, аъни султон ибн ас-султон Абулмузаффар ва-л-мансур Саййид Муҳаммад Баҳодирхони Хоразмшоҳ, рафа‘аллоҳу та‘ālā би‘авāмили ‘āфийатиҳи а‘лāма ша‘ниҳи ва шавкатиҳи ва мадда баҳжата вāқи‘ати аййāми ‘умриҳи ва давлатиҳи<sup>2</sup>, Тенгри таъоло таъйиди била салтанат тахтиға жулус қилғандин сўнг фақирни илтифоти подшоҳона ва инояти хусравонаға махсус тутуб, шикаста хотиримға бурунғи айёмдин юз минг <sup>4<sup>b</sup></sup> даража зиёдароқ масаррат ва шодкомлиқ еткурди ва воқеъоту футухот таълифи ва тарих таснифиғаким, фақирға маврусий хизмат ва қадимий ҳирфат эрдиким, камоли шафқату марҳаматдин амр қилиб, ул амри хужасташарофатидин ашбоҳ ва амсолим аросида қадру ифтихорим бошин фалаки даввор авжидин ошурди. Фақир агар чандеким, беқувватлиғ ва беистеъдодлиғ жиҳатидин ҳамул ҳумоюн хизмат уҳдасидан чиқарға ожиз эрдим, аммо “ал-ма‘мўру ма‘зўрун”<sup>3</sup> муктазоси ила ул ҳазратнинг илтифоти подшоҳонасиға эътимод қилиб, бу амри хатир қабулиға

<sup>1</sup> “Саф” сураси, 13-оятдан иқтибос.

<sup>2</sup> Аллоҳ таоло офият сабаблари билан унинг шаън ва шавкати туғини баланд кўтариб, саодатли даври, умри ва давлатини бардавом айлағай!

<sup>3</sup> “Буюрилган одам узрлидир”.

ризо бўлдум. Мирзо Нозим девонининг бу мисраъи ҳасби ҳоли хотиримга хутур қилиб, кўнглумга журъат ва таъбимга қувват ҳосил бўлдим, мисраъ: “Илтифоти подшоҳон кимёи давлат аст”<sup>1</sup>.

Чун бу мажмуайи баҳжатшиор ва бу марқумайи файзосорға ибтидо қалами сурулди, “Гулшани давлат”га мавсум бўлди. Ҳазрати карими ком- **6<sup>а</sup>** бахш карамидин тавакқуъ улким, бу нусхайи ҳумоюннинг туғройи ибтидосин интиҳо шарофатиға ва дебочайи интиҳосин ихтитом саодатиға восил қилғай, омин. Хувал Кāфй би найли-л-мақсӯд<sup>2</sup>.

### **Муножот:**

Илоҳо, ибтидо қилдим бу нома,  
Суруб ихлос авроқиға хома.  
Бериб таҳрир ядо илкимга қувват,  
Етур тазкирида кўнглимга журъат.  
Кўнгулни фикрида нозик хаёл эт,  
Маъонисин лазиз андоқки, бол эт.  
Ки, то барча кутубға фойиқ ўлсун,  
Салотин мажлисиға лойиқ ўлсун.  
Бари оламға бўлсун тожи торак,  
Хусусан, шоҳ базмиға муборак.

### **Ҳазрати соҳибқирони зафарнишоннинг далолати ҳумоюнин ва баъзи сифати маймунинин ижмол тариқаси била зикр қилмоқи**

Кел, эй соқий, менга бўл баҳжатафзой,  
Ки яъни лутф ила тут дамбадам чой.  
Кўнгулни нашъасидин шод қилғил,  
Нишотим уйини обод қилғил.  
Етургил кунд таъбимға итиклик,  
Тахайюл ичра фикримға бийиклик,  
**6<sup>б</sup>** Ўтур хуршиддин зеҳним сафосин,  
Тилимга бер фусаҳонинг адосин.  
Сўзимни лаҳза-лаҳза тоза айла,  
Жаҳон ичра баландовоза айла.  
Қилиб даврон ғамидин фориғулбол,  
Мени беҳадду ғоят айла хушҳол.

<sup>1</sup> “Подшоҳлар илтифоти – давлат кимёси”.

<sup>2</sup> Мақсадга нойил бўлиш учун Ўзи кифоя қилур

Ки, сабт айлай олиб илгимга хома,  
Шаҳи даврон отиға шоҳнома<sup>1</sup>.  
Қаю, шаҳаншоҳларнинг сарфарози,  
Адолат оламининг корсози.  
Қадаркудрат, казоқувват шаҳаншоҳ,  
Қамаррой-ю қуёшфикрат, фалакжоҳ.  
Ҳасабда мазҳари хулқи паямбар,  
Абоан жад насабда шоҳу сарвар.  
Садоқатда келиб Сиддиқ монанд,  
Адолатда Умар янглиғ ҳунарманд.  
Хаёу ҳилм аро Усмон нишона,  
Шижоатда Али янглиғ ягона.  
Саховатда келиб Ҳотам гадоси,  
Бўлуб рифъатда гардун хоки поси.  
Сулаймонҳашмату баҳромсавлат,  
Искандаршавкату рустамшижоат.  
Эрур даргоҳининг гарду ғубори,  
Салотин боиси, тож ифтихори.  
Жаҳонбону жаҳонгиру жаҳонжўй,  
Жавонбахту жавонмарду жавонрўй.  
7<sup>a</sup> Жанобида салотин келди банда,  
Рикобида хавоқин сарафканда.  
Малойикдин фузун хайли сипоҳи,  
Келиб гардуни гардон хоки роҳи.  
Мусаллам зотига кишварситонлиғ,  
Муайян жабҳасидин ҳукмронлиғ.  
Қилиб алтоф ила фақр аҳлини шод,  
Мамоликни адолат бирла обод.  
Келиб мулки жаҳон уза нигоҳбон,  
Жаҳон аҳли бошиға зилли Субҳон.  
Илоҳо, то жаҳон мулкидур обод,  
Жаҳонда токи бордур одамизод.  
Қилиб мулкани дилхоҳча маъмур,  
Улусни айлади адл бирла масрур.  
Неким, мақсуди эрса ҳосил айла,  
Муроди шоҳидиға восил айла.

Бу васиқайи мухтасар ва намиқайи балоғатасарни мутолаа қилғучи фузалоийи диққатпарварнинг замойири каёсатгустарлариға

---

<sup>1</sup> Уни “Шоҳнома” деб ҳам ўқиш мумкин.

маълуму хувайдо ва мафҳуму жилвапаймо бўлсунким, ҳазрати соҳибқирони сулаймонмаконнинг валодати саодатнишони санайи ҳижрия минг икки юз ўттуз секизда<sup>1</sup> кўй йили воқеъ бўлуб, зоти малаксифоти адам шабистонидин 7<sup>6</sup> вужуд гулистониға иродайи субҳоний ва инояти яздоний бадрақаси била келиб, қамоти иззат ва маҳди давлатни мақом қилди ва жаҳон аҳли кўнгулларин қудуми майманатлузуми файзидин ниҳоятсиз хурсанду шодком этти.

### Назм:

Замон хўб эрди-ю фархунда соат,  
Валодатға эди вақти саодат.  
Қуёш байти ашрафидин толеъ эрди,  
Қамар ҳийлож<sup>2</sup> сори рожиъ эрди.  
Бўлуб толеъ саодатлиғ кавокиб,  
Нужуми наҳс барча эрди ғойиб.  
Суюнчига бориб бахту саодат,  
Етурди даҳрға ахбори ишрат.  
Жаҳон аҳли кўюб юз шодлиқға,  
Келиб давлат муборакбодлиқға.  
Ҳадду ғоятсиз ўлди халқ масрур,  
Бўлуб ҳар сори зоҳир сур уза сур.

Чун ул ҳазратнинг зоти хужастасамоти Тенгри таъоло карами доясининг тарбиятидин кунба-кун тадриж била туфулийят ҳаддидин ўтуб, ҳусни тамйизга етти ва шабоб мадорижига уруж этти, “талабу-л-‘илми 7<sup>6</sup> фарйда”<sup>3</sup> мазмунининг муқтазоси била илму фазл таҳсилиға майл<sup>4</sup> кўргузди. Ва талаб амрида камоянбағий саъй-ю кўшиш маросимин тузди ва оз чоғда ул миқдор фазлу ҳунар анвоъин ҳосил қилдиким, барча замон фузалосиға ва жаҳон ҳунармандлариға рожиҳу фойиқ келди. Ва ул масобада донишу ҳикмат дақойиқин дасти тасарруфиға киргуздиким, Арасту-ю Афлотун анинг олдида тифли абжадхондек ажзу инкисор қонунин заъфу изтирор достонида тузди. Хусусан, шеър ва таворих улумида андоқ маҳорат ва қудрат ҳосил қилдиким, фузалойи диққатпарвар ўз қусуриға эътироф кўргузуб, шогирдлик мақомиға келди.

### Назм:

Анга ул ҳадға етмишдур камолот,

<sup>1</sup> Ҳижрий 1238 йил милодий 1822 йил 17 сентябрь сешанба кунидан бошланган.

<sup>2</sup> Туғилиш зойижаси.

<sup>3</sup> “Илм талаб қилиш (барча муслим ва муслима учун) фарздир” (Ҳадис)

<sup>4</sup> Яна битта “майл” ёзилиб, устига “ғалат” деб қайд этилган. Котиблар ўз ишларига эътиборли ва салоҳиятлари баланд бўлганлигини қадрлаш маъносида таъкидладик.

Ки андин ҳал бўлуб иқди мақолот.  
Келиб барча фазилатманди даврон,  
Анинг олдида атфоли дабистон.

Ва ул ҳазрат шабоб айёмида аксар авқот **8<sup>б</sup>** мусаффо маконларда дилкушо мажлислар тузуб, уламои фасоҳатшиор ва фузалои зарофатосор била мусоҳиб бўлуб, масойили диния ва улуми яқиния муколамасидин маҳзуз ва баҳравар бўлур эрди. Шеър ва таворих ва тасаввуф ва дақойиқий мужодаласидин ниҳоятсиз завқ ва ғоятсиз фараҳ ҳосил қилур эрди ва мажлис аҳлиға атои хусравона ва сахойи бебахона сарпанжаси била зарпошлиғ қилиб, хушҳоллиқ ва фориғболлиқ еткурур эрди.

#### **Маснавий:**

Панжайи жуду макруматни очиб,  
Зару сийм аҳли мажлис узра сочиб.  
Карам узра карам қилиб ҳар дам,  
Айлар эрди барин хушу хуррам.  
Хосса фазл аҳлиға қилиб эҳсон,  
Айлар эрди кўнгулларин шодон.

Ва гоҳо йигитлик замонининг тақозоси ва шабоб овонининг муқтазоси била сайру шикор ишин ихтиёр этиб, назоратшиор сахроларға ва файзосор марғзорларға давлату иқбол била азимат тавсанин сурар эрди. **9<sup>а</sup>** Ва ажалчангал италгуларни барқрафтор оҳуларға, фарохбол<sup>1</sup> қарчиғайларни паридийдор тазарвларға солиб, шикорандозлиқ тамошосидин хотири файзмуосириға фараҳи тамом ва сурури молакалом еткурур эрди.

#### **Назм:**

Чиқибон гоҳ-гоҳ сахроға,  
Азм этиб сайр ила тамошоға.  
Қайси бир ердаким, бор эрса шикор,  
Сурубон маркаби саборафтор.  
Гаҳ италгу солиб, гаҳе лочин,  
Гаҳ муҳаррик бўлуб, гаҳе сокин.  
Ҳар неким, сайд олса борин олиб,  
Жониварлар аро қирон солиб.  
Бўлубон мубтаҳиж тамошодин,  
Ком олур эрди сайри сахродин.

<sup>1</sup> Қўлэзмада فرخ بال. Аслида فراخ بال. Тўғрилаб ўқидик. Луғавий маъноси “кенг қанотли”, инсонга нисбатан ишлатилганда “сахий”, “кўнгли очик” англамида.

Ва гоҳо ғайрати жибиллий ва шижоати азалий иқтизоси била сипоҳийгарлик қавоиди тақдимиға қиём кўргузиб, асбоби ҳарб ва олоти зарб истеъмоли машқида жаҳди тамом ва саъйи молакалом била истикмол қилур эрди. Ва муҳораба ва муқобала русумининг улумида андоқ маҳорат ва диққат ҳосил қилдиким, уруш қоидасин билмакда замон шужаоъсиға **9<sup>б</sup>** ғолиб келди. Ва барча яроғни ўз мақомида андоғ устодлиғ бирла ишлаттиким, Рустаму Баҳром руҳиға таажжуб ва ҳайрат бармоқин тишлатти.

#### **Маснавий:**

Қачон илкига олса шамшири кин,  
Фалак дер эди юз туман офарин.  
Қўлиға олур чоғда тийғу синон,  
Топар эрди ларза заминуну замон.  
Агар чекса ҳайбат била ўқу ёй,  
Қурур эрди Баҳромға дасту пой.  
Қачон қўлға олса амуду табар,  
Фалак ваҳм этиб дер эди: “Ал-ҳазар”<sup>1</sup>.  
Отар чоғида қаҳр бирла тўфанг,  
Замона юзидин учар эрди ранг.  
Бори фанда, алқисса, якфан бўлуб,  
Бари хулқи эл ичра аҳсан бўлуб.

Ва гоҳо карами зоти муқтазоси била саховат маснадида мутамаккин бўлуб, барча мулозимлар ва фуқаро ва масокинга андоқ сиймпошлиғ аён этар эрдиким, Ҳотам Тойи ва Маън Зойиданинг<sup>2</sup> караму саховати достониға хатти бутлон чекар эрди.

#### **Назм:**

Ҳар қачон очса эди дасти ато,  
Факр эли бўлғай эдилар ағниё.  
**10<sup>а</sup>** Ҳотам Тойи бўлубон мунфаил,  
Оли Баромак бўлур эрди хижил.

Ва ул ҳазратнинг овони валодатидин замони салтанатиғача зоти малаксифотидин кўп афъоли ҳамида ва ахлоқи писандида содир бўлдиким, аларни зикр этмакда бир умр вафо қилмағусудур. Ложарам, замон муқтазосича мунча била ихтисор қилилди.

<sup>1</sup> “Худо сақласин!” маъносида.

<sup>2</sup> Ҳотами Тойи – Ҳотам бин Абдуллоҳ бин Саъд Тойи, кунияси Абу Саффона. Арабларнинг тайй қабиласидан бўлган машҳур саховатли инсон. Маън ибн Зойида (аслида Зоида) – Абу-л-валид Маън ибн Зоида бин Абдуллоҳ Шайбоний. Ҳижрий (қамарий) 151 йилда вафот этган. Саховатда ном қозонган машҳур араб воизларидин, фасоҳат эгаси. Унинг номи саховат бобида Ҳотам билан бирга зикр қилиб келинади.

### **Қитъа:**

Киши гар жаҳд бирла қилса шуруъ,  
Шоҳ авсофининг бидоятиға.  
Туганиб умр, гар эса минг йил,  
Ета олмас анинг ниҳоятиға.

**Ҳазрати соҳибқирони гардунтавон, аъни Абу-л-фатҳ ва-л-мансур Саййид Муҳаммад Баҳодирхон халладаллоҳу мулкаҳунинг хужаста қадами вусулидин салтанат тахти муфохамат поясин фалак авжига еткургани ва ҳумоюн фарқи қабулидин хилофат тожи муфохарат бошин қуёш афшаридин ошурғани**

Маъонийи рафеъа оламининг соҳибқирони искандарнишони ва мазомини мунаббиа тахтининг султони олийшони, аъни қалами бадойеъбаён бу навъ вақойеъ била ратбу-л-лисон **10<sup>б</sup>** бўлуб, варақ майдонида мундоқ жавлон қилурким, чун ҳазрати соҳибқирони гетиситон аммзодаси Муҳаммад Ниёзбий ибн Муҳаммад Назар иноқ камоли жаҳолатдин ямут муфсидлари била пинҳоний иттифоқ қилиб, доруссалтанайи Хивақ зайъанаҳаллоҳу та‘ālā би-н-низāми ва-н-насақға<sup>1</sup> келиб, марҳумий Қутлуқ Муродхонни шаҳодатға еткурди.

Ул воқеъайи ваҳшатасардин аркони давлат ва арбоби садоқат хабар топиб, ҳужуми тамом била анинг қасдиға юз қўйдилар ва ул қирқ чоғлиғ муфсид била кўрунишхона даҳлизига қабилиб, иликларига милтуқ ва найза-ю қилич олиб, жон ҳавлидин тахминан уч ярим соатғача муҳораба ва мудофааға машғул бўлдилар.

Ул чоғда вазири аъзам Муҳаммад Яъқуб меҳтар бошлиғ аркони давлат ва аъёни ҳазратнинг иттифоқи била давлат қасрининг рукни аъзами садоқат ва ақидаторойи Вайсниёзбой ва ҳазрат мулозим-**11<sup>а</sup>**ларининг аъло ва афҳами, эътиқодда ихлоставъом Муҳаммад Мурод маҳрам ҳазрати соҳибқиронни келтурмак учун аркдин чиқиб, жалодати тамом била отландилар. Ва ҳазрати соҳибқирони жаҳонситон ул авонда ташқари қалъада, ўз ҳовлисида оқаси шаҳзода Саййид Маҳмуд тўра била бўлур эрди ва камоли ҳиммат ва ғояти ҳамийятдин марҳумий подшоҳларнинг хусравона марҳамат ва навозишлариға илтифот назарин солмас эрди ва азамат зоти муктазоси била ҳеч подшоҳнинг мулозаматин

<sup>1</sup> Аллоҳ унга низому тартиби билан зийнат бергай!

ихтиёр қилмас эрди. Ва хулуси ният ва сафойи тавият била Тенгри таъоло ибодатиға машғул бўлуб, узлат гўшасида мунзавий эрди. Ва чун Вайсниёзбой ва Муҳаммад Мурод маҳрам ул ҳазратнинг хумоюн мажлисиға бориб, ҳамул воқеайи ҳойила кайфиятин арзға еткуруиб тиладиларким, ул ҳазратни отлантуруб аркға олиб борғайлар ва қадами юмни била иш бошқариб **11<sup>б</sup>** хилофат тахтиға чиқарғайлар. Аммо ул ҳазратнинг ҳамияти андоқ олий эрдиким, бу муҳаққар жаҳоннинг хилофат тахтиға иззатлиғ оёқин еткургай ва бу муҳаққар жаҳоннинг салтанати тожиға давлатлиғ бошин индургай.

Ложарам, Вайсниёзбой ва Муҳаммад Мурод маҳрамнинг илтимосу илтижосидин ибову имтиноъ қилиб, ул амри хатирдин ихтироз ва истиъбод кўргузди ва бу абёт била фасихбаён тилин ҳаракатга киргуздиким, **назм:**

Бевафодур асру мулку коинот,  
Анга оқил найлаб этгай илтифот.  
Не анга бордур бақо, не эътибор,  
Аҳли ҳиммат қилмас ани ихтиёр.  
Васлидин анинг жудолиғ хуштурур,  
Шаҳлиғидин ҳам гадолиғ хуштурур.  
Бир нафас Ҳақ зикридин огоҳлиқ,  
Айлагандин яхши юз йил шоҳлиқ.  
Оқил улдурким, тилаб фақру фано,  
Шаҳлиқиға даҳрнинг бермас ризо.  
Бас мени ул ишга тарғиб айламанг,  
Зўр ила **12<sup>а</sup>** дучори осиб айламанг.  
Бўйла шўришғаки, бўлмиш ошкор,  
Ўзга янглиғ чора айланг ихтиёр.

Вайсниёзбой ва Муҳаммад Мурод маҳрам ҳазрати соҳиб-қирондин мундоқ мардона ва саодатнишона сўзлар эшитгандин сўнг яна ул ҳазратнинг отифат этакига умидворлиғ илкин уруб, муболаға ва илҳоқ маросимин ҳадди эътидолдин ошуруб, ниҳоятсиз тазарруъгузорлиғ ва ғоятсиз изтиробу беқарорлиғ кўргузуб, бу маснавий мазмуни била тараннум туздиларким, **маснавий:**

Аё, шахриёри карамдастгоҳ,  
Адолатшиору асолатпаноҳ.  
Ҳузуринг келиб даҳр оройиши,  
Вужудинг жаҳон аҳли осойиши.

Қабул этмасанг даҳр султонлигин,  
 Қабул айлағунг мулк вайронлигин.  
 Бу ишни қабул этмак ўлғай ситам,  
 Ситам ҳаргиз этгайму аҳли карам.  
 Чун сен бор эурсан улус фойиқи,  
 Жамеъи жаҳон тахтининг лойиқи.  
 Тамоми **12<sup>б</sup>** халойиқ хосу авом,  
 Арк олдида кўргузуб издиҳом.  
 Вужудингға яксар бўлуб муфтахир,  
 Қудумингадурлар бари мунтазир.  
 Ки, то лутф ила борсанг ул хайл аро,  
 Бари жонларни қилурлар фидо.  
 Сенинг давлатинг қуввати бирла тийғ  
 Чекиб қилғусидурлар аъдоға бийғ.  
 Агар бормасанг, эл паришон бўлур,  
 Паришон демай, мулк вайрон бўлур.  
 Ота тахтини кимсага бермагил,  
 Туман минг улус қониға кирмагил.  
 Худо бу жиҳатдин гар этса хитоб,  
 Нечук бергайсан рўзи машҳар жавоб.  
 Агар бормасанг, ҳашр топғач қиём  
 Улус илги-ю доманинг ва-с-салом.

Чун ул давлатхоҳи қадимий ва корогоҳи самимийларнинг бу тарика сўзлар била илҳоҳ ва муболағалари ҳадди эътидолдин ўтди ва тазарруъу зорлиғлари илики ҳазрат соҳибқироннинг муруввату футувват этагин маҳкам тутти, ложарам ул ҳазрат замон муқтазоси ва замон улусининг тақозоси била ўзининг муборак ҳавлисидин хуршиди жаҳонтоб **13<sup>а</sup>** шаҳсувори гардуннинг ашҳаби тезрафториға рокиб бўлғандек, давлат самандиға рукуб қилиб, фатҳу нусрат қоидининг раҳнамолиғи била дорулхилофа жонибиға озим бўлди ва асбоби ҳарб ва олоти зарб била андоқ мусаллаҳ ва мукаммал эрдиким, ҳайбат ва салобати сарсаридин Рустам ва Исфандиёрнинг шижоату мардликлари қиссаси авроқин насху нисён елига берди.

#### **Маснавий:**

Оти гардун киби қилиб жавлон,  
 Ўзи устида меҳрдек тобон.  
 Ҳайбатдин фалак танида шиканж,  
 Садаматидин ер ўлди даҳшатсанж.

Қахридин хавфнок ўлуб Баҳром,  
 Кийнидин музтариб бўлуб ҳам Сом.  
 Кўргузуб халқ теграсида ҳужум,  
 Қуёш атрофида нечукки нужум.  
 Хизр ўлуб олдида мулозим анга,  
 Нусрату фатҳ келди лозим анга.  
 Эл бўлуб ҳар тараф ҳужумовар,  
 Гўйиким, зуҳур этиб маҳшар.  
 Қўзғалиб ҳар сори макину макон,  
 Бир бўлуб шўр ила **13<sup>б</sup>** заминуну замон.  
 Гулгула сарбасар жаҳонни тутуб,  
 Тийра гард авжи осмонни тутуб.  
 Оллида хизмат этгали зоҳир,  
 Фатҳу давлат бўлуб икки шотир.

Ҳазрати соҳибқирони гетиситон бу янглиғ салобати зафарнишон ва маҳобати нусратиқтирон била арк дарвозаси олдиға келиб таваққуф қилди. Ул маҳалда дарвоза муқаффал эрди ва калиддор ул герудор асносида ҳозир эрмас эрди. Ложарам, давлатхоҳи муҳтарам Муҳаммад Мурод маҳрам даричадин кириб, кулфни синдуруб, дарвозани очти ва андин сўнг ул ҳазрат нузул этиб, дарвоза ичидаги суфа устида тамкини тамом била жалодатнишон хизматкорлар ва шижоаттавъмон жонсипорларға буюрди, то Муҳаммад Ниёзбий ва ямут муфсидларидин қирқ чоғлиғ кишиким, анинг аввону ансори эрдилар, кўрунушхона даҳлизиға қабалиб, жон ҳавлидин мудофаа ва муҳорабаға машғул **14<sup>а</sup>** эрдилар, ғайрати тамом била атрофу жавонибдин ҳужум қилиб, ул муфсидларни асиру дастгир қилмоқда саъй-ю эҳтимом кўргузгайлар. Ва чун фармони қазожараён содир бўлғач, рустамсалобат баҳодирлар ва миррихмахобат мутаҳаввирлар ва шаҳрнинг жамеъи хосу авоми ул ҳазратнинг худодод ва қавийбунёд давлатининг мададу қуввати била балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний янглиғ туш-тушидин муфсидларни қасдиға ҳужум кўргуздилар. Ва баъзи шижоати тамом била даҳлиз эшикларига болта уруб, яқарға жидду жаҳд маросимин туздилар ва баъзи жалодати молакалом била учакка чиқиб, белу каланд зарбин еткуруб, даҳлиз сақфин очарда ғайрат илкин ҳаракатга киргуздилар. Ва бир неча кодирандоз гуруҳ юқоридин милтуқ ва шахмол отиб, оташин гўлулаларнинг атрофу жавонибдин мутаботир ва мутаवволи нузулидин “Ва жа‘алнāхā ружўман ли-ш-

шайātин”<sup>1</sup> мазмунин олам аҳлиға равшан қилдилар. 14<sup>б</sup> Ва милтуқлар оғзининг шароролуд дудидин сипехри кабуд юзин бухоромуд қилиб, “йавма та’ти-с-самā’у би духāнин мубйн”<sup>2</sup> фахвосин жилвага киргузиб, муфсидлар кўзига қиёмат кунин мубраҳан эттилар. Ва бир неча жонбоз тоифа ошоқдин амуд ва табарзин била даҳлизнинг дару девориға тазалзул еткуруб, “ва зулзилу зилзāлан шадйдā”<sup>3</sup> мусаддақасин зухур оламида жилвагар қилиб, ва “йағша-н-нāса хāза ‘азāбун алйм”<sup>4</sup> муддаосин аҳли исён ва арбоби туғёнга равшан ва намоён эттилар.

Алқисса, ҳамул лаҳза ул миқдор ғавфо ва алоло зухурға еттиким, анинг ҳайбатидин жарми ғабро сокинлари ҳушидин бориб, олами боло сойирлари ўзидин кетти. Ва ул мутобихда кушокуш ва герудор садоси аён бўлдиким, рубъи маскун арсаси ва чархи нилгун фазоси ғулғулайи ваҳшатасар ва валвалайи ҳайратгустар била тўлди.

#### Маснавий:

Қизиб, уйла ҳангомайи герудор,  
 Ки ғавғойи маҳшар бўлуб ошкор.  
 Аён айлабон ҳар тарафдин ҳужум,  
 Суҳо устига ул сифатким, нужум.  
 Неча хайл учакни тешиб бедаранг,  
 Уруб аҳли удвонни отиб тўфанг.  
 Неча хайл ошоқдин чекиб тез,  
 Инод аҳлиға зоҳир айлаб ситез.  
 Уруб неча одам табарға илик,  
 Қилиб қасд ҳар ён очарға эшик.  
 Ёруқ кун адувға қаро тун бўлуб,  
 Ки сўрохи сичқон минг олтун бўлуб.  
 Қочарға дағи мумкин ўлмай мақар,  
 Аён ўлди мазмуни “айна-л-мафар”<sup>5</sup>.  
 Адувға бўлуб ҳар қатиғ кўк яроқ,  
 Чиқиб жонидин нолайи ал-фироқ.

<sup>1</sup> وَجَعَلْنَاهَا رُجُومًا لِلشَّيَاطِينِ (“ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик”, “Мулк” сураси, 5-оят)

<sup>2</sup> يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُخَانٍ مُّبِينٍ (“Сиз осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кутинг”, “Духон” сураси, 10-оят)

<sup>3</sup> وَزُلْزِلُوا زِلْزَالًا شَدِيدًا (“ва (даҳшатдан қаттиқ) ларзага тушдилар”, “Аҳзоб” сураси, 11-оят)

<sup>4</sup> يَغْشَى النَّاسَ هَذَا عَذَابٌ أَلِيمٌ (“У (тутун барча) одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир”, “Духон” сураси, 11-оят)

<sup>5</sup> يَقُولُ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ أَيْنَ الْمَفْرُجُ (“ана ўша Кунда инсон: (Жазодан қочадиган жой қаерда?) – деб қолур!” оятининг бир қисми, “Қиёмат” сураси, 10-оят)

На кўк сориға учгали пару бол,  
На ер остиға киргали бор мажол.  
Бариси юлуб соч, йиртиб яқо,  
Тутуб ўз-ўзи мавти учун азо.

Чун ул шўрбахту пешонасахт муфсидлар ул аснода ўзларин олти жиҳатдин дарёи офат ва тўфони маҳофатға мустағрак кўрдилар **15<sup>б</sup>** ва фалоҳу нажот йўлин ўзларига матмус ва мадрус топдилар. Ложарам, аҳли такво зумрасидин Муҳаммад Карим эшоннинг воситалиғи ва сабиласи билаким, ул жаноб мусолаҳа тариқаси била муфсидлар орасиға бориб, алар била ҳамроҳ шахрга келиб, ул воқеа вуқуъи асносида ҳозир эрди, муфсидлар даҳлиз эшикини очиб, ташқари чиқтилар, дарҳол фармони қазойжараён мужиби била чобукдаст жаллодлар ва жалодатпар хунрезларким, ажал жаллоди алар жалодатиға ҳайрон, балки маҳобатларидин ҳаросон эрди, сарафшон тиглар тортиб, ер юзин ул муфсидлар қонидин гулистон эттилар. Ва аркони давлат жонбозларидин шижоаттавъом Муҳаммад Мурод маҳрам фармони қазожараён қуввати била балойи ногаҳондек даҳлизға югуруб, ажалчангал бозусининг нируси била Муҳаммад Ниёзбийнинг яқасидин тутуб, судраб ташқари чиқардилар. Дарҳол ҳукми олий мужиби била **16<sup>а</sup>** ани дағи уқубат маҳбасида маҳбус, балки адам зиндониға солиб, мафқуд ва матмус эттилар. Фа‘табирў йā ули-л-абсār<sup>1</sup>

#### Назм:

Кимсаким, бўлғай ёмонлиқ пешаси,  
Чун ноҳақ айламак андешаси.  
Бўлса қасди мулк вайрон айламак,  
Ҳолини элнинг паришон айламак.  
Бўлубон ўз феъли бошиға бало,  
Икки олам ичра бўлғай юз қаро.  
Тенгри қаҳриға бўлуб охир дучор,  
Ўлғуси итлар масаллик хору зор.  
Ибрат ўлғай ҳоли одам аҳлиға,  
Демайин одамки, олам аҳлиға.

Чун жамеъи муфсидлар ўз амаллари жазосиға гирифтор ва барча тоғийлар ўз кирдикорлари шумлиқиға дучор бўлдилар, доруссалтанайи Хивақ зайянаҳаллоҳу таъоло би-л-адли ва-н-насақнинг вусъатафзо фазоси дўстларнинг сийнайи пурсафосидек,

<sup>1</sup> فَأَعْتَبُوا يَا أُولِي الْأَبْصَارِ (“Бас, эй ақл эгалари (улардан ибрат олингиз)”, “Ҳашр” сураси, 2-оят. Мазкур ўринда қўлёзма матни тузатиб ўқилди)

ул бадтийнат душманларнинг палид вужудлари лавсидин муарро ва ўзга кудуратлар хасу хошокидин дағи мубарро бўлди, чобукдаст ходимлар ва жалодатпараст фаррошлар **16<sup>б</sup>** дорулхилофа сахнининг гарду ғуборин сиймин супургулар била суруб, кўрунушхонайи хумоюннинг дилкушо ва баҳжатафзо саройғаким, зийнату кошинкорлиғида рашки нигорхонайи Чин, файзу тароватшиорлиғида ғайрати бўстонсаройи хулди барин эрди, мусаффо фаршлару бисотлар ва муламмаъ қолилару мурассаъ зайлучалар тўшаб, бош-оёқ мулавван олот била беҳишт қасридек безадилар. Ва ҳамул қаср фазосида Хивақ музофотининг жамеъи уламову куззот ва кубарову содоти, барча олиймакон шахзодалар ва гардунтавон озодалар ва аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва жумлайи машоҳиру аъроф ва акобиру ашроф иттифоқ била мазкур бўлган кун, яъни товушқон йили хуршиди рахшоннинг сабиҳу-л-важҳ Юсуфи далв буржининг йигирма учунчи даражасидин намоён эрди, таърихи ҳижрия минг икки юз етмиш иккида, жумоди ус-соний ойининг бешида, душанба куни<sup>1</sup> **17<sup>а</sup>** улуғ чошт вақтидаким, соати саодатосор ва ахтари шарофатшиор эрди, ҳазрати соҳибқироннинг зоти хумоюниким, “иннā жа‘аланāка халифатан фи-л-ард”<sup>2</sup> ояти каримасининг саодатнамун мазмуни зевари била музайян ва мушаҳхан эрди ва синни шарифи ўттуз тўртланчи йил авохориға етмиш эрди, иззати тамом ва икромии молакалом била салтанат тахтиға миндуруб, хилофат тожин давлатлиғ бошиға кийдурдилар. Ва нисбат била бирининг манзилати поясин фалак авжиға еткуруб, бирининг рифъати бошин қуёш фарқидин ошурдилар ва даргоҳи жаҳонпаноҳда фалак навбатзани кўси навбатини садоға киругузуб, “ҳāзā мин āсāри давлатиҳи-л-‘узмā”<sup>3</sup> мазмуни олами боло сойирлариға гўшзад қилди ва остони фалакиштибоҳида иқбол бариди муборакбодлиғ ва таҳниягўйлик маросимин тузуб, субҳу шом, балки аладдавом дуойи давлатин ўзига вожибу-л-лозим билди. **17<sup>б</sup>** Филҳақиқат, ул ҳазратнинг талъати масъуди бир меҳри дурахшон эдиким, иззат авжида камолға еткан, жаҳони зулматободни адолат нуридин мунаввар қилмоқ учун иродайи азалий била салтанат буржидин тобон бўлдиким, саодат уммонида макон тутган коинотнинг косид бозориға равнақ еткурмак учун

<sup>1</sup> 1856 йил 11 февраль. Электрон тақвимда бу сана сешанба – 12 февралга мувофиқ. Демак, душанба 11 февралга тўғри келади.

<sup>2</sup> إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ (“Дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик”, “Сод” сураси, 26-оят)

<sup>3</sup> “Бу улуғ давлатининг асарларидандир”.

машити ламязалий хилофат дуржидин намоён бўлди ва ҳамул кун то кечгача барча аъоло ва асофил ва акобир ва асоғиру жамеъи аснофи одам, балки анвоъи аҳли олам ниҳоятсиз шодлиғ ва хуррамлиғ била ул ҳазратнинг остони фалакпосбониға ғоятсиз давлат ва иқбол янглиғ гуруҳ-гуруҳ атроф ва жавонибдин юз куюб, муборакбодлиғ ва таҳниятгўйлик лавозимин тақдимға еткурдилар. Ва ихлос илкин кўтариб, эътиқод била мундоқ дуо ва олқиш зумрасин **18<sup>a</sup>** фалак авжидин ошурдиларким, **қитъа:**

Шоҳи соҳибқирону адлойин,  
Даҳр мулкига ҳукмрон ўлсун.  
То абад салтанат сарири анга,  
Айшу роҳат била макон ўлсун.  
Шоҳлар қуллуқин қилиб туну кун,  
Тобеъи жумла жаҳон ўлсун.  
Мақсади не эса бўлуб ҳосил,  
Носиру ёвари Ўғон ўлсун.  
Ер юзи адлидин топиб зийнат,  
Таъруфи рози осмон ўлсун.  
Ҳар тараф азм қилса давлат ила,  
Хизру Илёс ҳамъинон ўлсун<sup>1</sup>.  
Фатҳу нусрат бўлуб жилавдори,  
Оллида ҳар тараф равон ўлсун.  
Анга ҳар хайл қилса саркашлик,  
Бошлари хоки остон ўлсун.  
Оллида ким эса сарафканда,  
Сарбанди офтоби осмон ўлсун.  
Ҳар қачон базм тузса шоҳона,  
Майи мақсуд нўши жон ўлсун.  
Хотири шодком ўлуб доим,  
Фитнайи даҳрдин омон ўлсун.  
Ҳақ бериб матлабу муродини,  
Кўнгли комича комрон ўлсун.

Чун ҳазрати соҳибқирони малойикпосбон султонлиғ **18<sup>b</sup>** тахтин хужаста қадами вусулидин гардунсо ва ҳоқонлиғ тожин муборак боши қабулидин аршфарсо қилиб, девонхонайи саодатнишона садрида тамкини тамом ва ойини шарофатанжом била ором тутти, барча ҳунарпешайи вақтпайвандлар ва

---

<sup>1</sup> Инон عنان – жилов, тизгин. “Инон” сўзини бу ҳолатда аслига мувофиқ “ъ” билан ўгириш маъкул.

дақиқандеша косибу ҳунармандлар файзу ҳунар қилмоқ учун ҳар бири ўз касбига лойиқ ва ўз ҳунарига мувофиқ бир ғайри мукаррар нима тузатиб, ўз ҳазратнинг назари анвори пешгоҳиға тухфа йўсуни била еткуруб ва навозиши хусравона ва бахшиши мулуконадин ғоятсиз хурсандлик ва ниҳоятсиз барумандлик топдилар. Андоқким, ҳамул аснода даврон фузалоси ва замон шуароси ул ҳазратнинг жулуси саодатмаънусиға ғарро қасидалар ва балоғатафзо таърихлар назм силкига чекиб, ҳазрати хадиви сипехрмартабатнинг назари кимёасари мутолаасиға еткуруб, илтифоти подшоҳона ва инояти хадивонадин маҳзуз ва бахраманд **19<sup>а</sup>** бўлдилар.

Ул жумладин, фақирким, бу ҳуруф роқимидурмен, ҳамул мавридда бир таърих назм силкида тартиб бериб, ул ҳазратнинг мароҳими вофир ва авотифи мутакосиридин ўз амсолу ашбоҳим орасида мумтозлик ва сарафрозлик топдим, ул таърих будурким, мастур бўлур.

#### **Таърих:**

Шоҳи олиманзилат к-з иртифоъи ҳимматаш,  
Мухбири иқбол ўро довари даврон бигуфт.  
Бар сарири подшоҳӣ чун ба давлат барнишаст.  
Инсу жон таҳнияти ў зоҳиру пинҳон бигуфт.  
Талъати фархундааш чун дид аҳли рӯзгор,  
Бар сипехри салтанат саъдаҳтари тобон бигуфт.  
Зоти маймуни саодатманду нусратпарвараш,  
Ҳотифи ғайбӣ ба жисми мулки давлат жон бигуфт.  
Аз жулӯсаш жумла бар мақсад расида сарбасар,  
Рӯзу шаб мадҳу сано беҳадду бепоён бигуфт.  
Халқ аз адлаш агар осудагӣ ёбад бажост,  
Ҳокими тақдир ўро сояи субҳон бигуфт.  
Бо сари чон фикр карда соли таърихи жулус  
Огаҳӣ “Соҳибқирон **19<sup>б</sup>** Саййид Муҳаммадхон”

бигуфт.

#### **Таърихнинг таржимаси:**

“Олий мақомли шоҳнинг ҳиммати баландлигидан иқбол хабарчиси уни давр ишончи деб атади. Подшоҳлик тахтига давлат билан ўтирар экан, инсу жон (одамлар ва жинлар) уни ошкору пинҳон қутладилар. Муборак талъатини кўрган замон аҳли салтанат осмонида балқиган бахт юлдузи деди. Саодатманд ва ғалабапарвар бахтиёрлик бахш этувчи зотини ғойибдан келган садо

“мамлакат жисмига давлат жони” деди. Унинг тахтга ўтиришидан барча бошдан охир мақсадига етиб, кеча-кундуз битмас-туганмас мадҳу мақтовига тил очди. Халқ унинг адолатидан тинчлик топса, ўринли, тақдир ҳокими уни Субҳон сояси, деб билди. Унинг тахтга ўтириши таъриhini “жон боши билан фикрлаб” Огаҳий “Соҳибқирон Саййид Муҳаммадхон” – деди”.

Бу таърихнинг адади уч кам эрди. Таъмия услуби била идхол қилилди, андоқким, “бо сари жон фикр кард” иборати анга муширдур.

Ва бу воқеайи нишотафзо асносида замон фузалосидин жомеъу-л-фунун ва-л-улум Муҳаммад Юсуф махзумким, тахаллуси Рожийдур, бу таърихни айтибдурким, марқум бўлур.

#### **Таърих:**

Шукрлиллоҳ, зи лутфи Ҳайи қадим,  
Мулки Хоразм гашт адлобод.  
Шоҳ Саййид Муҳаммади пурдил,  
Бар сарири шаҳӣ қадам бинҳод.  
Аз қудуми муборакаш олам  
Гашт масрур аз ситам озод.  
Кард адлаш қавий заъифонро,  
Золимон ҳамчу гард шуд барбод.  
Карда Рожӣ дуо ба таърихаш,  
Гуфт: “Хоразмшоҳ аъдал бод”.

#### **Таърихнинг таржимаси:**

“Аллоҳга шукурки, Ҳайи қадим лутфидан Хоразм юрти адолат билан обод бўлди. Жасур шоҳ Саййид Муҳаммад шоҳлик тахтига қадам қўйди. Муборак қадами боис олам ситамдан озод бўлиб, шодланди. Адолати заифларни кучли қилиб, золиmlарни чанг каби шамолга учирди. Рожий дуо қилиб, таърихи “Хоразмшоҳ аъдал бод” – “Хоразмшоҳ энг адолатли бўлсин” – деди”.

Ва наврасфикру тозатабъ шуародин фазлу ҳунар аҳли аросида мумтоз Паҳлавон Ниёзбойким, фозиллар гуруҳи ичра тахаллуси Комилдур, бу таърихни назм этибдурким, тастир топар.

#### **Таърих:**

Ҳамду сано ба Шоҳе, к-аз меҳрибонӣи у,  
Бар тахти подшоҳӣ шаҳзода қадам зад.  
К-аз боғи салтанат чашми тамоми олам,

Сарве надийда ҳаргиз 20<sup>а</sup> монанди у сиҳийқад.  
Гардида аз жулусаш ҳар дам ба шодӣ акраб,  
Аҳли замона гаштанд з-андуху ранж абъад.  
Баҳри бақойи умраш вирди забони мардум,  
Ин аст субҳ то шом даҳр мақоми муаббад.  
К-аз жўйбори давлат сероб гашта доим,  
Чун боғи хулд боғи умраш шавад мухаллад.  
Дар таҳти пойи ҳукмаш фарқи мулуки олам,  
Помол бод доим ҳамчун сариру маснад.  
Комил зи баҳри таърих гуфт аз сари башорат  
“Шуд волийи вилоят шоҳ Саййид Муҳаммад”.

### **Таърихнинг таржимаси:**

“Унинг меҳрибонлиги боисидангина шаҳзодага подшоҳлик тахтига қадам қўйиш насиб этган Шоҳ –Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Салтанат боғи ичра бутун олам кўзлари ҳаргиз унинг тик қоматидек сарвни кўрмаган. Унинг тахтга ўтиришидан замона аҳли ҳар лаҳза шодликка яқин, ғам-машаққатдан йироқ бўлди. Унинг умри боқийлигини тилаб халқ ҳар лаҳза унга дунёда мангу мақом тиладилар. Унинг давлати анҳоридан сероблик етиб, умри боғи жаннат боғи мисол адабий бўлсин. Олам подшоҳлари боши тахти каби унинг ҳукми оёғи остида бўлгай. Комил “башорат (хушхабар) боши билан” таъриhini “Шуд волийи вилоят шоҳ Саййид Муҳаммад” – “Вилоят волийси шоҳ Саййид Муҳаммад бўлди” – деди”.

Бу таърих ададда икки камдур, андоқким, “аз сари башорат” иборати анга ишорат қилур.

Ва чун ҳазрати соҳибқирони воломакон жамшиди хуршид сипехри барин маснадида ором тутғандек, салтанат тахтин давлату иқбол била мақом қилди, Тенгри таъоло карамининг далолати ва давлат малҳамининг ишорати била аркони давлат ва аъёни ҳазратдин вазири аъзам, дастури мукаррам, осафсияр, садоқатасар Муҳаммад Яъқуб меҳтар ва Хосса қўшбегиким, неча замондин бери марҳумий хонларнинг отифат ва иноятларидин 20<sup>б</sup> мамлакат масолиҳининг ҳалли уқуди интизоми ва салтанат умурининг даҳлу харжи эҳтимоми аларнинг ройи мулкоройи уқдакушойлариға мусаллам ва муваффақ эрди, ҳамул дастур била ўз мансаблариға мукаррар қилиб, салтанат маҳоми ва мамлакат низомининг ратқу фатқи зимомии аларнинг ихтиёру иқтидорлари илкига топшурди. Ва

саёдатпаноҳ, нажобатдастгоҳ, алолатнасаб Саййид Исмоилхўжа нақиб бошлиғ барча умаройи изом ва умоми икром ва наввоби зулэхтишомни дағи навозиши подшоҳона ва мароҳими хусравонаға махсус тутуб, бурунғи мансаб ва амаллариға мансуб қилди, балки аввалғидин зиёдароқ маносибни аъло ва мадорижи ақсоға еткурди ва ўзга мулозиму ходимларға дағи мартабалариға лойиқ ва ҳоллариға мувофиқ карам ато этиб, бурунғи хизмат ва амалларин бериб, барчасин ўз комларича маҳзуз ва баҳраманд ва ўз маромларича масруру хурсанд қилди.

### 21<sup>а</sup> Қитъа:

Шоҳи дарёатову мулкоро,  
Чунки тахт авжида макон этти,  
Тузгали мамлакат низомини,  
Хусравона карам аён этти.  
Вузароға бериб визоратни,  
Халқ аро ҳукмини равон этти.  
Умарони кўюб ўз ўрнида,  
Кўргузуб лутф комрон этти.  
Барча уммолға бериб амалин,  
Чарх янглиғ рафеъшон этти.  
Лутфу эҳсон қилиб акобирға,  
Қадри шавкатда меҳрсон этти.  
Шафқат изҳор этиб асоғирға,  
Шоду масруру шодмон этти.  
Фуқароға қилиб навозишлар,  
Барчасини фараҳнишон этти.  
Берибон мамлакат ишига низом,  
Маншаъи амн ила амон этти.

Ул ҳазрат умури салтанат саранжоми ва маҳоми мамлакат интизоми шуғлидин навъе фориғ бўлғандин сўнг ҳамул кеча роҳат била иқболу давлат саририда Сулаймон масаллик макон тутуб, мулки карамиға такя қилиб, истироҳат кўргузди ва сўнгғи кунким, ул ҳазратнинг жулуси майманатмаънусининг иккиланчи куни, сешанба эрди, 21<sup>б</sup> зуҳо ҳангомидаким, хусрави ховар фалакнинг суръатгустар ашҳабиға рокиб бўлди, ҳазрати соҳибқирони мамоликситон, шаҳиди саид Қутлуқ Муродхони жаннатмаконнинг намози жанозасин ўқумоқ учун пойи шарофатинтисобин саодат рикобиға кўйуб, давлат якрониға рукуб қилди ва остони малоикпосбониға жамъ бўлган уламоийи изом ва содоти икром ва

умаройи олиймақом ва кубаройи жамэхтишом ва ўзга мулозиму ходими зулэхтиром икки тарафдин қоз қаноти янглиғ саф тузуб, таъзими тамом ва такрими локалом била салом бериб, ихлосу эътиқод илкин баланд кўтариб, хулуси ният ва сафойи тавият била садоқату ақидат тилин бу дуо замзамасиға айирдиларким, **назм:**

Илоҳий, бўлуб давлатинг мустадом,  
Сенга ҳосил ўлсун неким эрса ком.  
Муборак бўлуб мулки давлат сенга,  
Ўтуб чархдин қадру шавкат сенга.  
Ҳақ айтсун раво барча коминг сенинг.  
Шаҳаншоҳлар **22<sup>а</sup>** ўлсун ғуломинг сенинг.  
Топиб дамбадам мулкинг ободлиғ,  
Етушсун замиринг аро шодлиғ.

Ул ҳазрат дағи саодатлиғ илкин кўтариб, аларнинг мундоғ ижобатасарлиғ ва саодатсамарлиғ дуоларин олғандин сўнг ҳамул тоифайи давлатхоҳ ва жамоайи ихлоспаноҳнинг ҳамъинон ва ҳамроҳлиғи била дорулхилофадин чиқиб, хуршиди рахшон нужуми тобон орасида масофат қатъиға жозим бўлғандек, масжиди жомеъ жонибиға озим бўлди.

#### **Маснавий:**

Отланиб хусрави жаҳоноро,  
Тавсани чарх уза қуёшосо.  
Юрубон шавкати тамом била,  
Не адад шўру издиҳом била.  
Қўргузуб ҳайъати нужум сипоҳ,  
Шоҳ ўртасида нечукким моҳ.  
Боши узра гуҳарнигор афсар,  
Ойға қилған киби қирон ахтар.  
Юруб оллида юз туман шотир,  
Шоҳлиғ шавкатин қилиб зоҳир.  
Тутубон ер юзини дабдабаси,  
Етибон чарх узра кавкабаси.  
Садамайи шавкати етиб ҳар ён,  
Аҳли оламини айлади ҳайрон.

**22<sup>б</sup>** Бу янглиғ дабдабайи сахмгин ва бу кавкабайи салобатогин била бориб, масжиди Калоннинг жануби дарвозаси олдиға етти ва ойини мулукона била ул саодатлиғ маконға нузул етти ва муборак хузурининг партави била ҳамул масжид қасносин масжиди Ақсо сахнидек пурнуру хумоюн дийдори мушоҳадасидин масжид

аҳлининг мунтазир кўзларин масрур қилди. Ва хони шаҳиди мағфурнинг наъши ғуфроннишонига издиҳоми қиёматнизом била намоз жанозаси ўқуғандин сўнг “Ман зāра ал-мақāбира фака’анаху зāра ал-анбийā”<sup>1</sup> ҳадисининг савобошно мазмунига амал қилиб, умдату-л-авлиё, зубдату-л-атқиё, маҳрами боргоҳи мулки вадуд ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд ва ат-таҳийата ва-с-санонинг файзосор ва хуршиданвор мазорининг устидаги хонақаҳи сипехр-иштибоҳғаким, ҳазрати соҳибқирони давлатпосбоннинг падари бузругвори, султони **23<sup>а</sup>** фирдавсмакон Муҳаммад Раҳим Баҳодирхоннинг меъмори илтифотидин бино топиб, сафо ва зийнатда гардун гунбазиға таъназан, уллув ва рифъатда арш кунгурасиға сояафкан эрди, мазкур масжиддин чиқиб, ихлос қадами била мазбур бузругворнинг ҳумоюн марқади зиёрати учун хулуси ният била пиёда хиром кўргузди ва жамеъи уламо-ю умаро била зиёратхонайи фирдавснишонға дохил бўлуб, тасарруъ ва мақомда ором тутуб, камоли шикасталик ва фурутанлик била мазкур бузрукворнинг руҳи пурфутуҳидин илтижойи истионат ва истимдоди ҳиммат қилди.

#### **Қитъа:**

Эйки, бўлмоқ истасанг гардун масаллик сарбаланд,  
Айлагил бошингни хоки остони авлиё.

Боғи умринг нузҳатафзо истасанг қилғил фидо,  
Дурри ашқинг марқади жаннатнишони авлиё.

Маснади давлатда гар бўлмоқ тиларсен барқарор,  
Қил зиёрат сидқ ила топсанг макони авлиё.

Нозир ўлмоқ истасанг мақсад юзига **23<sup>б</sup>** сурма қил,  
Хоки даргоҳи малойик посбони авлиё.

Ҳодисоти даҳрдин амн истасанг юз ажз ила,  
Бўл ғубори дарғаҳи доруламони авлиё.

Ул ҳазрат ҳузури дил ва сафойи тавбат била зиёрат эҳрози лавозимин ва дуо нашми эҳтирози маросимин ихлосу одоб юзидин тақдимға еткурғандин сўнг ҳамул мақоми қудсосорда ажзу инкисори тамом била ўлтуруб, соҳибфасоҳат ва хушқироат қориларға каломи раббоний тиловатин буюрди. Ва қорилар фармони вожибу-л-изъон мужиби била тиловат амрида фасихбаён ва жалодатнишон тилларин тажвид қоидаси била Фурқони мажид талаффузиға андоқ аюрдиларким, ҳамул мажлисдаги сомеъларнинг ариғ кўнгилларига ғоятсиз лаззат ва ниҳоятсиз роҳат еткурдилар ва

<sup>1</sup> “Ким қабрларни зиёрат қилса, пайғамбарларни зиёрат қилгандай бўлади”

лийнати лисон била малойи аъло сомёларин ҳайрат мақомиға солдилар ва азбат баён била **24<sup>а</sup>** Масжиди ақсо мусаббихларнинг ақлу ҳушин олдилар ва тиловат итмомидин сўнг Каломуллох хатмони мабсут оятин мазкур бузруквор бошлиғ ҳамул файзосор ҳаволида осудалиғ топған аҳли қубурнинг арвоҳи тоййибалариға бағишлаб, дуо ва фотиҳа лаззатидин баҳрамандлик еткурдилар.

Ҳазрати соҳибқирони хуршидмақом зиёрати қубур ва хатми калом ва дуо-ю фотиҳа русуми итмомидин сўнг ҳамул зиёратгоҳи файзкушодин чиқиб, кавкабайи каёний ва дабдабайи сулаймоний била мурожаат якрониға рукуб қилиб, арк жонибиға равон бўлди.

#### **Назм:**

Миниб отға расми каёний била,  
Юруб шавкати осмоний била.  
Қуёш шонини шавкати синдуруб,  
Жаҳонға ёруғлуқ юзи еткуруб.  
Бўлуб ғарқи ғайрат тамошо эли,  
Юз онча кўҳан тоқи хазро эли.

Бу янглиғ шавкати ҳайратафзо ва савлати садаматоро била арк қасносиға ворид бўлуб, нузули майманат- **24<sup>б</sup>** асар назоҳатидин дорулхилофа сатҳин равзайи ризвон янглиғ тароватгустар, вусули саодатсамар шарофатидин салтанат саририн гардуни гардон масаллик рифъатасар қилди.

#### **Маснавий:**

Шаҳи меҳрваҳиму гардунсарир,  
Ҳадиви қавийбахту равшанзамир.  
Қилиб салтанат маснадида мақом,  
Анингдекки, тахт уза Баҳрому Сом.  
Адолат тарозусини қилди туз,  
Тузарга мамолик ишин қўйди юз.  
Ўзига шиор айлади доду адл,  
Тузуб ўзга тавр ила бунёд адл.  
Бори амр шуғлидин айлаб ружуъ,  
Мамолик низомиға қилди шуруъ.

**Баъзи воқеъоти хужастасамот зикриким, ҳазрати соҳибқирони гетиситон салтанат саририда фароғат била макон тутғандин сўнг иродаий азалий била вуқуъға етти**

Ул жумладин, ул ҳазратким, “ас-султонун зиллуллоҳи фи-ларзи”<sup>1</sup> сифати била мавсуфдур, давлати биносининг **25<sup>а</sup>** аркониға қувват ва салтанати боғининг бўстониға назорат еткурмак учун ўзининг биродарини, яъни бузруквор оқоси, балки давлати абадмуддат хилъатининг зебу зийнатлиғ яқоси, имоду-л-мулк ва-л-миллат, мадору-с-салтана ва-д-давлат, кишварситонлиғ бозусининг неруси ва ҳукмронлиғ бозуси, иззат шажарасининг манфаатлиғ самараси ва асолат самарасининг шарофатлиғ шажараси муржиъи адли изом, мақсаду-л-икром бамаъни жуд, зубдаи аҳли вужуд шаҳзода Саййид Маҳмудни инояти хусравонаға махсус ва авотифи мулуконаға машмул тутуб, муборак жулусининг учунчи куниким, жумод ус-соний ойининг етиси ва чаҳоршанба куни эрди<sup>2</sup>, амируулумаролик мансаби олийсин арзони тутуб ва андоқ иззатлиғ мансаб маснадида ўлтуруб, умаройи аъзам ва кубаройи зулэхтиром орасида садрнишинлик даражаси била сарафроз **25<sup>б</sup>**, балки анжум хайли ўртасида хуршиди жаҳонтоб амиру-л-умаросидек мумтоз қилди.

#### **Назм:**

Ул сарафрози жаҳон, мазҳари жуд,  
Фаҳри олам орасида Саййид Маҳмуд.  
Бўлди иззат била бу олам аро,  
Шоҳ лутфидин амирулумаро.  
Пойи қадри фалакдин ўтти,  
Даҳр эли соясида ер тутти.

Ва ҳамул кун ул ҳазрат камоли карам ва ғояти мурувватдин Муҳаммад Ниёз девонбегини музаккийлик ва девонбегилик мансабидин маъзул этиб, анинг ўрниға ул хизматкори қадимий ва жонсипори самимий ихлоставъом, никушайам Муҳаммад Мурод маҳрамни закот ахзига омил ва девонбегилик мансабининг олий даражасиға восил қилиб, аркони давлат ва аъёни ҳазрат орасида қадриға баландлик ва мартабасиға аржумандлик еткурди.

#### **Қитъа:**

Боқса ҳар кимга лутф бирлан шоҳ,  
Эл орасида аржуманд бўлур.  
Рутбайи жоҳи чархдин ўтубон,  
Уйлаким, меҳри сарбаланд бўлур.  
**26<sup>а</sup>** Ҳарна ишким қилур ривож топиб,

<sup>1</sup> “Султон Аллоҳнинг ердаги сояси”

<sup>2</sup> Милодий 1856 йил 5 февраль.

Халқ оросида дилписанд бўлур.

Ва мазкур ойнинг секизида, панжшанба куниким, ул ҳазратнинг ҳумоюн жулусининг тўртинчи куни эрди, нолойиқ ҳаракатлар сабаби била Раҳимбердибий ибн Аллоҳберди тўранинг холи саҳифасиға азл рақамини чекиб, анинг ўрнига олийшон, рафеъмакон, манзалатнишон, ҳимматтавамон, зубдаи арбоби вужуд шаҳзода Саййид Султон Маҳмуд валади аршади подшоҳи жаннатмакон Аллоҳкули Баҳодирхон сақаллоҳу сирраҳуни авотифи мулуконаға махсус тутуб, бийлик хилъати хосин қомати қобилиятиға ихтисос бериб, умаройи изом ва кубаройи зулаҳшом оросида садрнишин қилиб, зурвайи мартабасин аълоий илийиндин ўткарди.

#### **Маснавий:**

Ул самин гавҳари дарёи шуҳуд,  
Софтийнат тўра Султон Маҳмуд.  
Шоҳ лутфи била хуррам бўлди.  
Олам ичра бийи аъзам бўлди.

**26<sup>б</sup>** Етти гардундин ўтуб пойи анга,  
Тушти кун боши уза соя анга.

Ва мазкур ойнинг тўккузида, жумъа куни ҳазрат соҳибқирони гетиситон, карами жибиллий ва саховати азалий муқтазоси билаким, зоти малаксифотида хуршиди рахшон зиёсидек муттасил ва гавҳари мулктобон сафосидек мустаҳид эрди, жамеъи уламоий олиймиқдор ва умаройи қавийиқтидор ва гардуншавкат шаҳзодалар ва хуршидманзалат озодаларни арк фазосидағи зиёфатхонайи давлатнишонға ундаб, ўзининг муборак жулуси шукронаси учун сури фаҳим ва жашни азим музайянат ва муҳайё қилдурдиким, гардуни суръатнамун хонсолори неча йиллар жаҳони буқаламун тўйхонасин тамошо қилиб, анинг мисолин мушоҳада қилмамиш эрди, балки анинг назари ҳаргиз хаёлиға келмамиш эрди.

#### **Маснавий:**

Аён ўлди ажаб жашни дилоро,  
**27<sup>а</sup>** Ки анвоъи ниъам эрди муҳайё.  
Топиб мажлис анингдек зебу зийнат,  
Ки эрди ғайрати гулзори жаннат.  
Таоми барча руҳафзо ва қандин,  
Шароби барча лаззатбахшу ширин.  
Бўлуб ҳар бирисидин роҳатафзо,  
Емак завқин малакка қилди пайдо.

Бари ширинлигин шарҳ айласа тил,  
Ики лаб бирла шаксиз ёпишур дил.  
Бўлуб бари ҳайронға ақл ила ҳис,  
Баридин комин олиб аҳли мажлис.  
Дегай неча ҳосил айлаб айш-ишрат,  
Топиб андозасиз иқболи баҳжат.  
Бари айлаб шаҳаншоҳға дуолар,  
Қилиб ихлос ила мадҳу санолар.  
Дуодин сўнгра ул жашн аҳли бари,  
Тарабдин ёнди ўз маъвоси сари.

Мазкур ойнинг шанба куни Раҳматуллоҳ ясовулбоши ямут муфсидлари орасидан келиб, аларнинг кизбосор ва нифокнамудор сўзларин арзи аълоға еткурди.

Бу ижмол тафсили **27<sup>б</sup>** улким, Қутлук Муродхони жаннатмаконнинг қиёматнишон воқеаси ҳангомидаги қатли олда Хивақ шаҳрининг суккон ва фуқаросининг жалодатнишон шужаоъси тиғи зарбидин баъзи ажал етмаган ямут муфсидлари юз меҳнат ва минг машаққат била қочиб, қутулуб, ўлум ҳолида ҳазрат Исми Маҳмуд ота алайҳи-т-таҳийот ва-с-санонинг мақбарайи пурсафоси ҳаволисидаги ямут ўбасиға ҳар тарафдин бориб, жамъ бўлдилар.

Бу нусхайи мухтасарни мутолаа қилғучи аҳли хабарнинг хотири раиятпарварлариға маълум бўлсунким, Убайдуллоҳхоннинг салтанати замонида ямут муфсидлари фасод ва инод ғуборин аён қилиб, мухолафат якронин ҳасорат майдониға суруб, Хивақ музофотидин кўчуб, Кўҳна Урганч савбиға (тарафи) юз урғанда, Ўрус қушчи тийрасининг фатонатшиор ва давлатосор сардори **28<sup>а</sup>** Хўжаниёз вакил камоли дурбинликдин кўрнакмаклик вуболин қадимхизмат-лик бўйниға олмай ва мухолафат пардасин мутобақат юзига солмай, ул бедавлат тоифадин айрилиб қолиб, тахминан минг чоғлиғ уйлук била мазкур бузрукворнинг мазори файзосори жаворида мутамаккин бўлуб, итоат ва фармонбардорлиғ сироти мустақимида барқарор ва устувор туруб, хизматкорлиғ ва жонсипорлиғ русумин камоҳаққиҳи изҳор қилур эрдилар. Ямут муфсидлари ул жамоа ўбасининг ҳар тарафиға бориб, жамъ бўлғандин сўнг Бобо баҳши бошлиғ барча муфсидлар иттифоқ била Хивақ шаҳрининг аҳволидин хабар олмоқ учун макру нифок юзидин Байрамали сардор бошлиғ уч-тўрт кишини элчи ясаб мундоқ кизбосор сўзлар била йибормиш эрдиларким: “Бизлар

гумроҳлар нописандида афъолимизнинг жазосин ва нолойиқ аҳволимизнинг сазосин **28<sup>б</sup>** топдуқ. Эмди барча фасод ва туғёнимизга надомат ва ағзор ва жамеъи инод ва исёнимиз учун тавба ва истиғфор қилибдурмиз. Мундин буён ҳар турлук хизмат буюриб, ҳар навъ ишни амр этсалар, жону дил била қабул қилурмиз. Ул ҳазрат эмди карам қилиб, ўтган журму гуноҳларимиз жаридасиға афву эҳсон рақамин чексунлар”.

Агар чандеки, ҳазрати соҳибқирони гетиситоннинг хотири дарёмақотириға ул шақоватнишон тоифанинг бу сўзлари кизби хуршиди рахшондек партавафкан эрди, аммо замон муқтазоси била ул муфсидлар сўзининг зоҳириға қараб, авфу эҳсон ваъдаси била иноят ва истимолатнома ёзиб, Раҳматуллоҳ ясовулбошиниким, Абдуллоҳхон, аъни ясовулбошилиғ мансаби ва салтанат даргоҳининг хизматидин маъзул этмиш эрди, мароҳими хусравона била **29<sup>а</sup>** остони давлатпосбониға ундаб келтуруб ямут элчилариға сифорат расми била қўшуб ирсол қилмиш эрди. Ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши борғандин сўнг ул бедавлат муфсидлар камоли шақоватдин анга бир неча беҳуда ва ҳаззон сўзларни айтиб қайтариб, ўзлари ўз сангарлариғаким, Хонобод мавзеида эрди, равон бўлдилар.

Раҳматуллоҳ ясовулбоши мазкур бўлган кун, яъни жумод ус-соний ойининг ўнида шанба куни<sup>1</sup> даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозаматиға келиб, муфсидлардин эшитган ақвол ва кўрган афъолни мавқиди арзға еткурди.

### **Жамшидия халқининг Хоразм мамлакатидан Хуросон вилоятиға кўчгани**

Васиқайи ажубнамонинг қасабабардори ва бу намиқайи ҳайратангизнинг воқеатарозини хомайи бадойиъасар бу янглиғ ҳикматнигорлиғ қилурким, ноаҳл бегонаға ошнолиғ умиди била бир ният **29<sup>б</sup>** қилмоқ, йилондин дўстлиғ тилаб, қўюн ичра парвариш кўргузмакдур. Ва ноқобил бедавлатға беҳуда тамаъ била мурувват этмак шўразордин гул кўкармак истаб, тухум сочмоқ расмин тузмакдур. Нединким, анга ҳар нечаким тарбият қилсанг, ҳаргиз бегоналиғ зойил бўлмас ва мунга ҳар нечаким, мурувват этсанг, асло бедавлатликдин ўзга нима ҳосил бўлмас!

<sup>1</sup> Милодий 1856 йил 16 февраль.

Охируламр “куллу шай’ин яржи‘у илā аслиҳи”<sup>1</sup> мазмунининг муқтазоси била жамеъи офоқ ва ажнос ўз аслиға рожиъ бўлур ва тарбият ва мурувват қилғучининг саъй ва кўшиши бекору зойеъ бўлур.

Бу мақоли ҳикматмаол назойиридиндур, жамшидий тоифасининг ҳоликим, ул тоифа Хоразм подшоҳларидин кўп тарбият ва шафқатлар кўрдилар, аммо сўнгроқ хизматкорлиғ ва жонсипорлиғ русумин аён қилмоқ вақти етушган ҳолда кўрнамаклик кўргузуб, **30<sup>a</sup>** мувофиқат ўрниға мухолафат осорини намоён эттилар. Ва вақтни ғанимат билиб, амвол ва аҳшоми била кўчуб, Хуросон диёриғаким, ватани аслийсиди эрди, кеттилар. Бу мужмал муфассали улким, жамшидий тоифасиким, ўзларининг зоти шарорат ва жулуси бедавлатлиғи сабабидин неча умрлар Хуросон диёрида ниҳоятсиз ифлосу идбор ва ғоятсиз фалокату изтирор била рўзгор ўткаруб, юз меҳнату минг машаққат бирла ўлум ҳолида бир бармоқ нон топиб, рамақи жон ва махмаса балосиди чангидин омон қутулур эрдилар.

Чун Раҳимқулихони жаннатмакон отасиди мағфиратнишон Аллоҳқули Баҳодирхоннинг фармони била анинг зафариктиро замонида сиғир йили, санайи минг икки юз эллик еттида<sup>2</sup> сипоҳи бекарон била Хуросон мамлакатига бориб, мазкур тоифани Хоразм вилоятиға кўчуруб келтуруб, Қиличниёзбой қалъасиди тавобеъидин **30<sup>b</sup>** ўзларининг хоҳлаған еридин маъво ва сукно ва зироатгоҳ таъйин этти. Ва аларнинг тарбият ва тақвиятиға ул миқдор саъй ва кўшиш қилдиким, оз чоғда давлат ва сарват бобида жамеъи Хоразм лашкариясиға фойиқ ва рожиҳ келдилар ва аларнинг олийшон сардори Мир Муҳаммадхон мазкур подшоҳларнинг давлатлари қуввати била ўн беш йил муддатиғагача хизматкорлиғ сулукида навъи иқдом кўргузур эрди. Ва ул Абдуллоҳхоннинг воқеайи ҳойиласида мақтул бўлди. Бу воқеа вуқуъидин сўнг анинг инисиди Маҳдикулибек жамшидия лашкари била Қиличниёзбойда ўз элати орасиға борди. Ўзин мол ва дунё важҳиди била ўзга тоифадин ғани ва сарафроз ва оту яроғ бобида сойир лашкаридин мустағни ва бениёз кўрди. “Иннал инсāна лайатғā арра’аху-стағнā”<sup>3</sup> каримасиди мазмунининг муқтазосиди била **31<sup>a</sup>** исён ва туғён ғубори палид димоғиди кошонасида ўлтурди. Ва атрофиға бир ҳисориди чархнамудор

<sup>1</sup> “Барча нарса ўз аслиға қайтади”

<sup>2</sup> Ҳижрий 1257 йил милодий 1841 йил 28 июлдан бошланади.

<sup>3</sup> إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنُفٍ (”Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. (Бунга) сабаб ўзини бой – беҳожат санашидир”). “Алақ” сурасиди, 5-6-оятлар)

бино қилиб, инод ва фасод туғин кўтариб, Қутлуқ Муродхони фирдавсмаконнинг салтанати замонида мамолики махрусанинг атроф ва жавонибиға чаповул урди. Ва фуқаро ва бароёнинг молу мавошосиға таъадди қўлин узатиб, ҳар элнинг йиғноқи бошиға татовул оёқин еткурди ва мунга дағи қонёъ бўлмай, охируламр мухолафат ва адоват аламин бар алония жилвагар қилиб, тамоми лашкари била келиб, Қиличниёзбой ва Хитой қалъаларин олиб, кўп бегуноҳ фуқарони зулм тиғи била қатлға еткуруб, барча амвол ва ашёсин ғорат ва торож этиб, қолғанин кўчуруб, ўз ҳисориға олиб борди ва неча мартаба Манқит ва Гурлан устига дағи адоват ва шамотат маркабин сурди ва ниҳоятсиз шўру шаросорин **31<sup>б</sup>** мамолик ақторида зухурға еткурди.

#### **Маснавий:**

Кўнгул ножинсга бермак хатодур,  
Ки хилқатда сенга ноошnodур.  
Эрур бегонаға тарбият этмак,  
Йилоннинг захриға тақвият этмак.  
Буларға ҳар нечаким қилсанг эҳсон,  
Сенга охир бўлурлар қосиди жон.

Ва чун Қутлуқ Муродхони ғуфроннишоннинг воқеайи ҳайратангези ва ҳодисоти ҳасратомези ва ямут муфсидларининг қатли ом ва растахези воқеъ бўлуб, ҳазрати соҳибқирони давлатпосбон таъйидоти субҳоний ва ташфиқоти яздоний била салтанат саририда макон тутти, Маҳдиқулибек жамшидий бу давлати абадиймуддат нисбатида зухурға еткурган туғён ва исёнлар кўплиги жиҳатидин ул ҳазратнинг сиёсати ҳисоми ва интиқоми самсоми хуношомлиғидин ҳаросон ва беором бўлуб ва вақтни муғтанам билиб, эҳтимоми тамом била сафар асбобиға **32<sup>а</sup>** саранжом бериб, ҳазрати соҳибқироннинг саодатнишон жулусининг секизинчи куниким, жумоди ус-соний ойининг иккиси, душанба куни эрди<sup>1</sup> барча аҳшом ва аёл, атбоъ ва атфол, ағном ва амволи била ўз қалъасидин кўчуб, Хуросон вилоятининг азмин пешниҳоди хотир қилиб, дарёйи Жайхун канори била юқори жонибиға равон бўлди.

Ва ҳазрати соҳибқирон ул тоифайи шақоватнишоннинг бевафолиғ ва ноошнолиғин таҳқиқ билиб, азиматлариға монёъ бўлмади.

#### **Байт:**

---

<sup>1</sup> 1856 йил 10 февраль.

Кимга кўп бўлса нафъидин зарари,  
Яхшироқ борса юртдин асари.

Аммо ул касофатасар ва шақофатпарвар жамоанинг мурури жиҳатидин мамолики маҳрусага нуқсу зарар етмасун деб, ҳазму эҳтиёт тариқаси била ҳаросат ва нигоҳбонлиғ учун олийшон умародин хуршидмакнат, гардунсавлат Боғибек бекларбекини бош қилиб, ихлос ва эътиқоднамой ва сийнаозмой **32<sup>б</sup>** ва баъзи жалодатинтимой лашкария била Урганч қалъасига номзад қилди. Ва рафеъмакон беклардин жалодат ва шижоаторо Муҳаммад Ризобек ибн амири кабири равшанзамири жаннатсарир Шохниёз оталиқни бир фавж навкария била Хонақоҳ ҳисорининг муҳофазатиға маъмур этти. Ва жалодатнишон шаҳзодалардин хуршидшон, сурайёмакон шаҳзода Султон Маҳмудбийни сархайл қилиб, умаройи жонбоз зумрасидин аҳли қипчоқ акобириға фойиқ Ҳакимниёз оталиқ ва қўнгрот изомидин вазири мукаррам Хосса қўшбеги ва ғайрахумни бир жамоа сипоҳ била Ҳазорасб кўрғонининг нигоҳбонлиқиға ирсол этти. Токим, жамшидий тавойифининг мурури ва ул сибоъсифат жамоанинг убури зараридин саҳронишин ва канорагузин фуқаронинг амвол ва ашёсиға ҳаросат ва посбонлиғ кўргузуб, бароё аҳволиға амну осудалиғ еткургайлар. Ва ул Тенгри таъоло раҳматининг ноумиди, **33<sup>а</sup>** яъни тоифайи жамшидия мамолики маҳруса музофотидин чиқиб кетгунча, бир тарафдин қора кўргузуб, лашкар аснофининг сафин тузуб, ҳар гоҳ тушса тушуб, юрса юргайлар.

Ва чун жамоаи боғия ва тоифайи тоғия камоли ваҳму ҳаросдин ҳар манзилда аҳмолу асқол ва ғалла-ю амволин ташлаб, азимат амрида сарсармисол бедаранг ва беаҳмол сайру суръат кўргузуб, Урганч қалъаси муҳозисидин ўтти, Боғибек бекларбеги фармони вожибу-л-изъон мужиби била ҳамул қалъадин руқуб қилиб, рикобидағи оломонни сафин тузуб, анинг муқобаласида юрутти. Ва чун арбоби инод барқу боддек шитоб била Хонақоҳ ҳисори қўшидин ўтуб, юқори жонибға юз урди, Муҳаммад Ризобек қошидағи сипоҳ била ҳамул ҳисордин чиқиб, мазкур бекларбегига ҳамроҳ бўлуб, жамшид черики муқобаласида юрди ва Сайид Алихон **33<sup>б</sup>** тўранғуси отлиғ мавзеъға етганда, баъзи лашкария бебошлиғ қилиб, ўлжа ва асир олмоқ тамаъи била бағий ва инод аҳлининг кўчининг бир тарафиға татовул қўлин узатиб, дастбурди азим еткурдилар ва инод аҳли бу ҳолдин хабар топиб, ҳайъати ижтимоъи била сипоҳи нусратпаноҳ жонибиға жалодат маркабин

сурдилар ва талоқийи фариқайн<sup>1</sup> зухурға етиб, оз фурсатда андак жангу жидол воқеъ бўлди. Ва ҳар тарафдин бир неча киши қатлга етгандин сўнг, икки фирқа ҳам масофат майдонидин юз буруб, ўз сафиға равон бўлдилар. Ва Ҳазорасб кўрғони кўшиға ёвуқ етганда ул ҳиммат ва шижоат аҳлининг мунтажи шахзода Султон Маҳмудбий рикоби саодатинтисобидаги умаро ва сархайл ва лашкария била отланиб, жарму ихтиёрин русумин тузуб, ул дарёнинг музофот ва элотиға муҳофазат ва ҳаросат кўргузуб, **34<sup>a</sup>** жамшид тавойифининг палид кўчин Фитнак ва Тевабўюн худудидин ўткариб юборди. Ва ул жамоанинг касофатнамуд вужудлари жинсу хошокин Хоразми жаннатбазм гулшани фазосидин кетарди. Ва андин сўнг барча умаро ва саркарда ва лашкария Ҳазорасбда мужтамиъ бўлуб, иттифоқ била мурожаат қилиб, мазкур ойнинг йигирма учида, жумъа куни<sup>2</sup> остони давлатпосбон мулозаматиға келиб, авотифи подшоҳонадин хуррам ва шодмон бўлдилар.

### **Ҳубби эшон била Қорли юзбошининг сифорат тариқаси била човдар орасиға борғани**

Бу воқеа баёни улким, Абдуллоҳхони марҳумийнинг ваҳшатнамо ва даҳшатафзо ҳодисасидин сўнг човдар халқидин абдол тийрасининг саромад ва кўлдоши, шақоватмаол Хўжа Муҳаммад юзбоши ул тоифанинг баъзи ҳаромий ва авбошлариға бош бўлуб, атроф ва жавонибдағи ёвуқ элатға **34<sup>b</sup>** неча мартаба чаповул урди. Ва саҳронишин фуқаронинг амвол ва ашёсин ғорат ва яғмо қилиб, кўп шарру шўрлар зухурга еткурди. Ва охируламр фасод ва нифоқ бобида ўзига иттифоқ кўргузган муфсидлар била кўчуб, Кўҳна Урганч ҳаволисиға бориб мутамаккин бўлди ва баъзи сиддиқойин ва оқибатбин тоифа мухолафатда анга муттафиқ бўлмай, бу давлати рўзафзун ҳаводорлиқи била Кўкчага мавзеъининг ёвуқида йиғноқ қилиб ўлтурдилар. Ва бу овонда ул жамоанинг баъзи кадхудолари зухду тақвонишон Қазоқбой эшоннинг ҳамроҳлиғи ва раҳнамолиғи била инқиёду тоат ва ихлосу мутобаатларин аён қилмоқ учун остони қавийбунёд тақаббули давлатиға истиод топмиш эрдилар.

Ҳазрати соҳибқирони эҳсонманиш камоли карам ва бахшишидин ул жамоаға ниҳоятсиз ато ва навозишлар **35<sup>a</sup>** кўргузуб, жумод

<sup>1</sup> Икки карама қарши гуруҳнинг тўқнашуви

<sup>2</sup> Милодий 1856 йил 29 февраль.

ус-соний ойнинг йигирмасида<sup>1</sup>, сешанба куни олийшон, рафеъ-макон Хубби эшон била Қорли юзбошини аларга элчи йўсунлук қўшуб, қолган кадхудолариға марҳамат ва шафқат юзидин иноят ва истимолатнома йиборди. Ва мазкур ойнинг олтисида душанба куни ул ҳазрат аркони давлат зумрасидин ул сипаҳдори муҳтарам ва сархайли муҳташам, ғайрат ва шижоаттавъом Муҳаммад Яъқуб маҳрамни Ҳилолий қалъасининг забт ва ҳаросати иштиғоли учун бир гуруҳ таҳаввур ва саромадиштимол мубориз йигит била ирсол қилди.

Ва ражабу-л-муражжаб ойнинг ғуррайи ғарроси ва шанба куни<sup>2</sup> кечаси ибтидосида ҳазрати ҳадиви комкори карамшиор отифати зотий ва мултафити сияршиор муқтазоси била Раҳматуллоҳ ясовулбошиниким, Абдуллоҳхоннинг замонидин бери ясовулбошилиғ мансабидин маъзул эрди, ҳамул мансабни анга **35<sup>б</sup>** арзоний тутуб, аркони давлат орасида сарафроз ва сарупойи подшоҳонайи тиллобоф ва ханжари зарриндастайи мурассаъғилоф инъоми қуёшдек олам аҳли ўртасида мумтоз қилди, ва мазкур ойнинг иккисида<sup>3</sup>, якшанба куни қиёт халқининг шижоатсамат саркардаларининг қоплони ҳарби салобатнишон Сайид Назарбий “валлоҳу йад‘ӯ илā дāри-с-салām”<sup>4</sup> даъвати нидосин сомеъи азъон била масмуъ этиб, жаҳон зиндонидин фирдавси ризвон гулистониға равон бўлди.

Ҳазрати соҳибқирони макруматнишон лутфу эҳсон юзидин мазкур бийнинг давлатосор халафи Муҳаммадёрбекни илтифот назариға манзур қилиб, отаси ўрниға бийлик мансаби киромисин бағишлаб, хотири вайронасин маъмур ва мундоқ марҳамат била ниҳоятсиз хурраму масрур этти. Ва мазкур ойнинг жумъа куни Худойберган **36<sup>а</sup>** ўрус ямут орасидан келиб, барча журм ва исёни маъфу бўлди.

Бу воқеъа баёни улким, салтанат остонининг жалодатнишон мулозимлари зумрасидин Худойберган юзбошиким, “Ўрус” лақаби била машҳурдур, шаҳид Сайид Қутлук Муродхоннинг салтанати замонида баъзи исён ва густохликлари сабаби била даргоҳи олампаҳоқ мулозаматидин Қиличниёзбой ва жамшидий муфсидларининг орасиға бормиш эрди ва бир неча муддат ул муфсидлар

<sup>1</sup> 1856 йил 26 февраль.

<sup>2</sup> 1856 йил 15 март.

<sup>3</sup> 1856 йил 9 март.

<sup>4</sup> وَاللّٰهُ يَدْعُوْ اِلٰى دَارِ السَّلَامِ (“Аллоҳ (одамларни) салом диёри (жаннат)га чорлайди”, “Юнус” сураси, 25-оят)

сархайли Маҳдиқулбекнинг хизматида бўлуб, кину нифоқ амрида анга иттифоқ кўргузуб саъй ва ижтиҳод била анинг аёғи ва фасоди силсиласин ҳаракатга киргузур эрди. Ва жамшид халқи ватани аслийсига кўчгандин сўнг ул бадфаржом тоифанинг ичида ором ва кўнгли истагандек **36<sup>б</sup>** ком топа олмай, ўз ишига ҳайрон ва ўз равишидин нодиму пушаймон бўлуб, охируламр ҳазрати соҳибқирони карамнишоннинг подшоҳона афв ва инояти умиди била ямут орасидин қочиб чиқиб, мазкур бўлган кун Хивақ шахрига дохил бўлуб, ул ҳазратнинг биродари аржуманди, амирулумаро, муржиъи арбоби вужуд, маниъи зилоли эҳсонвужуд шахзода Сайид Маҳмуднинг олий остони доруломониға ўзин ташлаб, ул жанобнинг ожизнавоз марҳаматин улуғ нуқсон ва исёниға шафеъ қилди.

Ва ул жаноб замири эҳсонмаоб муқтазоси била ҳазрати хадиви хуршидрикобнинг мажлиси жаннатинтисобида борёб, ҳузури лозиму-с-сурур бўлуб, подшоҳона икром ва одоб била анинг зунуби била ҳисоб ва жаройими вожибу-л-эҳтисобин тилади. Ул ҳазрат камоли марҳаматдин ул жанобнинг шафоатин қабул **37<sup>а</sup>** қилиб, анинг жароиди жаройим ва саҳойифи осойимиға афву иғмоз арқомин чекиб, бурунғи дастурда атабайи давлатфаржом мулозамати рухсатин бериб, фориғбол ва шодком қилди. Ва ҳамул овонда Сайид Назарбекнинг беш-олти хизматкорини тутуб, сиёсат дориға овезон ва иниси Абдурраҳмонбекни дағи ғазаб зиндониға солиб, беному нишон эттилар.

Бу қисса баёни улким, накбатасар ва шароратпарвар Сайид Назарбек валади амжади амири кабир Муҳаммад Назар иноқ, подшоҳи мағфиратнишон Қутлуқ Муродхоннинг маҳшарасар воқеаси вуқуъининг машваратида кичик иниси Муҳаммад Ниёзбий ва ямут муфсидлари била муттафику ҳамдастон эрди, аммо чун мақсуди баракс бўлуб, Муҳаммад Ниёзбий ғазаби охи сарпанжасиға тутулуб, ҳазрати соҳибқирони гетиситон хуршиддек салтанат авжида макон тутти ул бу ҳодиса истимоъидин афюн **37<sup>б</sup>** мастлиғи устига банг еган кишидек мабхут ва данг-данг бўлуб, ҳамул ғавфо асносида баъзи тарокима муфсидларига кўшулуб, ўғли Абдурраҳимбек била шахардин чиқиб, фирор тариқин ихтиёр қилди. Ва тарокима тавойифидин имрали муфсидларининг сардори ва шақоватшиори Авазмуҳаммад вакилнинг ўбасиға толеъи забун далили раҳбарлиги била бориб, анинг вақосида макон тутуб, бир неча муддат меҳмон бўлди ва ҳар нечаким, анинг адоват ва шарорати найрангининг илтиҳоби учун мўрича жунбонлиғ

кўшишин аён қилди, аммо савдойи хоми кабобин ўз комича пишура олмай, бағоят малул ва паришон бўлди.

Бир неча вақтдан сўнг ул шўрбахти кўртолеъ мазаллати зотий асокашлиги била имрали орасидин чиқиб, оворалиғ сахросиға расволиғ юзин урди ва дарбадарлик тариқаси била жамшидия тоғийларининг **38<sup>а</sup>** орасиға ўзин еткурди.

#### **Қитъа:**

Кимки, юртидин чиқар ўз шоҳига айлаб инод,  
Неча ким бўлса азиз, ўлғуси хору дарбадар.  
Урса юз ҳарён, бўлур идбору зиллатға дучор,  
Солса кўз, ҳар сари топмас бахту давлатдин асар.

Ва ул мудбири накбатмуосир, яъни Саййид Назарбеки тийрахотир жамшидия муфсидларининг сардори Махдиқулибеки кофирнеъматнинг қошида бўлуб, хаёли фосид ва таманнойи косид гуруҳиға димоғи қазосида йўл бериб, бир неча айём савдойи хом шоматидин нокомлиғ била рўзгор ўткарур эрди ва жамшид халқи Хоразм диёридин Хуросон сари кўчар ҳангомида яна имрали орасиға бориб, мутамаккин бўлмиш эрди ва айём мурури ва авқот убури жиҳатидин очу яланғоч ва баъзи асбобға муҳтож бўлуб, баъзи кишиларин иниси Абдуррахмонбекнинг қошиғаким, шаҳар ичидаги ҳавлисида бўлур эрди, пинҳоний йиборур эрди **38<sup>б</sup>** ва Абдуррахмонбек дағи хуфиятан оқосининг эҳтиёжин муҳайё қилиб, нуқуду асбоб ва ашё йиборур эрди ва ҳамиша бу давлати абадмуддат адоватиға мубодарат кўргузуб, биров-бировига кўнгул беришиб, сир олишур эрдилар. Ногаҳ бу ҳолдин даргоҳи фалакмисолнинг давлатхоҳ ва ихлосиштимол мулозимларининг баъзиси огоҳлиғ топиб, ҳазрати соҳибқироннинг самъи ҳумоюниға еткурдилар. Ва алар бир неча таҳқиқ ва тафтишдан сўнг ўзларининг журму гуноҳлариға иқрор ва Абдуррахмонбекнинг бу давлати рўзафзун бадхоҳлиқида оқосиға ёр ва мададкор эрканин изҳор қилдилар.

Ложарам, ҳазрати хадиви комкори **39<sup>а</sup>** душманшикорнинг шаҳнайи ғазаби аларнинг барчасин сиёсат дориға овезон ва Абдуррахмонбекни адам зиндони укубатгоҳи гўшасида пинҳон этти.

#### **Қитъа:**

Эй кўнгил, яхшилиғ шиор этким,  
Яхшилиғ келди яхшиларга сазо.  
Эҳтироз айлагил ямонлиғдин,

Ки ямонлиғ эрур ямонға жазо.

### Луй йилининг вақойеъи

Луй йилининг вақойеъи касиру-т-тадоъиким, яъни тарих ҳижрий минг икки юз етмиш иккига<sup>1</sup> мутобиқ эрди.

Чун ҳазрати соҳибқирони мамоликситоннинг жулуси саодатмаънусидин ўттуз секиз кун тамом ўтгандин сўнг ражаб ойининг ўн тўртида<sup>2</sup>, панжшанба куни асъади соот ва аҳсани авқотда офтоби оламтоб чобуксувори кўҳна масканин янги масканға табдил этти, яъни ҳут даштидин ҳамал бўстониға таҳвил топти. Наврўзи оламафрўз кириб, баҳор султони караму эҳсон маснадида ўлтуруб, анинг фармони била бўлуб хозини хайр ва сахо **39<sup>a</sup>** хазойини эшикларин очти ва лутфу ато сарпанжаси била ер юзига ниҳоятсиз дуру гавҳарлар сочти ва гулзор саҳнида азҳор дилраболарининг мусаффо пайкарига зебу оро бермак учун гулгун ҳуллалар кийдурди ва ашжор барноларининг зебо қоматиға яшил тўн ва олтун тугмалар била ўзга янглиғ зебу зийнат еткурди.

Ҳазрати соҳибқирони карамнишон ҳамул кун базми наврўзий тузуб, Ҳотам масаллик саховат саририда макон тутти ва ҳузури комилу-с-сурур нуридин аркони давлат махсусларининг дийдаи муродларин ёрутти. Лутфи оми соқийси карам жомидин даргоҳи давлатпаноҳ мулозимларининг муддаолари комин саршор ва шодоб ва инъом бодасидин остони фалакиштибоҳ ходимларининг таманнолари жомин лабресу сероб қилди. Хусусан, аксар умаройи надиму-л-хилват ва ахасси кубаройи қадиму-л-хизматни инояти хусравона ва марҳамати **40<sup>a</sup>** мулуконаға махсус тутуб, рангин хилъатлар ва заррин камарлару бетрахмин зару зеварларким, наврўз базмининг лозимасидур, инъом қилди. Ва барчанинг пайкони давлатпарварлариға гул шоҳидлари масаллик ранг-баранг либослар била зебу зийнат ва қомати саодатасарлариға шажар дилбарлари янглиғ навба-нав хилъатлар била шону шавкат еткурди.

Ул жумладин фақирким, ул остони малоийикпосбон мулозимлари зумрасиға дохил ва ҳамул базми беҳиштнишон

---

<sup>1</sup> 1856 милодий.

<sup>2</sup> 1856 йил 21 март (Пайшанба куни бўлса, 20 март, 21 март жума кунига тўғри келади). Электрон тақвимдан Огаҳий келтирган кунлар бир кун фарқ қилади. Ҳижрий тақвим мусулмон мамлакатларида бир кунга фарқ этиши мумкин. Шунга кўра, Огаҳий маълумотлари электрон тақвимга мос деб ҳисоблаймиз. Буни Наврўз кириб келган кун (21 март) ҳам тасдиқлади.

ходимлари фирқасиға восил эрдим, ҳамул Наврӯз кечаси Наврӯз таърифида ул ҳазрат тавсифиға муштамил бир қасидаи ғарро назм қилиб, назари анвар мутолаасиға еткурмиш эрдим, ул қасида ул ҳазратнинг табъи шарофатпарварлариға мақбул тушуб, мароҳими хусравона била бир пойча пўстин ва бир мовий чакман ва тахта-тахта чой-ю тева-тева қанд девонбеги ҳиммати фаржомидин наврӯзлик **40<sup>б</sup>** учун инъом бўлди.

#### **Назм:**

Тузуб базме султони дарёато,  
Очиб панжайи жуду хайру сахо.  
Халойиқға инъоми ом айлади,  
Борин комича шодком айлади.  
Илоҳи, бериб Тенгри комин анинг,  
Ўтурсун фалакдин мақомин анинг.  
Анга ҳосил этсун не эрса мурод,  
Муборак замирин фараҳноку шод.  
Ўтурсун фалак авжидин поясин,  
Етурсун жаҳон бошиға соясин.  
Қилиб амр ила давлатин барқарор,  
Қиёматғача айласун пойдор.

#### **Қароқалпоқ бийларининг Зорлиқхон ва баъзи ямут муфсидларин тутуб, остони фалакошиён пешгоҳиға келтургани ва сиёсати подшоҳона шаҳнаси аларни ўз амаллари жазосиға еткургани**

Бу ижмол тафсили улким, Абдуллоҳхоннинг воқеайи шаҳодатидин сўнг Қутлуқ Муродхони жаннатмаконнинг салтанати замонида қароқалпоқия қўнротининг қўлдовли уруғидин **41<sup>а</sup>** ул шақоват ва залолат зумрасиға сархайл ва сардафтар Эрназарбий камоли жаҳолат ва ғояти шароратидинким, ҳабис тийнатида мухаммар эрди, бир неча бебош авбошға бош ва бир гуруҳ бетариқ ҳаромиға йўлдош бўлуб, саводи ботил ва хаёли беҳосиға тушуб, бедавлатлик девининг васвоси ва беҳурматлик шайтонининг ҳавоси<sup>1</sup> била бу давлати абадмуддатнинг инод ва адовати макрин истиҳзоси шамотати белига маҳкам боғлади. Ва кўп ҳийла ва тадбир ва васваса ва тазвир била ўзга қароқалпоқ тавойифининг

<sup>1</sup> *هواسي* эмас *حواسي* деб тушунинг. Қўлзмада тўғри ёзилган, яъни шайтоний ҳислар, ўй-хаёллар. Уни “ҳавосси” деб ўгириш ҳам маъқул.

аксар бий ва кадхудоларин дағи итоат ва инқиёд тариқи мустақимидин чиқариб, мухолафат амрида ўзига муттафиқ ва ҳамдастон қилиб, иттифоқ била қазоқ тўраларидин Зорлиқ тўрани хон кўтариб, ҳар тарафдин шарру шўр тургузур эрди.

Ва чун ҳазрати соҳибқирони гетиситон таъйидоти субҳоний ва тавфикоти яздоний била салтанат тахтига жулус қилиб, хилофати воқеаси олам аҳлига шуҳрат **41<sup>б</sup>** овозасин солди, маъдалат куёши партавафкан бўлуб, жаҳон халқи бошидин зулму ситам зулматин билкулл олди, Кенагас Эрназарбий бошлиғ барча қароқалпоқия тавойифидин ўн тўрт уруғ халқининг жамеъи бий ва кадхудолари саодати азалий ва давлати ламязалий эттики, ғафлат уйқусидин оқибатбинлик кўзин очиб, ҳазрати соҳибқироннинг сиёсати биймидин ҳаросон ва қўлдовли Эрназарбий муфсидларининг касофатасар сўзларига илақиб, фасод ва инод амрида иттифоқ кўргузганларидин пушаймон бўлдилар. Ложарам, барча иттифоқ била бу давлати абадмуддат хизматиға ихлос ва итоат камарин боғлаб, ул шақоватасар Эрназарбийнинг мухолафатида якдил ва якжиҳат бўлуб, барча маслаҳат била Зорлиқхонниким, ул жамоа орасида хонлиғ расми била ҳукумат маснадида мутамаккин эрди, барча асбоб ва яроғин олиб, тутсоғ йўсунида сақладилар.

**42<sup>а</sup>** Ва Эрназарбий ул воқеадин огоҳлиғ топиб, кўп отлиғ била ўн тўрт уруғ халқининг устига келиб, неча мартаба талош ва савош қилди, токим Зорлиқхонни тутсоқдин халос этиб, ўз йиғноқиға олиб борғай. Аммо ўн тўрт уруғ муборизлари ҳар мартаба анинг била муҳораба ва музориба кўргузуб, шикаст бериб қайтар эрдилар, ул аҳвол асносида ямут муфсидларидин бир жамоаким, бурунроқ Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг олдиға мадад ва кўмак тилаб бормиш эрдилар ва амирнинг қўшған элчиси била муовадат қилиб, дарёйи Жайхун канориға келиб, Юмри маъбаридин убур этар чоғда, қипчоқ пурдилларидин жалодатнишон Отажон юзбоши хабар топиб, бир жамоа мутаҳаввир йигит била оч арслон ва балойи ногаҳондек ҳамул муфсидларга ҳамла еткуруб, барча амвол ва асбобин олиб, бир нечасин қаҳру кин тиғи била **42<sup>б</sup>** ўлтурдилар. Ва ўзгаси Бухоро элчиси била қочиб, юз машаққат ва минг кулфат била афтону хезон ва нимжон ўзларин қароқалпоқ орасиға еткурдилар.

Ва қароқалпоқ тавойифининг давлатхоҳ ва ихлоспаноҳ бийлари кенагас Эрназарбий бошлиғ иттифоқ била аларни дағи тутуб, Зорлиқхон била бир маконда банд этиб, чопар йибориб,

остони олий мулозимлариға ҳамул воқеани эълон ва ахбор эттилар. Ва бу хабари баҳжатосор масомеъи аълоға етгач, ҳамул залолаттахмиз асирларни сарири фалакназир поясиға еткурсунлар деб, мазкур бийларга ёрлиғи ҳумоюн ирсол қилилди. Аммо ул овонда Бухоро элчиси баъзи муфсидлар била ўн тўрт уруғ орасидин қочиб, қўлдовли Эрназарбийнинг қўрониға бормиш эрди ва ўн тўрт уруғ бийлари камоли дўстлиғдин неча мартаба мўътабар кишилар Эрназарбийга йибориб, **43<sup>a</sup>** остони олий мулозаматиға келурға кўп тарғиб этди<sup>1</sup>.

Мазкур бўлган бийлар фармони вожибу-л-изъон мужиби била Зорлиқхон ва ямут муфсидларини ағлоли гарон ва салосили печон била муқайяд қилиб, остони давлатпосбон зиёрати азми била равон бўлдилар. Ва манозили мутакасиррот қатъидин сўнг ражаб ойининг ўн еттисида якшанба куни<sup>2</sup> иқболи қавий қоидининг далолати била атабайи сипеҳрмартаба тақаббули саодатиға истиод топиб, Зорлиқхон бошлиғ барча асирларни даргоҳи олампадох мулозимларининг назари анворлари пешгоҳига еткурдилар.

Ва ул ихлосманд ва эътиқодпайванд жамоанинг мундоқ аржуманд хизматлари ҳазрати соҳибқирони бемонанднинг ҳумоюн табъига мақбул ва писанд тутуб, ниҳоятсиз навозишлар ва ғоятсиз бахшишлар кўргузуб, аларнинг ҳар бириға алоҳида заррин тугмалик муламмаъ хилъатлар **43<sup>b</sup>** ва тилло ҳалқалиғ мурассаъ камарлар ва гавҳар дасталиғ музайян пичоқлар ва олтун эгарлик мулавван тўпчоқлар инъом қилиб, нуқуди фаровон бахшиши ва ганжи бекарон резишидин аларнинг муддаолари жайбин уммон янглиғ гавҳархез ва таманнолари этагин кон масаллик жавоҳиррез этиб, Қорундек ғаний ва олам аҳли орасида дунёдин мустағний қилди.

#### **Маснавий:**

Кимки, ихлос ила қилур хизмат,  
Кўргуси шоҳдин базе шафқат.  
Ўтубон рутбаси Сурайёдин,  
Сарбаланд ўлғай аҳли дунёдин.  
Ҳар не мақсудидур, бўлуб ҳосил,  
Бўлғусидур муродиға восил.

<sup>1</sup> “этди” сўзи қўлёзмада йўқ. №12552 қўлёзма асосида тикланди. Бир жумла сиғадиган жой қолдирилган.

<sup>2</sup> 1856 йил 24 март.

Ул ҳазратнинг ишорати олийси мужиби била гардунсалобат муаккиллар ва миррихмаҳобат муҳассиллар олам аҳлиға шуҳрат ва душман хайлиға ибрат ва шаҳар улусиға хабар еткурмак учун Зорлиқхоннинг юзига қора чалиб, энгинга ажуба либослар кийдуруб, белига чўбдин пичоқ 44<sup>а</sup> ва бошиға қоғаздин афсар ва пардин жиға қистуруб ва бир ориқ эшакка юз укубат била тескари миндурдилар.

#### **Байт:**

Кўруб ҳадду андозасиз хорлиғ,  
Оти янглиғ ўлди иши зорлиғ.

Ва ямут муфсидлари акобиридин Чўқон кўкни дағи юз турлук ихонат ва хорлиғлар била бир лоғар ҳиморға баракс сувор қилиб, иковин шаҳр авбоши ва арзоли ва муқаллидлари илкига топшурдилар. Токим, арзолу авбош гуруҳи ул рўсиёҳ ва шақоватиқтино муфсидларни ажиб ҳайъатлар ва ғариб сураатлар била жамеъи кўча ва бозорларни айлантуруб, минг навъ ғализ хитоблар ва юз турлук шадид азоблар бериб, мундоқ қичқуртурдиларким, “ҳар кишиким, ўз подшоҳининг итоати хатидин бош чекиб, мутобаати доирасидин оёқ тортиб, ўз ҳаддидин тажовуз қилса ва савдойи фосид 44<sup>б</sup> ва хаёли косид била инод ва саркашлик кўргузуб ва туғён турғузса, жазоси бу расволиғ ва сазоси бу юз қоралиғдур”. Ва шаҳрнинг барча кўй ва кўчаларин айлантуруб бўлғандин сўнг аларни барча ҳамроҳлари била сиёсат тиғидин ўтқариб, охират укубатгоҳиға йибордилар, “фа‘табирў йā ули-л-абсār”<sup>1</sup>.

#### **Қитъа:**

Ҳар кишиким, ташқари кўйса қадам ўз ҳаддидин,  
Етмайин мақсудиға шармандаи олам бўлур.  
Шаҳна-ю қаҳри шаҳ илкига бўлуб охир асир,  
Хорлиғлар била расвойи бани Одам бўлур.  
Юз туман ранжу машаққат бирла оламдин бориб,  
Рўсиёҳу музтарибҳол охиратда ҳам бўлур.

#### **Баъзи воқеъот зикриким, Зорлиқхон инъидомидин сўнг воқеъ бўлди**

<sup>1</sup> فَاعْتَبِرُوا يَا أُولِي الْأَبْصَارِ (“Бас, эй ақл эгалари (улардан) ибрат олингиз!”, “Ҳашр” сураси, 2-оят)

Ул жумладин бири улким, Хубби эшон ва Қорли юзбошиким, човдар халкидин ихлос қилиб, остонбўслиқ учун келган баъзи кадхудоларға **45<sup>а</sup>** фармони олий мужиби била элчилик тариқасида қўшулуб қолган акобири учун истимолатнома олиб кетмиш эрдилар, андоқким, собиқан мазкур бўлди, алар ул тоифа орасиға бориб, ҳазрати соҳибқироннинг йиборган иноятномасин еткурдилар ва ўттуз кун муддатиғача ул жамоанинг баъзи жоҳил ва тийрадиллар кулоқлари садафин насойиҳи мушфикона ва мавоизи муршидона гавҳарлари била гаронпоя ва темурдек қатиғ кўнгулларни мум янглиғ мулойиматосор қилдилар. Ва андин сўнг ул тоифанинг баъзи машоҳир ва маорифи Қазоқбой эшон ва қозиси ва ўзга уламози бошлиғ Хубби эшон ва Қорли юзбошиға қўшулиб, инқиёд ва иътиқодларин зоҳир қилмоқ учун атабайи давлатлозим мулозаматиға озим бўлдилар. Ва ражаб ойининг йигирмасида, чаҳоршанба куни остонбўслиғ шарафиға мушарраф бўлуб, кўп **45<sup>б</sup>** навозишлар кўруб, хилоъи хос бахшишиға ихтисос топдилар.

Яна улким, кенагас Эрназарбий бошлиғ ўн тўрт уруғи қароқалпоқиянинг ихлоскаш ва садоқатандеш бийлариғаким, Зорлиқхон ва ямут муфсидларин тутуб келтурмиш эрдилар, андоқким мастур бўлди, мурожаат рухсатин бериб, аркони давлат ва аъёни ҳазрат акобиридин ул сидку ихлос бобида жумлайи олам ичра мумтоз Маҳмудниёз ясовулбоши ва умаройи изомдин манқит тавойифининг сархайли ва мунтахаби Худойберган бийни ўзбакия лашкаридин бир гуруҳ сипоҳи жаррори кинагузор била ҳамул бийларга қўшуб ирсол қилди. Тоқим, қароқалпоқ орасиға бориб, тамкин ва тааний била ул тоифанинг черикин ва Орол қўнгротининг лашкарин бий ва кадхудолариға киши йибориб, жамъ этиб, иттифоқ била қароқалпоқ қўнгроти муфсидларининг сарвари **46<sup>а</sup>** шақоватасар Эрназарбийнинг кўрони устига озим бўлуб, анинг қалъа ва истилосиға жаҳди тамом ва саъйи молакалом била иштиғол кўргузгайлар. Маъмурлар фармони қазожараён мужиби била ражаб ойининг йигирма иккисида, жумъа куни ул ҳазратнинг саодатлиғ фотиҳаси имдодидин қувват топиб, мақсад жонибиға азимат кўргуздилар.

Яна улким, ҳамул овонда жамшидия уламосидин домла Холназарким, доруссалтанайи Хивақға маъа-л-музофот ва мансубот раиси билистиклол эрди ва бурундин Хивақ шаҳрида мутаммаккин бўлуб, жамшид муфсидлари кўчганда ул кўчмай қолмиш эрди, ани ҳамул мансабдин маъзул этиб, анинг ўрниға ул жамиъу-л-фуруъ ва-

л-усул домла Муҳаммад Расулни инояти хусравонаға махсус тутуб, раёсат ва ихтисоб мансабиға мансуб қилиб, анинг ифтихори амомасин фалакнинг ложувардий 46<sup>б</sup> тоқ мадрасасида хуршиднинг зарриндастор алломаси бошидин ўткарди.

Яна улким, ҳамул аснода, яъни ражаб ойининг авохирида ишорати вожибу-л-инқиёд мужиби била олийнижод, асолатниҳод Ҳасан Муродбек валади аршади амири кабири беҳиштсарир Шохниёз оталиқ, Ҳубби эшон ва Қорли юзбоши била келган човдар кадхудолариға элчи йўсунлиқ ҳамроҳ бўлуб, ўзга човдарларға истимолат юзидин иноятнома олиб бормиш эрди.

Шаъбон ойининг олтисида, жумъа куни<sup>1</sup> човдар халқининг мутиъ ва мунқод бўлган тоифаси кадхудоларин қозиси ва эшонлари бошлиғ остони олийшон хокбўслиқиға еткуруб, мароҳими хусравона шумули била хурраму хандон бўлди. Ва ҳамул кун охиридаким, шанба кечасининг аввали эрди, ҳазрати хадиви комкори карамшиор Хосса қўшбегиниким, дарбори фалакмадор хизматиға лаёқати бағояти 47<sup>а</sup> кам эрди, бу жиҳатдин азл этиб, анинг ўрниға мазкур бўлган Ҳусан Муродбекниким, салтанат умури ва мамлакат маҳомининг фаслу интизомида қобилияти бағоят баланд эрди, қушбегилик мансаби била ўз аркон ва ашбоҳи орасида азиз ва аржуманд ва визорат хилъати била қадри қоматиға зебу зийнат еткуруб, олам ичра қуёшдек мунаввар ва сарбаланд қилди.

#### **Маснавий:**

Бўлса ҳар кимса шохға манзур,  
Қуёшосо сочар жаҳон аро нур.  
Бўлуб омода барча омоли,  
Чархдин рутбаси бўлур олий.  
Ўзга давлат қушини ром топар,  
Бахтдин ҳарна қилса, ком топар.

Яна улким, шаъбон ойининг авойилида<sup>2</sup> остони олийшоннинг ихлоснишон ходимларидин Ниёзмуҳаммад юзбошини Охол такасига ва Идак юзбошини Марвда ўлтурумли така ва сорик тоифасиға иноятнома била сурдавул йўсунлиқ ирсол қилилдиким, ул 47<sup>б</sup> тавойифнинг лашкари маърази муалло хизматиға етиб, ямут муфсидлариға танбиҳ ва гўшмол, балки иъдом ва истисол еткурмакда сипоҳи нусратпаноҳ силкиға иттисол топғайлар.

<sup>1</sup> 1856 йил 11 апрель.

<sup>2</sup> Шаъбон шу йил 6 апрелдан бошланган.

Яна улким, шаъбон ойининг ўнида, сешанба куни<sup>1</sup> ҳазрати соҳибқирони сулаймонсифат хусравона иноят ва илтифотиға махсус тутуб, умаройи шижоатсамот зумрасидин киёт дудмони пурдилларининг Рустам ва исфандиёрҳарб саромати ва шаҳоматосори Худоёрбийники, кўклан халқининг баъзи кадхудо ва шужаоъсиғаким, бу давлати абадмуддат хизматида изҳор қилмоқ учун, ямут муфсидларига адоват ва хусумат кўргузуб, ўбасин чошиб, кўп мол ва асир тахти тасарруфлариға киргузуб, атабабўслиғ шарафига мушарраф бўлмиш эрдилар, саркардалиқ йўсуни била кўшуб, Кўҳна Урганчада ҳамул **48<sup>a</sup>** жамоанинг орасиға йиборди. Токим, аларнинг қилган ишлари ва кўргузган равишларига эҳтиёт била назар қилиб, аҳвол ва афъоллари аслидин бохабар бўлғай. Ва ҳамул даргоҳи сипехриштибоҳнинг дуогўй ва давлатхоҳлари зумрасидин саёдатпаноҳ, нажобатдастгоҳ, муалломакони фазилатнишон Куббодхон хўжаға лутфу эҳсон кўргузуб, элчи қилиб, Хўқанд вилояти элчиси Муҳаммад Камол бийғаким, Қутлуқ Муродхоннинг авохири айёмида муҳаббат ва муволафат қавоидининг истикмол ва эҳтимоми изҳори учун келиб, элчихонайи беҳиштойин садрида оромгузин эрди, сифорат расми била ҳамроҳ қилиб, ҳумоюн жулусининг эъломи ва Қутлуқ Муродхон вафотининг ифҳоми ва баъзи бадиъ воқеъалар вукуъи пайғомиға мушъир муҳаббатнома топшуруб, Хўқанд диёрининг волийи волошони Худоёрхонға ирсол **48<sup>b</sup>** қилди.

Яна улким, шаъбон ойининг ўн тўртида, шанба куни<sup>2</sup> човдар кадхудолариғаким, хизматкорлиғ ва жонсипорлиғ изҳори учун бурунроқ келиб, дарбори давлатмадор хокбўслиқи саодатиға мустасаъад бўлмиш эрдилар, аларнинг баъзи муҳимоти истикмоли учун вазири олийнижод, осафниҳод Ҳасанмурод кўшбегининг оқаси савлатнамо ва шавкаторо Муҳаммад Ризобекни кўшуб, ул тоифанинг маскан ва маъвоси сари роҳпаймо қилди.

Яна улким, мундин бурунғи кун, яъни шаъбон ойининг ўн учида, жумъа куни Орол қўнгротининг шаҳоматасар ва фаҳоматмазҳар акобири жумласидин садоқатсоз, ақидатоғоз Юсуфниёзбий ва Паҳлавонниёзбий ва қароқалпоқ Қобилбий ва Қазокниёзбий ва яна ул диёрнинг баъзи акобир ва аозими ўз юртларининг маҳоми саранжоми **49<sup>a</sup>** ва умури интизомидин навъе фориг бўлуб, ул ҳазратнинг муборак жулуси таҳнияти ва салом

---

<sup>1</sup> 1856 йил 15 апрель.

<sup>2</sup> 1856 йил 19 апрель.

бермак нияти ва хизмат қилмоқ журъати била остонбўслиғ давлатиғи етиб, мароҳими хусравонадин эҳсон ва истиноъ ва хилъои хуршидшуоъ баҳшишиға ихтисос топиб, анвоъи навозиш била хурсанд ва баруманд бўлмиш эрдилар.

Мазкур ойнинг йигирма олтисида панжшанба куни<sup>1</sup> мурожаат рухсатин ҳосил қилиб, ниҳоятсиз баҳжат ва масаррат била муовадат кўргуздилар. Тоқим, юртлариға бориб, сафар асбобин мухайё ва лашкар аснофиға зебу оро бериб, Маҳмудниёз ясовулбошининг мавкиби зафаркавкабиға дохил бўлуб, ул муфсиди зилолатасар қўлдавли Эрназарбийнинг андом ва истисоли бобида, анинг имдод ва маодинатиға саъйи тамом ва жаҳди молокалом била иштиғол кўргузгайлар.

Яна улким, умаройи гардунсалодат ва кубаройи фаридун- **49<sup>б</sup>** маҳобат зумрасидин қиёт акобири орасида тоқи олийниҳод Шоҳмурод иноқким, ишорати лозиму-л-башорат муқтазоси била неча муддатдин бери Тошҳавз қалъасининг ҳаросатиға қиём ва маҳоми саранжомиға иқдом кўргузур эрди, мазкур бўлган кун, яъни шаъбон ойнинг йигирма олтисида, панжшанба куни фармони вожибу-л-изъон мужиби била остони сипеҳрнишон мулозаматиға етиб, ўрниға анинг аммазодаси донишпаноҳ, бинишдастгоҳ Ибодуллоҳ юзбошиким, садоқат маслаки солиқларининг йўлдоши, шижоат майдони чобукларининг қўлдоши эрди, Тошҳавз ҳисорининг нигоҳдорлиқи умуриға иштиғол кўргузмак учун ирсол қилилди.

**Саййид Назарбекнинг имрали орасидин чиқиб, остони олий  
жабҳасолиқиға келгани ва адам тариқиға қадам қўюб, фано  
сарманзилин ватан қилгани**

Бу воқеа баёни улким, ҳазрат соҳибқирони **50<sup>а</sup>** сулаймонмаконнинг аммазодаси, залолатпарвар, шақоватасар Саййид Назарбек валади ноҳалафи амири мағфиратсарир Муҳаммад Назар иноқ толеъи забун ва баҳти номаймун далолати била ул ҳазратнинг муборак жулуси ҳамгомида фирор тариқин ихтиёр қилиб, тарокима муфсидларидин имрали халқининг орасиға бормиш эрди, андоқким анинг воқеаси тафсилан юқорида мазкур бўлди, неча муддатдин бери ҳамул тоифа орасида ҳеч ишға иқдом

---

<sup>1</sup> 1856 йил 1 май.

кўргуза олмай ноком, камоли хорлиғ ва безътиборлиғ била рўзгор ўткарур эрди.

### Шеър:

Хақ лутфи бирла ҳар киши бошиға кўйса тож,  
Иззат топиб, етар ишига дамбадам ривож.  
Ҳар ким анинг итоатидин гар айурса юз,  
Етгай мазаллат илкидин анинг юзига кож.  
Ул кож зарбидин қабариб иззати кўзи,  
Дардиға ҳеч важҳ била топмағай илож.

Ложарам, мундоқ ҳаётдин мамотни фойиқ ва бу янглиғ вужуддин адамни собиқ билиб, фосид хаёли **50<sup>б</sup>** ва савдойи маҳолға тушуб, замири касофаттахмириға муқаррар қилдиким, макру хийла тариқаси била салтанат қасри остонасиға ажзу масканат юзин урғай, яъни навъе қилиб, ул ҳазратнинг муборак ҳузуриға ўзин еткургай ва фурсат топиб, фидойивор бир ҳаракати қабих зухурға еткургай. Ва бу ботил андишада имроли муфсидларининг сардори Аваз Муҳаммад вакилни ўзига ёр ва ҳамдастон қилди ва иккови иттифоқ била шаъбон ойининг авоситида остони давлатпосбон мулозимлариға йибормиш эрдиларким: “Биз гумроҳлар то бу вақтғача ул давлати рўзафзун нисбатида зухурға еткурган ниҳоятсиз журму исёнимиздин нодим ва пушаймондурмиз. Ва эмди таҳқиқ билибдурмизким, ул даргоҳи олампаҳо давлатхоҳлиқидин ўзга ҳеч ерда пушту паноҳ ва оромгоҳимиз йўқтур. Ул атабайи фалак- **51<sup>а</sup>** мартабанинг кимёасар туфроқиға юз урмоқ, қора манглаймизнинг мақсуди ва ул остони сипеҳрнишоннинг сурмагустар ғуборин кўзга еткурмак, тийра мардумакимизнинг беҳбудидир. Агар бизларнинг гуноҳларимизни афв қилиб, банданавозлиғ юзидин иноятнома топшуруб, ул зубдаи арбоби тариқат, қудвайи асҳоби ҳақиқат, олийшони муалломакон Муҳаммад Карим эшонни бу рўсиёҳларнинг сарвақтиға йиборсалар ва ул жаноб гуноҳларимизға шафиъ бўлса, то анинг шафоати этагига истиғфор ва ҳимояти урвату-л-вусқоға эътизор қўлини маҳкам уруб, ҳидоят вилояти била даргоҳи сипеҳрмартабат мулозаматиға етиб, убудийят юзин ажзу масканат туфроқиға суртуб, ҳамул ишдин дунё ва охират обрўсин кўз тутғумиздур”.

Ва ҳазрати соҳибқирони хуршидмакнат камоли карам ва мурувват муқтазоси билаким, тийнати малак- **51<sup>б</sup>** сийратида жибиллийдур, аларнинг илтимосин мақбул ва илтижосин мабзул тутуб, Муҳаммад Карим эшонни истимолатномаи саодатнишон

била йибормиш эрди ва эшон бориб, ул ҳазратнинг номайи номий ва каломи киромийсин аларға афву карам муждаси била еткургандин сўнг беки мазкурнинг ўғли Абдурраҳимбек ва Аваз Муҳаммад вакил ўз ниятларининг қабоҳати ва хаёлларининг шаноати жиҳатидин мутаваҳҳим бўлуб, ҳар қайси бир номаълум узрни баҳона қилиб, эшоннинг ҳамроҳлиғидин тахаллуф кўргуздилар. Аммо Саййид Назарбек тақдири илоҳий инонкашлиги била эшонга рафиқи тариқ бўлуб, шаъбон ойининг йигирма бешида, жумъа куни доруссалтанайи ҳумоюн даргоҳиғаким, жаҳон мужримларининг бўсагоҳидур, йилон янглиғ ичин адоват ва шарорат захри била тавалло ва тошиға мулойимат **52<sup>a</sup>** ва хокисорлиғ зевари била оро бериб етти.

Ва ҳазрати соҳибқирони малоийкпосбоннинг замири кароматнишонигаким, ойинайи жаҳоннамои ғайбий ва мазҳари сафооройилардур, беки мазкурнинг тийра кўнглидаги нияти фосид ва хаёли косидларининг суврати жилва қилиб ва илҳоми карами илоҳий била анинг не муддао ва не таманнода келганин билиб, мажлиси ҳумоюни боргоҳмаймун духулиға йўл бермади ва анга бир жой таъйин этиб, муҳофазатиға муаккиллар қўйди.

#### **Назм:**

Кимки, бу даргоҳға бадхоҳлик айлаб аён,  
Чикмағай андуҳдин гар урса юзни ҳар қаён.  
Ўз оёки бирла охир ушбу даргаҳға келиб,  
Оқибат ҳар нечае тақдирдин топмас омон.

Ва икки кундин сўнг Саййид Назарбекнинг ўғли Абдурраҳимбекка даргоҳи олампаҳоқ мулозаматиға етушсунким, “барча гуноҳлари маъфув бўлди”, деган мазмун отаси тилидин **52<sup>b</sup>** хат ва ул ҳазрат карамидин иноятнома битиб, яна мазкур бўлган Муҳаммад Карим эшон била ирсол қилилди. Аммо Абдурраҳимбек Аваз Муҳаммад вакилнинг машварати била атабайи сипехррифъат хизматиға келмакни камоли адоват ва ғояти шарорат жиҳатидин маслаҳат кўрмай, мазкур эшонни хиффату ҳақорат била танҳо қайтардилар.

#### **Байт:**

Кишиким, зотида бўлса залолат,  
Не осиг, Хизр анга қилса далолат.

Ва Саййид Назарбек ҳамул овонда бир неча кун хокими одил ҳукми била қилган амаллари жазосиға мубтало, яъни касали шадид ва марази сақил ғалабаси билан ниҳоятсиз заиф ва бенаво бўлуб,

рамазон ойининг авоситида ямонроқ ҳол била охират оламиға интиқол этти.

Яна улким, рамазон ойининг еттисида, якшанба куни<sup>1</sup> умаройи олийсифот ва акобири кўнгрот зумрасидин шавкатмаоб, камолатинтисоб Муҳаммад Карим мироб вафот топиб, **53<sup>a</sup>** анинг ўрниға аммазодаси Султон Муродбек ибн Нуруллоҳбекнинг аҳволиға инояти подшоҳона шомил бўлуб, мироблиғ мансаби киромийси бахшиши била шодкомлиғ ва комёблиғ топти.

Яна улким, Муҳаммад Ризобекким, бурунроқ човдар кадхудолари била ҳамроҳ бўлуб, ул жамоа орасида таваккуф кўргузмиш эрди, андоқким юқорида мастур бўлди, ул овонда Кўҳна Урганчда ўлтурған човдар мутамарридлари акобиридин Карнай юзбошининг хотириға толеъи ҳумоюнасардин бу давлати рўзафзун хизматининг муҳаббати жойгир бўлуб, ўзга муфсидлардин айрилиб, саодати зотий қоидининг далолати била Кўкчага мавзеъидаги ўлтурған эл човдарининг орасида Муҳаммад Ризобекнинг хизматиға келмиш эрди, то беки мазкурнинг мулозаматида ҳамроҳ келиб, остонбўслиғ давлатиға **53<sup>b</sup>** етгай. Ва бу овонда Муҳаммад Ризобек анинг ва ўзга човдар кадхудоларининг ҳамроҳлиғи била даргоҳи гардуништибоҳ тавофи шарафиға мушарраф бўлуб, мароҳими бекаронаға ихтисос топтилар.

Яна улким, рамазон ойининг ўн учида шанба куни<sup>2</sup> ҳазрати соҳибқирони мамоликситон лутфу эҳсон юзидин умаройи олийшон зумрасидин қиёт аозимининг ихлосмаоби Аваз Мурод миробни Бухоро элчилигига таъйин этиб, муборак жулусининг ахбори ва фалак гардиши тақозосидин баъзи воқеъ бўлған воқеоти азим ва худус топған ҳодисоти сахим изҳори учун муволафатномаи номий ва муҳаббатномаи киромий топшуруб, Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг олдиға ирсол қилди.

Ва бу овонда фармони лозиму-л-имтинон мужиби била така ва сорик лашкари Хуросон худудидин Хоразм вилояти **54<sup>a</sup>** жонибиға хизмат қилмоқ учун равон бўлуб, кун-бакун, гуруҳ-гуруҳ атабайи гардунмартаба мулозаматиға ета бошладилар.

### **Ямут муфсидларининг Хивак музофотин чопмоқ учун шарорат маркабин далирона сургани ва Яъқуб маҳрамнинг**

---

<sup>1</sup> 1856 йил 11 май.

<sup>2</sup> 1856 йил 17 май.

**лашкариндин дастбурди азим кўргани ва муовадат майдониға  
ҳисорат якронин чопғани ва йўл асносида баъзи ўзбак ва  
човдар баҳодирларининг тиғи зарбиндин мажруҳ бўлуб,  
шикасти фоҳиш топғани**

Хомаи воқиатироз бу навъ қиссапардозлиғ қилурким, чун ҳазрати соҳибқирони исқандарнишон таъйиди илоҳий ва тавқифи номутаноҳий била салтанат тахтиға давлатлиғ қудуми вусулидин зебу зийнат еткурди, камоли карам дилнавозлиқи ва ғояти саховат корсозлиқи тақозоси билаким, ул ҳазратнинг зоти саодаторосида қуёш партавидек **54<sup>б</sup>** равшан ва хувайдодур, умуман жамеъи тарокима тавойифиға, хусусан, ямут ва имроли муфсидлариға карратан ва маррат бу мазмун била иноят ва истимолатномалар йибордиким: “Эй тарокима гуруҳи! Сизлар қадиму-л-хизматликда бу давлати лозиму-н-нусратға тери бирла кўнглак, балки гўшт била сўнғак янглиғ соҳиби қурбат ва карибу-н-нисбатдурсизлар. Ўтган айёмда ҳар турлук воқеотким, афлок гардиши таассуроти ва анжуми равиши тақаллуботидин вуқуъға етти, барчаси ўтти. Эмди бетаҳоший ва беибо остони сипехросо хизматиға келиб, фасод ва инодғаким, мундин бурун иқдом кўргузур эрдингиз, кўюнғлар ва инояти хусравонамиз хавонининг турлук неъматларидин улчаким, комингиздур, тўюнғлар”.

Аммо ул тавойифи шароратшиорким, шақовати абадий ва ғабовати **54<sup>б</sup>** сармадий ҳасоратиға гирифтор эрдилар, ул ҳазратнинг марҳаматомиз ва мурувватангиз сўзларинким, ҳақиқатда оёти давлат ва аломати саодат эрди, қабул ва изъон қулоқи била эшитмай, бағий туғён майдониға фисқу исён қадамин қўйдилар ва ул жамоанинг лусус ва ҳаромилардин кўп отлиғ жамъ бўлуб, иттифоқ била неча мартаба Хивақ музофотиға ва Урганч ва Гурлан тавобиотиға чаповул уруб, саҳронишин ва канорагузин фуқародин кўп аёлу атфол ва асбобу амвол асир ва ўлжа қилиб, суръати тамом била фирорий бўлдилар. Ва такомишииға маъмур бўлған асокири нусратмуосирнинг тиғи интиқомидин тақдири Яздон била омон қутулдилар. Ва ул куфршиор ва хўккирдор тоифанинг нажосатхўр оғизлари мусулмонлар молин емакдин маза олиб, яна ўлжа олмоқ **55<sup>а</sup>** ва фуқаро аҳволиға паришонлиғ солмоқ орзуси била минг беш юз чоғлиғ отлиғ жамъ бўлуб, рамазон ойининг авохирида Хивақ тавобеиға чаповул урмоқ қасди била озим бўлдилар.

Ва ул муфсидлар азаматидин садоқат ва жалодаттавъом Муҳаммад Яъқуб маҳрамким, Ҳилолий кўрғонининг ҳаросат ва нигоҳбонлиқиға машғул эрди, хабардор бўлуб, бир суръатнишон қосид йиборди, токим остони олийшон мулозимлариға муфсидлар азиматин эълон қилғай. Ва ўзи ҳам мулозиматидағи лашкари бирла отланиб, аларнинг изидин таоқуб амриға иқдом кўргузди. Ва анинг хабари рамазон ойининг йигирмасида жумъа куни ҳазрати соҳибқирони гетиситоннинг сомеъайи майманатнишонниға масмуъ бўлуб, мавқифи жоҳу жалолдин фармони лозум ул-имтисол содир бўлдиким, аркони давлат ва умаройи **55<sup>б</sup>** зишавкат зумрасидин Вайсниёзбой ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва қиёт Муҳаммадёрбий бош бўлуб, Хивақ музофотининг баъзи лашкарияси ва хизмат талаби била келган Карнай юзбоши бошлиғ човдар кадхудолари ва Марвдин келган така муборизлари била ямут муфсидларнинг истиқболиға чиқиб, гўшмол, балки эъдом истеъсолиға жалодат ва мубодарат била иштиғол кўргузгайлар.

Маъмурлар амри олий муқтазоси била мазкур ойнинг йигирма секизида, шанба куни чоштгоҳ даргоҳи фалакиштибоҳдин озим бўлуб, кечрак Ғозиобод қалъасиға бордилар. Ва муфсидлар дағи ҳамул ҳаволиға ёвуқ келмиш эрди. Ва намозшом ҳангомидин сўнг икки тарафнинг қоровуллари бири-бирин узоқдин кўруб, муфсидлар бу тарафга кела олмай, орқа жонибға юз урдилар. **56<sup>а</sup>** Ва бу тараф қоровуллари аларни юқориға, яъни машриқ савбиға кетди фаҳм этиб, сипоҳи зафарпаноҳ саркардаларига хабар еткурдилар. Ва саркардалар ҳамул кеча иттифоқ била илғор қилиб, Қўшқўприк қалъасиға еттилар. Ва анда душман лашкаридин асар топмай, Чуқурқум устидин Шоҳобод савбиға илғор эттилар. Ва тонгласи якшанба куни, чошт вақти Шоҳобод қалъасиға ёвуқ етган ҳолда хабар еттиким, ямут муфсидлари Чиғатой аёқидин дохил бўлуб, чаповул уруб, дастбурд еткурубдур. Дарҳол сипоҳи нусратиштимол суръат ва истеъжол била Чиғатой сари илғор қилдилар.

Иттифоқо, ямут Чиғатойга чаповул урған чоғда Яъқуб маҳрамким, лашкари жаррор била ямут ақабидин илғор қилиб келур эрди, андоқким юқорида ишорат қилилди, давлат илҳоми била ҳозир бўлуб, **56<sup>б</sup>** бир тарафдин ҳайъати ижтимоъ била ямут устига от солдилар. Ва ҳазрати соҳибқироннинг давлати қоҳираси қуввати била учу тўрт кишисин ўлтуруб, ўлжа қилған фуқаро амволин қўлидин олдилар. Ва сипоҳи нусратпаноҳнинг ҳамалоти

сарсарсифотиға муқовамат қила олмай, ямут гуруҳи пашша хайлининг суфуфи бешуқухидек рўйгардону гурезон бўлдилар.

Иттифоқо, Маноқ ёфиқим, бағоят ариз ва амиқ эрди, икки лашкар орасида фосила бўлуб, муфсидлар жалодатпарвар баҳодирларнинг интиқоми сарпанжасидин кутулуб, узоқда бир кум устига чиқиб, таваққуф қилдилар. Ҳамул аснода Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Вайсниёзбой бошлиғ Хивақ черики била маъмур бўлган саркардалар издиқоми тамом била Яъқуб маҳрамнинг оломониға етиб кўшулдилар. Ямут муфсидлари аларнинг қаросин **57<sup>a</sup>** узоқдин мушоҳада қилиб, ҳазимат кўргузмакни ўз ҳоллариға маслаҳат билиб, бўлак-бўлак бўлуб, ҳар тарафга бутрашиб, мафқуд ва нобуд бўлдилар. Сипоҳи зафарпарвар мазкур ёфдин ўта олмай, кўп муддатлар ёф каноридин юруб, кечрак бир кўпрук топиб ўтдилар. Аммо ямутлар камоли суръат била ҳазимат кўргузуб, мафқудасар бўлмиш эрдилар. Ва таъқиб кўргузиб, илғор қилмоқда ҳеч фойда мутараттиб эрмас эрди. Бу жиҳатдин саркардалар ҳамул мавзеъда мутаваққиф бўлуб, иттифоқ била аҳли шиқоқ изидин бир неча қаровул йибориб, ҳар нечақим, такомиши қилдилар, ямутдин ҳеч хабар ва асар топмадилар. Ложарам, машварат қилиб, барчанинг маслаҳати била мазкур бўлган саркардалар сипоҳи зафарпаноҳ била Хивақ жонибиға мурожаат кўргуздилар. Ва Яъқуб маҳрам ўз мулозаматидағи черик била Ҳилолийға муовадат қилди. **57<sup>b</sup>** Аммо ямут муфсидлари қочуб борурда изида қовғунчи йўқлиқин билгандин сўнг, Тошҳавз музофотидин Қорриқишлоқ мавзеъида ўлтурған баъзи саҳронишин фуқарони чопиб, бир неча асир дастгир қилған аснода Қазоқбой эшонқим, бурунрақ ямутнинг чаповулға кетган хабарин эшитиб, игдар ва човдардин бир гуруҳ лашкар била отланиб, такомишиға машғул эрди, иттифоқо, Қорриқишлоқда муфсидларга учраб, кўшиши тамом била муҳораба амриға иқдом кўргузди. Муфсидлар анга муқобил бўла олмай муовадат қонуни била фирор оҳангин тузди.

Ва Яъқуб маҳрам Ҳилолийға борғандин сўнг ҳамул воқеадин хабар топиб, мулозиматидағи човдар ва ўзбакдин бир жамоаға Дўстниёз маҳрам ибн Қорли юзбошиниқим, бағоят шижоатлиғ ва ғайратлиғ йигит эрди, бош қилиб, муфсидлар таъқибига ирсол этти. Ул азимат **58<sup>a</sup>** ишида сарсар янглиғ суръат кўргузуб, шаввол ойининг ғурраси ва рамазон ийди ва сешанба куни туш вақтиқим, муфсидлар Кўкча мавзеъидин бир фарсахлиқ илгарирок ўтуб, бир жойга тушуб, фориғ ва бепарво ётмиш эрдилар, аларнинг устига

балойи ногаҳоний ва қазойи осмоний янглиғ тўкулуб, қатлу кушиш амрида ниҳоятсиз жаҳду кўшиш кўргуздилар. Муфсидлар дарҳол жон ҳавлидин камоли истеъжол била ҳазимат маркабиға сувора бўлуб, дастгир қилған барча асирларни ташлаб, фирор этмакда сарсардек шитоб расмин изҳор қилдилар. Ва лашкари жаррор жалодати тамом била тиғи интиқомға қўл уруб, муфсидлардин ўн тўрт кишини ўлтуруб, бошин олдилар. Ўзгаси фирор дастёрлики била ўзларин ул маҳлакадин йироқ солдилар.

Ва сипоҳи нусратпаноҳ ул мавзеъдин шоду хандонлиғ била **58<sup>b</sup>** мурожаат йўлиға равон бўлуб, манозили мутаадида қатъидин сўнг шаввол ойининг иккисида, чаҳоршанба куни даргоҳи олампаноҳ тақбили саодатиға истисъод топиб, Дўстниёз маҳрам бошлиғ барчаси сарупойи шоҳона ва инояти хусравонадин сарафрозлиқ ва хизмат аҳли орасида куёшдек мумтозлиқ топдилар.

**Маҳмудниёз ясовулбошининг Эрназарбий қасдиға сипоҳи нусратасар била жалодат якронин шижоат майдониға сургани ва ҳазрати соҳибқироннинг қавий давлати мадади била қалъасин мусаххар қилиб, ул шўрбахтнинг пурғурур бошин даргоҳи фалакиштибоҳ туфроқиға еткургани**

Хомайи жалодатасар варақ майдонида жавлонгустар бўлуб, суханроғлиғ кўрғонин мундоқ мухтасар қилурким, қароқалпоқ тавойифи орасида қўлдовли Эрназарбийким, бурундин замири мояи фасод ва муҳаррик силсилаи инод эрди, ўн тўрт **59<sup>a</sup>** уруғ халқиға Зорлиқхонни тутуб, бу остони давлатпосбон қуллуқиға хизмат камарин боғлаған жиҳатдин адоват ва хусумат пайдо қилиб, ул тавобиъидин етти юз уйлук чоғлиғ қароқалпоқни атрофиға йиғнаб, маҳкам қалъа солиб ўлтурмиш эрди. Ва ўн тўрт уруғ тавойифининг барча бий ва кадхудолари анинг қурби живор ва ҳамуруғлиқин риоя қилиб, Зорлиқхон била ямут муфсидларин тутуб, остони олий мулозаматиға келур чоғда, анга дағи неча каррат мўътабар ва соҳибиззат кишилар йибориб, насиҳат тариқаси била итоати сироти мустақим сулуқиға далолат қилдилар, атабайи остонмартаба хизматиға ўзлари била ҳамроҳ келтурмакда кўп кўшиш ва ғайрат кўргуздилар, аммо анга ҳеч таъсир қилмади. Нединким, залолати абадий ва шақовати сармадий балосиға гирифтор ва азалда азоби ухравий ва ғазаби самадийға **59<sup>b</sup>** сазовор эрди. Барча бийларнинг насиҳатлариғаким, филҳақиқат восилайи

саодат ва воситайи давлат эрди, қабул қулоқин тутмай қалъасиға истехком бериб, бурунғидин зиёдароқ мухолафат амриға иқдом кўргузди ва кун-кундин кўпроқ адоват кўргузмакда ихтимом расмин тузди. Ва ўн тўрт уруғ бийлари Зорлиқхонни олиб, остонбўсликға келган овонда ул кўп лашкар била келиб, аларнинг кўрониға чаповул урди ва амволу атфолин ўлжа ва асир қилиб, ўз қалъасиға сурди.

Бу жиҳатдин ҳазрати ҳадиви комкори душманшикор аркони давлат акобиридин сипаҳдор, шижоатшиор Маҳмудниёз ясовулбошини ўзбакиядин баъзи сипоҳи жаррори муборазатосори била ҳамул бийларга қўшуб, ражаб ойининг йигирма иккисида, жумъа куни ирсол қилмиш эрди, токим, иттифоқ била ул буғзунифоқ аҳлининг **60<sup>а</sup>** сардафтари Эрназарбийнинг қасдиға оғир қўшун тартиб бериб, уруш азми била юруш қилғайлар, андоқким юқорида мазкур бўлди, Маҳмудниёз ясовулбоши фармони давлатнишон мужиби била маъмур бўлган оламон била мастур бўлган кун озим бўлди ва дарёйи Жайхундин гардунмисол ва барқрафтор кемалар била дабур хайлидек убур қилди. Манозили баида ва мароҳили адидани қатъ этиб, қароқалпоқ орасиға дохил бўлди. Ва андин сўнг ул тоифанинг черики жамъиати учун бир манзилда беш кун ва ўн кун таваккуф қилиб, таанний ва оҳисталиғ била йўл юруб, Чимбой отлиғ мавзеъға ва анда Қутлук Муродбий бошлиғ Орол қўнгротининг барча бийлари ва лашкарлари келмакига мунтазир бўлуб, таваккуф муддати имтидод топти. Ва охируламр ясовулбоши ва “ва май-йатаваккал ‘алаллоҳи фаҳува ҳасбуҳу”<sup>1</sup> фаҳвосининг урвату-л-вусқосиға эътисом қўлин **60<sup>б</sup>** уруб, таваккули тамом била рамазон ойининг авохирида бир гуруҳ сипоҳи шижоатшиор ва шужаоъи жалодатосорни Эрназарбийнинг қалъаси атрофиғаким, Қазоқ дарёсининг тенгизга қуйған ерига ёвук жануби тарафида бир игирими канорида бино қилиб ва дарёға бағоят чуқур хандақ қазмиш эрди ва барча амвол ва мавоси ул қалъанинг ҳаволи ва ҳавошийсида эрди, чаповул учун хуфтан чоғи ирсол қилиб, ўзи дағи барча қўшуни била аларнинг ақабидин масофат қатъиға иштиғол кўргузди.

Ва шижоатнишон баҳодирлар ҳамул кеча саромат якронин суръат майдониға суруб ва барқу бод янглиғ чусту чобуклик

---

<sup>1</sup> وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ<sup>1</sup> (“Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас (Аллоҳнинг) Ўзи унга кифоя қилар”, “Талоқ” сураси, 3-оят)

маросимин зухурға еткуруб, куёш чобуксувори шуоъ тигин изхор қилиб, нужум амволин сипехр ғазоридин хафо алафзориға сурган чоғда қалғаға ёвуқ етиб, атроф ва жавонибға балойи мубаррам ва қазойи маҳкам **61<sup>а</sup>** янглиғ дохил бўлуб, чаповул тундбодин еткурдилар ва тахмин ва фош ҳаддидин зиёда амвол ва мавоший тасарруфлари илкига киргузуб, мурожаат майдониға сурдилар.

#### **Назм:**

Сипоҳ аҳли ул навъ кўп сурди мол,  
Ки ҳаддиға анинг етушмас хаёл.  
Сиға олмайин дашту водий аро,  
Тутубдур магар ер юзини қаро.

Ва ул ҳолда аҳли инод ва арбоби фасод хабар топиб, издиҳоми тамом ва ҳужуми молокалом била қалғадин чиқиб, мол сурган лашкари зафаролнинг изидин етиб, беш-олти кишини қатлға еткурдилар. Ва бу ҳолдин кингузор муборизлар хабардор бўлуб, ҳайъат ижтимоъи била жалодат якронин масофат майдониға сурдилар.

#### **Маснавий:**

Баҳодирлар ул навъ тузди масоф,  
Кириб ваҳмидин ларзаға кўҳи Қоф.  
Суруб рахш, қилдилар аъдоға тиг,  
Чиқиб гарди гардунға андоқким, миғ.

Ва аълойи гурезпой, шужоъи нусраторойининг ҳамалоти сарсар- **61<sup>б</sup>** осойи барқнамойиға тоби муқовамат келтура олмай, истиқоматлари бунёдиға таназул етиб, ҳазимат тариқи била қўрғонлари жонибиға рўйгардон бўлдилар. Ва сипехри зафарпаноҳ муборизлари, ул гуруҳи рўсиёҳ далирларидин ҳамул размгоҳда шамшири буррон, дастони жонситон ва ханжари хунфишон зарби била кўп жонни беабдон қилиб, кўп кишини тирик тутуб, ағлоли гарон била муқайяд эттилар. Ва ҳамул зафари баҳжатасарға даст топғанлари нишонаси учун даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимлариға ўн секиз бош ва секиз асир била чопар йибордилар. Ва ҳамул чопар масофат қатъида барқосор ва сарсаркирдор суръат кўргузуб, шаввол ойининг тўртида, жумъа кечаси остони саодатнишон мулозаматиға етиб, ҳамул хабари масарратасарни масомии давлатпарварға еткурди.

Ва ҳамул кун **62<sup>а</sup>** Маҳмудниёз ясовулбоши сипоҳи зафарпаноҳ била музаффар ва мансур, хуррам ва масрур қалға устидин муовадат қилиб, тахминан икки фарсахлик узокроқ келиб, бир

мавзеъни лашкари нусратасарға муаскар қилди. Ва ҳамул аснода Қутлук Муродбий бошлиғ Орол кўнгротининг барча бий ва сипаҳдорлари жамеъи кўнгрот черики билаким, касратда ёғин қатроти аларға тенг келмас эрди ва шижоатда Рустам салобати аларға шамол эсганича таъсир қилмас эрди, келиб ясовулбошининг кўшуниға кўшулдилар. Ва иттифоқ била душманлар қалъаси устига озим ва муҳосара қилиб, ул қалъанинг қалъа ва қамъиға жозим бўлдилар. Ва тўқуз кунгача ҳар кун баҳромшижоат ва зирғоммаҳобат муборизлар қалъанинг атроф ва жавонибидин сурон солур эрдилар ва қарчиғай сайд жонибиға сунгандек қалъадин чиққан муфсидларни қовуб, омон бермай олур эрдилар.

### **Маснавий:**

**62<sup>б</sup>** Сипоҳ аҳли ҳар сари солиб сурон,  
Қолин гард орасида қолиб кўрон.  
Қилиб ҳамла ҳар ён, чекиб тиғи кин,  
Добон чарх Баҳроми юз офарин.  
Чека олмайин қалъадин ҳеч бош,  
Бўлуб танинг адоға беҳад маош.  
Балиқдек бўлуб дом аро беқарор,  
Тушуб барчаға ларза-ю изтирор.  
Бўлуб банд билкул тариқи нажот,  
Очилди бари юзга боби мамот.

Ва чун қалъа аҳли кўрдиларким, сипоҳи зафартавъом қазойи мубрамдек атроф ва жонибдин гуруҳ-гуруҳ қалъа муҳосарасида собитқадам ва ўзларига нажот йўли масдуд ва мустаҳкамдур, ложарам, ул шақоватасар Эрназарбийға неча мартаба тавалло ва илтижо кўргуздиларким, итоат ва инқиёд жодасиға қадам уруб, ҳазрати ҳадиви карамшиорнинг афву инояти урвату-л-вусқосиға истиғфор ва надомат илкин еткуруб, инкисор ва хижолат изҳори била чиқиб, қалъа калидин **63<sup>а</sup>** ясовулбошининг кафи ихтиёриға топшурғай. Токим, мундоқ мутобаъат юмнидин қалъа аҳлининг ашё ва амволи ғорат маъразига тушмай, хиттаи тасарруфларида омон тургай. Ва ул қони тўлған бедавлат камоли шарорат ва ғояти шақоватдин аларнинг сўзига кулоқ солмай, ҳар бирига бир навъ фирибомиз ва хийлаангиз сўз талқини била таскин берур эрди. Ва қалъа улуси билдиларким, анинг мутобаъат тариқиға қадам кўярға асло рағбати йўқтур ва сўзидин шумлиғидин ўзга мазмун мафҳум бўлмағусидур, охируламр, барча иттифоқ била ясовулбошининг хизматиға пинҳоний киши йибордиларким, “агар бизларнинг мол

ва бошимизга омон бермакни ваъда қилса, Эрназарбийни тутуб ўлтурурмиз. Ва қалъа калидин ихтиёримиз зимоми била элтиб, иқтидори қўлига топшурурмиз”. Ясовулбоши аларнинг мол **63<sup>б</sup>** ва ашёсига ҳар важҳдин зарар ва нуқсон еткурмасликни ваъда қилиб, омон муждасин йиборди. Андин сўнг пурхавотир хотирлариға ором ва итминон ҳосил бўлуб, фурсат камингоҳиға мутаваққеъ ва мунтазир бўлдилар. Токим, муҳосара айёмининг тўқузунчи туниким, шаъбон ойининг секизи, чаҳоршанба кечаси эрди, бахту давлат дастёрлиғи била фурсат камингоҳидин Эрназарбийнинг мурдор пайкарин тўфанги қазооҳангнинг шакли бедарангига нишона қилиб, андоқ урдиларким, руҳи қушин палид жисми қафасидин учуруб, алам ошиёниға еткурдилар ва пурғурур бошин хабис баданидин жудо қилиб, ясовулбоши бошлиғ саркардаларнинг олдиға келтуруб, қалъа калидин дағи топшурдилар.

#### Назм:

Бошлабон ҳар киши русуми фасод,  
Қилса изҳор ўз шаҳиға инод.  
Ёғибон оқибат бошиға бало,  
Кўргуси неча навъ **64<sup>а</sup>** ранжу ано.  
Кесилиб тиғи қаҳр ила боши,  
Туъма итларга бўлғуси лоши.  
Хонимони дағи бўлуб барбод,  
Қолмағай мулку маскани обод.  
Даҳр аро гар бу эрса аҳволи,  
Ҳашр аро кўр не навъ ўлур ҳоли.

Ва ҳамул кун, яъни чаҳоршанба куни ясовулбоши ва барча сархайл ва кадхудолар иттифоқ била ул фатҳи азим муждасидин остони давлатнишон мулозимларининг сомеъи саодатлозимлариға еткурмак учун сарсаррафторлиғ чопар йибордилар. Ва чопар ул муждаи баҳжатосор руқъасиға ҳомил бўлғандин сўнг масофат қатъида барқдин сайр суръатин истиора қилиб, истеъжол шабдизиға маҳмиз берди ва шамол пайкидек сахройи бекарон ва манозили фаровонни тўрт кун ва тўрт кеча муддатида қатъ этиб, мазкур ойнинг ўн иккисида, якшанба куни даргоҳи гардуништибоҳ мулозаматиға етиб, ҳамул хабари масарратасарни одоби **64<sup>б</sup>** тамом била масомеъи аълоға эълум қилди. Дарҳол ишорати лозиму-ш-шарофат мужиби била тарафпарвар ва фараҳгустар нақоразанлар, амомайи бароё ва кофайи фуқаро кўнгуллариға муждаи фарҳатнишон эълуми била нишоти тоза ва инбисоти беандоза

еткурмак учун нақорайи шодиёна садосин олам аҳлининг сомеъайи хушиға еткурдилар, балки сипехри барин нақорахонаси зурвасидин ошурдилар. Ва бу фараҳафзо муждани эшитгач, халойиқнинг хотиридин хавотир кудуратининг осори билкулл кетти ва кўнгулларга ниҳоятсиз фараҳ ва ғоятсиз сурур етти.

### Назм:

Хушо улким, душман бўлуб зердаст,  
Адам маҳбасида эса пойбаст.  
Етиб андин аҳбобға инбисот,  
Кўнгуллар хавотирсиз айлар нишот.  
Бари шўришу фитна сокин бўлур,  
Халойиқ хавотирдин эмин бўлур.

Ва мазкур қалъа фатҳидин ясовулбоши қилган ваъдаси **65<sup>a</sup>** мужибби била сипоҳи нусратпаноҳни ғорат ва тарождин манъ этиб, қалъа улусининг мол ва бошлариға омон бериб, шоду хандон қалъадин чиқариб, ҳар элни ўз ўтлоқ ва ёйлоқиға рухсат бериб, равон қилдилар. Ва Эрназарбийнинг аёл ва фарзандларини уй ва эл ва барча тааллуқоти била доруссалтанайи Хивақ жонибиға кўчурди. Ва ўзи дағи эҳтимоми тамом била ул атроф ва жавонибнинг маҳомиға саранжом ва умуриға интизом бериб, жамеъи ташвишотидин фориғ бўлғандин сўнг барча бийлар ва юзбошилар ва кадхудоларнинг ва жамеъи машоҳиру маориф ва шужоъларининг ҳамроҳлиғи била ўз дилхоҳича музаффар ва масрур мубтаҳиж ва масрур бўлуб, мурожаат майдониға азимат якронин гармжавлон ва ҳаддин афзун саҳро-ю биёбонни қать этиб, шаввол ойининг ўн тўққузида шанба куни дорулхилофайи Хивақ домаҳаллоҳу таъоло би-н-низоми ва-н-насақға дохил бўлуб, барча **65<sup>a</sup>** умаро ва бий-ю кадхудолари била ҳузури комилу-с-сурур ва кўринишда филҳузур вусули шарафи ва духули саодатиға истисъод топти.

Ва мундоқ улуғ хизмат муқобаласида мароҳими хусравона ясовулбоши бошлиғ барча акобир ва асоғирнинг аҳволиға шомил бўлуб, навозиши бекаронайи подшоҳонадин барча муддао ва мақсудларин ҳосил қилдилар. Ва карами амими подшоҳий ва лутфи азими номутаноҳийдин бадав отлар ва заррин асбобу олотлар ва мурассаъ хилъат ва камарлар ва муламмаъ қиличу ханжарлар ва неча-неча зарлар ва этак-этак гавҳарлар инъоми била шодкому хурсанд ва хизмат аҳли орасида хуршид янглиғ мумтоз ва сарбаланд бўлдилар.

### **Қитъа:**

Гар азиз ўлмоқ тиларсен, хизмат эт ихлос ила,  
Ким сабаб хизмат эрур ҳар кимки, бўлди аржуманд.  
Кўрки, зулмат хайли дафъиға чекар ҳар субҳ тиг,  
Офтоб ул важҳ бирла сурхрўй-ю сарбаланд.

### **Баъзи воқеа зикриким, Эрназарбийнинг қалъа ва Истисолиндин 66<sup>а</sup> сўнг зухурға етти**

Ул жумла улким, ҳазрати соҳибқирони гетиситон мамолики маҳруса фуқаросининг муҳосарати ва вилояти маҳфуфа раоёсининг муҳофазати ва ямут муфсидлари чаповулчисининг гўшмоли ва мутмаъини учун моҳи мазкур, яъни шаввол ойининг ўн бирида шанба кунининг биродари бузруквори ва ихвои саодатосори амиру-л-умаро, маҳсубу-л-фуқаро, соҳибу-л-эҳсон ва-л-жуд шаҳзода Саййид Маҳмуд тўрани номзад қилди. Ва умаройи изом ва уманойи маҳоми зумрасидин амирзодаи олиймақом, сарвари аҳли офоқ Элтузарбек иноқ ва амири гардунэҳтишом, хулосайи арбоби вужуд шаҳзода Султон Маҳмуд бий ва амири соҳибэҳтиром мақбулу-н-инси ва-л-малак амирзода Боғибек бекларбеги ва қиёт акобиридин Шоҳмурод иноқ ва Муҳаммадёрбий ва кипчок аозимидин Искандар иноқ ва Ҳакимниёз оталиқ ва аркони давлат аъёнидин Раҳматуллоҳ 66<sup>б</sup> ясовулбоши ва Вайсниёзбой ва ғайриҳум яна бир неча шижоатшиор сипаҳдорларни ўзларига мутаъаллиқ сипоҳи ва икки адад тўпи раъдошуби душманкўб била мазкур бўлган амирулумаронинг рикоби давлатинтисоби мулозаматиға таъйин этиб, анинг ҳамроҳлиғи била ирсол қилди, токим издиҳоми тамом била қатъи манозил қилиб, иттифоқ била Тошҳавз ва Ҳилолийда асокири зафармуосирға муаскар қилиб, таваккуф кўргузгайлар ва атрофу жавониб ҳолатидин хабардор бўлуб, хуррам ва эҳтиёт русумин камоянбағи тузгайлар. Ва мазкур бўлган маъмурлар фармони лозиму-с-сурур мужиби била мастур бўлган кун мақсад жонибиға жозим ва ҳузури тамом била масофат қатъиға озим бўлдилар. Ва сипоҳи нусратпаноҳ била бориб, Тошҳавз ҳаволисин лашкаргоҳ қилиб, таваккуф кўргузуб, ул атроф фуқароси учун ҳаросат расмин туздилар.

Яна улким, даргоҳи олампаноҳнинг 67<sup>а</sup> ихлосдастгоҳ ва жалодатиктиноҳ мулозимлари зумрасидин Ниёзмуҳаммад юзбоши ва Муҳаммадназарбек фармони вожибу-л-изъон мужиби била Охол

диёриға ва Идак юзбоши Марв вилоятиға бурунроқ сурдовул йўсунлуқ бормиш эрдилар, токим мазкур вилоятлардин така ва сорик тавойифининг таҳаввуршиор, жалодатосор баҳодирларидин бир гуруҳи анбуҳи рустамшукуҳ била жаноби салтанатмаоб мулозаматиға етиб, эҳсон ва изтиноъи подшоҳонадин хилоъи хуршидшуоъ бахшиши била хурсандлиғ ва нуқуди вофирарез иши била баҳрамандлиғ топтилар.

**Ямут муфсидларининг Хивақ музофотин чопмоқ учун яна  
издиҳоми тамом била азимат этгани ва Хивақ сипоҳи  
истикболиға чиқиб, талоқии фарикайн ва муҳорабайи азим  
вуқуъға етгани**

Чун ямутия **67<sup>б</sup>** тавойифининг орасида ғалла камлиги жиҳатидин навъе қаҳат балоси шоеъ ва барчасининг палид нафслариға жуъ ибтилоси воқеъ бўлди ва мамолики маҳфузанинг мазорейидағи экилган буғдойлар пишиб ўрулди ва ҳар мазраъда буғдой хирманлари фалак хирмани янглиғ ўгулди ва ул фасодойин ва инодкамин жамоа димоғи накбатфаржомлари матбаҳида тамаъ ўтунин ёқиб, савдойи хом таомин мундоғ пишурдиларким, издиҳоми тамом ва ғалабайи молокалом била келиб, қути лоямут учун мамолики маҳрусса хирманлари буғдойидин бир нима ола олғайлар ва ё ўз кўнгуллари хирманиға ҳасад ўти тушгандек камоли шарорат шарридин ҳар хирманға ўт солғайлар. Ложарам, бу хаёли фосид ва таманнойи косид била ул шақоватойид муфсидларидин уч мингдин зиёдароқ отлиғ иттифоқ била Хивақ музофоти **68<sup>а</sup>** чаповули учун таважжуҳ юзин урдилар ва залолат маркабин жаҳолат жодасиға сурдилар. Ва бу воқеа хабари шаввол ойининг бешида, жумъа куни атабайи давлатпарвар мулозимларининг сомеъайи саодатасарлариға етиб, мавқифи салтанатдин ҳукми қазокирдор бу янглиғ иззи исрор топтиким, давлат арконининг сарафроси Маҳмудниёз ясовулбоши бош бўлуб, хизмат учун келган така ва соруқ лашкаридин бир гуруҳ ва остони давлатпосбон мулозимларидин бир жамоа ва Орол ва қароқалпоқ тавойифининг барча бий ва юзбошилариким, Эрназарбийнинг қалъасин фатҳ қилиб, даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозаматиға келиб, ҳануз ўз юртлариға муовадат қилмамиш эрдилар, иттифоқ била ямут муфсидларининг истикболиға чиқиб, ул жамоайи бадфаржомнинг қитол ва жидолиға иқдом кўргузгайлар ва фуқаро **68<sup>б</sup>** ва раоё

амволиға душман дастбурдидин ҳаросат ва муҳофазат русумин тузгайлар.

Маъмурлар фармони вожибу-л-имтинон муқтазоси била мазкур бўлган кун намози шом ҳангомидин сўнг отланиб, гуруҳ-гуруҳ шахрдин чиқиб, мақсад жонибиға жалодати тамом била хиром кўргуздилар. Тонгласиким, шанба куни эрди, намози бомдод вақтида Шайх қалъасидин ўтуб, Ғозиобод қалъасининг жанубий жонибидағи Зейкашга ёвуқ етган ҳангомда душман черики саводин узоқдин кўрдиларким, бир ерда таваккуф кўргузуб, Ғозиобод ва Ўзбакёф ва Бурлоқ ва ул атрофдағи ўзга қалъалар устига гуруҳ-гуруҳ лашкарни чаповулға йибормишлар.

Чун хуршиди жаҳонгарди чобуксувор сипеҳр арсасида шуъоитиғи ламъасин намудор қилди ва зиё лашкари суфуфиға тарбия ва таъбия русумин изҳор этти, икки фирқа бир-бирига мулоқий бўлуб, ўзларин **69<sup>a</sup>** асбоби ҳарб ва олоти зарб била мукамал ва мусаллаҳ қилиб, ҳар тарафдин черик ясовиға аро бериб, баранғар ва жаванғариға жалодатшиор муборизларнинг маҳобатосор вужудлари била зебу зийнат еткурдилар. Ва чун лашкар сафлари бир-бириға муқобил бўлуб, масоф маъракаси орасталиғ топти, икки тараф баҳодирлари жалодат якронин муҳораба майдониға сурдилар. Ва бири-бирининг қасдида синони жонситон ва шамшири хунафшон ва тўфанги раъднишон истеъмолиға илик урдилар ва далирона ҳамлалар била муҳораба ва муқотала маъракасин рустамона қурдилар. Савош ва талош русумида Рустам ва Исфандиёр руҳиға ниҳоятсиз ҳайронлиғ ва саросималиғ еткурдилар.

#### **Маснавий:**

Набард аҳли ҳар ён суруб рахш тез,  
Ситез ила зоҳир қилиб растахез.  
Хиром айлабон арса ичра далер,  
Чекиб наъра андоқки, ғарранда шер.  
Отиб чувстик бирла баъзи тўфанг,  
Уруб сийнайи хасмини бедаранг.  
**69<sup>b</sup>** Олиб кин ила қўлға баъзи синон,  
Адусиға зоҳир қилиб қасди жон.  
Ҳавола қилиб баъзи шамшири тез,  
Қилиб душмани пайкарин рез-рез.  
Уруб баъзи қаҳр ила гурзи гарон,  
Йиқиб хасмининг бошиға осмон.

Бу янглиғ бўлуб икки лашкар қарин,  
 Бири-бирига кўргузуб қаҳру кин.  
 Гаҳи бу анга еткуруб зўрдаст,  
 Бериб ҳамла бирла сафиға шикаст.  
 Гоҳи ул мунга ҳамлалар еткуруб,  
 Жидду жаҳд **70<sup>а</sup>** бирла кейинрак суруб.  
 Гаҳи бу анга кўргузуб растахез,  
 Гаҳи ул мунга зоҳир айлаб ситез.  
 Сурон ила солдилар икки сипоҳ,  
 Ки бўлди аён даҳр ила ҳашргоҳ.  
 Саросар тутуб ер юзини думон,  
 Кўрунмай жаҳон аҳлиға осмон.  
 Чиқиб кўкка ер гарди андозасиз,  
 Ер олти-ю афлок бўлди секиз.  
 Тутуб авж қон мавжи гардунғача,  
 Олиб ер юзин тоғу ҳомунғача.  
 Савош икки ён бемадор тутуб,  
 Қиёмат куни **70<sup>б</sup>** ошкоро бўлуб.  
 Гаҳи бу топиб дасти фатҳу зафар,  
 Гаҳи ул бўлуб зўру нусратасар.

Бу янглиғ жанги мағлуба муддати бомдод намози ҳангомидин офтоби жаҳонтоб сайри пешин мақомига етгунча имтидод топиб, сипоҳи нусратпаноҳ муборизлари, хусусан, така ва қароқалпоқ баҳодирлари шерона талошлар ва рустамона мавошлар зухурға еткуруб, мутаоқид ҳамлалар била неча мартаба аъдо суфуфиға тазалзул ва бинойи истиқоматиға таҳаллул бериб, илгари сурдилар. Аммо ул ҳолда муфсидларнинг атроф ва жонибға чаповул учун кетган отлиғлари ҳар тарафдин гуруҳ-гуруҳ келиб, аларға қўшулуб, бунёди истиқоматлари истехком топиб, бағоят қавийдил ва мустаҳзар бўлдилар ва ҳайъати ижтимоъ била от солиб, ҳамалоти мутаоқиб била барча бирдин лашкари зафарпарвар **71<sup>а</sup>** устига тўкулдилар.

Сипоҳи нусратпаноҳ озлиқ жиҳатидин андак кейинроқ қўзғалиб, Шайх қалъасининг атрофида таваккуф қилиб, тоғдек тамкин ва сабот кўргуздилар ва мутаҳоввирона ҳамлалар била маҳораба ва муқотала русумин туздилар. Ва пешин чоғи муфсидлар муҳораба амридин илик тортиб, муқотала майдонидин оёқ чектилар. Ва ҳамул кеча шабгир қилиб, истеъжоли тамом била ўз ўбалари жонибиға юз урдилар. Ва мазкур бўлган урушда бу тараф

муборизларидин тахминан ўн чоғлиқ киши шаҳодат даражасига етти.

Ва тоифайи қалпоқдин рустамшижоат ва миррихсалобат, таҳаввур аҳлининг қўлдоши Ражаб юзбоши бошлиғ икки-уч 71<sup>б</sup> киши захмдор бўлдилар ва инъоми подшоҳона шифохонасидан илтиём марҳамин топиб, шодкомлиғ ҳосил қилдилар. Аммо ямут муфсидларидин йигирмадин зиёдароқ киши баҳодирларнинг буррон тиглари ҳайъатининг ишорати била адам укубатгоҳи сари равон бўлдилар. Ва беш-ўн чоғлиғ кишиси оғир захм кўтардилар ва алар дағи сўнгроқ ҳамул захм захматидин охират кулфатхонасиға бордилар. Ҳамул кун кечроқ Ғозиобод қалъасига келди ва тонгласи ямутнинг муовадат қилганин таҳқиқ билгандин сўнг қайтиб яна Ҳилолийға борди.

Яна улким, шаввол ойининг йигирма тўқузидида сешанба куни ҳазрати соҳибқирони гетиситон 72<sup>а</sup> барча қўнгрот ва қароқалпоқ тавойифининг бий ва юзбоши ва кадхудолариға илтифоти хусравонадин сарафрозлиғ еткуруб, ўз юртлариға мурожаат қилмоқ рухсатин берди. Ва алар фармони лозиму-л-изъонни дилу жон била қабул қилиб, юртлари жонибиға шоду хандонлиғ била равон бўлдилар.

Яна улким, Гандумком мавзеидағи боғи дилкушо ва ҳавлийи пурсафоқим, ҳазрати соҳибқирон, иқболпосбоннинг бузруквор отаси жаннатмакон Абулғозий Муҳаммад Раҳими Баҳодирхоннинг меъмори илтифоти била маъмур бўлмиш эрди ва ул ҳазрат фавтидин сўнг ҳамул боғ ва ҳавли анинг валади аршади амири кабир Раҳмонқули иноқға ва андин сўнг анинг фарзанди кабири аржуманди Мусо 72<sup>б</sup> тўрага мерос қолмиш эрди, Мусо тўра вафот топиб, андин ҳеч фарзанд қолмади ва бу ошонда ҳазрати соҳибқирони мамоликситон ҳамул боғи жаннатнишон ва ҳавлийи майманатмаконни атрофидағи назоҳатиқтирон мазраълари била батариқайи ирсий мулки холис қилиб, қабзайи ихтиёриға олди ва хитайи иқтидориға солди.

#### **Маснавий:**

Ажаб ҳавли эрди бағоят васеъ,  
Фалак қалъасидин мутаййину рафеъ.  
Қусури нечукким қусури жинон,  
Саросар бўлуб роҳатафзойи жон.  
Вале боғи эрди баса дилкушо,  
Ҳавоси дами Исодек жонфизо.

Бари мева анда мухайё бўлуб,  
Ки жонпарвару лаззатафзо бўлуб.  
Барининг агар васфин этсам рақам,  
Туганмас Исрофил урғунча дам.

Ва бу овони саодаттавъомонда ва ҳамул боғи фирдавснишон меваларидин зардолу меваси ниҳоятсиз пишмиш ва осудалиғ мақомиға етмиш эрди.

Ҳазрати соҳибқирони ҳотамнишон ҳиммати жибиллий **73<sup>a</sup>** ва саховати азизий муқтазоси била ҳамул ҳавлийи дилкушода жамеъи уламои изом ва умаройи киромға подшоҳона зиёфат бермак тақозо қилиб, ул зиёфат асбобининг саранжомин вазири аъзам, дастури мукаррам, садоратинтимом низому-л-мулки ва-д-дунё ихлоспарвар Муҳаммад Яъқуб меҳтарнинг ройи ҳимматгустариға тавфиз қилди ва ҳумоюн жамоли духулидин ҳамул боғ сахнига беҳишт боғи фазосидек файзу тароват еткурди.

Ва тонгласи мазкур ойнинг тўртида, якшанба сабоҳиким, меҳр мизининг заррин амомаси фалак осорининг зиёфатхонаси садрида мутамаккин бўлуб, зиё тавзиҳи ва баҳо тулуъи мутолаасиға иштиғол кўргузди, ул ҳазрат барча уламо-ю куззот ва фузало-ю содот ва умаро-ю кубаро **73<sup>b</sup>** ва аркони давлат ва аъёни мамоликни ундаб, ҳамул ҳавлининг кавсаросо ҳавзи ҳаволиси фазосида дилкушо мажлисға келтурди. Ва ўзи ҳамул мажлис садрида хаймаи махсусни барпо қилдуруб, анда ташрифи иқбол еткуруб, жамшиди хуршиддек сипеҳри давлат маснадида ўлтурди ва ояти Қуръонни мазмунининг истимоъи савобидин маҳзуз ва баҳравар бўлмоқ учун Каломи раббоний сураларидин сурайи “Фил” тафсирин аъламу-л-уламо, афзалу-л-фузало, афзалу-л-куззот муттаоли даражот, диёнатасар ва фақоҳатпарвар Абдурраҳим Махзум қозийи аскарға буюрди. Ва ул жаноб фармони саодатинтисоб муқтазосича мазкур сура тафсирин фасохати тамом ва балоғати молакалом била адо қилиб, ҳумоюн мазмуни лаззатидин мажлис аҳлининг хотири хатирлариға ниҳояти фарҳат ва роҳат еткурди. Ва тиловат машуботин ул ҳазратнинг абойи киром ва аждоди изом ва жамеъи гузашталари **74<sup>a</sup>** арвоҳиға бағишлаб, дуо ва олғиш замзамасин фалак авжидин ошурди. Ва тафсир ва дуо адосидин сўнг чобукдаст фаррошлар ва чувспой ходимлар жалодати тамом била ва одоби калом била ҳамул мажлис фазосида хиром кўргузуб, аҳли мажлис олдилариға заррин хонлар тўшаб, қандин нонлар қўйдилар. Ва ул масобада гуногун таомлар

ва ранго-ранг шароблар ва тунг-тунг шакарлар ва табақ-табақ ҳалвойитарлар ва шира-шира наботлар ва турлук-турлук қандолатлар ва сабад-сабад мевалар ва хирман-хирман фокиҳалар халойиқ олдиға чектиларким, мажлис саҳни сартосар бўлди. Балки ўртада тоғ янглиғ таҳ-батаҳ ўгулди.

#### **Маснавий:**

Бўлуб неъмат била мажлис фазоси,  
Бариси хаста жонларнинг давоси.  
Вале анвоъиға йўқтур шумора,  
Қолиб ҳайрат аро аҳли наззора.  
Бари лаззат аро жондин алаздур,  
Демаким, оби ҳайвондин алаздур.  
Киши гар зикрига бир дам очар тил,  
Ани то ҳашр амин **74<sup>б</sup>** жуъдин бил.  
Тўкилди бас ки анда шарбату нўш,  
Еридин то қиёмат шахд урар жўш.

Ва бу янглиғ гуногун маъкулот ва ранго-ранг машруботнинг аклу шурбидин жамеъи халойиқ ўзларининг майлу иштаҳосиға лойиқ ком олиб, мажлис инқизосидин сўнг ижозати шоҳона ва навозиши хусравонадин хурсанд ва баҳраманд бўлуб, бажҳати тамом ва масаррати локалом била ҳар ким ўз масканиға муовадат кўргуздилар. Ва ҳазрати соҳибқирони карамнишондағи ҳамул кун намозшомдин сўнг ҳамул зиёфатхонайи беҳиштнишонадин дабдабайи мулукона била рукуб қилиб, давлат ва иқбол маркабин мурожаат тариқиға сурди ва вусули ҳумоюни била доруссалтана саририға қуёшосо зебу оро еткурди.

Яна улким, зулқаъда ойининг секизида, панжшанба куни фармони лозиму-л-имтинон мужиби била аркони давлат аъёнидин саркардаи олийшон Маҳмудниёз **75<sup>а</sup>** ясовулбоши қароқалпоқ лашкарин жамъ этиб, Кўҳна Урганчга еткурмак учун озим бўлди ва қалпоқия аросиға бориб, ул ақидатасар элнинг барча навкарин йиғнаб, Хўжаэлига бориб, кўп муддат таваққуф кўргузди. Ва муҳаррам ойининг авоситида ишорати лозиму-л-башорат мужиби била қароқалпоқ черикининг кўпракин Тошҳавзда амирулумаро Тўранинг хизматиға йибориб, ўзи мазкур элнинг баъзи навкари била Кўҳна Урганчга бориб, мутаваққиф бўлди.

Яна улким, мазкур ой, зулқаъданинг ўн иккисида, душанба куни ҳазрати соҳибқирони гетиситон ямут кадхудоларининг илтимоси ва истиъдоси била аркони давлат акобиридин умаройи

изом зумрасиға фойиқ заҳиру-д-давла Муҳаммад Солиҳ оталиқ ва зубдайи аҳлу-л-Ҳаққи ва-л-ийқон Ибодуллоҳ эшонни элчи қилиб, инояту истимолат **75<sup>б</sup>** нома била Отамуродхон бошлиғ ямут саркашлари жонибиға ирсол қилди. Маъмурлар фармон мужиби била ҳамул муфсидлар орасиға бориб, ҳазрати соҳибқирони комкорнинг иноятномаи саодатосорин еткуруб, каломи фасоҳатанжомлари якронин мавъиза ва насихат майдониға сурдилар, шарорати зотий муқтазоси била ул носихи мушфиқларнинг насихатлари гўшворасин қабул қулоқиға солмай ва хирад аҳлиға маъқул тушгудек жавоб топшуrolмай, ҳар уруғдин бир неча киши қўшуб, номасмуъ узрлар била қайтардилар. Ва мазкур элчилар мазбур ойнинг йигирма еттисида, сешанба куни остони сипеҳрнишон мулозаматиға етиб, аҳли фасод ва арбоби иноддин кўрган афъол ва эшитган ақволни мавқифи **76<sup>а</sup>** арзға еткурдилар.

Яна улким, умаройи садоқатинтисобдин Аваз Мурод миробким, қиёт дудмонининг иззатмаоби эрди, илтифоти подшоҳонадин Бухоро элчилигига номзад бўлмиш эрди, андоқким юқорида баён силкининг рақамзадаси бўлди, қатъи манозил ва таййи мароҳилдин сўнг Бухоро шаҳриға дохил бўлуб, бир неча кун таваққуф кўргузди. Нединким, Бухоро волийси амир Насруллоҳға Шаҳрисабз улуси неча йилдин бери мухолафат ва адоват кўргузуб, инқиёд ва итоат доирасиға мувофақат ва мутобаат қадамин қўймас эрдилар. Амири мазкур ҳар йили карратан маррот алар қасдиға лашкар чекиб, муҳоработи бисёр ва муқоталоти бешумор зухурга еткурур эрди. Ул овонда дағи ҳамул дастур била Шаҳрисабз устига бориб, ғалабайи тамом била мусаххар қилиб, дасти тасарруфиға киргузуб, ҳамул диёр маҳомининг саранжомиға машғул эрди. Чун Аваз Мурод **76<sup>б</sup>** миробнинг сифорат расми била Бухорога ворид бўлуб, анда таваққуф кўргазганин эшитти, киши йибориб, Шаҳрисабзга талаб қилиб, подшоҳона навозишлар кўргузуб, анинг борасида таъзим ва такрим шароитин бажо келтурди ва бир неча кундин сўнг иззати тамом била мурожаат рухсатин берди. Ва ўзининг муътамад ул-илайҳ умаросидин Иброҳимбий юзни элчилик тариқаси била анга масҳуб қилиб, ихлос ва ақидат юзидин муҳаббат ва муволафатнома ирсол қилди. Алар масофати баидани тез ва суръат била қатъ этиб, Бухороға етдилар. Андин азимат якронин наҳзат майдониға суруб, манозили мутанаввиъа қатъидин сўнг зулқаъда ойнинг ўн еттисида, якшанба куни атабайи аъло

хокбўслиқи саодатиға фоиз бўлуб, амир Насруллоҳнинг йиборган туҳафот ва мактуботин назари анвар мутолаасиға еткурдилар. Ва илтифоти подшоҳона Иброҳимбийнинг 77<sup>а</sup> ҳолиға шомил бўлуб, элчихонайи мусаффоға тушурулди ва ўз тақозосидин зиёдрок вазойиф ва таҳойиф анга марсум бўлди. Йигирма олти кун муддат инқизосидин сўнг зулҳижжа ойининг ўн бешида шанба куни хилоъи подшоҳона ва навозиши хусравона била анга мурожаат рухсатин бериб, Кот акобиридин Отаниёзбек қўнгротниким, аркони давлат аозимидин эрди, элчилик расми била қўшуб, муволафатномайи номий ва савғоти киромий топшуруб, Бухоро савбиға ирсол қилди.

Яна улким, зулҳижжа ойининг йигирма тўқузидида, шанба куни ямут жамоасининг мутобаат доирасиға итоат қадамин қўйган тавойифининг илтимоси била баъзи шароратпеша ва залолатандеша ҳаромиларнинг итминони хотири учун истимолатнома топшуруб, вилоятпаноҳ, ҳақиқатогоҳ, кароматнишон Ибодуллоҳ эшонни ямут 77<sup>б</sup> орасиға йиборилди. Ва сўнғи кунким, якшанба эрди, санайи ҳижрий минг икки юз етмиш учга интиқол этиб, муҳаррам ойининг ҳилоли шўхлар қошининг хаёлидек ҳайъати марғуб била жилвагар бўлди, ҳамул ойнинг ўн бирида, чаҳоршанба куни ямут ва имроли тавойифидин Бобо бахши ва Аллоҳқули вакил ва Отаниёзхон бошлиғ бир жамоа кадхудолариким, моддаий фасод ва хамирмойи инод эрдилар, журму исёнларидин нодим ва пушаймон бўлуб, Ибодуллоҳ эшоннинг шафоати домониға дасти истеъмон уруб, қўнгрот умаросининг иззат ва шавкатниҳоди Қутлуқ Муродбийниким, бир неча муддатдин бери ул жамоанинг қўлида асири сарпанжайи тақдир эрди, ўзлари била ҳамроҳ келтуруб, атабайи давлатпарварнинг кимёасар туфроқиға изтирори тамом била ажзу инкисор бошин уруб, жаройими қадима ва авосими жадидаларидин тавба ва истиғфор кўргузуб, изҳори эътироз қилдилар. 78<sup>а</sup> Ҳазрати соҳибқирони гетиситон, камоли карамдин “ал-ғуфуру инда-л-қудрати мин улувви-л-ҳиммати”<sup>1</sup> муқтазоси била ул тоифанинг тавба ва истиғфорин қабул қилиб, жароиди исёнлариға афву эҳсон рақамин чекти Ва итминони хотирлари учун нуқуди фаровон ато қилиб, мурассаъ камарлик муламмаъ хилъатлар кийдурди ва навозиши мулукона била барчасининг рамида замирлариға ком ва ором еткурди. Ва алар ўз нисбатида ул ҳазратнинг эҳсону иноятин комил ва шомил топиб, мазкур ойнинг ўн учидида, жумъа куни рухсат

<sup>1</sup> “Кучи ета туриб кечириш ҳиммат баландлигидан”

олиб, баъзи қолган саркашларни остонбўслиғ шарафига еткурмак учун мазкур эшонни ўзларига ҳамроҳ қилиб, муовадат эттилар. Ва ямут орасиға бориб, ҳазрати соҳибқирони гетиситондин кўрган марҳамат ва эҳсонларин аҳли инодға бир-бир баён қилиб, мухолафат шоматидин таҳзир ва мувофиқат **78<sup>б</sup>** саодатиға тарғиб кўргузуб, масолаҳа жодасиға далолат қилмоқда саъйи машкур ва кўшиши ғайри махсур русумин туздилар.

Ва барча инод ва инқиёд аҳли истихора ва истишорадин сўнг иттифоқ била ўз маслаҳатларин мусолаҳа ва мутобаат қилмақда кўруб, Абдуллоҳхоннинг воқеайи ҳойиласидағи қолган тўплар ва туғлар ва баъзи асбобин йиғнаб, ҳар уруғдин бир неча мўътабар кишиларга топшуруб, мазкур эшонға кўшуб инкисори тамом ва эътирози молакалом била остони давлатпосбон зиёратиға равон қилдилар. Ва алар моҳи мазкурнинг йигирма олтисида, панжшанба куни атабабўслиғ шарафига истисъод топиб, илтифоти подшоҳона жомидин сармасти нашаъи мурод бўлдилар. Ва моҳи мазкурнинг йигирма тўқузиди, якшанба куни аларға мурожаат рухсатин бериб, яна машойихи изомдин Ибодуллоҳ эшон ва Собир эшон ва Муҳаммад Назарбек **78<sup>б</sup>** ибн Шоҳниёз оталиқни кўшуб йиборилди, токим ямут орасиға бориб, мусолаҳа биносиға аҳду паймон била истехком бериб, баъзи хазлон водийсининг саргашталарин роҳи ростға далолат қилиб, мувофақат доирасиға киргузгайлар. Ва алар фармони қазожараён мужибби била қатъи манзилдин сўнг ямут муфсидлари орасиға дохил бўлуб, “ва ин т̄а’ифат̄ани мина-л-му’мин̄на-қтатал̄у фа-аслих̄у байнаҳум̄а”<sup>1</sup> оятининг мудовули била сулҳ сўзин орага солиб, мушфиқона насиҳатлар қилиб, “ати’уллоҳа ва ати’у-р-расула ва ули-л-амри минкум”<sup>2</sup> масдуқи била Худо ва расул ва подшоҳ итоатиға тарғиб ва таҳрис кўргуздилар. Аммо муфсидларнинг мушаддад ва шақийроқлариким, алардин улуғ гуноҳ вуқуъға етмиш эрди, ҳазрати соҳибқирони кишварситоннинг қаҳри сатвати ва ғазаби салобатидин мутаваҳҳим бўлуб, остонбўслиғ саодатиға мушарраф бўлмоқдин ибод ва итминоъ **79<sup>б</sup>** кўргузуб, мазкур бўлган эшонларнинг ваъз ва насиҳатлариғаким, ҳақиқатда сабаби иззати

<sup>1</sup> وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلِحُوا بَيْنَهُمَا (‘Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро уришиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этинглар!’), ‘Хужурот’ сураси, 9-оят)

<sup>2</sup> أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ (‘Аллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) иш эгалари (раҳбарларга) итоат этингиз!’), ‘Нисо’ сураси, 59-оят)

дунё ва шарафи охират эрди, камоли шақоватдин қабул қулоқиға олмай, номаъқул узрлар била қайтардилар.

**Амирулумаро, маржаъу-л-кубаро, испаҳсолори аъзам шаҳзода Саййид Маҳмуд тўранинг дабдабайи тамом била Тошҳавздин наҳзат қилиб, кавкабайи молокалом била Ҳилолий қалъасининг ҳаволисида муаскар тузмаги ва ямут тоғийларининг изтироби бениҳоя ва инкисори билоғоя била келиб мусолаҳа кўргузмаги ва амирулумарони Ҳилолийдин Хивақ жонибиға мурожаат қилгани ва ямутнинг Хонобод атрофидин кўчуб, маскани маълуфлариға келгани**

Бу муҳораба майдонининг мусолаҳақуши ва бу муҳолафат уммонининг мувофақатжўши, яъни хомайи мушкиншамома бу янглиғ гармҳангома бўлурким, чун ямут муфсидлари камоли жаҳолат ва ғояти залолат муқтазоси билаким, **80<sup>а</sup>** аларнинг зоти ҳабосатсиймотида музмар ва тийнати касофатоётида мухаммардур, итоат ва инқиёд қилодасиға мутақаллид бўлмоқдин ва атабайи осмонмартаба хокбўслиқиға келмақдин иблиси лаъин янглиғ “абā ва-стакбар”<sup>1</sup> оятининг фаҳвоси била ибo ва истакбар кўргузуб, мусолаҳа иддаоси била борған эшонларни ниммақсуд қайтардилар. Ложарам, ҳазрати соҳибқирони гардунэхтишом ул тоифайи накбатанжомнинг танбеҳу гўшмолин интизом қилиб, тоқлари доирасин танг қилмоқ учун, ўзининг биродари бузруквори, ахийи саодатосори, амирулумароу-л-аъзам, умдату-л-кубарои-л-фихам, муржиъу-л-азиз, мақсаду-л-акорим, соҳибу-л-карами ва-л-жуд шаҳзода Саййид Маҳмуд тўра рафаъаллоҳу аълома шавкатаҳ ва вусъа айёми давлатихғаким, тўрт ой муддатидин бери сипоҳи нусратпаноҳ била Тошҳавзда мутаваққиф бўлуб, мамолики **80<sup>б</sup>** маҳруса ҳаросатиға машғул эрди, мавқифи жоҳу жалолдин ёрлиғи лозиму-л-имтисол бу мазмун била ирсол қилилдики: “Ҳилолий ҳавлисиға бориб, шароратмаол муонидларининг таъдибу гўшмолиға иштиғол кўргузуб, аҳволиға танглиғ еткурсин. Ва агар муонидлар сидку ихлос юзидин қилған исёнларидин пушаймон бўлуб, инод майдонидин қайтиб, инқиёд мақомиға келиб, сулҳ талаб қилса, дохили мазоҳим бўлмай, мусолаҳа қилиб, ҳамул атрофнинг маҳомииға интизом бериб, мурожаат қилсун”.

<sup>1</sup> أبى واستكبر (“(Фақат Иблис) бош тортиб, кибр қилди”, “Бақара” сураси, 34-оят)

Чун амирулумаро бу ёрлиғи жаҳонматоеъ мазмуниға иттилоёъ топти, қабул кўзиға суртиб, дарҳол ёрлиғ мазмуниға имтисол кўргузуб, муҳаррам ойининг салхида бетааллул ва беихмол азимат самандиға рукуб қилиб, наҳзат навосин жилваға киргузди ва сипоҳи маҳшардастгоҳ ҳамроҳлиқи билаким, ҳаддин афзун ва қиёсдин **81<sup>а</sup>** берун эрди, раҳнавардлик расмин тузди.

#### **Маснавий:**

Бўлуб рокиб амири чархсавлат,  
Ҳилолий сариға қилди азимат.  
Тузуб саф кийнида хайли сипоҳи,  
Тутуб афлоки жавфин гарди роҳи.  
Юруб аснофи лашкар фавж бар фавж,  
Вале ҳар фавж уруб дарё киби мавж.  
Шукуҳидин бўлуб афлок музтар,  
Вуруди бирла жисми хок музтар.  
Такупўси солиб оламға ошуб,  
Ҳаёҳуси етти торамға ошуб.

Бу янглиғ жунуди бемарр ва жуюши ҳайбатгустарни дарёйи мавжвардек масофат қатъида жўшу хурушға киргузуб, кавкабайи салобатасар ва дабдабайи маҳобатпарвар била Ҳилолий қалъасининг ҳавлисиға ворид бўлуб, ҳузур куёшидин ул қалъа аҳлининг бошлариға баҳжат ва сурур партавин солди. Ва ул ҳисори фалакмадорнинг ғарбий жонибида асокири зафаршиорнинг барча асноф ва анвоъиға мақарру муаскар таъйин этиб, хиргоҳи **81<sup>б</sup>** фалакиштибоҳ ва хийёми сипеҳрэхтишомнинг қубоби хуршидтоб ва жулуси саодатмаънусин меҳри дурахшон қуббаси ва моҳи тобон қиммасидин ошурди ва нузули шарофатвусул файзидин ҳамул маконға жинон бўстонидек таровати тоза ва назорати беандоза еткурди. Ва лашкари зафарқарин аснофидағи ул муаскарда манзилгузин бўлуб, анвоъи хаймаву хиргоҳ ва гуногун пешхонаву боргоҳ ва ранг-ранг саропардаву шомиёна ҳайъатидин Чин шаҳри суратин намудор ва хулди барин зийнатин ошкор қилди.

#### **Маснавий:**

Аён этти ҳамул фархунда музайян,  
Вуфури хаймадин шаҳри муаззам.  
Ҳамул шаҳр ичра лашкарнинг ҳужуми,  
Фалак кўрғонининг хайли нужуми.  
Адад ичра фузун саҳро кумидин,  
Демай саҳро куми, кўк анжумидин.

Тўлуб хайли сипаҳдин ул ҳаволи,  
Ки игна урғудек йўқ жойи холи.  
Халойиқ издиҳомидин саросар,  
Ҳамул мавзеъда пайдо бўлди маҳшар.

Чун **82<sup>a</sup>** амирулумаро Тўра бу янглиғ кавкабайи воло ва салобати ҳайратафзо била муаскари зафарфаржомға нузул этиб, ором тутти ва лашкари нусратасар зилзиласи оламға сартосар етиб, сипоҳи жаррор ғулғуласи сипеҳри даввор ҳисори зурвасидин ўтти, ямут тоғийларининг доираи жавлонгоҳи танг бўлуб, марказдек мухити мухотарада қолдилар. “Ва қāзафа фй қулўбихиму-р-ру‘ба”<sup>1</sup> мазмунининг муқтазоси била лашкари жаррор ва сипоҳи бешуморнинг ғалабайи издиҳоми ва тиғи интиқомидин хотири кудуратмуосирлариға хавфу ҳарос ғолиб бўлуб, итоат ва инқиёд тариқида сулук этмакдин ўзга чора топмадилар. Ва бир неча муддатдин бери жамеъи Хоразм мамоликида ғалла нархиға гаронлиғ етиб, хусусан, ул шароратшиор жамоанинг орасида маскани маълуф ва ватани маъруфларидин айрилиб, экин эка олмаған жиҳатдин қаҳат ва ғалла балоси истило топиб, мусъаба шиддатидин баъзининг руҳи қуши **82<sup>b</sup>** ажал маслахи ва адам матбахи сари чопиб, “фамани-дтурра фй маҳмаса”<sup>2</sup> фаҳвоси била баъзиси ҳаром ва мурдор емакни ўзларига ҳалол билдилар.

### Назм:

Ул эл ичра қаҳат этти андоқ зухур,  
Ки жонлар, баданлардин ўлди нуфур.  
Сомон рангидек сарғариб юзлари,  
Кўкарди ғами маошдин кўзлари.  
Бўлуб барча буғдой каби сийна чок,  
Қилиб ўзни нон ҳасратидин ҳалок.  
Кеча кўрса ой шаклини ногаҳон,  
Узатур илик айлабон нон гумон.  
Етиб очлиғи ҳадду ғоятғача,  
Ки еб ҳарна топса нажосатғача.

Чун ул жамоа кўрдиларким, бир тарафдин асокири нусратмуосир ҳужумининг ҳароси ва бир тарафдин қаҳат ва ғалла ҳумумининг истилоси аларни олти жиҳатдин қуршаб, нажот йўли

<sup>1</sup> وَقَدَفَ فِي قُلُوبِهِمُ الرُّغَبَ (“Ва дилларига кўрқув солди”, “Ал-азҳоб” сураси, 26-оят; “ва дилларига кўрқинч солди”, “Ҳашр” сураси, 2-оят)

<sup>2</sup> فَمَنْ اضْطُرَّ فِي مَخْمَصَةٍ (“Кимки, гуноҳга мойиллигидан эмас, балки очарчиликдан (мазкур ман этилган нарсаларни ейишга) мажбур бўлса, албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир”, “Моида” сураси, 3-оятнинг бир қисми)

мадрус ва ҳаёт куши манхусдур, ложарам, Бахши ва Аваз Муҳаммад вакил бошлиғ бир неча кадхудолариким, бу давлат шаънида зоҳиран сидку ихлосдин дам урар эрдилар, иттифоқ била инод **83<sup>а</sup>** аҳлининг орасида улуғ мажмаъ тузуб, Отамуродхон ва Муҳаммадвали ва Билимверди инглизниким, шарорат ва талбисда иблисни эътибори назариға илмас эрдилар ва авбошу ҳаромиларға бош бўлуб, неча муддатдин бери муониду мазаррат жодасидин асло тажавуз қилмас эрдилар, таҳдид ва тақвиф юзидин иноду саркашликдин зажру манъ қилиб, итоат ва мутоваат сироти мустақимиға далолат кўргузуб, маслаҳат тариқаси била дедиларким: “Ниҳоятсиз лашкар бизнинг қасдимизға ҳаракат кўргузуб, кину ғазаб майдониға қадам қўюбдурлар ва яна очлик ғалабасидин барча улус ҳалокат мақомиға етиб, жонларидин тўюбдурлар. Эмди ҳазрати соҳибқироннинг фармони лозиму-лизъон мужиби била амал қилиб, итоат ва инқиёд василаси ва мадорову мувосо воситаси била ўзимизнинг маскани маълумимизға бориб, мамолики маҳруса бозорларидин ғалла сотғун **83<sup>б</sup>** олиб, садди рамақ қилмасак, барча ҳалокат маъразиға етиб, ўғлони ушоқ мутафарриқ ва паришон ва оворалиқ даштида мафқуд ва саргардон бўлғусудурлар. Маслаҳат улким, ҳама иттифоқ била тиғ ва кафан бўюнларимизға осиб, сипаҳсолори аъзам, амирулумаро Тўранинг остони давлатошиён хокбўслиқиға бориб, итоат бошин убудият туфроқиқиға қўюб, асли ватанимизга кўчуб бормоқ рухсатин олғаймиз ва бу итоат шарофатидин ўзимизни ҳалокат ва залолат тангносидин ташқари солғаймиз. Бу маслаҳатдин ўзга нажот йўлин хаёлға келтурмак маҳол ва мумтаъин ул-эхтимолдур. Эмди керакдурким, сизлар дағи бизлар била бориб, остонбўслиғ шарафиға етгайсиз ва ажзу инкисор била мутобаат ва убудият русумин ул жаноб мулозимлариға изҳор этгайсиз, токим бу васила ўзларингизни залолат ва шақоват доирасидин **84<sup>а</sup>** ташқари чиқарғай. Сиз ва барча фуқаро-ю бароёни дағи қаҳат ва жуъ ибтилосидин қутқарғайсиз”.

**Назм:**

Келинг, эмди тарки шарорат қилинг,  
Аввали амри шаҳға итоат қилинг.  
Ки шоеъ бўлуб қаҳату усрат баче,  
Етушти халойиқға меҳнат баче.  
Улусни бу ғам қайдидин қутқаринг,  
Гулистони роҳат сари бошқаринг.  
Йўқ эрса, ҳама икки олам аро,  
Бўлурсиз сарафкандаву юз қаро.

Чун итоат тариқида ихлос била истиқомат кўргузган ямут кадхудоларининг мундоқ насиҳатомуз ва ибратангиз сўзларин Отамуродхон ва Муҳаммадвали ва Билимверди инглиз бошлиғ инод аҳлининг сардор ва саромадлари эшиттилар, ул меҳрибон мушфиқларнинг бу янглиғ беғараз насиҳатларин ихлос ва эътиқод юзидин қабул эттилар ва залолат дойирасидин аёқ тортиб, ҳазрати соҳибқироннинг хизмат ва фармонбардорлиқи қилодасиға **84<sup>b</sup>** бўюн қўйдилар. Ва бу бобда сидқу ихлосларин аён қилмоқ учун барча иттифоқ била амирулумаронинг жаноби фалакфарсосиға ажзу инкисор юзидин аҳднома ёздилар, бу мазмун билаким: “Неча муддатдин бери биз рўсиёҳлар камоли жаҳолатдин қадамфарсойи жодаи инод ва саргаштайи водийи фасод бўлуб, ҳазрати соҳибқироннинг занжири итоатидинким, силсилаи давлатдур, гарданкашлик қилиб, толеъи мушавваш шамоатидин улчаким, жазо ва сазомиз эрди, кўрдук. Эмди барча афъоли ношойиста ва аъмоли нобойистамиздин тавба қилиб, давлати абадмуддати урвату-л-вусқосиға чанги эътисом уруб, барча элу аҳшомимиз била аввалғи масокину мавотинимизға кўчуб бориб, атабайи фалакмартаба мулозимларининг хизматкорлиғ ва жонсипорлиғларида то жон борича ихлос ва эътиқод русумин зухурға еткурурмиздур. Аммо ул жанобнинг **85<sup>a</sup>** мавкаби зафармаоб ва лашқари нусратинтисоби Ҳилолий мавзеъида муҳайё ва омода бўлуб турған ҳолда биз халқ аёлу атфол ва амвол била кўчуб, ул лашқар орасидин ўтмакка кўрқармиз. Эмди ул жанобдин илтимосимиз буким, бу меҳнатзадалар аҳволиға раҳму шафқат кўргузуб, мавкиби қиёматошубни Ҳилолийдин Хивақ сари кўчуруб, фуқаро ва раоёға амният йўлин очсалар, токим барча элу аҳшом ва амволу ағнонимиз била аввалғи маскан ва мақомимизға кўчуб бориб, фориғбол ва осудаҳол бўлуб, остони салтанатнишоннинг мулозимлари оллида убудият камарин боғлаб, бурунғидин зиёдароқ ихлос ва ақидат кўргузуб, ҳар турлук хизмат буюрсалар, жону дил била қабул

қилиб, жонсипорлиғ ва хизматкорлиғ маросимин тақдимға еткурурмиз”.

### Маснавий:

Агар қилсалар бизга лутфу карам,  
Чекиб журмимиз саҳифасиға рақам.  
Қилиб бошимиздин қадам барчамиз,  
Аён айлаб ажзу надам **85<sup>б</sup>** барчамиз.  
Бориб салтанат остони сари,  
Жалолу карам осмони сари.  
Қўюб барча хоки хижолатға юз,  
Ёрутурмиз ул сурмадин жумла кўз.  
Қилиб ошкора сарафкандалик,  
Камин бандаларға камин бандалик.  
Турармиз бу сўз узра жон борича,  
Ўғулдин ўғул то жаҳон борича.

Бу итоатнома биносин дуруст аҳд ва паймон била мушайид ва ғализ онту иймон била муаккид қилиб, барча машоҳиру сардорлар бу нома зайлиға отларин ёзиб, жамеъи акобир ва муҳрдорлар муҳрларин босиб, Бобо бахши бошлиғ баъзи ростгуфтор ва дурустқирдор ва муътамадун алайҳ кадхудоларға топшуруб, камоли ажзу шикасталик била ирсол қилдилар. Ва мазкур кадхудолар иқбол қойидининг раҳнамолиқи била амирулумаро Тўранинг жаноби давлатинтисоб хокбўслиқи шарафиға истисъод топиб, ҳамул итоатномани таъзими тамом ва такрими молакалом била ул жанобнинг назари анвар мутолаасиға етқурдилар. Ул жаноб ўз мулозимати **86<sup>а</sup>** дағи барча умаро ва кубаронинг иттифоқи ва ҳазрати соҳибқироннинг фармони олийшони мужиби била ул жамоанинг инқиёду итоатин мақбул ва илтижову илтимосин мабзул тутуб, келган кадхудоларни тиллодўз хилъатлар бахшишидин баҳраманд қилиб, ҳамлу итоатнома жавобида хушхўйлиқ ва мулойимгўйлик била ижобатнома битиб, ҳамул кадхудоларға топшуруб, навозишлар била ижобат бериб, қайтарди.

Ва ул жанобнинг ўзи дағи ҳукми олий мужиби била Ҳилолийдин ўрдуйи ҳумоюнни кўчуруб, мурожаат тариқиға наҳзат маркабин сурди. Ва Тошҳавзда манзилгузин бўлуб, “ва йанқалибу илā аҳлиҳй масрӯрā”<sup>1</sup> муқтазосича асноф лашкарияға ўз масокину

<sup>1</sup> وَيَنْقَلِبُ إِلَىٰ أَهْلِهِ مَسْرُورًا (“ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли (оиласи)га шоду хуррам ҳолда қатажак”, “Иншиқоқ” сураси, 9-оят)

амокиниға қайтмоғ рухсатин бериб, хушҳол ва масрур қилди. Ва ўзи умаройи изом ва сипаҳдори киром ва махсус мулозимлар била озим бўлуб, рабиъ ул-аввал ойининг учида, жумъа куни доруссалтанайи Хивақға келиб, ҳазрати соҳибқирон- **86<sup>б</sup>** нинг дийдори шарофатосори анворидин дийдаи интизорин равшан қилди. Ва ул ҳазрат камоли карамдин амирулумаро Тўра бошлиғ барча умаро ва саркарда ва сипаҳдорни авотифи хусравонаға махсус тутуб, тавсани тўпчоқ ва тилло пичоқ ва хилъати заррин ва фўтайи самин инъоми била хуршиди жаҳонтобдек сарафроз ва комёб қилди.

### **Маснавий:**

Хусрави жамқадр шаҳи муҳтарам,  
Зоҳир этиб шафқату лутфу карам.  
Барча сипаҳбудни қадам то бафарқ,  
Меҳри киби олтун аро қилди ғарқ.

Ва чун амирулумаро Тўра ямут кадхудолари била мусолаҳа қилиб ва илтимосларин қабул этиб, Ҳилолийдин мурожаат қилди, ямут тавойифи ўлук баданлариға жон муждасин ва хаста танлариға руҳи равон навидин топғандек бағоят хуррам ва хушҳол бўлуб, барча иттифоқ била орзу ва омол юкин азимат маҳмилиға боғладилар. Аммо аҳли туғён **87<sup>а</sup>** ва арбоби исён саромадларидин Отамуродхон ва Муҳаммадвали ва Билимверди инглиским, моддаи фасод ва маншаъи инод эрдилар ҳазрати соҳибқироннинг қаҳру ғазаби сатватидин замири ҳабосаттахмирлариға ваҳму ҳарос истило топиб, ямут гуруҳи била кўчмай, баъзи узрга мутамассик бўлуб, остони давлатпосбон мулозаматиға сўнгроқ келмакни ваъда қилиб, муфсидлардин бир гуруҳ билаким, ўзларининг хешу ақрабо ва мутобеълари эрди, Хонобод мавзеъидаким, мутамаккин эрдилар таваккуф кўргуздилар. Ва ўзга ямут тавойифи андин кўчуб, амволу мавоши ва асбобу ҳавоши ва аҳмолу асқол ва аёлу атфоли била келиб, Оқсарой ва Музкўмган ва Бадркент ва Янгиёф худудидаким, ўзларининг маскани олийси эрди, ҳар ким ўз ерининг устида мутамаккин бўлди. Аммо қолғанлари дағи сўнгроқ ажзу инкисор била даргоҳи фалакмадор **87<sup>б</sup>** хокбўслиқиға етиб, уйу эли била кўчуб келиб, қадимий ватанларида мутаваддин бўлдилар.

Ва ўзга тарокима тавойифи дағи ҳар қайси бир тарафға мутафарриқ бўлмиш эрдилар, жамъ бўлуб, ҳар тоифа ўзининг қадимий еру юртиға келиб мақом ва ором туттилар. Аммо кўклан тоифасининг кудуратнишон кўнгуллариға руъбу ҳарос муставлий

бўлуб, неча йилдин бери унс тутған манзилу маконидин кўнгул кўтариб, Гургонга бормоқ нияти била барчаси Хоразм музофотидин кўчтилар. Ва имроли тоифасидин Аваз Муҳаммад вакил дағи сиёсати подшоҳонадин мутаваҳҳим бўлуб, ўзининг тавобеъ ва акрабосидин бир гуруҳ била кўчиб кўкланга кўшулди.

Ва иттифоқ била азимат ишига жазм ва суръат амрига озим бўлдилар ва манозили мутакассира қать этиб, Хуросон худудиға етканда Курдистон хонларидин Жаъфаркулихонниким, ҳамул атроф **88<sup>a</sup>** хонларининг қудрат ва шавкатнишони эрди, кўклан ва имроли кўчин Доғистон ичида Қорикалға отлиғ мавзеъға тушуруб, ул мавзеда аларға маъво ва сукно муқаррар қилди.

### **Аваз Мурод миробнинг қазоқ муфсидларининг амволига чаповул уруб, ғанойими фаровон била мурожаат қилгани**

Бу ижмол тафсили улким, чун салтанат остонининг ихлоснишон ходимларидин Муҳаммад Шарифбой ва Раҳмонберган маҳрамким, бир неча муддатдин бери фармони олийшон мужиби била Дашти Қипчоқ музофотидин Товқара тенгизининг ҳаволисиға бориб қазоқ тоифасининг моллари закотин ахз этмак ва ул атрофдағи мамлакайи подшоҳийға дохил бўлған ерларда ҳосил бўлған зироатдин подшоҳ ҳиссасин олмоқ учун таваккуф кўргузмиш эрдилар ва ул овонда **88<sup>b</sup>** қазоқ ашроридин Бўритўраким, Бешикли ва Шўрбулоқ отлиғ мавзеъларда бўлур эрди, шарорати жибиллий ва жаҳолати қазоқия муқтазоси била баъзи номаъкул важҳларни ва беҳуда сўзларни баҳона қилиб ва бир гуруҳ авбошни атрофиға йиғнаб, лусусу ҳаромилик тариқаси била Товқара атрофиға келиб, сафар ойининг авоситида Муҳаммад Шарифбой ва Раҳмонберган маҳрамнинг устига беҳабар тўкулуб, мулозимлари била тутуб банд этти ва барча оту яроғ ва асбобу улоғларин олди ва баъзи дурандиш улуснинг тахвиф ва таваллоси била аларнинг қатлидин қўл кўтариб, барча ашё ва либослариғача олиб, қайддин раҳо қилиб йиборди ва ўзи кўп молға мутасарриф бўлуб, муовадат қилди ва Муҳаммад Шарифбой ва Раҳмонберган маҳрам юз машаққат ва минг кулфат била қатьи масофат **89<sup>a</sup>** қилиб, даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға келиб, ҳамул воқеани мавқифи арзға еткурдилар. Бу воқеаъи ваҳшатасари сарсаранинг эҳтирозидин ҳазрати соҳибқирони кишварситоннинг нойирайи ғазаби илтиҳоб топиб, рабиъ ул-аввал ойининг иккисида,

панжшанба куни жалодатиктисоб умародин Аваз Мурод миробни саркарда қилиб, Муҳаммад Паноҳ юзбоши ва Муҳаммад Шарифбой ва Раҳмонберган маҳрамни анинг мулозаматиға таъйин этиб, ўзбак ва човдар ва ота тавойифидин минг чоғлиғ отлиғ била Бўритўра бошлиғ қазок авбошлариға танбеҳ бермоқ ва гўшмол еткурмак учун номзад қилди. Ва мироби мазкур маъмур бўлган оломон била ҳамул кун ҳазрати соҳибқироннинг муборак фотиҳасин олиб, фараҳи тамом била мақсад жонибиға озим бўлди. Ва Амудин кема била Гурлан маъбаридин убур этиб, дарёнинг шимоли тарафида баъзи муҳимот истикмоли **89<sup>б</sup>** ва лашкар ижтимоъи учун бир неча кун мутаваққиф бўлди. Ва сафар яроғининг такмили ва лашкар ижтимои таҳсилидин сўнг мақсад тариқиға наҳзат маркабин суруб, умдату-л-авлиё, зубдату-л-атқиё ҳазрати султон Увайс қадамгоҳидағи тоғнинг шарқи жонибидин Сув кўли йўли била озим бўлди. Ва манозили баида ва масофати беадидани кеча ва кундуз қатъ этиб, Бешикли ва Шўрбулоқ мавзеълариғаким, қазок ҳаромиларининг қишлоқ ва ўтлоқи эрди, икки манзилдин ёвуқ етган асносида Бўритўра бошлиғ қазок саркашлари сипоҳи зафарнишоннинг балойи ногаҳон янглиғ ўзларининг қасдиға озим ва равон бўлуб, ёвуқ етишганин эшитиб, жон ваҳмидин ўтға тушган қил масаллик печу тоб ва изтироб кўргузуб, ҳазимат рухсатин суръат маҳмилиға боғлаб, аёлу атфолин тезрафтор улоғларға миндуруб ва барча амволу **90<sup>б</sup>** абқор ва оболин ташлаб, барқи бод янглиғ истеъжоли тамом ва изтирори молокалом била фирор кўргуздилар. Ва бу хабарни эшитиб, Аваз Мурод мироб бошлиғ барча оломон жалодат якронин суръат майдониға гармжавлон қилиб, оч арслон ва шери ғаррондек чаповул уруб, аҳли исён ва арбоби туғённинг жамеъи амвол ва ашёсинким, ҳаддин афзун ва қиёсдин берун эрди, дасти тасарруфиға киргуздилар.

#### **Назм:**

Жалодат била ҳар тараф от суруб,  
Бари коми чоғлиғ чаповул уруб.  
Кўп олдилар ул навъ ашё-ю мол,  
Ки кўрган киши бўлди ҳайрону лол.  
Сиға олмайин ул улуғ дашт аро,  
Босибдур магар ер юзини қаро.

Аваз Мурод мироб ҳамул сипоҳи нусратмаоб аъёни била машварат қилиб, барча ғанойимни бир гуруҳ лашкарга топшуруб, мамолики маҳрусий жонибиға қайтардилар. Ва ўзлари ўзга сипоҳи

жаррор била фирор кўргузган аҳли фасод ва таррорнинг 90<sup>б</sup> ақабидин камоли суръат ва шитоб била илғор қилдилар. Ва манозили мутакассира қатъидин сўнг Сирлитом отли мавзеъга етиб, ҳаромилардин ҳеч ному нишон топмадилар. Нединким, жон ҳавлидин бағоят қатиф қочиб, ўзларин бениҳоят узоқ солмиш эрдилар. Ложарам, ҳамул мавзеъда машварат қилиб, барча иттифок била мурожаат йўлига суръат маркабин суруб, ғоятсиз масофатлар ва ниҳоятсиз марҳалалар қатъ этиб, солим ва ғоним ўзларин Қипчок тўшидин дарёйи Аму канориға еткурдилар. Ва фармони олий мужиби била ғанойимдин ғон олиб, фориғ бўлғандин сўнг дарёдин убур этиб, рабиъ ус-соний ойининг тўкузида, шанба куни остони саодатпосбон мулозаматиға етиб, навозиши хусравона ва бахшиши мулуконаға ихтисос топиб, эҳсон ва истиноъи подшоҳонадин хилоъи хуршидшуоъи била муххалаъ бўлуб, абнойи жинси орасида қуш<sup>1</sup> янглиғ мумтозлиғ 91<sup>а</sup> ва сарафрозлиғ топдилар.

#### **Қитъа:**

Айлагил сидқи дил била хизмат,  
Токи бўлғайсан эл аро мумтоз.  
Кимки, хизматға урди сидқ ила юз,  
Дари давлат юзига бўлғай боз.

#### **Муҳаммад Яъқуб меҳтарнинг афъоли нобойиста ва аъмоли ношойистаси жиҳатидин сиёсати подшоҳонаға сазovor бўлуб, баъзи атбоъи била қатлға етгани**

Эй кўнгул, яхшилиғни қил пеша,  
Ки ямонлиғ эрур ямонға жазо.  
Кимга тарк айласа ямонлиғни,  
Бўлур, албатта, яхшилиғға сазо.

**Нукта.** Чун азал девонхонасида тақдир қалами ҳар жамоанинг аҳволи сафаҳотиға “истаҳваза ‘алайҳиму-ш-шайтāну фа’ансāхум зикраллоҳ”<sup>2</sup> мазмунин рақам қилса, ақлу киёсати музмаҳал бўлуб, шайтон иғвоси била Ҳақни ёдиға келтурмагай ва нукут ва муққайидат юзидин фосид хаёлиға тушуб, ўз валинеъматининг хонадони ҳурматин сақламай, ношойиста амаллариға иқдом

<sup>1</sup> Асл туркий бу сўз форс тилида тумшуғи эгик ва мустаҳкам, кучли ноёб ов қушини ифодалайди. Муаллиф шу маънода қўллаган.

<sup>2</sup> اسْتَحْوَذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانُ فَأَنسَاهُمْ ذِكْرَ اللَّهِ (“Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳ зикрини унуттирди”, “Мужодала” сураси, 19-оят)

кўргузуб, “ва лаҳум жазā’ум бимā кāнū йаъмалūн”<sup>1</sup> муқтазоси била ҳамул амаллари жазосиға **91<sup>б</sup>** гирифтор бўлуб, икки оламда беобрўй ва шармсор бўлғай.

### Қитъа:

Кимки, шукр айламас такбиридин,  
Ўз валенеъматига хор ўлғай.  
Ўлубон юз туман укубат ила,  
Икки оламда шармсор ўлғай.

Вазири хабосатпарвар Муҳаммад Яъқуб меҳтарнинг шароратмаол аҳволи бу мақоли ҳикматиштимол назойиридин бир назири ногузирдурким, ул аъмоли қабойиҳ ва афъоли фазойиҳ шоматидин ғазаби илоҳий ва сиёсати подшоҳиға сазовор бўлуб, баъзи хешу ақрабоси била қатлға етти. Бу ижмол тафсили улким, меҳтари мазкур бовужудеки, отаси ва хешу ақрабоси била ҳазрати соҳибқироннинг валади ғуфроннишони Муҳаммад Раҳими Баҳодирхони жаннатмаконнинг тарбият ва тақвияти била қуёш янглиғ буруж камолиға уруж этиб, маротиби аъло ва маносиби ақсоға иртифоъ топмиш эрди, андоқ валинеъматини хонадон ҳуқуқидин оқибатбинлик кўзин юмиб, кўрнамаклик русумиға иқдом кўргузди ва ҳазрати **92<sup>а</sup>** соҳибқирон била оқоси амирулумаро Саййид Маҳмуд тўранинг нисбатида кўп густохликлар ва кўп гуноҳлар зухурға еткурдиким, ҳеч аҳаде ва офаридаедин вужуд тутмамишдурким, аларнинг ҳар бири мужиби қатл ва мусталзами ҳалок эрди.

Ул жумладин тўрт гуноҳи азимниким, меҳтари мазкурдин вуқуъға етти бу мавридда рақам қилмоқ қалами мушкинрақамға зарурат жумласидиндур.

Аввалғи гуноҳи улким, чун подшоҳи фирдавсмакон била Муҳаммад Амин Баҳодирхон равваҳаллоҳу рўҳаҳу мин рийāҳи-л-жинāн<sup>2</sup> тақдири субҳоний била Сарахс диёрида така муфсидларининг тиғи сувидин шаҳодат шарбатин ичиб, даражайи аълоға фойиз бўлди ва барча сипоҳ ва лашкария ул воқеайи ҳойила вуқуъидин ҳайрат баҳриға ғарқ бўлуб, сувдин айрилған балиқдек мавжи изтиробда қолди, ул ҳол асносида меҳтари мазкур васоваси шайтоний ва ҳожати нафсоний ва шомати зотий **92<sup>б</sup>** ва шақовати жибиллий муқтазоси била баъзи мажҳулнасаб ва ноқису-л-ақл умарони ўзига ёр ва ҳамдастон қилиб, иттифоқ била Қутлук Мурод

<sup>1</sup> 56-“Воқеъа” сураси, 24-оят. جَزَاءِ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

<sup>2</sup> Аллоҳ унинг руҳини жаннат райҳонлари билан роҳатлантирғай!

иноқ марҳумининг ўғли Абдуллоҳбекниким, салтанат умурига ҳеч  
важҳдин дахли йўқ эрди, хилофат боргоҳиға ундаб келтуруб,  
подшоҳлиқ тахтиға миндурди. Ва бовужудиким, ирс тариқаси била  
салтанат умуриға истиҳқоқ ҳосил қилған шахзодаларнинг сарвари  
амирулумаро шахзода Саййид Маҳмуд тўра ул ошубгоҳда ҳозир  
эрди, салтанат умурида анга ҳеч машварат ва муроёт қилмади,  
балки камоли ғурур ва такаббурдин ул жанобни эътибор назариға  
илмади ва ул жаноб ҳамул мавридда андак гилаомиз сўз деган  
сабабдин Абдуллоҳхонға шикоят қилиб, анинг амри била ул  
жанобнинг ва жамеъи мулозимларининг асбоб ва яроғларин  
олдуруб, ҳаросат учун атрофиға муаккаллар таъйин **93<sup>а</sup>** этиб,  
Сарахсдин то Хоразм келгунча тутсоқ йўсунида ҳақорати тамом  
била келтурди. Ва андин сўнг ул жанобнинг ва ҳазрати  
соҳибқироннинг эшикидаги барча мулозим ва хизматкорларин  
қовдуруб, хизматларида ўз туғмаларидин бошқа кишини қўймади.  
Ложарам, ул ҳазрат оқаси била бир неча муддат бу байт мазмуни  
билаким, **байт:**

Замона бо ту насозад ту бо замона бисоз,  
Заруратан нангу ору номус бисёр<sup>1</sup>

била авқот ва рўзгор ўткарур эрди.

#### **Қитъа:**

Фалак гардишин кўрки офоқ аро,  
Қуёшни қаро ерга ҳамвор этар.  
Жаҳон дунлиқин кўрки фарқ этмайин,  
Гуҳарни хазафдин басе хор этар.

Ва иккинчи гуноҳи улким, олиймакон ва саодатнишон  
шахзодалардин Тенгриқули тўра, Абдулазиз тўраким, ҳар бири  
салтанат боғининг наврас ниҳоли ва хилофат фалакининг  
фурузанда ҳилоли эрдилар, бири ҳазрати соҳибқироннинг биродари  
дилписанди ва бири ул ҳазратнинг **93<sup>б</sup>** оқаси султони жаннатмакон  
Аллоҳқули Баҳодирхоннинг фарзанди аржуманди эрди, филҳақиқат  
алар ул янглиғ озода шахзодалар эрдиким, нозик баданлари  
баробарида гулбарги хордек намудор бўлуб, мусаффо пайкарларига  
баҳор насими эҳтирозидин озор этар эрди.

#### **Назм:**

Бор эрдилар ул икки шахзода,

---

<sup>1</sup> “(Гарчи) заруратан номусу ор, виждон қўймаса ҳам, замон сенга боқма, сен замонга боқ!” Байт муаллифи берилмаган. Лекин Жалолиддин Румий девонида “Замона бо ту насозал ту созворияш кун” мисраси бор. (“Девони Шамс”, 1202-ғазал, 5-байт)

Десанг ҳар нечаким андин зиёда.  
Эди ҳар бири жаҳон тахтиға лойиқ,  
Улус таърифидин олий-ю фойиқ.

Меҳтари мазкур шарорати зотий ва разолати сифотий муқтазоси била фосид хаёлға тушуб, аларнинг ҳаётин ўзига мужибии мамот ва сабаби завол эътиқод қилди. Ложарам, макру шайтанат юзидин аларни Абдуллоҳхоннинг олдида қабих тухматлар ва фузайих ҳаракатлар била муттаҳам қилиб, алар қатлида анга тарғиб ва таҳрис кўргузди. Ва Абдуллоҳхон дағи анинг иблиссифат талаббусиға мағрур бўлуб, оқибатбинлик кўзин охират фазоҳатидин юмуб, **94<sup>a</sup>** беш кунлик подшоҳлик учун анинг иғво ва илтижоси била ул икки шаҳзодаи беназирни ҳазорати тамом била дастгир қилиб, сипоҳ сиёсатгоҳида қатлға еткурди. Бу воқеа дағи ҳазрати соҳибқироннинг муборак хотириға улуғ жароҳат бўлди.

Учунчи гуноҳи улким, чун Абдуллоҳхон кўчуб кетган ямут тавойифининг изидин бориб, Кўкчага ҳаволисида шикасти фоҳиш топиб, мақтул бўлди ва жамеъи сипоҳ ва умаро босилиб, ҳайрон ва саросималиғ била қайтиб, Хивақға келдилар. Меҳтари мазкур ғоят кўрнамаклик ва ниҳоят шумлиқидин ўз нафсининг хоҳиши учун фуқаро ва раоё коҳишин илтизом қилиб, ҳазрати соҳибқирон била оқаси амирулумаро Тўрага салтанат умурида дохил бермай, балки асло муроат қилмай, баъзи нооқибатбин умарони ўзига тавъоман ва кароҳан муттафиқ қилиб, Ибодуллоҳбекнинг ўғли Қутлуқ Муродбекниким, Қутлуқ Мурод инок марҳумининг **94<sup>b</sup>** набираси эрди ва ҳеч важҳ била подшоҳлик амри хотириға истиҳқоқ ва лаёқати йўқ эрди ва бовужуди сиғари син дорулхилофа тахтгоҳиға келтуруб, хон кўтарди ва ўзи соҳибихтиёр бўлуб, беш-олти кун палид жонин омон сақламоқ учун Охол ва Марвда ўлтурумли барча така ва солур ва сариқ лашкарин чақириб, аларға ниҳоятсиз хазойинким, Фаридун ганжидин афзун эрди, саҳл вақтда холи қилди. Аммо анча бермак била бир заррача нафъ ҳосил бўлмади, балки кўҳ-кўҳ нуқсонлар зухурға етти.

#### **Қитъа:**

Мулки Хоразмнинг зару молин,  
Билкул ул шум берди яғмоға.  
Ела беҳуда сарф айладиким,  
Тошлаған янглиғ ўлди дарёға.

Тўртинчи гуноҳи улким, ҳазрати соҳибқирон, инояти яздон била салтанат тахтиға жулус қилғандин сўнг поктийнат ва

софийтавият **95<sup>а</sup>** муқтазоси била меҳтари мазкурнинг қадим ул-хизматлигин риоя қилиб, анингдек улуғ гуноҳлари чеҳрасиға афв ва иғмоз пардасин чекти. Ва ҳеч важ била хитоб ва итоб қилмади, балки кўп навозиш ва дилнавозлиқлар кўргузуб, қадимий дастурича визорат мансабин муқаррар қилди, балки маротиб ва мадорижин аввалғидин баландроқ қилиб, мамлакат умурининг куллу жузви ихтиёрин анинг панжайи иқтидориға топшурди. Ва ул камоли кибру ғуруридин ўз ҳазратининг баъзи амрлариға қабул қулоқин тутмай, ўз раъйи била иш қилур эрди. То бора-бора ул ерга оид бўлдиким, ғоят шақоват ва шумлиқидин махфиян ул ҳазратнинг давлатининг шикасти сададида бўлди. Аммо ул ҳазратнинг замири байзотахмириғаким, ойинайи асрори ғайбий ва миръоти жиббиллийдур, Тенгри таъоло таъйидининг илҳоми била ул мудаббири маъшумнинг мукаддар хотиридағи махфий асрори “азҳару мина-ш-шамси ва абйану мина-л-амс”<sup>1</sup> маълум бўлди. Ложарам ҳазм ва эҳтиёт маросимин маръий тутуб, бу байт мазмуни билаким, **байт:**

Иложи воқеъа пеш аз вуқуъ бояд кард,  
Дариғ суд надорад чу рафт кор аз даст<sup>2</sup>.

Рабиъ ул-аввал ойининг йигирма бирланчи кечасидаким, сешанба ақшоми эрди, хуфтандин сўнгроқ мураввижи қаҳри субҳоний била нойирайи ғзаби султоний иштиғол топиб, мавқифи жоҳу жалолдин фармони вожибу-л-имтисол бу навъ ғарро содир топтиким, меҳтари шақоватамволни тутуб, аъмоли қабоҳат-иштимоллари жазосиға еткургайлар. Дарҳол даргоҳи сипеҳр мулозимлари аъёнидин Раҳматуллоҳ ясовулбошиким, ул бадкирдорнинг дасти ситамидин кўп жафо ва озорлар чекмиш эрди, балки кинхоҳ ва қондор эрди, меҳтари мазкурни ўз қўшидин кўрунишхона даҳлизиға ҳазрати соҳибқирони душманшикор тарафидин чақирди. Меҳтар ул воқеадин беҳабар даҳлиз ичига киргач, мазкур ясовулбоши **96<sup>а</sup>** бир неча чобукдаст мулозимлар била қазойи мубаррамдек қасд қилиб, ажали маҳкам янглиғ жонситон чангал била яқосидин тутуб, даҳлизнинг қибла эшикидин сайисхона олдиға суруб чиқориб, ханжари обдоринким, неча

<sup>1</sup> “Қуёшдан равшанроқ ва кечадан кўра тиникроқ”

<sup>2</sup> “Бирор воқеани юз беришидан олдин иложини қилиш керак, иш қулдан кетгач пушаймонлик фойда бермайди”. Саъдийнинг “Мавъизот” асари, қитъалар бўлимидаги 13-қитъадан.

муддатдин бери душман қонининг лабташнаси эрди, ул накбатнишони малъуннинг шариини сарчашмасидин сероб қилди.

Андин сўнг ҳамул кеча фармони қазожараён мужиби била чобукқадам ясовуллари ва бодрафтор мутасаллиҳлар меҳтари мақтулнинг иниси Искандарбой ва амакиси Вайсбой ва анинг ўғли Отаниёзбой бошлиғ барча хеш ақрабосин тутуб келтуруб, маҳбус эттилар. Ва меҳтарнинг яна бир иниси Набийбой неча муддатдин бери Ҳазорасб қалъасида бўлуб, ул қалъа ҳаросатиға машғул эрди, ҳамул кеча суръати тамом била барқхиром жаллодлар йибориб, тиғи буррон ишорати била ани ҳам оқаси изидин равон эттилар.

#### **96<sup>b</sup> Назм:**

Кишиким, Ҳақ азалда айласа шум,  
Мудом айлар аён афъоли мазмум.  
Қилур ул феъл ила жониға қасд,  
Не ёлғуз жони, хонумониға қасд.  
Етиб ул шумфеълининг балоси,  
Бўлур барбод хешу ақрабоси.

Чун меҳтари нухусатасар мақтул бўлди, жамеъи Хоразм улусининг кўнгуллариға улуғ то кичик фараҳ ва инбисот, балки ниҳоятсиз айшу нишот юзланди ва замон шуаросидин баъзи анинг мазамматида вафоти учун таърих назм эттилар.

Ул жумладин, фақирким, бу хуруф роқимидурурман, меҳтари мазкурнинг сурати холиға мувофиқким, бағоят шумҳаёт ва кажпой киши эрди, бу таърихни топдим.

#### **Таърих:**

Гашт чу меҳтари қотиле, Огаҳий дарҳол гуфт  
Соли вафоташ бамаврид “меҳтари кажпо-ю шум”.

#### **Таърихнинг таржимаси:**

“Бир қотил меҳтар ўтгач, Огаҳий вафоти йилини дарҳол ўз мавридида “меҳтари кажпо-шум” – “эгри қадаму шум меҳтар” деди”.

Ва яна бири Комил эрдиким, анинг мазамматида бир таърих назм этиб, фазлу ҳунар додин берибдур, андоқким ул таърих бу маврида мастур бўлур:

#### **Таърих:**

97<sup>a</sup> Золиме ба даври замона вазир,  
К-зи жафоҳош халқ дар мотам.  
Фикри у бегунохро куштан,

Гарчи бошад бародари худ ҳам,  
 Ҳамчу мор аз зиёни нопокаш.  
 Рехти заҳар гар кушудий фам,  
 Сайти зулумаш чу гашт баланд,  
 Номи Ҳажжож шуд аз он барҳам.  
 Аз баду нек ва зи бузургу хурд,  
 Аҳаде нест 3-у нодийда ситам.  
 Гўиё буд он худонотарс,  
 Рўдапойе ба гардани олам.  
 Шукрлиллоҳ, зи адли шоҳи жаҳон,  
 Гашт аҳли замона дур аз ғам.  
 То абад сояйи шоҳаншоҳияш,  
 Аз сари мо мабод, ё Раб, кам.  
 Кард он золими жафожўро,  
 Баҳри осудагии халқ адам.  
 “Уқтулу-за-т-туфйатайн”<sup>1</sup> гуфт набий,  
 3-ин сабаб гашт қатли у алзам.  
 Охир аз зарби тиғи хунафшон,  
 Зад сўйи азобгоҳ қадам.  
 Комил аз важҳи он ба тарихаш,  
 “Меҳтари дўзахи” намуд рақам.

### Таърихнинг таржимаси:

“Бир золим замона даврида вазир бўлиб, унинг жафоларидан халқ мотамда эди. Унинг ўй-хаёли ўз туғишгани бўлса ҳам, бегуноҳларни ўлдириш эди. Ўзининг нопок зиёни билан илондай оғзидан заҳар сочарди. Унинг зулмлари овозаси шу қадар баланд бўлдики, одамлар Ҳажжож (золимлиги билан ном чиқарган подшоҳ) отини ҳам унутдилар. Яхши-ёмон, ёшу қари ичида ундан ситам кўрмаган қолмади. Бу худойдан кўрмаган олам аҳли бўйнидаги рўдапо (саккизоёқ) эди. Аллоҳга шукурки, жаҳон шоҳи адолатидан замона аҳлидан ғам узоқ бўлди. Раб, унинг шаҳоншоҳлик соясининг бизнинг бошимиздан аритма! У жафо истовчи золимни халқ тинчлиги йўлида йўқ қилди. Пайғамбар алайҳиссалом “Зуттуфйатайни ўлдиришлар” деганлар, шу сабаб унинг қатли

<sup>1</sup> Зуттуфйатайн – орқасида муқл (тропик дарахт) баргига ўхшаш икки чизиғи бор заҳарли илон. Уни ўлдириш ҳақидаги ҳадис Абдуллоҳ ибн Умар (Аллоҳ уларнинг ҳар иккаласидан ҳам рози бўлган) ривоят қилинган. Қўлёзма ҳадис матнига асосан ўқилди.

وعن ابن عمر - رضي الله عنهما - أنه سمع النبي صلى الله عليه وسلم يخطب على المنبر يقول: {اقتلوا الحيات، واقتلوا ذا الطفيتين، والأبتر، فإنهما يطمسان البصر، ويستسقان الحبل}

жуда муносиб иш бўлди. Охири қон тўқувчи тиғ зарбидан азоб-укубат маскани томон йўл олди. Комил шу сабаб таъриhini “Меҳтари дўзахи” – “Дўзахи меҳтар” деб ёзиб қўйди”.

Бу таърих адади бир кам эрди. Таъмия амали била идхол қилибдур, андоқким, “аз важҳи он”<sup>1</sup> ибороти анга ишоратдур.

Ва чун меҳтари мазкур қатлға еткан кечаси- 97<sup>б</sup> нинг сўнгги куниким, сешанба эрди, пешиндин сўнг ҳазрати соҳибқирони гетиситон аркони давлат ва аъёни ҳазрат машварати била даргоҳи сипехриштибоҳнинг қадимий хизматкори ва самимий жонсипорларидин ихлос ва эътиқодафзойи Муҳаммад Раҳимбой ибн Бойназар девонниким, давлатға лойиқ ва тарбиятға мувофиқ киши эрди, инояти подшоҳонаға махсус тутуб, меҳтари мақтулнинг ўрниға визорат мансабиға мансуб қилди ва мамлакат маҳомининг саранжоми зимомин анинг қабзайи эҳтимомиға топшуруб, кадр манзалати поясин афлок авжидин ошурди.

#### Назм:

Шоҳ ҳар кимга айласа эҳсон,  
Бўлубон сарафроз аҳли жаҳон.  
Паст ўлуб етти чарх поясидин,  
Баҳра етгай улусға соясидин.  
Маржаъи жумлайи жаҳон ўлғай,  
Корфармо-ю комрон ўлғай.

Ва мазкур ойнинг йигирма тўқузунчи кечасиким, жумъа оқшоми эрди, меҳтари мақтулнинг иниси Искандарбой 98<sup>а</sup> ва амакиси Вайсбой ва анинг ўғли Отаниёзбойким, ҳар турлук ишда меҳтар била муттафиқ ва ҳамдастон эрдилар, “фа’атба’аҳум”<sup>2</sup> оятининг фаҳвоси била аларни фармони олий муқтазосича чобукдаст жаллодлар қатлға еткуруб, меҳтарга мулҳақ эттилар. Аммо меҳтарнинг улуғ амакиси Ниёз Муҳаммадбойнинг ўғлонлари Жабборберганбой ва Сатторберганбой ва Набибойнинг ўғликим, ул воқеадин беҳабар ва бегуноҳ эрдилар, баъзи аркони давлатнинг шафоқат ва илтимоси била қасдин раҳолиғ топиб, мутлақ олған бўлуб, ўз манзил ва маконларида суд ва беҳбудлари кийнида бўлдилар.

<sup>1</sup> “Унинг юзидан”

<sup>2</sup> فَاتَّبَعَهُمْ (“Бас, Фиръавн уларнинг ортидан ўз лашкари билан қувган эди,..” ояти – “Тоҳо” сурасининг 78-ояти мазмунига ишора)

## **Баъзи вақойеъ зикриким, кўхна меҳтар қатли ва тоза меҳтар насбидин сўнг зухурға етти**

Ул жумладин бири улким, Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг элчиси Мирзо қоровулбегиким, бурунроқ амири мазкурнинг муҳаббатномасин келтуруб, Хивақ шаҳрида элчихонайи ҳумоюнда мутамаккин эрди, ҳазрати соҳибқирон, **98<sup>б</sup>** умаройи изом ва кубаройи фаххом зумрасидин муқарраби боргоҳи султоний маҳрами асрори ниҳоний Яхши Муҳаммад доруғани анга элчилик тариқаси била масҳуб қилиб, муҳаббатафзо мактуб ва таажжубнамо тухфалар била рабиъ ус-соний ойининг ўн секизида, сешанба куни Бухоро жонибиға ирсол қилди.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирмасида, панжшанба куни даргоҳи олампаҳоҳнинг азиматосор ва фаҳоматшиор мулозимларидин садоқаттавам Муҳаммад Яъқуб маҳрам бир жамоа лашкари жаррори жалодатосор била Хоразм ва Бухороға равонаким, Ўрус вилоятидин чиқиб, шариати ғарро ҳукми била закотларин олиб келмак учун фармони олий мужиби била Дашти Қипчоқда Эрдор йўли жонибиға озим бўлди.

Яна улким, Хўжаэли кўрғонининг ҳокими Муртазобийдин баъзи номуносиб ҳаракатлар зухурға етгани учун ани ва ҳамул қалъа кадхудо- **99<sup>а</sup>** ларидин ўн беш кишини оқ уйлук тариқасида уй ва асбоби била Хивақ шаҳриға кўчуруб келтуруб, бириға маъво ва ускуна ва марзаъа таъйин қилилди. Ва жумоди ул-аввал ойининг ғуррасида, шанба кечаси Мададуллоҳхўжа ибн Вилоят ва кароматнишон Турсунхўжа эшонни ва Муртазобийнинг амакиси Иброҳимхўжа ибн Саидбийни Муртазобийнинг бийлик мансабиға шерик этилиб, Хўжаэли халқининг маҳоми интизоми ва ҳаросати эҳтимоми учун ҳамул эл орасиға йиборилди.

## **Шаҳзодаи саодатқарин Муҳаммад Амин тўранинг адам тангносидин вужуд саробўстониға қадам урғани ва ҳузури комилу-с-сурури била жаҳон аҳлининг масаррат ва ифтихори бошин фалаки даввор авжидин ошурғани**

Қалами баҳжатрақам саҳифа тарабгоҳиға қадам кўюб, инбисот абвобин халойиқ юзига мундоқ очар ва маъни жавоҳирин улус бошиға бу янглиғ сочарким, **99<sup>б</sup>** чун санайи ҳижрий минг икки юз етмиш учда, мувофиқ лу йили жумоди ул-аввал ойининг олтисида,

панжшанба кунининг сабоҳиким, афзали авқот ва акмали соат эрди, ҳазрати воҳибу-л-атоё карами бемунтаҳосидин ҳазрати соҳибқирони кишварситонға бир фарзанди аржуманди хуршидмонанд каромат қилдиким, юзи нуридин ул ҳазратнинг дийдаи биноси равшан ва жамоли гулидин хотири мусаффоси гулшан бўлди, ва муборак кудуми файзидин ер юзи равзайи ризвон тароватиға етти ва ҳумоюн юзи уммонидин жаҳон халқи баҳжат ва инбисот гулистонин мақом этти.

### **Маснавий:**

Чу ул шаҳзодаи фархундаахтар,  
Зиёи дийдаи шоҳи музаффар.  
Ҳақ алтофи била топти валодат,  
Жаҳонға бўлди анвори саодат.  
Бўлуб ҳар сари зоҳир жашн ила сур,  
Тамоми халқ ўлуб маҳзузу масрур.  
Қўюб юз жоҳу давлат шодликға,  
Келиб ҳар ён муборакбодликға.  
Уруб фатҳу зафар **100<sup>а</sup>** шаҳ олдиға рўй,  
Муроду комжў-ю таҳниятгўй.  
Қудуми файзи бирла жумла олам,  
Эрам боғидек ўлди сабзу хуррам.  
Жамолидин ёруб давлат чароғи,  
Юзидин очилиб иқболи боғи.  
Вужудидин етиб оламға роҳат,  
Бўлуб эл сархуши саҳбойи ишрат.  
Жаҳонда бўлди шойиъ сур уза сур,  
Ғаму кулфат бўлуб манкубу мақхур.

Ва ҳазрати соҳибқирони муалломакон ул қуррату-л-айн самарату-л-вафо, нури дийдаи саодатниҳоднинг фарҳатасар таваллудидин сўнг бир муборак исмға мавсум қилмоқ учун жамеъи уламои изом ва умаройи киром ва барча машоҳир ва маорифни арк узасидағи саройи беҳиштосойиға жамъ этиб, бир жашни азим ва тўйи фаҳим тартиб бердиким, қалам тили анинг таърифида лол ва тил қалами анинг тавсифида шикастамақолдур.

### **Назм:**

Қилиб сидқ бирла бошидин қадам,  
Агар юз йил урса такупў қалам.  
Ҳамул тўйнинг васфи майдониға  
Ета олмағай ҳеч поёниға.

**100<sup>б</sup>** Ва чун ҳамул беҳиштойин мажлисда аклу шурб русуми иқтизосидин сўнг ҳазрати соҳибқироннинг илтимоси била аъламул-уламо, афзалу-л-фузало олиймакон Отажон махзуми қозийи калон бошлиғ барча уламои фасоҳатнишон иттифоқ била ҳамул шаҳзодаи саодатқаринга Муҳаммад Амин тўра от кўйдилар, “Ва анбатаҳа набатан ҳасанā”<sup>1</sup>. Ва ул шаҳзодаи олийгуҳарнинг шарофатасар таваллудиға даврон шуароси ва замон фузалоси балоғатафзо таърихлар ва фасоҳаторо қасидалар назм силкига чекиб, ҳазрати соҳибқирон саховатнишоннинг хумоюнӣ арзиға еткуруб, илтифоти хусравонадин заррин хилъатлар била мухаллаъ бўлуб, жаҳон халқи орасида қуёшдек мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топдилар.

Ул жумладин фақирким, бу масарратнишон авроқнинг нигорандасидурман, ҳамул ҳангомда шаҳзода валодатининг таърихиға муштамил бир қасида назм этиб эрдимким, филҳол тастир топар.

#### **Қасида:**

Юз шукрим, **100<sup>б</sup>** жаҳон яна баҳжатнишон эрур,  
Файзу сафода ғайрати боғи жинон эрур.  
Суру сурур юз кўюбон ҳар каронадин,  
Айшу нишот беададу бекарон эрур.  
Билкулл чекиб кудурат ғам хайли рахтини,  
Қочиб адам диёриға турмай равон эрур.  
Роҳатға барча меҳнату андух ўлуб бадал,  
Ҳар манзилу макон тўла амну омон эрур.  
Базму тараб улус тузубон коми дил била,  
Жоми нишот нашъасидин комрон эрур.  
Оламға юз кўюб ҳадду андозасиз нишот,  
Андин тамом олам эли шодмон эрур.  
Шоҳона тўйлар бўлуб омода ҳар тараф,  
Анвоъи аклу шурбға беҳадду сон эрур.  
Хони карам тўшалди анингдек улус аро,  
Ки Ҳотам анда муфлис зилласитон эрур.  
Бордур сабаби валодати шаҳзодаи жаҳон,  
Ким бўйла суру айш ила мамлу жаҳон эрур.  
Шаҳзодаеки, келгач адамдин вужудға,  
Файз қудуми бирла жаҳон гулситон эрур.

<sup>1</sup> وَأَنْبَتَهَا نَبَاتًا حَسَنًا (Бас, Парвардигори уни (Марями назрликка) хусни қабул этиб, яхши парвариш қилди”., “Оли Имрон” сураси, 37-оят)

Милодиға саодати жовид ўлуб қарин,  
 Соат **101<sup>б</sup>** анга хужаста, фарах замон эрур.  
 Афсари тахту давлат ва иқбол сармади,  
 Фарах жаннатидин қуёшосо аён эрур.  
 Зоти келиб саёдат афзал мазҳари,  
 Фарзанди сулбийи шаҳи соҳибқирон эрур.  
 Фархунда талъатидин ўлуб шоҳ мубтаҳиж,  
 Шому сабоҳ шокири Ўғон эрур.  
 Топти ҳаёти тоза вужуди била жаҳон,  
 Чунким, жаҳон бадан эрур, ул анда жон эрур.  
 Толеъ бариди келди анга таҳният учун,  
 Илкида давлати абадий армуғон эрур.  
 Сочиг учун кафини очиб хозини сипехр,  
 Ҳар кеча эврулуб бошиға дурафшон эрур.  
 Шаҳзода Муҳаммад Амин исм ўлуб анга,  
 Султони одил ўлмоқидин бир нишон эрур.  
 Таърихи дуру тож шаҳаншоҳдур вале,  
 Вақти ҳисоб анга сарви давлат макон эрур.  
 Эмди дуо қилурға эвур тилни Огаҳий,  
 Ким гунгу лол васфида юз минг забон эрур.  
 Ё Раб, они етур карам айлаб камолга,  
 Ким боғи салтанат аро сарви равон эрур.  
 Дуржи **102<sup>а</sup>** ҳимоятингда анга айла парвариш,  
 Ким дурри тожи шоҳ малакпосбон эрур.  
 Тут пос давлат шаҳу шаҳзода умрини,  
 То даҳр аро ато-ю ўғуллик аён эрур.  
 Қилғил они жавону муни пир айлағил,  
 То олам ичра ҳурмати пиру жавон эрур.

Ва ул жомиъу-л-фузало фазойили ва-л-улум Муҳаммад Назар  
 махзумким, муншийи балоғатафзо ва шоири суханородур, бу  
 таърихни айтибдурким, мастур бўлур.

#### **Таърих:**

Биҳамдуллоҳ худойи оламоро,  
 Қилиб шаҳға карам беадду адо.  
 Ато қилди анингдек шаҳзода,  
 Ки бордур маҳвашу хуршид сиймо.  
 Жабинидин мубраҳан фарри иқбол,  
 Юзидиндур жалолат нури пайдо.  
 Шарофатлиғ вужудидин мафохир,

Туман минг завқ ила олам саропо.  
Саодат касбин айлар мақдамидин,  
Қилиб ўзни қуёш ҳар дам жабинсо.  
Замона аҳлидур бу мавҳабатдин,  
Тараб гулзори ичра булбул адо.  
Бўлуб жарм улус бу таҳниятдин,  
Дуо айлар бу янглиғ пиру барно.  
Илоҳий, шаҳ била шаҳзодаларни  
Ҳаводисдин **102<sup>б</sup>** омон асрабдур, аммо  
Вужуд айвони ичра боқий айлаб,  
Жаҳон борича қилғил ҳукмфармо.  
Салотин хайлини айлаб мутеъи,  
Барин қил даргаҳида бандаосо.  
Қилиб наслин зиёда айла андоқ,  
Ки қилсунлар итоат аҳли дунё.  
“Зиёи дийда бо шоҳи мукамал”,  
Дебон таърихин этти хома иншо.  
Яна бу навъ мунший қилди таҳрир,  
“Зиёи дийда шоҳи фалакжо”.

Ва ул ашрофзодаи фатонаторой, шоири ширинкалом  
Паҳлавон Ниёзбойким, таҳаллуси Комилдур, бу таърих жавоҳирин  
назм риштасиға берибдурким, марқум бўлур.

#### **Таърих:**

Як шабе сар ба мутгакойи олам,  
Будам аз жаври гунбази гардон.  
Чашм аз нури инбисот туҳи,  
Жисм аз хилъати фараҳ урён.  
Аз Суруш омад ин ногаҳ,  
К-эй шиорат санои шоҳи жаҳон.  
Хезу огоҳ бош к-ин ҳангом  
Даҳр шуд ҳамчу гулистони жинон.  
Сар зад аз боғи салтанат сарве,  
Зи инояти Ийзади макон.  
Яъни бахшид шоҳро халқе  
Он, ки зи қатра шуд дурри ғалтон.  
Номи фархундааш **103<sup>а</sup>** Муҳаммад Амин,  
Омада аз инояти Субҳон.  
Аз баҳор таваллудаш гардид,  
Гулшани холии мардумон райён.

Ба жаноби шаҳаншаҳи олам,  
 Шоирону ходимон санохонон.  
 Ҳар кас ба қадри инояти худ,  
 Ҳама рафтанд таҳниятгӯён.  
 Чун расид ин нидо ба гӯши ман,  
 Ҳамчу бо жисми мурда муждаи жон.  
 Ёфт якрони хомаам маҳмез,  
 Сӯйи майдони сафҳа гашт равон.  
 Ин дуоро нахуст иншо кард,  
 Баҳри шаҳзодаи мулк дарбон.  
 То гулу сарв ҳаст дар гулшан,  
 То ба олам зи гул он аст нишон.  
 Гули умраш ҳамиша хандон бод,  
 Навазад жонибаш насими хазон.  
 Баҳри таърихи он дурри ноёб,  
 Комил баъд аз мадҳи бепоён.  
 Бо дили шод фикр карду бигуфт,  
 “Қуррату-л-айни подшоҳи замон”.

#### **Таърихнинг таржимаси:**

“Тунлардан бир тун айлангувчи фалак жавридан нолон эдим, кўзларимда шодлик учқунлари йўк, танам эса қувонч либосидан холи эди. Шунда Суруш (Илҳом париси)дан шундай овоз келди: “Эй шиори жаҳон шоҳи мадҳи бўлган шоир, тур ва огоҳ бўлки, бу лаҳза дунё жаннат боғи мисоли бўлди. Оламлар парвардигори иноятидан салтанат боғида бир сарв бўй кўрсатди, яъни шоҳга қатраси думалоқ дурга дўнадиган халқ (ёғин эҳтимоли бўлган булут) ато қилди. Муборак оти Муҳаммад Амин бўлиб, Субҳон инояти билан дунёга келган. Унинг туғилиш баҳори баракатидан одамларнинг бўшаб қолган боғлари ифор таратгувчи бўлди. Олам шоҳлари шоҳи қошига сано ўқиш учун шоирлару ходимлар келди. Ҳар ким ўз ҳолига яраша табрик учун йўл олди”. Бу сўзлар менинг қулоғимга ўликка жондан хабар берилгани каби етгач, қаламим тулпори йўрғалаб саҳифа майдони сари йўл олди. Аввал мамлакат посбони шаҳзода ҳақкига бу дуони ёздики, то гулшанда гулу сарв бор экан, оламда гулдан нишон бор экан, умри чечаги ҳамиша хандон бўлгай, ёнига хазон ели йўламасин. Бу ноёб дур таърихи учун Комил сўнгсиз мақтовлардан кейин “Қуррату-л-айни подшоҳи замон” – “Замон подшоҳининг нури дийдаси”, – деди”.

Ва ул шоири зарофатлузум Мулло Нуржон Махзумким,  
лақаби Холисдур, бу таърихни айтибдурким, таҳрир топар.

### **Таърих:**

Зиҳи қуррату-л-айни шоҳи жаҳон,  
Ба тожи шаҳаншоҳи соҳибқирон.  
Ба рӯзи ҳумоюну соли саид,  
Ато кард Ваҳҳоби кавну макон.  
Ба ихлос дар ҳақи он **103<sup>б</sup>** сарафроз,  
Дуо мекунад Холиси нотавон,  
Ки умри табъ шуда комёб.  
Бимонод то доир аст осмон.  
Рақам гашт таърихи мавлуди у,  
Ба килки қазо “фаҳри шаҳзодагон”.

### **Таърихнинг таржимаси:**

“Ажабо, жаҳон шоҳининг нури дийдасини макон ва хамон  
Соҳиби бахтли йилнинг муборак кунида ато қилди. Холис  
шодликдан унинг ҳаққига дуо қилиб, умри осмон айланиб бўлгунча  
давом этишини тилади. Унинг туғилиш таърихи тақдири қаламидан  
“фаҳри шаҳзодагон” – “шаҳзодалар фаҳри” бўлди”.

### **Баъзи воқеотким, шаҳзода таваллудидин сўнг воқеъ бўлди, мазкур бўлур**

Ул жумладин улким, сиёдат ва нажобатнишон Қубодхон  
хўжаким, ҳазрати соҳибқирони мамоликситоннинг фармони  
вожибу-л-изъони била сифорат тариқасида Хўқанд вилояти савбиға  
равон бўлмиш эрди, андоқким собиқан баён топти ва мазкур вилоят  
волийси Худоёрхон бир неча муддат анга мезбонлиғ йўсуни била  
таъзим ва такрими фаровон кўргузуб, ул вилоятнинг содоти  
муҳтарамидин ўзининг маъзур ва мукаррам кишиси Ўрунхўжайи  
мирасадни элчилик расми била анга мусоҳиб қилиб, тухфоти лойиқ  
ва тансуқоти мувофиқ ва мусолаҳатномаи номий топшуруб,  
мулотафат **104<sup>а</sup>** ва навозишлар била Хоразми жаннатбазм самтиға  
ирсол этти. Ва алар масофоти баида ва манозили адидани бир неча  
муддат қадами суръат била қатъ этиб, моҳи мазкур, яъни жумод ул-  
аввал ойининг ўн секизида, сешанба куни остони саодатошиён  
зиёратиға мушарраф бўлуб, Худоёрхоннинг йиборган кироманд  
пешкашлар ва аржуманд тухфатларин муҳаббатномаси била  
ҳазрати соҳибқироннинг назари кимёнишони пешгоҳидин ўтқариб,

навозиши подшоҳона ва авотифи хусравонадин хурсанду баҳраманд бўлдилар.

Яна улким, ҳамул ошонда ҳазрати соҳибқирони жаҳонкушо, умаройи изомдин Тожимуродбийнинг дафтари иқболига касалмандлик жихатидин азл рақамин чекиб, анинг ўрнига нўкуз дудмонининг иззатнишони Аваз Муродбек ибн Қиличбекниким, ул ҳазрат остонин давлати янглиғ ястаниб, субҳу шом, балки ала-да-давом хизмат амрига муҳайё ва омода эрди, бийлик **104<sup>b</sup>** мансаби олийси била сарбаланд ва умаро орасида ўрун бериб, бағоят азиз ва аржуманд қилди.

Яна улким, жумод ус-соний ойининг олтисида, шанба кечаси ул ҳазрат Отажон махзум қозикалонни баъзи номуносиб афъоли сабабидин азл этиб, анинг ўрнига домла Эшниёз охундким, бағоят мунсиф ва мутадаийин киши эрди, қозикалонлик мансабига мансуб қилиб, Хивақ шаҳрининг дорулқазосига анинг вужуди фуқаҳот-намуди била зебу оро еткурди.

Яна улким, олийшон ва гардунтавон саркардалардин даргоҳи муқарраблари орасида мумтоз Маҳмудниёз ясовулбошиким, фармони олий мужиби била Кўҳна Урганч қалъасининг забти ва муҳофазати учун бориб, беш ой муддатидин бери анда мутамаккин эрди, бу ошонда ҳукми ҳумоюн муқтазоси била андин мурожаат қилди ва човдар муфсидларидин Хўжа Муҳаммад юзбошиким, ўз мутобаалари била Кўҳна Урганч **105<sup>a</sup>** ҳаволисида ўлтуруб, гуноҳи кўплигидин ҳазрати соҳибқироннинг сатвати ва сиёсатидин мутаваҳҳим бўлуб, ҳанузгача остонбўслиғ давлатига мушарраф бўла олмамиш эрди, ул дағи Кўҳна Урганчдин кўчуб, ясовулбошига кўшулуб ва анинг шафоати соясин ўз бошига паноҳ қилиб, мазкур ойнинг ўн бирида, панжшанба куни даргоҳи сипеҳриштибоҳ мулозаматиға келиб, юз турлук эътизор ва истиғфор ва минг навъ ажзу инкисор била остони олий хокбўслиқиға истисъод топти ва ул ҳазрат дағи “аҳсин илā ман асā’а”<sup>1</sup> калимасининг муқтазоси била анга навозиш ва бахшишлар кўргузуб, осудахотирлик еткурди, балки инояти подшоҳона била фарқи фаҳоматин авжи афлокдин ошурди.

Яна улким, даргоҳи гардуништибоҳнинг шавкатпаноҳ, фаҳоматдастгоҳ мулозимлари аъозимидин муқаррабу-л-ҳазрат, зоҳиру-д-давлат, маҳрами сармад Яхши Муҳаммад доруғаким, инояти подшоҳонаға **105<sup>b</sup>** махсус бўлуб, элчилик тариқаси била

<sup>1</sup> “Ёмонлик қилганга яхшилик қил”

Бухороға кетмиш эрди, андоқким юқорида мазкур бўлди, жумоди ус-соний ойининг ўн тўртида якшанба куни Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг қўшуб йиборган элчиси сиёсатпаноҳ, нажобатогоҳ Порсоҳўжайи садрнинг ҳамроҳлиғи била даргоҳи давлатиктино мулозамати шарафига фойиз бўлуб, навозиши хусравонадин сарафрозлиғ топти. Ва элчийи мазкур амир Насруллоҳни йиборган муҳаббатнома ва тухафот ва тансуқотин ҳазрати соҳибқироннинг назари анвари мутолаасиға еткуруб, эҳтироми мулукона била муаззаз ва муҳтарам бўлди ва келтурган тухфалари ғаройиби жумласидин бири парпари ғайри муқаррар, шоҳбози баландпарвоз эрдиким, жуссаси ўзга бозлардин андак улуғроқ эрди ва бошида мунаққаш тожи бор эрди ва жаҳон шикоргоҳида ҳеч бир миришкор анинг мислин мушоҳада қилмамиш эрди ва ҳар турлу овни камоли жаҳд **106<sup>a</sup>** ва иштиҳо била олур эрди.

#### **Байт:**

Олур эрди жаҳл бирла овни,  
Шаҳ лашкари ул сифатки ёвни.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн бешида, душанба куни умаройи изом ва сархайли киромдин қиёт дудмонининг муаззаз ва мунтахаби шижоатнишон Худоёрбийким, неча муддатдин бери касали қавий ориз бўлуб, нотавонлиғ бистарида ётмиш эрди, “Валлоҳу йад‘ў илā дāри-с-салām”<sup>1</sup> нидосин қабул кулоки била эшитиб, “фй мақ‘ади сидқин ‘инда малйкин муқтадир”<sup>2</sup> мақомида ором тутти.

#### **Назм:**

Фарёдки, чархи жаврбунёд,  
Доим қилиб элга зулму бедод.  
Ҳар кимсани комиға етурмай,  
Бир қатра майи мурод ичурмай.  
Даврон аро қилмайин тарабнок,  
Манзилгаҳин айлади таҳи хок.

Ва бийи мазкурнинг ўғли ва оқа ва иниси йўқ эрди. Бу жиҳатдин анинг ўрниға аммазодаси Муҳаммад Раҳимбек ибн Одилбекнинг ҳолиға илтифоти подшоҳона шомил бўлуб, ани бийлик мансаби олийси била муфтаҳхар ва сарафроз қилди.

<sup>1</sup> وَاللّٰهُ يَدْعُوْ اِلٰى دَارِ السَّلَامِ (“Аллоҳ (одамларни) салом диёри (жаннат)га чорлайди”, “Юнус” сураси, 25-оят)

<sup>2</sup> فِي مَفْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيْكَ مُقْتَدِرٍ (“Қодир Подшоҳ ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар”, “Қамар” сураси, 55-оят)

### Назм:

Лутф агар **106<sup>б</sup>** ҳар кишига айласа шох,  
Бир нафасда бўлуб фалакдаргоҳ.  
Доманафшон бўлур мазаллатға,  
Ҳам етар гулистони иззатға.

Яна улким, Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхоннинг элчиси Ўрунхўжайи мирасадким, бурунроқ мазкур хоннинг муҳаббатнома ва тухфаларин келтуруб, навозиши подшоҳона меҳмонхонасида маснади иззатда мутамаккин эрди, андоқким юқорида машруҳ бўлди, ражаб ойининг секизида, сешанба куни ишорати олий мужиби била аркони давлат аминлари анга эҳтироми тамом била мурожаат рухсатин бериб, шодкомлиғ еткурдилар. Ва даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин ихлос ва эътиқодтавбром Дўстниёз маҳрамни элчи қилиб, подшоҳона савғот ва мусодақатнома била мазкур элчиға қўшуб, Хўқанд вилоятиға ирсол қилдилар.

Яна улким, остони давлатпосбон мулозимларидин сиддиқ ва ихлосҳамдам Муҳаммад Яъқуб маҳрамким, фармони саодатнишон **107<sup>а</sup>** мужиби била Ўрусдин Бухороға боратурғон тужжорнинг закоти аҳзи учун Дашти Қипчоқға кетмиш эрди, андоқким собиқан тастир топти, Дашти Қипчоқға бориб, тужжор гузаргоҳида бир неча муддат таваккуф кўргузди ва тужжор етишгандин сўнг шаръи шариф ҳукмиға мувофиқ барча амтиъа ва ақмиша ажносидин закот олиб, муовадат қилди. Ва масофати баидани қатъ этиб, ражаб ойининг тўкқузида, чаҳоршанба куни атабайи олиймартаба зиёрати истиод топиб, закот амволин даргоҳи гардуништибоҳ мулозимлариға топшурди.

Яна улким, Бухоро элчиси сиёдатпаноҳ Порсохўжаким, бурунроқ амир Насруллоҳнинг муҳаббатномасин келтуруб, назари анвар мутолааси шарифиға еткуриб элчихона равзати тазйинида мутамаккин ва оромгузин эрди, ҳазрати соҳибқирон анинг шаънида мулукона бахшишлар ва хусравона навозишлар кўргузуб, **107<sup>б</sup>** мазкур ойнинг йигирмасида, якшанба куни мурожаат рухсатин берди. Ва зубдаи оли қипчоқ Тўра Мурод оталиқким, Абдуллоҳхон ани мансабидин маъзул этиб, ўрниға анинг валади аршади Ҳакимниёзбекни оталиқ қилиб эрди ва ул андин сўнг бир неча муддат тариқат аҳлининг хилқайи иродатиға дохил бўлиб, зовияйи узлатда мутамаккин эрди, ҳазрати соҳибқирон хоконлиғ тахтиға жулус қилгандин сўнг даргоҳи фалакжойгоҳ хизматиға

ундаб, келтуруб, подшоҳона марҳамат ва шафқатлар мисқоли била тийра хотири кўзгусиға жило ва мукаддар замири ойинасиға сафо еткуруб, ўз ҳазратининг махсус ва муқарраб мулозимлари зумрасиға дохил қилиб, подшоҳона савғот ва муволафатнома била мазкур элчиға кўшиб, амир Насруллоҳға ирсол этти. Ҳамул кун Отамуродхон бошлиғ ямут тавойифи саркашларининг барча акобир **108<sup>a</sup>** ва аъозими ажзу эътизор тариқаси била остонбўслиғ давлатиға мушарраф бўлиб, убудийят юзин масканат туфроқиға суртуб, жаройими бешуморлари учун тазарруъи бисёр била тавба ва истиғфор кўргуздилар.

### **Йилон йилининг воқеъоти хужастасамоти зикриким, санайи хижрия минг икки юз етмиш учда эрди**

Чун ражаб ойининг йигирма еттисида, якшанба куниким, аҳсани соот ва амини авқот эрди, қуёшнинг чобукхиром шаҳсувори хут манзилидин наҳзат қилиб, ҳамал гулзори назҳатгоҳин мақом этди, наврўзи жаҳонафрўз фатҳ ва фирузмандлик била воқеъ бўлиб, ғоятсиз фароҳат ва ниҳоятсиз саодат била тоза йил кирди.

Ҳамул йил воқеъ бўлган воқеалар жумласидин улким, ямут тоғийларининг сардор ва саромадлари ва кадхудо ва муътамадлари исёни фаровон ва нуқсони бекаронларининг афву иғмози умидворлиқи била атбайи осмонфарсой **108<sup>b</sup>** туфроқиға жабҳасойлиғ кўргузуб, инкисори тамом ва тахашшуъи молакалом била маззалат хошоқи узра ётмиш эрдилар, андоқким юқорида мастур бўлди, ҳазрати хадиви комкори отифатшиор камоли карам ва мурувват муқтазоси билаким, зоти саодатпартавида маркуз ва мухаммардур, ямут тавойифининг жаройими бепоён ва авосими бекаронларинким, кўҳи Қофдин улуғроқ эрди, ҳиммати олийнаҳмати оллида заррача эътибор бермай, жамеъи гуноҳларин афв қилди, балки ҳар бирига ўзгача эҳсон ва истиноъ кўргузуб, хилоъи офтобшуоъ бахшиши била малусу мамлуъ этти ва мароҳими хусравонадин баҳрамандлик еткуруб, шаъбону-л-муаззам ойининг авоситида мурожаат руҳсати муждасидин ўлук баданлариға жон ва жонсиз пайкарлариға руҳи равон бериб, ўзларининг маскани маълуфлариға қайтарди.

Яна улким, ҳазрати соҳибқирони гетиситон умаройи олийшон ва уманойи рафеъмакон зумрасидин сиёдатмаоб, **109<sup>a</sup>** нажобатинтисоб, олиймақом, гардунэҳтишом Фозилхўжа шайхул-

исломни зоти ҳумоюннинг салтанат тахтида истиқрор ва истиҳком топганининг эълони ва баъзи умури мамлакат ва маҳоми фуқаро ва райият масолиҳининг пайғоми учун Ўрус вилоятининг сифоратиға номзад қилди. Ва Ўрус подшоҳининг отиғаким, насоро луғатида “императўр” дерлар муволафат мазмуни била бир мактуб ёздуруб, мазкур элчиға топшуруб, рамазону-л-муборак ойининг йигирма учида, шанба куни Хоразм корвонидин бир гуруҳни анга ҳамроҳ қилиб, Ўрус юртиға йиборди.

Яна улким, Тўра Мурод оталиқким, инояти подшоҳонадин элчи бўлуб, Бухорога кетмиш эрди, андоқким собиқан таҳрир топти, амир Насруллоҳ ани таъзим ва таъжил била кўринуши олийсиға ундаб, лутфу навозишлар била аҳволпурсишлик қилиб, элчихонайи олийға тушурди ва бир неча муддат анинг иззату эҳтиромиға **109<sup>б</sup>** қиём кўргузуб, хилоъи зардор ва инъомоти бисёр била маҳзуз ва баҳрабардор қилиб, муовадат рухсатин берди. Ва ўзининг иттиҳодмандлик ва якжихатлиги изҳори учун олийжох, рафеъжойгоҳ, мўътабар ва иззатпарвар умаросидин ўзбек тавойифидин юз хонадоннинг хулосаси Абдулазиз тўқсобани элчи қилиб, мусодақатномайи номий ва туҳафоти киромий топшуруб, ихлос ва эътиқод юзидин ани Тўра Мурод оталиқға масхуб қилиб, суддаи хилофат хизматиға ирсол этти. Элчийи мазкур оталиқи мазбурнинг мусоҳабати била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, шавволу-л-мукаррам ойининг ўн еттисида сешанба куни даргоҳи сипеҳриштибоҳ зиёрати давлатиға восил бўлуб, амирнинг йиборган туҳфа ва ҳадоёсин мусодақатномаси била назари саодатасар арзиға еткурди. Ул ҳазрат анга навозишлар кўргузуб, аҳволин истифсор қилгандин сўнг элчихонайи **110<sup>а</sup>** ҳумоюнға тушуруб, атоёи мулуконадин баҳрамандлик еткуруб, амомайи иззатин чархи барин бошидин ошурди.

Яна улким, умаройи ихлосинтимо жумласидин қиёт ақвоми сархайлларининг иззатмаоби Аваз Мурод миробнинг таъбиға тоун касали торий бўлуб, ул иллатнинг муҳлик шиддатидин икки-уч кун муддатида заъфи ниҳоятға етти. Мазкур ойнинг йигирмасида, жумъа кечаси “Валлоҳу йад‘ў илā дāри-с-салām”<sup>1</sup> оятининг нидойи фарҳатнишонин қабул ва изъон қулоқи била эшитиб, беҳишти жовидон ишратгоҳиға борди ва ажал соқийси илкидин “куллу

<sup>1</sup> وَاللّٰهُ يَدْعُوْا اِلٰى دَارِ السَّلَامِ (“Аллоҳ (одамларни) салом диёри (жаннат)га чорлайди”, “Юнус” сураи, 25-оят)

нафсин зā'иқату-л-мавт”<sup>1</sup> соғарин рағбати тамом била ложуръа сипқарди.

### Назм:

Фарёдки, бу сипехри гардон,  
То бўлди жаҳон уза намоён.  
Бир кимсани қилмайин тарабнок,  
Манзилгаҳин айлади таҳи хок.

Ҳазрати ҳадиви комкори карамшиор камоли мурувват ва ғояти марҳаматидин мазкур миробнинг валади аржуманди ва фарзанди **110<sup>б</sup>** саодатманди Қорабаҳодирбекнинг аҳволиға шафқати хусравона хуршидин партавафкан қилиб, отаси ўрниға мироблиғ мансаби олийсин тафвиз этти ва бу меҳрибонлиқ шарофатидин анинг фуруқи иззати куёш афсариға етти.

### Қитъа:

Шоҳ ҳар кимга лутф ила боқса,  
Тиғи иқболи тунду тез бўлур.  
Ҳар неча хор эса жаҳон ичра,  
Ортибон шавкати азиз бўлур.

Яна улким, ҳазрати аъло хоқони кишварситон зулқаъда ойининг йигирма бешида, панжшанба куни Бухоро элчиси Абдулазиз тўқсобағаким, садоқатнома била келиб, бир неча муддатдин бери иззати тамом била элчихонайи фирдавснишонада оромгузин эрди, заррин хилъатлар кийдуруб, лутфу эҳсон била мурожаат рухсатин берди ва умаройи олийшон ва шужаойи гардунтавон зумрасидин сидқу ихлоснишон убҳату шавкатиқтирон, зубдайи дудмони қипчоқ Искандар иноқнинг аҳволи ҳайратмаолин марҳамат ва макрумат **111<sup>а</sup>** кўзи била мавфур этиб, Бухоро элчилигига таъйин ва масрур қилди. Мувофақат ва муҳаббат мазмуниға машъур бир мактуб топшуруб, подшоҳона тухфа ва ҳадя била Абдулазиз тўқсобаға қўшуб, Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг олдиға сифорат тариқаси била равон қилди.

Яна улким, аркони давлат ва аъёни ҳазрат акобиридин ихлос ва эътиқодниҳод Муҳаммад Мурод девонбегиким, музаккийлик ва девонбегилик мансабиға мансуб эрди, зулҳижжа ойининг еттисида, сешанба куни ҳазрати ҳадиви сипехрмартабат ани ўз хоҳиши била ҳамул мансабдин маъзул этиб, дарбори фалакмадорнинг жонсипор ва садоқатшиор хизматкорларидин инсоф ва адолаттавъом

<sup>1</sup> كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ “Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир” (“Оли Имрон” сураси, 185-оят, “Анбиё” сураси, 35-оят, “Анкабут” сураси, 57-оят)

Худойназар маҳрамни инояти хадивонаға махсус тутуб, атроф ва жавонибдин Хивақ шаҳриға келатурған корвоннинг амвол ва амтаъасиға омили закот ва корхонайи салтанатнинг маҳомат ва харожатиға вакил ва девонбеги қилиб, анинг қадру эътибори бошин сипехри даввор 111<sup>б</sup> авжидин ошурди.

#### Назм:

Кимни Ҳақ истар эрса давлатманд,  
Шоҳға тушгай ул қабулу писанд.  
Шаҳ анга эла илтифот этгай,  
Ки боши чарх авжиға етгай.  
Ўтгуси хор-хор зиллатдин,  
Давлату сарвати ниҳоятдин.

Яна улким, ҳамул йил яъни, тарих минг икки юз етмиш учда ҳазрати соҳибқирони сипехрмаконнинг ройи оламоройи ва тақозойи ихтироънамойи ўзининг икки ердағи мулки мавруси ва марзаъи махсусидаким, бири Хивақ шаҳрининг жанубий жонибида Ангариқ мавзеида ва бири шарқий тарафида Гандумкон қариясида воқеъдур, икки боғи дилкушо ва қасри хушҳаво бунёду барпо қилдурдиким, назорат ва тароватда чархи аъло гулшаниға инфиол ва хижолат еткурди. Ва ҳар бирида олий дарахтлар ниҳоли камоли зеболиғ била бош чекиб, “аслуҳа сәбитун ва фар‘уха фи-с-самā”<sup>1</sup> мазмунин пайдо қилди. Ва турлук-турлук жонпарвар ва ҳаловатасар 112<sup>а</sup> мевалар пишиб, ва “фāкиҳатун касйратун лā мактў‘атин ва лā мамнў‘а”<sup>2</sup> маънисин ҳувайдо қилди. Ва ҳар тарафдин салсабил жўйларда соф ва беғаш сувлар оқиб, “жаннāту ‘аднин тажрй мин таҳтиҳа-л-анҳār”<sup>3</sup> фаҳвосин изҳор этти ва кавсар мисол ҳавзлар жонпарвар зилоллар била андоқ тўлдиким, “айнан фйҳа тусаммā салсабилā”<sup>4</sup> хижолат сувиға ғарқ бўлди. Ва ранго-ранг гуллар камоли латофат ва ғояти назокат била ул миқдор очилдиким, фирдавси ризвон гуллари паришон бўлуб, афсурдалиқ туфроқиға сочилди. Ва хушилҳон булбуллар ул масобада нағмапардозлиғ кўргуздиким, боғи жинон қушлари навосозлиғ

<sup>1</sup> أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِي السَّمَاءِ (“Унинг илдизи (ер остига) ўрнашган, шоҳлари эса осмондадир”, “Иброҳим” сураси, 24-оят)

<sup>2</sup> وَفَاكِهَةٌ كَثِيرَةٌ لَا مَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ (“кўплаб мева (узраки), (улар) туганмас ва ман этилмасдир”, “Воқеа” сураси, 32-33-оятлар)

<sup>3</sup> جَنَّاتٌ عَدْنٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ (“остидан анҳорлар оқадиган, улар доимий қоладиган мангулик жаннатлари бўлур”, “Тоҳо” сураси, 76-оят; “...остидан анҳорлар оқиб турадиган мангу жаннатлар...”, “Баййина” сураси, 8-оят)

<sup>4</sup> عَيْنًا فِيهَا تُسَمَّى سَلْسَبِيلًا (“У ердағи чашманинг номи Салсабил деб аталур”, “Инсон” сураси, 18-оят)

ҳавасидин кўнгул узди ва ҳавойи фазоси руҳпарварликда ул мартабаға еттиким, Масихо дамидин жонбахшлиқ хосияти кетти.

### **Маснавий:**

Бўлуб ул икки боғи жаннат ҳаво,  
Эрам бўстони киби хушсафо.  
Келиб ҳар бири рашки зоту-л-имод,  
Ки халқ ўлмағай “мислуҳā фи-л-билāд”<sup>1</sup>.  
Суви жонфизоликда **112<sup>б</sup>** Кавсар киби,  
Бўлуб хоки хушбўй муанбар киби.  
Масихо дамидек ҳаваси келиб,  
Жинон саҳни янглиғ фазоси келиб.  
Юз алвон била очилиб гуллари,  
Тушуб гуллари узра сунбуллари.  
Пишиб мевалар неча алвон бўлуб,  
Тамошосида ақл ҳайрон бўлуб.  
Бўлуб ҳар бирининг аён шираси,  
Ҳаловатда андоқки, жон шираси.  
Алар ичра кирган киши бир нафас,  
Эрам боғи сайрини қилмас ҳавас.  
Алар васфида неча сурсам қалам,  
Мингидин бирин айлаёлман рақам.  
Бас итнобдин зоҳир айлаб ҳазар,  
Сўзим айладим мужмалу мухтасар.

Фақирким, бу паришон ажзонинг жомеъидурмен, ҳамул икки боғи равзамонанднинг бинойи дилписандиға муносиб бир таърих топиб, назм силкига чекдимким, инак бу мавридда мастур бўлур.

### **Таърих:**

Шоҳеки, фаррух зотидур зебандаи тожи такмин,  
Адли баҳоридин **112<sup>б</sup>** эрур боғи Эрам рўйи замин.  
Келди ҳасаб ичра бари олам элининг афзали,  
Лекин насабда сарвари авлоди фахру-л-мурсалин.  
Хоразм мулки муқаддам юмни била обод ўлуб,  
Зийнатда Хивақ шаҳредур, хислатфазойи шаҳри Чин.  
Исми ҳумоюни анинг Саййид Муҳаммадхон эрур,  
Хоки дариға шоҳлар ихлос ила суртар жабин.  
Амри била топти бино чун икки боғи дилкушо,  
Ҳар бир лутфу файз аро монандаи хулди барин...

<sup>1</sup> مِثْلَهَا فِي الْبِلَادِ (“бошқа) юртларда унинг ўхшаши яратилмаган”, “Фажр” сураси, 8-оятининг бир қисми)

Лекин бирининг мавзеъи шуҳрати Гандумкон ўлуб,  
Келди жинон ғилмонлари хирманлариға хўшачин.  
Шоҳға муборак айлабон Тенгри алар бунёдини,  
То ҳашр аларда айласун ишрат бўлуб маснаднишин.  
Айлаб тафоъул Огаҳий Мусҳаф очиб қилғач назар,  
Топти алар таъриhini “жаннати аднин холидин”.

**Ҳазрати соҳибқирони сулаймоннишоннинг сайри сахро ва азми  
тамошо учун отланиб, Оқмасжид ва Найман 113<sup>б</sup> ҳудудин  
шикор тариқаси била отланиб, мурожаат қилгани**

Чун жумъа кечасиким, зулҳижжа ойининг хироми ҳадди  
ихтимомига етиб, муҳарраму-л-ҳаром ойининг ҳилоли шўхлар  
қошининг хаёлидек сурати хўб ва ҳайъати марғуб била маръий  
бўлуб, зухур уфқига етти, санайи ҳижрия минг икки юз етмиш  
тўртга интиқол этти, ҳамул ойининг ўнунчи ақшомиким, якшанба  
кечаси эрди, ҳазрати гардунтавон, шаҳаншоҳи малакпосбон ҳадиви  
анжумҳашами хусрави хуршидалам, шаҳриёри сулаймонтахт,  
тождори фаридунбахт, сарвари салотини замон, афзали хавоқини  
даврон, зубдайи оли “Тоҳо” ва “Ёсин”, қудвайи валади сайиду-л-  
мурсалин, **маснавий:**

Шаҳеким, эрур шоҳлар зубдаси,  
Жамеъи фалак жоҳлар умдаси.  
Ҳасабда паёмбар мисоли келиб,  
Насаб бирла шаҳлардин олий келиб.  
Бериб яхши ахлоқ анга Кирдгор,  
Анингдекки, неча десанг анча бор.  
Адолатда йўқ мислу монандаси,  
**114<sup>а</sup>** Саховатда Ҳотам сарафкандаси.  
Қаён юрса давлат бўлуб ҳамъинон,  
Зафар теграсида бўлур посбон.  
Қайю ишгаким, ройи озим бўлур,  
Анга Тенгри таъйиди лозим бўлур,

аъни халифата-р-раҳмон зилла-с-субҳон, ал-муайяда битаъйиди-л-  
малики-л-маннон, моҳи-з-зулми ва-т-туғён, ʼалами амни амон,  
ҳамид-д-давлати ва-д-дин, анвару-л-музаффар ва-л-фатҳ Саййид  
Муҳаммад Баҳодирхон а‘замаллоҳу та‘ālā айāti ша‘ниҳи ва  
давлатиҳи ва рафа‘а рāйāti ‘иззатиҳи ва шавкатиҳи иштиғоли  
умури салтанат ва тасдиъи мусолиҳи мамлакатдин хотири

саодатмаосариғаким, давлат юзининг ойинасидур, андак ғубори малолат етиб, ул ғубор дафъи учун сахро сайрин ихтиёр қилиб, мазкур бўлган кеча намозшомдин сўнг тавсани девзоди париниходға дабдабайи мулукона ва тантанайи хусравона била рукуб қилиб, аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва умаройи сипехрэхтишом ва кубаройи гардунэхтиром ва махсус мулозимлар ва муқарраб маҳрамларнинг ҳамийнонлиқи била дорулхилофайи Хивақ зайаналлоҳу та‘ālā би-л-‘адли **114<sup>б</sup>** ва-н-насақдин чикди.

#### **Назм:**

Чиқиб шаҳрдин шоҳи гардунжаноб,  
Анингдекки, чиқғай кеча офтоб.  
Жамоли жаҳонни мунаввар қилиб,  
Туну кунни элга баробар қилиб.  
Оти остида чархи гардун киби,  
Ўзи устида меҳри рахшон киби.  
Сипехр теграсида нечукким нужум,  
Қуёш даврида айлагайлар хужум.  
Неча шотир оллида айлаб хиром,  
Бари хўблук ичра моҳи тамом.  
Изидин сипоҳи неча саф юруб,  
Ғуборини чарх авжига еткуруб.  
Яна тийрбон неча миршикор,  
Шикор амрида барча устои кор.  
Чиқиб дамбадам чарх уза ғулғула,  
Тушуб сарбасар ер аро зилзила.  
Дема ул тун анжум намоён эрур,  
Неча кўз била чарх ҳайрон эрур.

Мундоқ дабдабайи каёнй ва кавкабайи сосоний била хуфтан чоғидаким, фалак шабистони кавокиб машъалалари била чароғон ва сипехр гулистони нужум гулларидин ғайрати фирдавси ризвон эрди, Ангарик қариясидағи қасри мусаффо ва боғи дилкушосинким, ул ҳазратнинг фармони давлатнишони била **115<sup>а</sup>** тоза бино топиб, бағоят фарахгустар ва тарабпарвар эрди, нузули саодат вусули файзидин рашки гулистони бихишти барин ва ғайрати нигористони ақсойи Чин қилди.

#### **Маснавий:**

Кўнгул тангликидин гар этсанг ҳазар,  
Гаҳи иртиқоб айла сайру сафар.  
Сафар барча элга муносибдурур,

Хусусан, салотинга вожибдурур.  
Кўнгулдан кудуратни зойил қилур,  
Кушойиш табиатга ҳосил қилур.  
Билингай неча-неча сир сайрдин,  
Жаҳон ичра барча шарру хайрдин,  
Халойиқ аро барча яхши-ямон.  
Бўлур кўзга сайру сафардин аён.  
Улус сайр ила ишга воқиф бўлур,  
Кўнгул Тенгри сиррига қошиф бўлур.

Ва чун ҳазрати соҳибқирон ҳамул макони фирдавснишонда мазкур бўлган кеча маснаднишини истироҳат ва қадаҳпаймойи базми ишрат бўлуб, айшу нишот, тарабу инбисот нашъасидин сархушлиқ ва комёблиқ ҳосил қилди, тонгласи якшанба сабоҳиким, қуёшнинг зарринкулоҳ шаҳриёри машрик **115<sup>б</sup>** базмгоҳидин чиқиб, фалак марғзори сайрига озим бўлди, ҳамул ишратпарвар манзилидин мулукона савлатлар ва жамшидона шавкатлар била отланиб, иродат якронин наҳзат майдониға сурди. Ва ҳузури баҳори шарафидин саҳро ва биёбонга равзайи ризвон тароватин еткурди. Ва саманди барқрафтор аёқининг масосидин қум этакин гардун яқосиға ҳамсар ва сипоҳи жаррор ғуборининг сурмасидин анжум кўзларин мунаввар қилди. Шоҳона сайру хиром била саҳорий ва баводий тафарружидин ком олғандин сўнг Оқмасжид қариясиға ворид бўлуб, Муҳаммад Аминхони жаннатмакон ворисларининг ҳавлийи мутарриқи беҳиштнишонигақим, ҳамул қарияда воқеъдур, тушуб, бир кеча бистароройи таваққуф бўлди. Тонгла душанба субҳидақим, хуршиди жаҳоноронинг зарринбол шаҳбози кавокиб сайдлари ҳаваси била сипеҳр фазосиға парвоз қилди, ул ҳазрат мазкур мавзеъдин **116<sup>а</sup>** сабосуръат тақовариға руқуб қилиб, шикорандозлик тариқаси била қум этакидин машрик жонибиға наҳзат кўргузди.

#### Назм:

Отланиб хусрави жаҳоноро,  
Дашту қум сари бўлди раҳпаймо.  
Айлади ихтиёр азми шикор,  
Майли қуш солғали қилиб изҳор.  
От суруб шавкати тамом била,  
Ҳашрдин ортуқ издиҳом била.  
Икки ёнда лашкари жаррор,  
Юрубон саф тузуб қатор-қатор.

Ўртасида ўзи бўлуб озим,  
 Қушламоқ амрига бўлуб жозим.  
 Сайр асносида не навъ шикор,  
 Бўлса водий-ю дашт аро дучор.  
 Солибон тезбол қушни равон,  
 Олибон бир нафасда бермай амон.  
 Неча каррат бу навъ қушни солиб,  
 Неча қатла бу янглиғ овни олиб.  
 Ҳосил этти фараҳ тамошодин,  
 Мунбасит бўлди сайри саҳродин.  
 Ё Раб, ани ҳамиша шод этгил,  
 Восили шоҳиди мурод этгил.  
 Не этса коми, ҳосил айла ани,  
 То абад шоду хушдил айла ани.

Ҳамул кун бу навъ бу сайд **116<sup>б</sup>** афканлик расми била қатъи масофат қилиб, кечрак Найман мавзеъига етиб, Муҳаммад Аминхони мазкурнинг андағи работи лозиму-л-инбисотифақим, варасалари дасти тасарруфида эрди, нузул этиб, вусули муқаддами шарофатидин анинг кунгурайи фаҳоматин фалаку-л-буруж зурвасидин ошурди. Ва анда бир ақшом айшу ишрат била оромгузин бўлуб, тонгласи сешанба куни чоштгоҳда отланиб, издиҳоми тамом ва асокири нусратфаржом била яна сайдандозлиғ йўсунида ҳамул атроф ва жавонибдағи даштлар сайри ва мазрълар гаштига азимат маркабин сурди. Ва бу кун дағи саҳро сайри ва шикор тамошосидин ҳумоюн хотирига ниҳоятсиз баҳжат ва инбисот еткурди ва туш чоғи ғоятсиз шодмонлиғ ва андозасиз комёблиғ била муовадат қилиб, яна мазкур манзилга нузул этиб, фароғат бистарида истироҳат кўргузди. Ва пешиндин сўнг ҳамул макондин давлат якрониға рукуб қилиб, **117<sup>а</sup>** азимат инонин мурожаат тариқаға маътуф этти. Ва аср ҳангомида Янгиариқ мавзеъидағи ҳавлийи хушҳавоғақим, мамлакайи подшоҳиға дохил эрди, ворид бўлуб, анинг таманноси оғушин нузули ҳумоюнӣ шоҳидиға восил қилиб, айвонлари қошин кайвон бошиға ҳамсар ва қасрлари сақфин арш кунгурасиға баробар қилди ва ул ишратасар манзилда ҳамул кеча нишот базмин ораста қилиб, инбисот саҳбосидин баҳравар бўлди. Ва сўнгғи кунким, мазкур бўлган муҳаррам ойининг ўн учи ва чаҳоршанба куни эрди, зуҳо ҳангомида ҳамул ҳавлидин саманди сабосуръатга рукуб қилиб, подшоҳона шавкат ва хусравона савлат била шаҳар жонибиға

наҳзат кўргузди. Пешин чоғи давлату иқбол била доруссалтанайи Хивақға дохил бўлуб, шаъшаъи дийдоридин шаҳр улусининг дийдаи интизорин ёрутти ва сарири салтанатда сурури тамом ва ҳузури молакалом била ором тутти.

#### **Назм:**

Эй адлинг ила жаҳондур обод,  
117<sup>б</sup> Зотинг биладур жаҳон эли шод.  
Эл кўзига талъатинг бериб нур,  
Лутфинг била барча халқ масрур.  
Ҳақ давлатинг айлабон фаровонроқ,  
Умринг дағи айласун узунроқ.  
Кўнглунгни тутуб мудом хуррам,  
Бир дам тарабингни қилмасун кам.  
Адлинг била даҳр хуррам ўлсун,  
Лутфинг била халқ беғам ўлсун.

#### **Баъзи воқеалар зикриким, ҳазрати соҳибқирони мазкур сайрдин келиб, сарири салтанатда оромгузин бўлғандин сўнг воқеъ бўлди**

Ул жумладин улким, умаройи садоқатнамой жумласидин манқит улусининг сархайли Аллоҳберди оталиқнинг баданиға неча муддатдин бери табиати нусрат қилғудек ямон касал ориз бўлмиш эрди. Бу жиҳатдин ишорати олий била мансабдин маъзул бўлуб, сафар ойининг авоситида гўшанишинлик ихтиёр қилди ва ҳазрати соҳибқирони карамшиорнинг инояти мулуконаси мазкур оталиқнинг фарзанди аржуманди Муҳаммадёрбекнинг ҳолиға шомил бўлуб, отаси ўрниға 118<sup>а</sup> оталиқлик мансабиға ихтисос топиб, навозиши хусравонадин маҳзуз ва баҳраманд бўлди.

#### **Фард:**

Кимки, айна илтифоти шоҳға манзур ўлур,  
Топғуси хуршиди рахшон янглиғ авжи иртифоъ.

Яна улким, сафар ойининг йигирма бешида, чаҳоршанба куни ҳазрати соҳибқирони адолатнишоннинг ройи соқибининг мулкорой котиби домла Эшниёз қози калоннинг дафтари эътиборига азл рақамин чекти. Ва ҳамул кун ҳазрат иноятининг зарринқалам муншийси Муҳаммад Қосим маҳзумнинг отиғақим, Отажон охундға мулаққабдур, қози калонлик ёрлиқин ёзиб, ул ёрлиғ вусули шарафидин анинг ифтихори бошин фалаки даввор мадрасаси

алломасининг зардор амомасидин ўткарди ва анинг вужуди шарофатнамуд зевари била Хивақ шахрининг дорулқазоси ўзга янглиғ зийнат топиб, шаръ аҳкоми ривожу била яхши от чиқарди.

#### Қитъа:

Ё раб, айлаб жаҳонни шах тасхир,  
Даҳр султон- **118<sup>б</sup>** ларидин олсун тож,  
Ки русуми буъдни барҳам уруб,  
Бергуси шаръға ҳамиша ривож.

Яна улким, умаройи соҳибвифоқ зумрасидин Искандар иноқким, фармони олий мужиби била Бухоро элчилигига кетмиш эрди, андоқким, собиқан мазкур бўлди, амир Насруллоҳнинг кўрунушига дохил бўлуб, ҳазрати соҳибқироннинг муҳаббатномаи киромийсин еткурди. Амир анинг борасида кўп мулотафат ва навозишлар кўргузуб, элчихонайи олийға тушуруб, таъзим ва такрим русумида бир дақиқани муҳмал ва номаърий қўймади. Бир неча кундин сўнг иззати тамом ва эҳтироми молокалом била мурожаат рухсатин берди. Ва ўзининг муқарраб ва мўътабар умаросидин Абдулвоҳид мирохурни сифорат тариқаси била анинг ҳамроҳлиқиға номзад қилди. Ва ҳазрати соҳибқироннинг муҳаббатномаси жавобида якжиҳатлик муболағаси била муволафатнома ва остони олий мулозимлариға муносиб тухфа ва ҳадялар топшуруб ирсол этти. Мазкур элчи **119<sup>а</sup>** Искандар иноқнинг рифоқати била қатъи масофат қилиб, сафар ойининг салхида якшанба куни доруссалтанайи Хивақға дохил бўлуб, остони давлатпосбон муқаррабларининг васотати била кўруниш-хонайи саодатнишонаға йўл топиб, келтурган мактуб ва тухфотини одоби тамом била назари анвар мутолаасиға еткурди. Ва ҳазрати соҳибқирони кишварситон ани мароҳими хусравонадин баруманд ва навозишоти мулукона била хурсанд қилиб буюрди, то ани элчихонайи ишратнишонаға тушуруб, мезбонлиқ тариқаси била зиёфати подшоҳона қавоидин тақдимга еткуруб, бир неча кун эҳтироми тамом била меҳмондорлиғ шароитин бажо келтурдилар.

Яна улким, дарёйи Амунинг суви тахминан ўттуз йилдан бери Лавдон арнасиға зўр қилиб, ул арна дарёнинг кўп сувин тортиб, аксар мазраълар кўл бўлуб, Кўҳна Урганч қалъасининг қибласидин ўтган Кўҳнадарё рудхонасиғаким, Шорқировиқға **119<sup>б</sup>** мавсумдур, йўл топиб, кўп ерларга борғунча сув жорий бўлди ва бўз ерлардин ниҳоятсиз зироатгоҳ очилди. Ва ямут бошлиғ аксар туркман тавойифи ул мазраълардин ғоятсиз маҳсулот олиб, камоли

тўқлуқдин “Инна-л-инсана лайатга ар-ра’аху-стағна”<sup>1</sup> каримасининг муқтазоси била тамарруд ва туғён русумин оғоз қилди. Чун мазкур арнадин сув олмоқ тарокима муфсидларининг фасод ва инодиға боис эрди, бу жиҳатдин ҳазрати шахриёри душманшикор мазкур арнани боғлатмоқ ва муфсидларнинг умидлари мазраъсин курутмоқ учун рабиъ ул-аввал ойининг тўртида, панжшанба куни умдату-л-умаро, қудвату-л-кубаро, низому-л-мулк ва-д-дунё, маржаъу-л-фуқаро, вазири аъзам, дастури мукаррам, олийнажод, осафниход Ҳасан Мурод қўшбегини номзад қилди. Қўшбегийи мазкур фармони қазожараён мужибни била ҳамул кун ул хизматни буткарурга озим бўлуб, мамолики маҳруса **120<sup>a</sup>** раоёсиндин кўп белдор ва ҳашарий ва коргузор олиб бориб, мазкур арнанинг сақосин тахминан ўн кун муддатида банд ва ул бандни қуввату матонатда Искандар расадиға масоду монанд қилдурди ва фармони олий муқтазоси била мурожаат қилиб, мазкур ойнинг авоситида ўзини даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға еткурди.

Яна улким, атабайи гардунмартаба мулозимларининг ихлосшиор ва жонсипор муқарриблари зумрасидин давлат ва иқболҳамдам Дўстниёз маҳрамким, элчилик тариқаси била бурунроқ Хўқанд вилоятиға марсул бўлмиш эрди, андоқким, собиқан таҳрир топти, чун мазкур вилоят волийси шавкат ва ҳашаматнишон Худоёрхоннинг кўрунуши олийсиға дохил бўлуб, ҳазрати соҳибқироннинг йиборган савғот ва муҳаббатномасин анинг арзиға еткурди, ул бағоят масрур ва мубтаҳиж бўлуб, подшоҳона навозиш ва пурсишлар кўргузди. **120<sup>b</sup>** Ва элчихонайи фирдавснишонаға тушуруб, таъзим ва такримиға камоянбағий кўшиш қилди ва бир неча муддатдин сўнг анга иззати тамом била муовадат рухсатин берди. Ўзининг мўътабар мулозимларидин Муҳаммад Раҳим эшоғосини сифорат расми била анга масҳуб қилиб, хусравона тухфалар била ихлоснома топшуруб, Хоразми жаннатбазм жонибиға равона қилди. Мазкур элчи Дўстниёз маҳрам рифоқати била масофат қатъиға суръат қадамин қўюб, бир неча муддат мароҳили фаровон ва баводийи бепоённи тай қилиб, рабиъ ул-аввал ойининг йигирма бешида, панжшанба куни остони давлатпосбон хокбўслиқи саодатиға истиъод топиб, келтурган ихлоснома ва ҳадяларин одоби тамом била назари кимёасар пешгоҳида маъруз этти ва навозиши хусравонаға махсус бўлуб,

<sup>1</sup> إِنَّ الْإِنْسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنُفٍ (‘‘Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. (Бунга) сабаб ўзини бой – беҳожат санашидир’’, ‘‘Алақ’’ сураси, 6-7-оятлар)

ишорати олий била элчихонайи хумоюнда манзилгузин ва инояти подшоҳонадин ўз муродича ишратқарин бўлди.

Яна улким, ҳазрати соҳибқироннинг **121<sup>а</sup>** амакзодаларидин Абдурраҳимбек ибн Саййид Назарбекким, ул ҳазрат таъйиди илоҳий била салтанат тахтиға жулус қилған куни адоват камарин шақоват белиға боғлаб, отасиға ҳамроҳ бўлуб, накбат қойидининг аёнкашлиги била Хивақ шаҳридин чиқиб, тарокима муфсидларининг орасиға борди, бир неча муддат саргардонлиғ тортғандин сўнг отаси ўлумга рози бўлиб, даргоҳи олампаҳоқ хокбўслиқиға келди ва ул камоли хавфу ҳаросдин отасидин айрилиб, тарокима орасида қолди, имрали муфсидларидин Аваз Муҳаммад вакил бошлиғ бир гуруҳ Хоразмдин кўчуб, Хуросон жонибиға озим бўлғанда, ул алар била ҳамроҳ кетмиш эрди, андоқким, юқорироқ мастур бўлди, Хуросонға бориб, бир неча муддат арбоби хазлон орасида саргардонлиғ чеккандин сўнг ниҳоятсиз оч ва яланғоч ва ғоятсиз хору зор бўлди. Охируламр қилған ишиға пушаймон ва ўз ҳолиға ҳайрон бўлуб, **121<sup>б</sup>** ул юрушдин ўлумни афзал ва ул ҳаётдин мамотни акмал билди. Ложарам, ўлсам дағи ўз юртимға бориб, ўлай деб, Хуросондин Хоразм жонибиға афтон ва хезон равон бўлди. Мазкур йил, яъни санайи минг икки юз етмиш тўртда, рабиъ ус-соний ойининг учида, жумъа куни баъзи машойихнинг раҳнамолиғи била Хивақ шаҳриға келиб, ҳазрати соҳибқироннинг бузруквор оқаси мақсаду-л-акобир, маржаъу-л-асоғир, амирул-умаро, зубдату-л-кубаро, шахзодаи соҳибжуд Саййид Маҳмуд тўранинг ҳавлисиға бориб, ўзини ул жанобнинг остони давлатнишони туробиға ташлаб, инкисор ва эътизор юзин ажзу изтирор туфроқиға суртуб, ул жанобнинг лутфини жаройими бешумориға шафиъ қилди. Ул жаноби сафойи тийнат ва вуфури лийнат муқтазоси била анинг аҳволи пурмалолиға тараҳхум кўргузуб, ҳазрати соҳибқирондин исёни бепоёнин тилади.

Ул ҳазрат анинг шаънида оқасининг шафоатин қабул қилиб, камоли карамдин **122<sup>а</sup>** анга сиёсат ва уқубат ўрниға лутфу марҳамат кўргузуб, жаройим дафтариға узр рақамин чекиб, ўлук жисмиға руҳи равон ва жонсиз баданиға тозадин жон бағишланди.

### **Рубоий:**

Эй хусрави гардунҳашаму меҳралам,  
В-эй подшоҳи софдилу некшаям.  
Мундоқки, сенга вофир эрур лутфу карам,  
Минг журму гуноҳи бўлса, мужримға не ғам.

Яна улким, мазкур ойнинг ўн учида, душанба куни Бухоро элчиси Абдулвоҳид мирохурким, бурунроқ келиб, амир Насруллоҳнинг мусодақатномасин арзга еткуруб, бир неча муддатдин бери мутамаккин эрди, анга эъзози тамом била мурожаат рухсатин берилди. Даргоҳи гардун иштибоҳнинг муқарраб ва муътамад ходимларидин Раҳматуллоҳ маҳрамниким, Қарокўз лақаби била машҳурдур, элчилик йўсуни била анга кўшуб, муҳаббатнома топшуруб, Бухоро сари ирсол қилилди.

**Ҳазрати соҳибқирони жамшиднишоннинг ҳумоюн хотири шаҳбозин шикор ҳавосида парафшон қилгани ва сайдандозлиғ тамошосидин 122<sup>б</sup> кўнгли маромича ком олиб, шодкомлиғ била қайтиб, салтанат саририга келгани**

Сухандонлиғ ҳавасининг шаҳбози баландпарвози ва нуктаронлиғ байдасининг шунқори барқтози, аъни хомаи жалодатшиор маъони сайдларини бу янглиғ шикор қилурким, ҳамул йил, яъни сана минг икки юз етмиш тўртда, йилон йили ҳазрати соҳибқирони жамжоҳ, султони искандаркулоҳ, хусрави дорошавкат, хадиви баҳромсавлат, шахриёри сулаймонбахт, тождори осмонтахт, **маснавий**:

Шаҳи пурдилу хусрави мулкгир,

Мутъалло кулоҳу муалло сарир.

Жаҳон кишваридин хирож олғучи,

Адув лашкарига қирон солғучи.

Фалакдин фаровон иқтидори анинг,

Қуёшдин ёруқ эътибори анинг.

Юзидин эрур нури давлат аён,

Сўзидин эрур сирри ваҳдат аён.

яъни, халифату-р-раҳмон, зилли субҳон, ал-муайяду битаъйиди-л-малики-л-мустаъон, миъзару-с-салтанати ва-л-миллати ва-д-дин, муҳибби аҳли-л-Ҳаққи ва-л-яқин, дофеъи русуми куфру туғён, рофеъи ливойи амну амон Абу-л-музаффар 122<sup>б</sup> ва-л-мансур Саййид Муҳаммад Баҳодирхон аббадаллоҳу та‘ālā би давāми сурӯри аййāмиҳй ва басата фи бāсиҗи-л-арди аҳкāмаҳу замир ва хотири хатиринким, ҳақиқатда қудс оламининг шоҳбози ва инси жаҳонининг ошиёнсози эрди, айём кудуратининг дафъи ва ҳаводис малолатининг рафъи учун шикор ҳавосида болафшон ва нишот

фазосида гармжавлон қилмоқ тилаб, сахро сайрин ва шикор азмин жазм этти.

**Назм:**

Кўнгул ўзни ишрат била шод тут,  
Кудуратни даврондин озод тут.  
Сукундин етушса кудурат сенга,  
Эрур сайр қилмоқ зарурат сенга.  
Етушгай сенга шодлиғ сайрдин,  
Бари ғамдин озодлиғ сайрдин,  
Жихат будурур шоҳи ҳикматшиор,  
Қилур гаҳ гаҳи азми сайру шикор,  
Табиат кушойишга восил бўлур,  
Басе тажриба дағи ҳосил бўлур.

Сафар асбоби таҳийяси учун карам хазойини эшикларин очиб, базли вужуд панжаси била ниҳоятсиз дунёу дирам сочиб, барча умаро-ю кубаро ва аъёни ҳазрат **123<sup>б</sup>** ва аркони давлат ва жамеъи хидам ва ҳашамни ўз мартабалариға лойиқ мувофиқ инъом ва эҳсон била хурраму шодон қилди.

**Назм:**

Очиб панжайи жуд шоҳи жаҳон,  
Анингдек, карам расмин этти аён,  
Ки Ҳотамдин айлаб хижолат зухур,  
Саховат хаёлидин этти убур.

Чун сафар асбоби ва йўл яроғининг тажҳиз ва таҳиясидин фароғ ҳосил бўлди, ўзининг биродари аржуманди амирулумаро, амин ул-умано шахзодаи шарифу-л-вужуд Саййид Маҳмуд тўра маддаллоҳу та‘ālā аф‘āла ‘āтифиҳи ‘алā ра‘си аҳли-д-дунёни доруссалтанайи Хивақ ҳарасаллоҳу та‘ālā ‘ан āфāти-л- ҳарақ ва-л-ғарақда наёбат маснадида мутамаккин қилиб, умаройи сиддиқосор ва худамои ихлоскирдор зумрасидин Муҳаммад Солиҳ оталиқ ва Тўра Мурод оталиқ, вазири осафсияр Муҳаммад Раҳим меҳтарни Арк дарвозасининг муҳофазатиға муқаррар қилди.

Ва фақирғаким, бу ҳуруфи саодатвуқуф роқимидурман, касали зотий жиҳатидин неча йилдин бери отланиб, **124<sup>а</sup>** сафар қилмоқдин маъзур эрдим, фориғ ўлтурмоқ рухсатин бериб, илтифоти подшоҳонадин ниҳоятсиз мубтаҳиж ва масрур этти.

**Қитъа:**

Хусравеким, карами оллида,  
Тенгдурур барча қавий-ю ожиз.

Ҳодисоти фалакидин, ё Раб,  
Кўрмасун ғам асарини ҳаргиз.

Рабиъ ус-соний ойининг ўн еттисида, жумъа куни, намози жумъа адосидин сўнгким, барча арбоби танжим ва асҳоби тақвим қавли била жамеъи соотнинг афзали ва барча авқотнинг акмали эрди, жамшиди хуршид янглиғ абраши фалаквашга рукуб қилиб, дабдабайи каёний ва кавкабайи соҳибқироний била дорулхилофайи Хивақ зайъаналлоҳу та‘ālā би-л-‘адли ва-н-насақдин чиқиб, мақсад жонибиға озим бўлди.

### **Маснавий:**

Оти остидадур баланд сипеҳр,  
Ўзи от узрадур сипеҳр уза меҳр.  
Боши узра гуҳарнигор афсар –  
Меҳр устида тобнок ахтар.  
Сурди андоқ ясоқ ила якрон,  
Қолди ҳайрат аро заминуну замон.  
Беҳисоб оллида юруб шотир,  
Ҳар бири юз усул 124<sup>б</sup> этиб зоҳир.  
Барчаси сарвқаду маҳсиймо,  
Бир-биридин музаййину зебо.  
Юрубон икки ёнида умаро,  
Уламоийи муқаррабу вузаро.  
Изида барча давлат аркони,  
Тебраниб жумла ҳазрат аъёни.  
Юрубон фавж-фавж аҳли сипоҳ,  
Қолибон гард ичра меҳр ила моҳ.  
Азм этиб дағи неча миршикор,  
Ҳар бири устои ширинкор.  
Қуш боқарда бўлуб бари пурзўр,  
Амриға барча қуш эрур маъмур.  
Баъзиси илкига олиб шаҳбоз,  
Қайси шаҳбозким, фалакпарвоз.  
Кўтариб баъзи илкига шунқор,  
Сайд олурда сунуб яшункирдор.  
Баъзи илкида ярғи гардун зўр,  
Оҳу оллидадур нечукким мўр.  
Баъзи илкида сиймбар туйғун,  
Сайд бошиға солғучи қаро кун.  
Баъзи илкида ер тутуб лочин,

Тезравликда барқға тоъин.  
Баъзида баҳрини фалакпарвоз,  
Олиб анқони ул сифатким қоз.  
Бошларида тумоғайи заррин,  
Лаълу гуҳар била топиб тазйин.  
Неча ит дағи чобуку чолок,  
Тай қилиб секраганда арсайи хок,  
Пўя айларда барқға **125<sup>a</sup>** раҳбар,  
Барининг бўйнида қилодайи зар.  
Қуш ила итга ҳадду ғоят йўқ,  
Лашкар аснофиға ниҳоят йўқ.  
Садаматидин бўлуб замин ларзон,  
Савлатиға бўлуб фалак ҳайрон.  
Лашкари ғулғули фалакдин ошиб,  
Шавкатин кўрган элнинг ақли чошиб.

Мундоқ издиҳоми қиёматнамо ва низоми ҳайратафзо била масофат қатъиға наҳзат тавсанин суруб, намозшом ҳангомидаким, хуршиди гардунхиромнинг хуношом Баҳроми мағриб манзилида мақом тутмиш эрди, Янгиариқ мавзеъидағи ҳавлийи хушсафо ва қасри дилкушоғаким, мамлакайи подшоҳиға дохил эрди, нузул этиб, ҳумоюн қадамининг вусули шарафидин анинг кунгурайи ифтихорин сипехри даввор зурвасидин ошурди ва ҳамул оқшом ул работи лозиму-л-инбисот ишратхонасида шоҳона айшу нишот базмин тузуб, мулукона тараб ва истироҳат кўргузди. Ва тонгласи шанба кун, чошт чоғи мазкур ҳавлидин давлат якрониға рукуб қилиб, масофат **125<sup>b</sup>** қатъиға озим бўлди. Ва йўл асносида Паҳлавон Кокулли така ҳаромиларидин тўққуз бош кесиб келтуруб, кавкабайи ҳумоюннинг сумми сутуриға тухфа қилди.

Бу ижмол тафсили улким, остони давлатпосбоннинг ихлосвожиб ҳожибларидин жалодатпаноҳ, шижоатиқтиноҳ, муборазатнишон Паҳлавон кокулли фармони вожибу-л-имтинон мужиби била бир гуруҳ лашкарга бош бўлуб, бир неча муддатдин бери ўтунчи ва кўмурчи ҳаросати учун кумга кириб, Хуросон йўлларининг муҳофазатиға машғул эрди. Ногаҳ Хуросон такаси қароқчиларидин бир фавж отлиғ Хоразм музофоти кўмурчилариға чаповул урмоқ учун қазо қойидининг инонкашлиги била бевахм ва бетаҳоший равон эрдилар, сипоҳи жаррорға дучор бўлдилар. Аларни кўргач, Паҳлавон Кокулли қошидағи мулозимлари била от солиб, сайд қасдиға суюнган қушдек ўзларин ул ажали етган

ҳаромиларга еткуруб, жалодати тамом била **126<sup>a</sup>** интиқом тиғин сурдилар. Ва қароқчилар аларнинг зарби дастига тоқат қила олмай, ҳазимат водийсиға накбат юзин урдилар. Ва баҳодирлар тиғи буррон чекиб, андоқ сарафшонлиғ ва жонситонлиғ қилдиларким, кум ичида қон селин равон эттилар ва ҳаромилардин ҳеч киши кутулмай, барчаси теғи тез ишорати била жаҳаннам сари кеттилар.

### Назм:

Баҳодирлар этти анингдек қирон,  
Ки кетмай адувнинг бириси омон.  
Адам даштиға барча қўйди қадам,  
Уқубатларин анда кўрмакка ҳам.

Баҳодирлар саъй ва кўшиш, қатлу кушиш амридин фориғ бўлғандин сўнг андоқ фатҳу зафарлариға нишона учун ҳамул авбошлар лошидин тўққуз бош кесиб олиб, солим ва ғоним мурожаат қилдилар. Мазкур бўлган кун, яъни, ҳазрати соҳибқирони гардунтавон Янгиариқ ҳавлидин отланиб, бир оз масофат қатъ қилган чоғда мулозаматға етиб, муфсидлардин олинган бошларни **126<sup>b</sup>** ва молларни ул ҳазрат арзиға еткуруб, Паҳлавон Кокулли бошлиғ барча баҳодирлар инъоми подшоҳона ва эҳсони мулуконадин баҳрамандлиғ ва хурсандлиғ топтилар. Ул ҳазрат ҳамул кун наҳзат маркабин суръатға киргузуб, пешин вақти Хитой мавзеъиға нузул этиб, пешин намозин ўқудилар. Ва ул мавзеъда вазири соҳибтадбир Муҳаммад Раҳим меҳтарким, арк дарвозаси муҳофазати ихтимоми ва баъзи маҳомати мулк саранжомиға маъмур эрди, ҳукми олий ирсол эттиким, даргоҳи олампаҳоқнинг ихлосфаржом ғуломларидин муборазатнишон Мирзахон маҳрамга бир гуруҳ отлиғ қўшуб, Хуросон йўлининг муҳофазатиға йиборгин. Ва чун ҳамул фармони лозиму-л-изъон мазмуни меҳтари мазкурға маълум бўлғач, бир фавж лашкар муҳайё қилиб, Мирзахон маҳрамнинг мулозаматиға таъйин этиб, Соғча кудуқи жонибиға йиборди. Ва ул ҳазрат ҳамул мавзеъдин отланиб, ҳамул кун намоздигар вақтида **127<sup>a</sup>** Оснинг жанубий тарафдағи кум устидаким, кирёси гардунасос манжуқи амри олий мужиби била Айюқмамос бўлмиш эрди, ҳумоюн қадами вусулидин анинг иззати бошин хуршидмасос қилди. Тонгласи якшанба куни андин азимат якронин гармжавлон қилиб, дабадабайи ҳайратафзо ва кавкабайи беинтиҳо била туш вақтида Ҳазорасб қалъасиға дохил бўлди. Ва ул қалъанинг ҳукумати ҳазрати соҳибқироннинг инояти мулукона-

сидин шаҳзодаи сидқинтимо, амирулумаро Саййид Маҳмуд тўранинг ройи оламоройиға мафвуз эрди.

Ул овонда ул жанобнинг тарафидин ақидаттавъом гуломларининг неқфаржоми Муҳаммадниёз девонбеги наёбат тариқаси била ҳукумат амриға мутасадди бўлуб, мамлакат маҳомининг саранжомиға машғул эрди. Ҳазрати соҳибқирони муалломакон доруламора дарвозасидин мурур қилур чоғда девонбегийи мазкур хазойини амора эшикларин очиб, ул ҳазратнинг давлатлиғ бошиға **127<sup>б</sup>** андоқ зарпошлиғ қилиб сочиғлар сочтиким, тамошо аҳли ҳайрон бўлуб, бошларидин ҳуши қочти.

#### **Маснавий:**

Сочиғ расмин анингдек қилди изҳор,  
Ки найсоннинг саҳоби сочғай амтор.  
Ва ёхуд сочғуси чархи кўҳантоқ,  
Нужумидин қуёш бошиға ёрмоқ.  
Бўлуб сийму зар остида замин гум,  
Магар ер юзига фаррош ўлди анжум.  
Халойиқ термакидин асру толди,  
Терилмай кўпраки туфроқда қолди.

Ул ҳазрат бу янглиғ шавкати подшоҳий ва номутаноҳий била доруламора ишратхонасиға нузул этиб, икки кеча таваккуф маснадида истироҳат қилди. Муҳаммадниёз девонбеги ихлос камарин белига боғлаб, муносиб хизматлар зуҳуриға қиём кўргузуб, андоқ ғайри мукаррар зиёфатлар муҳайё қилдиким, лаззатлиғ таъма ва азубатлиғ ашрабасин кўруб, малойикайи сойиму-д-дахр иштаҳоға келди.

#### **Маснавий:**

Муҳайё айлади андоқ зиёфат,  
Ки лол этти улус ақлини ҳайрат.  
Тутуб мажлисни неъматлар саросар,  
Бари **128<sup>а</sup>** лаззат аро ғайри мукаррар.  
Неча турлук шароби жон фароҳам,  
Неча соқийи шўхи моҳлиқо ҳам.  
Шаҳи гардуншукухи меҳршавқат,  
Тонг отғунча тузуб шоҳона суҳбат.  
Олиб комича аклу шурбдин ком,  
Сўнг андин тортибон ишратфизо жом.  
Бўлуб роҳи тарабдин маст саршор,  
Эмди айши юз онча не десанг бор.

Бу янглиғ жоми давлат сипқариб қўш,  
Икки кун икки кеча эрди сархуш.  
Не сархуш, жоми ваҳдат масти эрди,  
Майи сирфи ҳақиқат масти эрди.  
Илоҳи, давлату умрин фузун эт,  
Нишоту айшу айёмин узун эт.  
Фараҳнок айла мақсад жоми бирла,  
Фалакни дойир айла коми бирла.

Бу янглиғ подшоҳона зиёфат муддатининг инқозоси ва мундоқ жамшидона айшу ишрат замонининг интиҳосидин сўнг, мазкур ойнинг йигирма бирида, сешанба куни чошт чоғидаким, ул ҳазрат ҳамул ишратхонадин наҳзат маркабиға рукуб қилмоқға муқтазий бўлмиш эрди, Муҳаммадниёз девонбеги мезбонлиғ қавоидин тақдимға еткуруб, **126<sup>a</sup>** қимматбаҳо жавоҳирдин мукалал бўлган бир мурассаъ тож ва мусаффо лаълдин бўлган бир муламмаъ хилъат одоби тамом била ул ҳазратға кийдурдиким, ҳар бириға бир жаҳон хирожи сарф бўлмиш эрди. Ва бир заррин эгарлик ва тиллодин пўшлиғ тозанаход ва сарсарниход от миндурдиким, “ҳай” дегунча замони мозийдин ўтуб, барқи хотифнинг изидин етар эрди ва бир ғуломи гулжабин ва сарвандом жилавдорликға таъйин эттиким, ҳусн бозорида Юсуфи Мисрий анга жон нақди била харидор бўлур эрди.

#### **Қитъа:**

Ажаб бандаким, ҳусни сурат аро,  
Келиб Юсуф анинг камин бандаси.  
Жамолиға қилғоч назар хўблар,  
Бўлур барча анинг сарафкандаси.  
Қилур ҳар нигоҳи улусни қатл,  
Вале тиргузур дағи ҳар хандаси.

Ва ул ҳазрат мазкур девонбегини мундоқ муносиб хизматлари борасида мароҳими хусравонадин маҳзуз ва баҳраманд қилиб, давлат самандиға минди ва издиҳоми маҳшарнизом била Ҳазорасб қалъасидин чиқиб, Жобли тўғойи **129<sup>a</sup>** сори хиром кўргузди ва ул тўғойда андак муддат қушлаб, пешин вақтида дарёйи Жайхун канориғаким, ўрдуйи хумоюн анда тушуб, хийёми давлатфаржом ва хиргоҳи фалакиштибоҳ онда тутулуб эрди, подшоҳона шавкат била нузул этиб, кудуми файзидин дарё канорин дилдорнинг шакарбол лабидин намудор қилди ва оломонға дарёдин убур қилмоқ рухсатин берди.

Ва барча лашкария ҳамул кун ва ҳамул кеча фалакмисол кемалар била амволу асқол ва асбобу қўшларни ул тарафга ўткардилар ва ул ҳазратнинг ўзи аркони давлат била ҳамул кеча бу тарафда бистароройи таваққуф бўлуб, тонгласи чаҳоршанба куни чоштгоҳда махсус мулозимлар била ҳилолвор заврақларга ва чархнамудор сафиналарга миниб, дарё сайрига равон бўлдилар.

### **Байт:**

Заврақиким, сайр этар шаҳ остида Жайхун уза,  
Моҳи навдурким, кезар меҳр остида гардун уза.

Ва Худо ҳифзи нохудосининг мадади била **129<sup>b</sup>** Амуянинг шимоли канориға чиқиб, саборафтор бодпоға рукуб қилиб, издиҳоми тамом била ҳамул ёвуқ дағи васеъ бешага хиром кўргуздиким, Болтаниёз тўғойиға машҳур эрди, **маснавий:**

Вусъатда фазосидур жаҳондек,  
Назҳат аро равзайи жинондек.  
Гардунға дарахтлар чекиб бош,  
Ел кирмагудек гужуму чирмош,  
Баъзи еридур васеъ ҳомун,  
Ҳам мазраъ анда ҳаддин афзун.  
Паррандалар айлаб ани маскан,  
Чарранда гуруҳи ҳам нишиман,  
Анвоъи шикор бешумора,  
Ҳайрон ўлуб айлаган назора.  
Дуррожу тазарву кабк ҳам қоз,  
Кўп неча десам ҳануз эрур оз.  
Чобук қулону, семиз товушқон,  
Ул беша аро ададдин ошқон.  
Сурат аро барчаси эрур хўб,  
Бири-биридин кўнгулга марғуб.  
Шаҳ ул тўғай ичра сурди якрон,  
Якронини қилди гармжавлон.  
Тортиб илкига баҳлайи зар,  
Зевар бўлуб анда лаълу гавҳар.  
Куч бирла солиб парранда шаҳбоз,  
Сонсиз олибон тазарв ила **130<sup>a</sup>** қоз.  
Гаҳ лочину, гаҳ италгу солиб,  
Ҳар навъ шикор бўлса олиб.  
Барча умаро ва беклар ҳам,  
Ҳар сарида куш солиб дамодам.

Овни олибон адводин афзун,  
Шод ўлди ҳисобу ҳаддин афзун.  
Барча кўруб ул қадар тамошо,  
Ким хотирига айди таманно.  
Лашкар элига нишот ўлуб омм,  
Топти бари инбисот ила ком.

Мазкур бешада боргоҳи иқбол ва саропардаи ижлолни барпой қилдуруб, ул ҳавлноқ бешада Чин шахри ҳайъатин намудор ва жаннат қазоси тароватин ошкор этти ва нузули ҳумоюни вусулидин хиргоҳи фалакиштибоҳ бошин хуршиди моҳ авжидин ошурди ва ҳамул бешада икки кун таваккуф қилиб, шикорандозлиғ русумиға иқдом кўргузуб, куш солмоқ ва ов олмоқ қавоидида дақиқае номаръий қўймай, анвоъи тамошо била хотири хатирининг шоҳбози баландпарвозин шикоривор овлади.

Ва жумъа сабоҳиким, хуршиди анворнинг зарринвар шаҳбози нужум сайдлари қасдиға парвоз **130<sup>б</sup>** қилди ул ҳазрат гардунхайъат ашҳабга рукуб қилиб, Тўнгуз отови деган тўғой жонибиғаким, дарё қирғоғида воқеъ эрди, наҳзат оҳангин тузди. Ва ул бешада дағи ҳамул кун кечгача шикорандозлиғ тариқасиға эҳтимоми тамом била иқдом кўргузди.

### **Байт:**

Олиб шах кушлари андозасиз ов,  
Нечукким, лашкар ҳайжо куни ёв.

Шикор тамошосидин баҳрабардор бўлғандин сўнг ўрдуйи ҳумоюн ва боргоҳи фалакнамунғаким, ишорати олий мужиби била Хўжа ери отлиғ мавзеъда тушулуб, бир кеча ишрат бистарида ором ва роҳатгузин бўлди.

Ва шанба куни андин кўчуб, сайдандозлиғ тариқаси била Шўраҳоннинг юқорисидаги Анборхона ҳавлиға ворид бўлди. Чун Шўраҳон мавзеъи тавобиъ ва лавоҳиқи била ул ҳазратнинг биродари аржуманди жаноби аморатмаоб, амирулумаро Тўрага инояти подшоҳонадин махсус эрди, ул жанобнинг муътамадун илайҳ ва мушорун илайҳ **131<sup>а</sup>** ва сиддиқосор хизматкорларидин ихлоснамой Муҳаммад Яъқуббойким, ул жанобнинг илтифоти била Шўраҳоннинг жамеъи мазруъотиға мушарраф эрди, ҳазрати соҳибқирони комкорнинг якрони саборафтори аёқиға сочиғ ва ийсор йўсуни била кўп дирҳам ва динор сочтиким, фалак хозини анинг тамошосиға нужумдин ҳайрат кўзларин очти.

### **Назм:**

Анингдек сочди кўп динору дирхам,  
Ки босгудек қадам ер кўймоин ҳам.  
Киши қолмай, зару сийм онда олмай,  
Зару сийм онда олмай, кимса қолмай.

Ва ул ҳазрат мазкур ҳавлида ҳамул оқшом истироҳат маснадин мақом қилиб, ишрат жомидин ком олурға илтизом кўргузди.

Ҳамул кеча Дўстниёз маҳрам така ҳаромилари таоқибидин қайтиб келди. Бу воқеа баёни улким, ул ҳазрат Ҳазорасб қалъасиға давлат била нузул қилган оқшоми Хуросон такасининг лусус ва ҳаромиларидин бир гуруҳ келиб, Фитнак тавобиъидин қумға кирган ўтунчиларға чаповул уруб, уч-тўрт киши **131<sup>б</sup>** бир ва неча тева ва ёбу олиб кетган хабари ул ҳазратнинг ҳумоюн самъиға етиб, остони давлатпосбоннинг шижоатнишон мулозимларидин Дўстниёз маҳрамни бир фавж оломонға бош қилиб, алар таоқибига буюрмиш эрди. Мазкур маҳрам фармони олий мужиби била таоқиб амрида барқбоддек суръат кўргузуб, кўп манзил ва масофат қатъидин сўнг аларнинг изидин етти. Ва алар баҳодирларнинг қорасин узоқдин мушоҳада қилғач, тийра замирлариға руъб ва ҳарос лашкари истило топиб, ложарам ҳазимат тариқин ғанимат билиб, барча олған ғанойим ва асирларни ташлаб, изтирори тамом била фирор кўргуздилар. Ва баҳодирларким, отлари бағоят тавсан эрди, ҳаромиларни қувмоқдин мутаҳазар бўлуб, барча амвол ва асирларни олиб, мурожаат қилдилар ва етти кун муддатида келиб, мазкур ҳавлида даргоҳи давлатпаноҳ мулозаматиға етиб, Дўстниёз маҳрам бошлиғ барча оломон **132<sup>а</sup>** илтифоти подшоҳонадин хуррам ва шодмон бўлдилар. Ва ул ҳазрат мазкур ҳавлида бир кеча мутамаккин бўлуб, тонгласи якшанба субҳидаким, хуршиди жаҳонтобнинг зарринбол италгусин фалак миршикори кавокиб оҳулариға солди, ҳазрати соҳибқирони жамшиднишон ҳамул ҳавлидин якрони барқжавлониға рукуб қилиб, ул ҳаволидағи васеъ дашту биёбондаким, шаҳло кўз оҳулар била машхун ва мамлуъ эрди.

#### Назм:

Кийиклар ҳамул дашт аро сарбасар,  
Бўлуб сурати хўб ила жилвагар.  
Узоқдин улусга намоён ўлуб,  
Тамошосида халқ ҳайрон ўлуб.  
Шоҳи осмонқадри жамшидфар,

Кийиб илкига баҳлайи сийму зар.  
Суруб рахш ҳар ён итолгу солиб,  
Фалак шерин андоқки оҳу олиб.  
Гаҳи сайд учун зоҳир айлаб шитоб,  
Гаҳи ўлтуруб сайд айлаб кабоб.  
Очиб сайр аро дийдаи эътибор,  
Тамошо қилиб санъати Кирдгор.  
Кўнгулни ҳақиқатга восил қилиб,  
Бақо сиррини жонға **132<sup>б</sup>** ҳосил қилиб,  
Топиб сайр ила сайддин инбисот,  
Ададдин фузун ҳосил этти нишот.

Ва сайдандозлиғ тамошосидин андозасиз ком олғандин сўнг мурожаат жодасиға хиром кўргузуб, Шўрахондағи улуғ боғ ва ҳавлиғаким, назоҳати жинон бўстонидин дилкушороқ ва вусъатда жаҳон айвонидин фусҳатафзорроқ эрди, издиҳоми тамом ва эҳтишоми молокалом била ворид бўлди. Ул мавзеънинг мушриффи Муҳаммад Яъқуббой ихлос панжаси била нуқуди вофир, уқуди жавоҳир ул ҳазрат бошиға сочиғ расми била ул масобада сочтиким, тамошоси нақди учун Ҳотами Тай руҳи ҳайрат харитаси оғзин очти.

#### **Байт:**

Зару сийм ул сифат вофир сочилди,  
Ки ҳайратдин улус оғзи очилди.

Ва ул мавзеъда барча қазоқия тавойифининг хонлари ва қалпоқия аснофининг бийлари ва Орол улусининг кадхудолари ва ямут ва човдар ва жамеъи тарокима ақвомининг сарвару сардорлари атрофу **133<sup>а</sup>** жавонибдин фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ подшоҳона пешкашлар ва хусравона тухфалар била келиб, остони фалакошён хокбўслиқи саодатиға мушарраф бўлуб, навозиши мулуконадин сарафрозлиғ топдилар.

#### **Маснавий:**

Зиҳи, подшоҳи фалакдастгоҳ,  
Мурассаъкулоҳу кавокибсипоҳ.  
Келиб даргоҳиға улус хонлари,  
Қилиб хизматин даҳр султонлари.  
Эгиб бошларин оллида бандавор,  
Қўйуб ерга юз топғали эътибор.  
Илоҳи, ҳамул шоҳи жамжоҳға,  
Қуёш афсару чархдаргоҳға.

Мудом айлабон фатҳу нусратни ёр,  
Жаҳон ичра қил соҳибихтиёр.  
Салотин бўлуб оллида бандаси,  
Хавоқин жаноби сарафкандаси,  
Бўлуб бахту давлат ғуломи рикоб,  
Замирига етсун фараҳ беҳисоб.

Ул ҳазрат ҳамул фирдавсназоҳат ҳавлида дағи бир оқшом бистароройи истироҳат, қадаҳпаймойи айшу ишрат била бўлуб, тонгласи душанба куни шавкати мулукона ва савлати жамшидона била бодпойи давлатға рукуб қилиб, издиҳоми **133<sup>б</sup>** маҳшарнизом била ажалчангал итолгуларни олиб, паритимсол ғизоллар сайди учун шикорандозлиғ расми била саҳро ва биёбон сари озим бўлди. Ва сайр асносида иқбол қиловузи ҳар тарафдин татовул қўлин узатиб, шўру ғавғо турғуза бошладилар. Бу воқеайи ваҳшатасар хабари ҳазрати ҳадиви комкор шикоргоҳидин маркази хилофат сари муовадат кўргузгон аснода масомеи аълоға етушти. Ва ямутнинг барча кадхудолариким, ҳазрати салтанатмаобнинг рикоби давлатин рикобида мулозим эрдилар ҳамул воқеа хабарин эшитгач, замири касофаттахмирлариға рубу ҳарос муставлий бўлуб, рухсатсиз мавкиби ҳумоюндин айрилиб, ўз ўбалари сари мутафарриғ бўлдилар. Бу жиҳатдин ул ҳазратнинг ғазаб тамури ҳаракатга кириб буюрди, то баъзи ямутларниким шаҳарда эрдилар, тутуб мағлул ва маҳбус эттилар.

Ва ҳазрати аълохоқоний шикордин қайтиб, салтанат тахтиға нузул **134<sup>а</sup>** қилғандин сўнг ямут тавойифининг авбошу арзолиға танбеҳу гўшмол еткурмакни хотири саодат тавъомиға мусаммам қилиб, барча қаламравдаги узоқ ва ёвуқ элотға миёод вақтин таъйин этиб, баҳромсавлат ясовуллар ва миррихҳайбат сурдовуллар ирсол қилди. Токим, навкар ва ғайри навкар уруш асбобин ва юруш яроғин тузатиб, ҳар ўн киши бир аробаға зоди роҳиласин юклаб, уч ойлик озуқа била пиёда ва сувора остони давлатпосбон мулозаматиға етушсунлар.

Ямут тавойифи бу хабарни эшитгандин сўнг хавфнок ва ҳаросманд бўлуб, барчаси ватан ва масканларидин аёлу атфол ва асбобу амволи била кўчуб, баъзиси ҳазрати қутбу-л-авлиё Маҳмуд Атонинг жавориға ва кўпраки Измухшир қалъасининг қибла кунчиқарида Даракли отлиғ мавзеъғаким, уч тарафи сув ва кунчиқар тарафида бир оз ери очуқ ва ниҳоятсиз маҳкам жой эрди, жамъ бўлдилар. Ва ҳаромиларни **134<sup>б</sup>** иттифоқ била отланиб,

чаповул тариқаси била саҳронишин фуқаронинг устига хабарсиз келиб, молу жонларига изрор ва озорлар еткуруб, истеъжоли тамом била фирор кўргуздилар. Ҳар тарафдин раоё орасиға кўзғолон солмоқ расмин туздилар. Бу жихатдин лашкар аснофи ва навкар анвоёи жамъ бўлғунча фуқаро аҳволининг осойиши учун давлат аркони ва ҳазрат аёни саромадларидин салобат ва маҳоматпардоз Маҳмудниёз ясовулбошини даргоҳи фалакиштибоҳ мулозимларидин бир гуруҳи анбуҳ била жумоди ул-аввал ойининг йигирма тўккузида, панжшанба куни ямут ҳаромиларининг танбеҳ ва таъдиби учун қаровул йўсунлуқ Ғозиобод қалъасиға ирсол қилилди. Умаройи аъзам ва сархайли зилҳашам зумрасидин қипчоқ дудмониға фойиқ Ҳакимниёз оталиқ ва кўнгрот хонадонининг сарбаланди ва мунтахаби Бобобек ибн Муҳаммад Солиҳ оталиқ ва Юсуфбийким, бири қароқалпоқиядин ўн тўрт **135<sup>а</sup>** уруғ лашкариясининг саркардаси ва бири қароқалпоқиядин кўнгрот тираси сипоҳининг сархайли ва бири Орол кўнгроти жунудининг сипаҳдори эрди ва булар бурунроқ фармони олий мужиби била ўз лашкарларин йиғнаб келтурмак учун кетмиш эрдилар, учови дағи жамеёи қароқалпоқия ва кўнгротия аскарин йиғнаб келтуруб, жумоди ус-соний ойининг ўн секизида, сешанба куни давлат қойидининг далолати била дарбори саодатмадор мулозаматиға барча бийлар ва юзбошиларнинг ҳамроҳлиғи била мушарраф бўлдилар. Фармони олийшон мужиби била мазкур саркардалар шаҳарда икки кун истироҳат кўргузгандин сўнг мазкур ойнинг йигирмасида, панжшанба куни барча мутобеъ ва лашкарлари била шаҳардин қаровул йўсунлиқ чиқиб, Зей ҳудудида муаскар қилиб, атрофу жавонибнинг муҳофазату посдорликига огоҳлиғ ва бедорлиқ била машғул бўлдилар.

Ва мазкур **135<sup>б</sup>** ойнинг йигирма иккисида, шанба куни Бухоро элчиси Довудхўжа мирохурбоши Раҳматуллоҳ Қарокўз билаким, бурунроқ элчи бўлуб, Бухороға бормиш эрди, андоқким юқорида баён килкининг рақамзадаси бўлди, амир Насруллоҳнинг йиборган тухфа ва ҳадяларин келтуруб, ихлос ва эътиқодномасин русуми одоб ва икром била ҳазрати ҳадиви саодатпарварнинг мутолаайи давлатасариға еткурди. Мароҳими хусравона анинг ҳолиға шомил бўлуб, элчихонайи олийға тушурулди ва ўз муддаосидин афзунроқ вазифа ва кўнуқ еткурулди. Ҳамул айёми фараҳфаржомда барча қаламрав йиғини атрофу жавонибдин фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ атабайи гардунхизматға келиб йиғила бошлади.

### Маснавий:

Келиб ҳар тарафдин йиғин бешумор,  
Тутуб чархи гардун юзини ғубор.  
Юруб фавж-фавж гуруҳ бо гуруҳ,  
Мароқаб сумми ерни айлаб сутух.  
Тамошоға ҳар кимса очса назар,  
Хаёл айлағай, ҳашр бўлди мағар.

Ва аксар черик йиғилғондин сўнг ҳазрати хоқони нусратфаржом руқуб **136<sup>a</sup>** қилмоқни илтизом этиб, ўзининг ақидатнизом оқоси амирулумаро, умдату-л-кубаро, жалолу-л-мулки ва-д-дин, муҳиббу-л-фуқаро ва-л-масокин, зу-ажрори-л-фисоқ ва-р-рунуд шаҳзодаи Саййид Маҳмуд тўра мадда зиллаҳу-л-оли ала руъуси-л-фуқаро би-т-таволини ниёбатға таъйин этти, токим шаҳарда таваққуф кўргузуб, фуқаронинг арзи ҳолин эшитиб, адлу дод русумин тузгай. Ва аркони давлатдин Муҳаммад Солиҳ оталиқ ва Муҳаммад Раҳим меҳтарни арк дарвозаси ҳаросатиға муқаррар қилди. Ва ул ҳазрат ўз нафси нафиси била мазкур бўлган йил, яъни йилон йиликим, хуршиди анвар Юсуфи ва луй буржининг охирги даражасида жилвағар эрди, таърих ҳижрий минг икки юз етмиш тўртда, ражаб ойининг иккисида душанба куниким, ҳукамойи ривоятинтимо ақволи била асъади соот ва аршади авқот эрди, пешин намози адосидин сўнг давлати якрониға руқуб қилиб, ҳазрати каёнӣнинг ҳамийнонлиқи била сидқ маркабин ихлос тариқиға суруб, “ман зора-л-мақобира фака аннамо зора-л-анбиё” ҳадисининг мазмуниға **136<sup>b</sup>** амал қилиб, маркази дойираи тариқат, шамси фалаки ҳақиқат, умдату-л-авлиё, зубдату-л-атқиё, муқарраби боргоҳи мулки вадуд ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд қуддиса сирруҳунинг мазори фойизу-л-анворидағи ҳонақаҳи қудсосориға инкисори тамом била дохил бўлуб, таважжух юзин қиблайи дуоға аюруб, ул ҳазратнинг руҳи пурфутухидин ғоятсиз зироат ва бениҳоят истиконот била истимдод ҳиммат қилди. Ва Каломуллоҳ хотимоти ва обу ош садақотидин сўнг ул остони малойикпосбон мужовирларин нуқуди вофир назуроти била баҳраманд ва комёб қилиб, фуйузоти тамом ва футухоти молакалом била мазкур ҳонақоҳдин чиқиб, азимат маркабиға руқуб қилди. Кавкабайи мулукона била доруссалтанайи Хивақ ҳафизаҳу таъоло ан офати-л-ҳарақ ва-л-фарак шаҳридин наҳзат кўргузуб, Рофанак қариясида Қутлук Муродхони шаҳиди саиднинг ҳавлисиғақим, Қосим оқа чўлининг шарқи жонибида воқеъдур ва атрофи улуғ йиғин

гунжойишиға лойиқ васеъ майдондур **137<sup>a</sup>** ва фармони ҳумоюни мужиби била ўрдуи аъло ва хаймаи хиргоҳ анда бориб барпо ва муҳайё қилилмиш эрди, нузули ижлоли била ул мавзеънинг фарқи иқболин фалакфарсо қилди.

Ва ул манзилда ул ҳазрат истиъзомининг иккинчи куниким, сешанба эрди, ямут халқининг махзум ва муътақиди иззатнишон Сиддиқ эшон ямут тавойифининг Вакил ва Бахши бошлиғ барча акобир ва кадхудолари тилидин журму исёнлари учун эътизор ва истиғфорға муштамил ва жамеъи муҳрдорларининг муҳрлари била махтум бўлган бир маъзуратнома келтуруб, жаноби салтанатмаоб мулозимлари воситаси била назари анвар мутолаасиға еткурди. Ҳазрати аъло хоқоний аларни сўзларин беъътибор билиб, илтифот қилмади. Аммо умаро ва аркони давлатнинг илҳоҳ ва муболағаси жиҳатидин аларнинг гуноҳлари маъфу ва узрлари мақбул бўлмоқни бир неча шартлар била **137<sup>b</sup>** машварат этиб, ҳамул мазмун била ёрлиғ мазкур эшонға топшуруб, ҳамул кун рухсат бериб, ямут кўрониға йиборди.

Фақирким, бу ҳуруф роқимидурман, ҳамул мавридда бу рубоийни назм силкига чекмиш эрдим, **рубойӣ:**

Эй муфсиду бадсиришту бадкеш ямут,  
Ўз жонинга худ урдинг ўзинг неш ямут.  
Ихлос ила шаҳ хизматини қилмас эсанг,  
Ё қатл ва ё жалони тут пеш ямут.

Ва таваккуф айёмида ҳазрати соҳибқирон кодирандоз тўпчиларни озмойиш ва имтиҳон қилмоқ учун раъдошуб ва душманкўб тўпларни нишонға отдуруб, ул тоифанинг саркардаси Бобо мингбоши икки мартаба нишона уруб ўн хизматкори била фохир хилъатлар кийиб, вофир инъомлар олди. Ҳамул айёми саодатфаржомда ул ҳаволиға ул миқдор йиғин йиғналдиким, фалак айвониға ғулғула ва ер аркониға зилзила солди.

**Назм:**

Йиғилди йиғин беҳаду бешумор,  
Қиёмат бўлуб ҳар тараф ошкор.  
Сунуфи асокир жаҳонни **138<sup>a</sup>** тутуб,  
Алоло етти осмонни тутуб.  
Адад ичра саҳро кумидин фузун,  
Демай қумки, кўк анжумидин фузун.

Ҳазрати аъло хоқони нусратнишон черик аснофи ва лашокир анвоъи жамъ бўлгандин сўнг, мазкур ойнинг бешида, панжшанба

куни мазбур манзилдин ўрдуи аъло дабдабайи хайратошно била кўчуб, эъломи зафарфаржомни ҳавойи наҳзат била шукқакушо қилиб, бодпойи азиматни мақсад жонибиға роҳпаймо қилди.

### Маснавий:

Уруб рахшини шоҳи волотабор,  
Қилиб Сому Жам шавкатин ошкор.  
Юруб лашкар атрофида фавж-фавж,  
Тутуб ер юзин не ҳазизу не авж.  
Самак орқасиға етибдур Дуб дарун,  
Фалак ҳалқасида тутуб гирд ўрун.  
Жаҳонға солиб садмаси кўзғолон,  
Магар маҳшар ошуби бўлди аён.

Мундоқ дабдабайи дўстнавоз ва кавкабайи душмангудоз била Куюктом мавзеъиға ворид бўлуб, Элтузар иноқ ибн Раҳмонбердибийнинг ҳавлисиға файзи нузули ва шарафи вусулидин жаннат қасридек наҳзат ва зийнат еткурди.

**138<sup>b</sup>** Ҳамул кун ямут орасидин уч туғма қочиб келиб, ҳазрати Исми Маҳмуд отанинг жаворида қабалған ямутнинг ҳазрати соҳибқирони зафарнишоннинг лашкари бекарон била алар устига озим бўлғанин таҳқиқ билгандин сўнг, хотири касофат-муосирлариға руъбу ҳарос ғалаба қилиб, истеъжоли тамом била кўчуб, Даракли мавзеъида қабалған ямутнинг орасиға бориб, кўшулғани хабарин еткурдилар. Ва даргоҳи олампадох мулозимлари фармони олий мужиби била ҳамул туғмаларни қайди рикқиятдин озод қилиб, кўп навозишлар кўргузуб, сарбози лашкарий зумрасиға дохил қилдилар. Ул ҳазрат ҳамул кеча Куюктом мавзеъида оромгузин бўлуб, тонгласи жумъа куни андин кўчуб, Хайробод қалъасининг ғарбий жонибида Абдумўъмин Кошийнинг чорбоғин мухайями хиёми сипехрэхтишом ва мақарри аъломи зафарфаржом қилди. Ҳамул кун умаройи изом ва сипаҳдори лозиму-л-эхтиром зумрасидин Ҳакимниёз оталиқ ва Бобобек ва Қутлуқ Муродбий ва Юсуфбийким, барча қароқалпоқ **139<sup>a</sup>** ва кўнгрот лашкари била қоровул бўлуб, Зей ҳудудида муаскар қилиб, таваккуф кўргузмиш эрдилар, андоқким собиқан мазкур бўлди, фармони лозиму-л-имтинон муқтазосича Қобилбий ва Соҳибназарбий бошлиқ жамеъи кўнгрот ва қароқалпоқ тавойифининг бийларию юзбошилари ва навкару лашкари била келиб, ўрдуи ҳумоюнға мулҳақ бўлуб, даргоҳи сипехрмулозамат шарафиға истисъод топдилар.

Оқдарбандли халқининг сархайли Акбар юзбоши дағи ҳамул кун Зейдин ўз қалъасидағи навқари била келиб, мулозамат давлатиға фойиз бўлди. Ҳамул кун умаройи шавкатмаоб ақобиридин Султон мироб лашқари қиёматмурурға лойиқ ва асқари зафарпарвар убуриға мувофиқ ерлардин йўл ҳамвор қилмоқға номзад бўлди. Ва арқони давлат изомидин Яхши Муҳаммад доруға ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Муҳаммад Мурод маҳрам лашқаргоҳға муносиб жой кўруб келмакка маъмур бўлдилар. Ва алар ҳасабу-л-ҳукм истеъжол тавсанин суръат водийсиға суруб, Ғозиобод қалъаси **139<sup>б</sup>** тавобеъидин Карпичли мавзеъин лойиқ кўруб, кечрак қайтиб келиб арзға етқурдилар. Сўнгги куниким, шанба эрди, ҳазрати аъло хоқоний ҳамул манзилдин издиҳоми маҳшарнизом била хиром кўргузуб, Карпичлида Хўжаш маҳрамнинг работи фойизу-н-нишотиға вусул соясин солиб, ҳамул мавзеъни асокири нусратмуосирға муаскар ва алвияйи зафартаъбияға мустақар қилиб, боргоҳи сипехриштибоҳ манжуқин қуббайи Айюқдин ўтқарди.

Ҳамул манзилда хуршиди оламтоб шоҳидининг юзи нилгун саҳоб пардасида маҳжуб бўлуб, булут ушшоқи маҳжур кўзидек ашқрез ва ҳаво зоҳиди бедард кўнглидек камоли бурудатдин кофурбез бўлди ва лой ва полчиқ касратидин мазкур манзилда тўрт кеча макнат ва таваккуф кўргузулди ва кавкабайи воло нузулининг сўнгги куниким, якшанба эрди, фармони қазожараён муктазоси била ғозиободли Хўжаниёз ўғриким, таррорликда жамеъи айёрлардин мумтоз ва чобукликда **140<sup>а</sup>** барқбоддин сабуктоз эрди, яна икки чолок баҳодирнинг ҳамроҳлиғи била ямутдин тил тутмоқға пиёда азим бўлди. Ва Исми Маҳмуд отанинг жаворида бир ҳавлиға кириб, анда икки оқшом камин қилиб, учунчи куниким, сешанба эрди, икки муфсиди бадқирдорни ҳийла домиға гирифтор қилиб, бирин қатлға етқурди ва бирин тирик келтуруб, авотиғи хусравонадин ўз дилхоҳича инъом ва жулдулар олиб, хушҳолу шодком бўлди. Ва ҳазрати аъло хоқоний ҳамул ямутни ўз ҳузуриға келтуруб, ямут халқи аҳволидин истифоз қилди эрса, ул жавоби босавобға тил очиб, мундоқ такаллум сурдиким, “Атомуродхон Хонободдин икки юз отлиғ била келиб, барча ямутни ошоқға – ўз ўбасиға кўчуруб олиб бормоқ учун кўп саъй ва кўшишлар кўргузди. Аммо Хўжаниёз вакил бошлиғ ул тоифанинг нисфи Атомуродхоннинг сўзига кулоқ солмай, давлат қойидининг далолати била **140<sup>б</sup>** итоат қилодасиға мутаққалид бўлуб, Хивак

жонибиға кўчмакни ўзлариға маслаҳат кўргуздилар. Ва ёрими ошоқға кетмакка майлу рағбат кўргуздилар”. Атомуродхон ямутнинг мажмуин ошоқға кўчурмакда саъйи норасо ва жаҳди нуқсонафзосин ниҳоятсиз илҳоҳу муболағалар била ҳадди ифротға еткурди.

Ул чоғда яна Вакил дедиким, “Агар барча эл менинг сўзимни қабул этсалар, ҳазрати подшоҳи марҳаматнишоннинг Сиддиқ эшон била йиборган ёрлиғидағи амр ва наҳийларин қабул этиб ва буюрган шартларин бажо келтуруб, яна мазкур эшонни остонбўслиқға йиборурман. Ва анинг изидин ул ҳазратнинг инояти урвату-л-вусқосиға дасти истеъмон уруб, барча эл била Хивақ сари кўчуб борурман. Йўқ эрса, ўз мутобеъларим била кўчуб, кўрган жойиға кетарман”. Андин сўнг Атомуродхон ноилож бўлуб, эл орасиға мухолафат солмоқ учун баъзи ямон ва қалтабонларни ўзига тобеъ ва муттафиқ қилиб, **141<sup>a</sup>** муноди қилдурдиким, ҳар на отлиғ бўлса, муҳайё ва омода бўлсунлар, то эртанг ўзбек сипоҳининг лашкаргоҳиға чаповул уруб, дастбурд еткурурмиз.

Агар ҳамул сўз била отланган бўлса, ушбу кун, албатта, келгусидур. Чун ул тил сўзин ҳануз тамом қилмамиш эрдиким, қаровуллар келиб, суддаи хилофат мулозимларининг воситаси била мавқифи арзиға еткурдиларким, узоқдин ямут лашкарининг қароси кўринадурким, бу тарафға келадур. Ул ҳолда ҳазрати хадиви беаҳмолнинг хизматида муқарриби даргоҳ, сипаҳбади шижоатдастгоҳ Раҳматуллоҳ ясовулбоши давлат янглиғ ҳозир эрди. Ул ҳазрат анга буюрдиким, баъзи саркардалар била мудофааға чиқиб, пиёда саркашлик қилиб, ўз ҳаддидин ташқари қадам кўюб келган муфсидларнинг жазосин канорида қўйғайлар. Ва ул фармони вожибу-л-изъон муқтазосича баъзи саркарда ва лашкарияни олиб, издиҳоми тамом била зирғоми **141<sup>b</sup>** хуношомдек аъдойи касофатинтимой устига таважжуҳи бодпой сургач, Атомуродхон бошлиғ барча тамарруд фасод аҳли сарсар хайли шукуҳидин пашша гуруҳи гурезон бўлғандек ҳазимат ва ҳазлон саҳросиға истеъжоли тамом била афтону хезон суръат маркабин гармжавлон қилиб, ҳизби шайтондек сипоҳи нусратнишоннинг кўзларидин ғойиб ва пинҳон бўлдилар.

Ул хангомда куёш чобуксувори фалаки минофом арсасидин мағриб мақомиға юз кўюб, намозшом вақти кирди ва қор ёқған жиҳатдин жамеъи офоқ ниҳоятсиз полчиғу бутрақ эрди ва муонидларни таъоқуб қилмоқда дағи фойда камроқ эрди. Ложарам,

барча саркардалар иттифоқ била муовадат қилиб, иъшо чоғида муаскари ҳумоюнға келиб кўрган ва билган воқеаларни сомеъайи маймуниға еткурдилар. Ва ҳамул кун Хўжамуҳаммад юзбоши бошлиғ барча човдар халқи Яъқуб маҳрамдинким, аларнинг саркардаси эрди, **142<sup>a</sup>** баъзи муомала сабабидин бурунрок озурдахотир бўлуб эрдилар, бу жиҳатдин Қазоқбой эшон бошлиғ баъзи кадхудолари ўрдуйи аълоға келмакда андак тааллул кўргузмиш эрдилар. Хўжамуҳаммад юзбоши бошлиғ човдарнинг рикоби давлатинтисоб мулозиматидағи кадхудолари иттифоқ била ҳазрати ҳадиви офоқнинг муборак ҳузурида ҳақиқати ҳолни арз қилиб, аркони давлат изомидин Муҳаммад Мурод маҳрамни ул ҳазратдин тилаб ўзлариға саркарда қилдилар ва дарҳол беш уруғдин беш киши камоли истеъжол била ўбалариға ирсол эттилар. Бу сўз билаким, ҳазрати хони карамнишон ғоят мурувватидин арзимизни эшитиб, Яъқуб маҳрамни азл этиб, Муҳаммад Мурод маҳрамни саркарда қилиб бердилар. Эмди Қазоқбой эшон бошлиғ барча қолғанлар суръат маркабиға маҳмиз бериб, тездин тез даргоҳи олампаҳоқнинг сандаломиз ва саодатхез туфроқиға келиб, жабҳасолиқ қилсунлар.

Ҳамул манзилда ўрдуйи аълолари ботақ жиҳатидин **142<sup>b</sup>** тўрт кеча мутаваққиф бўлғандин сўнг чаҳоршанба куни андин нусрат қойиди далолати била наҳзат кўргузуб, Ғозиободнинг ошоқида Исмаат боғи отлиғ мавзеъ асокири гардунмуосирға муаскар ва боргоҳи зафардастгоҳға мустақар бўлди. Ҳамул мавзеъда баъзи мавониъ ва масолиҳ жиҳатидин секиз кун тавакқуф кўргузулди ва тавакқуф муддатининг иккинчи куниким, жумъа эрди, бир пешканикли йигит ямутдин бир хат келтуруб, аларнинг кайфиятин арзға еткурди.

Бу воқеа баёни улким, бурунрок Хива ўтунчиларидин ҳамул йигитни ямут қалтабонлари асир қилиб, олиб кетмиш эрдилар ва ул неча муддатдин бери аларнинг кўлида гирифтор эрди. Ямут Тўра мерганким, аввалдин ҳазрати ҳадиви комкорнинг жонсипор хизматкори зумрасиға дохил эрди, анинг ўғли чобукдаст баҳодирлардин ғозиободли Хўжаниёз ўғри ҳамул сафарда тирик тутуб, даргоҳи олампаҳоқға **143<sup>a</sup>** келтурмиш эрди, андоқким юқорида мастур бўлди, ул ўз ўғлининг итлоқи умиди била ҳамул пешканикли йигитни қалтабонларнинг кўлидин олиб, кўлиға бир хат топшурди ва ул хатни ҳазрати шахриёри душманшикорнинг ўзидин бошқа кишиға бермагил деб, онт бериб, ямут орасидин

чиқариб йиборди. Ул қафасдин қутулган қуш янглиғ жаноҳи суръат била қатъи масофат қилиб, ҳамул кун муаскари хумоюнға дохил бўлуб, боргоҳи давлатнамун мулозаматиға етти. Даргоҳи давлатинтибоҳнинг махсус мулозимлари андин ямут халқининг авзоъ ва аҳволин истифсор эттилар эрса, ул жавоб бердиким, “Ул жамоанинг барча улуғ ва кичиклари кўнгулларида орзу улдурким, ҳазрати соҳибқирони искандарпосбоннинг ҳарна буюрған амр ва наҳиларин жону дил била қабул этиб, агар муяссар бўлса, сулҳ қилғайлар”. Ва яна дедиким: “Менга бир хат топшуруб, хотунимнинг уч талоқидин онт бердиларким, **143<sup>b</sup>** ҳамул хатни ҳазрати аълохоқонийнинг қўлларидин бошқа кишининг қўлиға бермагайман”.

Ул ҳазрат бу сўзни эшитгач буюрдиким, анга дахл қилмасунлар, токим онтиға хонис бўлмасун ва ул хатни ўзи бизнинг илкимизга келтуруб берсун. Ва ул киши фармони олий мужиби била ҳам ул хатни ул ҳазратнинг муборак илкига ўз қўли била элтиб берди. Ул хатни ҳазратни ўзи мутолаа қилиб, мазмуни ул ҳазратнинг ўзидин ўзга кишига маълум бўлмади. Андин сўнг ул ҳазрат камоли сафойи тавият ва ғояти вуфури мурувватидинким, зоти малаксифотида жибиллийдур, Тўра мерганнинг ўғлиға асорат қайдидин итлоқ бериб, заррин хилъатлар кийдуруб, “ва йанқалибу илā аҳлиҳи масрурā”<sup>1</sup> оятининг фахвоси била ўз аҳлининг орасиға кетмак рухсатин берди. Ва тонгласиким, шанба куни эрди, ҳазрати мамоликситоннинг ройи оламоройи ул ишга муқтазо бўлдиким, **144<sup>a</sup>** ҳамул кун “ва ман йатаваккал ‘алаллоҳи фа хува ҳасбуҳ”<sup>2</sup> мазмуни била ҳабли матиниға чанги иътисом уруб, мазкур манзилдин кўчуб, жалодат ва ғайрат якронин суръат ва журъат майдониға суруб, сипоҳи жаррор ва лашкари бешумор била қазойи осмоний ва балойи ногаҳоний янглиғ аҳли фасод ва арбоби иноднинг устига етиб, хирмони аъмориға интиқом шамширининг шаъшаъаси дамидин бало барқин урғай ва вужудлари хошокин қаҳру ғазаб ўтиға куйдуруб, амаллари жазосиға еткургай. Мундоқ шиддат била жалодат тавсаниға рукуб қилур чоғда Хивақ шаҳри ва музофотининг жамеъи умаро ва узамоси ва қаламрави балади ва элатнинг барча акобиру кадхудой ва тамоми аркони давлату аъёни

<sup>1</sup> وَيَنْقَلِبُ إِلَىٰ أَهْلِهِ مَسْرُورًا (“ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли (оиласи)га шоду хуррам холда қатажак”, “Иншиқоқ” сураси, 9-оят)

<sup>2</sup> وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ (“Кимки, Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга кифоя қилур”, “Талоқ” сураси, 3-оят)

ҳазрат иттифоқ қилиб, остони зафарошён туфроқиға ажзу инкисор юзин суртуб, кўп тазарруъ ва зорлиқлар била илтижо ва илтимос кўргуздиларким: “Шоҳо, сарваро ва фақирпарваро! Ушбу кун отингизнинг муборак жиловин биз камина кўлга бериб, шул манзилдин кўчмасангиз, **144<sup>б</sup>** нединким, ямутия тавойифи қадиму-л-айёмдин итоат ва инқиёд бобида росихдам, хизматкорлиғ ва жинсипорлиғ тариқида собитқадам, сафар ва ҳазарда бизлар била ҳамроҳ ва ҳамдам эрдилар. Ложарам, биз халқға лозимдурким, бир мартаба, икки мартаба аларнинг гуноҳин тиламак ва аларға киши йибориб насиҳат ва таҳдид кўргузмак, токим бизлардин аларға хужжат бўлсун ва бошлариға бир нима келса, ўзларидин кўруб, биз халқдин гила қилмасунлар. Эмди биз жонсипор бандаларнинг илтижо ва истишфойимизни қабул қилиб ва ул гумроҳларнинг журму гуноҳларин авф этиб, бизларга рухсат берсангиз, то ким бизлар ўз тарафимиздан бир зухд ва тақвонишон эшон била панд ва насиҳат таҳзир ва таҳфирға муштамил бир мактуб йиборсак, то агар ҳамул мактубни кўргач ва ҳамул эшоннинг пандин эшитгач, бу даргоҳи олампаноҳнинг хокбўслиқин ўзларига давлати узмо ва саодати кубаро билиб, қиличларин бўюнлариға осиб келиб, итоат бошин убудият туфроқиға кўйсалар, фабиҳо ва илло **145<sup>а</sup>** ўзингиз асло тасдиъ чекмай, бу сангари майманатасарда истироҳат маснадида мутамаккин бўлуб, бизларни баъзи лашкария била ул жамоайи боғия ва фасодайи тоғиянинг тадмиру тақаллуъиға буюрсангиз, иншооллоҳ таъоло, шужаойи номдор ва сипоҳи кийнагузар била бориб, шамшири обдор ва синони душманшикор дамнинг барқафшонлиқидин ул табаҳқору бадкирдор муфсидларнинг рўзғоридин дамор чиқарурмиз. То аларнинг вужуди касофат-намудлари хоридин арсайи мамоликни холи қилмагунча ўзимизга роҳатни ҳаром қилиб, бир нафас ором кўргузмасмиз”.

Ул ҳазрат камоли поктийнат ва вуфури раҳмат муқтазоси билаким, ҳумоюн зотида жибиллийдур, умаро ва аркони давлатнинг илтимосларин қабул самъи била масмуъ этиб, ҳамул сангарда таваккуф кўргузуб, аларға рухсат берди. Ва умаронинг мажмуи таъзими тамом била қуллуқ қилиб, ул ҳазратнинг ҳумоюн мажлисидин ташқари чиқтилар. Ва барча иттифоқ била вазири аъзам, дастури мукаррам, олийнажод, ихлосниҳод **145<sup>а</sup>** Ҳасанмурод кўшбегиким, анинг насаби олти орқада ҳазрати аъло хоқонийнинг муборак насабиға кўшулур, андоқким, Ҳасанмурод кўшбеги ибн амири кабири марҳумий Шоҳниёз оталиқ ибн Искандарбий ибн

Дўсим жўрағоси ибн Рустам иноқ ибн Бегижон иноқ ибн Умбой иноқким, ҳазрати хусрави офоқнинг насаби олийси етти орқада анга етишур. Ул вазири гардунманзалатнинг қўши умаронинг мажмаъи ва аркони давлатнинг маржаъи эрди, мазкур бўлган умаро ва кубаро анда бориб, жамъият мажлисин тузуб, “шāвирхум фи-л-амр”<sup>1</sup> мазмуниға амал қилиб, маҳфилоройи машварат бўлдилар. Русуми машварат ва қавоиди маслаҳат тақдимидин сўнг иттифок била ҳамул саодатнишон мажлисга зубдат ус-соликин, қудват ул-орифин, сархалқайи аҳли ийқон Умар эшон маддаллоҳу зилла иршодих ало раъси-л-муршидинни<sup>2</sup> чақириб, ямутия тавойифининг акобир ва кулли сардорлариға бир мактуб ёзиб, умаройи изом **146<sup>a</sup>** ва кубаройи иршоди гардуниэхтишомдин ўттуз тўрт киши ҳамул мактубға муҳрларин босиб, мазкур эшонға топшурдилар. Токим, аҳли инод ва арбоби фасод орасиға бориб, мавоизу насоих далолати била итоат ва инқиёд сироти мустақимиға киргузгай. Ҳазрати аъло хоқоний остони давлатпосбонийнинг ҳушманд ва донишпайванд мулозимларидин Муҳаммад Карим девонниким, садоқаткеш ва ақидатандеш киши эрди ва аксар авқот ямут халқининг орасида бўлуб, аларнинг русуму қавоидидин хабардор ва афъолу ақволининг рамзу ишорот ва истилоҳотидин баҳрабардор эрди, ўз тарафидин мазкур эшонға масҳуб қилди, токим ул ҳазратнинг ўз кўзи ва ўз қулоқидек бўлуб, ямут жамоасининг авзоъу аҳволи на янглиғ эрканин ва қайси фикр ва қайси андишада эрканин ҳақиқат кўзи била кўруб, садоқат қулоқи била эшитиб келиб, мавқифи арзға бешиёду кам еткургай. Ва сўнгги кунким, ражаб ойининг ўн беши ва якшанба куни эрди, **146<sup>b</sup>** мазкур эшон Муҳаммад Карим девоннинг ҳамроҳлиғи била умаронинг мактубин олиб, ямут кўрони жонибиға озим бўлдилар ва ул мактубнинг тақрири бу тариқада эрдиким, мастур бўлур, **мактуб:** “Мактуби муҳаббат ва муваддатпаноҳ, хильату мусодақатҳамроҳ, мувофақату мувоҳадатдастгоҳ, ямут халқининг эшону уламози, улуғу кичик барча кадхудосиға дуо-ю салом адосидин сўнгра маълум бўлсунким, чун бу айёми нусрат-фаржомда сиз халқнинг баъзи бебош ва ямонларингизнинг жавру ситами пайдарпай фуқаро аҳволиға етти ва бир неча авбошу қалтабонларингизнинг торожи алами ғурабо амволиға зарар ва нуқсон этти. Шул важҳдин олийҳазрат рафеъманзалат, баҳром-

<sup>1</sup> وَشَاوِرُهُمْ فِي الْأَمْرِ – (“бирор ишда улар билан маслаҳат қилинг” (“Оли Имрон” сураси, 168-оят)

<sup>2</sup> Аллоҳ унинг иршоди соясини муршидлар боши узра бардавом қилсин!

савлат, миррихсалобат, искандархашамат, фаридуншавкат зиллуллоҳ дома иқболуҳу фуқаро роҳати ва ғурабо истироҳати учун тўпу тўпхона, кўрхона ва оташхона била навкар ва ғайри навкарни куллан жамъ қилиб, “ва ман йатаваккал ‘алаллоҳи фа хува ҳасбуҳ” ояти мазмунича жаноби ақдаси илоҳийнинг **147<sup>a</sup>** иъонат ва ҳимоятиға таваккул этиб, издиҳоми тамом ва асокири зафарфаржом била шахардин чиқиб, Ғозиобод мавзеъиға нузули ижлол кўргузмиш эрдиларким, бизнинг халқ сизнинг халқнинг қадимги хизматкорлиғ ва фуқаролиғларингизни мулоҳаза қилиб, барчамиз иттифоқ била ҳазратимизнинг нусратинтисоб жаноблариға бу навъ арз қилдукким: “Шоҳо, сарваро, карампарваро! Ямутия халқи қадим айёмдин то бу ҳангомғача бу халқ била ини ва оқа, балким ўғул ва атодек биров-бирав била муттафиқ ва мувосо бўла келиб, ору номус бобида бошқалиқи йўқ эрди. Аммо бу чоғда Тенгри таъоло ва тақаддуснинг тақдири била ишининг сўнгги ўйланмайтурған баъзи саллоҳу қалтабонларнинг шумлиғидин икки арода бу навъ ишлар воқеъ бўлди. Ва ҳар ерда элу улус бордур, албатта, орасида ямон ва авбоши бўлур ва муқаррардурким, ҳар элнинг ямонидин яхшиси кўп бўлғусидур. Ямутнинг шул тариқада гарчандиким, ямони ва қитолу-т-тариқи бордур, лекин **147<sup>b</sup>** туз йўлда собитқадамлиғ қилатурған яхшилари дағи кўпдурким, мундағ низоъ ва харобликға рози эмастурлар. Баногоҳ яхшилари дағи ямонларининг касофати ўтиға куймасунлар. Бизларга меҳрибон бўлуб ижозат берсангиз, бизлар зуҳду вараъ аҳлидин бир эшонни ўзларимизнинг тарафимиздин йиборсак, то алар “Ас-сулҳу хайр”<sup>1</sup> калимасин ваъзомиз иборат ва насиҳатангиз ишорат била орага солиб, ҳеч бир тарафга нуқсон ва зарар етмаса”, – дедук.

Ҳазратимиз дағи шафқат ва марҳамат камолидинким, бизларга бордур, сўзларимизни йиқмай, арзларимизни қабул қилиб, изну ижозат бердилар. Шул важҳдин ирфоннишон Умар эшонни йибордик. Эмди сизлар дағи эл ва фуқароға дунё ва охиратда манфаат бўлолғудек бир ишга саъй ва кўшиш қилинлар ва ожиз бечораларнинг йиғламоқларин тонгла Худо қошида улуғ ёзуқ билинлар. Ва албатта, ҳеч важҳдин хавфу хавотир этмай, кадхудоман деганларингиз, мазкур **148<sup>a</sup>** эшон била ҳазратимизнинг олий даргоҳлариға тўғри келинлар, то ҳаммамиз бир ерда ўлтуруб, мундин буён элу фуқаронинг беҳбуди бўла олғудек бир ишга қарор

<sup>1</sup> الصُّلْحُ خَيْرٌ (“Сулҳ (ажралишдан) яхшироқдир”, “Нисо” сураси, 128-оят)

берурмиз. Ва агар ҳазратнинг соялари оғирдур, устумиздин турсунлар, изларидин борурмиз деб, мазкур эшонға кўшулуб келмай, низоъ ва адоватда яхши ва ямон муттафиқ бўлуб, баҳона қилсангизлар, муқаррар билингларким, бизларнинг дағи қасду иттифоқимиз улдурким, иншооллоҳ таъоло, бир йилғача устунгизда бордурмиз. То Тенгри таъоло тақаддус азал кунда ҳар ниманиким, тақдир қилмишдур, ул бўлғусидур ва мундин ўзга улча тил сўзумиздур, мазкур эшонға топшурдук. Иншоаллоҳ таъоло, борғанларидин сўнгра тақрир қилурлар, чин ва рост билинглар, улчаким, биз кадхудоларға лозим эрди, совдук, сўнгра гила қилманглар, деб бу муҳаббатнома битилди”.

Ва ҳамул кун эшони мазкур била девонбегийи мазбур ўшал мактубни олиб, ямут орасиға бордилар. Ва тонгласи душанба кун **148<sup>b</sup>** ямутдин Амонгелдихон қўжиқ ва Бобо Кўр ўкуз ва Олтибой ушоқ ва Қози вакил, Ўрус қушчи ва Аваз машриқ бошлиғ тўққуз киши била хуфтан чоғи суддаи хилофат мулозаматиға еттилар. Ҳазрати хилофатмартабат келган ямутларга ҳамул кеча кўрунуш бермай, Муҳаммад Карим девонни танҳо ҳузури комилу-с-суруриға чақириб, ямут аҳволидин истифсор қилди.

Девон сидку эътиқод тили била мундоқ баён эттиким, “Бизлар борғач, ямут тавойифининг тамомийи фуқаро ва раоёси ва улуғу кичик барча уламо ва кадхудоси бир-бирига йиғналдилар. Ва мактубни чиқариб бергач, ҳаммалари издиҳоми тамом била еридин туруб, таъзими молокалом била олиб, кўзларига суртуб дуо қилиб, йиғламоқға киришдилар. Мажмуъи бир ерга қабалиб, сипоҳи жаррор ва лашкари кийнагузорнинг садамайи азимати ҳаросидан сангаридан ташқари чиқа олмай, не ўчоқлариға ёқарға ўтун, не молларини боқарға ўт топа олурлар. Ва ғалла нархи гаронлиқи ул мартабаға **149<sup>a</sup>** етибдурким, агар жон нақдин иликка олиб, юз талаб бозорин ахтарсалар, бир дона ғалла топа олмайдурлар. Қаҳат ғалабаси ул масобаға етибдурким, фалак хонида қуёш фатири ҳайъатидин ўзга ер юзида нон суратин мушоҳада қилмайдурлар. Барчасининг сўзлари будурким, бизлар гуноҳи исёнларимизни кўпликидин кўрқармиз ва агар биз осий қулларнинг журму гуноҳларимизни бағишлаб, ўз муборак муҳрларин босиб, бир ёрлиғи меҳрибон бўлуб йиборсалар, барчамиз бориб остони фалакпосбон туфроқиға йиқилурмиз. Ва ул ишни ўзларимизга тариқи нажот ва мужиби дарожот билурмиз”, – деб бу мазмун била аризадошт йибордилар.

Ул ҳазрат девон сўзининг истимоъидин сўнг ҳамул кеча фароғат саририда истироҳат кўргузуб, тонгласи сешанба куни барча аркони давлат ва аъёни ҳазрат, умаройи олиймақом ва уманойи сипехрэхтишом боргоҳи гардуништибоҳ фазосиға жамъ бўлуб ва келган ямутларни дағи чақириб, ямут кадхудоларидин **149<sup>б</sup>** келтурган аризаларин олиб, ҳазратнинг назари анвари мутолаасиға еткурдилар ва алардин сўз сўрдилар. Алар Муҳаммад Карим девоннинг ҳазрати соҳибқирон ҳузурида айтган сўзларин беэиёду нуқсон баён қилдилар.

Ул ҳолда умаройи олиймиқдор ва ўттуз икки амалдор иттифоқ била жамеъи ямутиянинг гуноҳларин янгидин тилаб, аларға афву иноят ёрлиғин олиб бердилар. Ва ул ёрлиғ мазмунининг иборати бу эрдиким, “Ихлос ва эътиқодосор ямутия халқининг кадхудо мардуму йигит-яланглариға ёрлиғи ҳумоюни олий кўргач, улким бу айёми масарратфаржомда ихлосу эътиқод жодасида собитқадам ва фуқаро беҳбуди учун итоат ва инқиёд изҳори бобида росихдам эрканларингиз ахбори учун рақам қилиб, Амонгелдихон кўжиқ ва Бобо Кўр ўкуз ва Олтибой ушоқ ва Қози вакил, Ўрус қушчи ва Аваз мушрифлар била даргоҳи олампаҳо сари йиборган аризадошларингиз етушуб, мазмуни **150<sup>а</sup>** ихлосмашҳуни замири меҳртан-виримизга равшан ва ҳувайдо бўлди ва рикоби нусратинти-собимиздағи саркардаларнинг ва дағи ҳар уруғнинг кадхудоларининг иттифоқ ва кенгашлари бу навъ бўлдиким, ямутнинг ҳам уруғининг кадхудо ва оқсоқоллари ҳузури комилу-с-сурурға келсалар. То барчамиз бир ерда ўлтуруб, икки тарафнинг фуқароси қадимғидек фароғат ва осойишда бўлғудек бир ишга қарор бериб, мундин буён бу тариқа муҳолафат ва адоват бўлмасдек аҳду паймон қилсақ”, – дедилар. Шул важҳдин мазкур бўлган кишиларга ирфоннишон Умар эшонни ҳамроҳ қилиб йибордуқ. Эмди агар чин кўнгул била бурунғидек фуқаро ва хизматкор бўлуб, икки тарафнинг тинч ва фароғат бўлмоқин истасангизлар, мазкур эшон борғач, ҳар уруғнинг кадхудоси сарсари саодат хизматимизға беҳавфу беҳарос келиб хизматимиздағи саркарда ва кадхудолар била бир ерда ўлтуруб, икки тарафнинг **150<sup>б</sup>** фуқароси қадимғидек фароғат ва осудалиқ била ўлтуруб, давлати абадмуддат дуосин қила олғудек маслаҳат қилинглар”, – деб ёрлиғи олий рақам топти.

Ва бу ёрлиғ ямутдин келган кишиларга топшурулғандин сўнг, аларға яна Умар эшон била Муҳаммад Карим девонни кўшуб, ҳамул кун, яъни сешанба куни йиборилди токим, ямутия

тавойифининг Бахши ва Вакил бошлиғ барча акобиру мухрдорларин убудийят жодасиға ҳидоят кўргузуб, остонбўслиғ давлатиға еткургайлар. Алар фармон мужиби била жалодат тариқасиға суръат маркабин суруб, ўлук абдонға руҳи равон ҳулул этгандек ўзларин ямут тавойифининг орасиға еткурдилар. Ул жамоа ҳазрати аъло хоқоннинг давлатнишон ёрлиғин кўргач, хотири ваҳшатомизлари ором ва итминон топиб, учланчи кунким, панжшанба эрди, Бахши ва Вакил бошлиғ барча олиймиқдор мухрдорлари мазкур бўлган эшонларға **151<sup>а</sup>** ҳамроҳ бўлуб келиб, даргоҳи олампаҳоқ туфроқиға итоат ва убудийят жабҳасин қўйдилар.

Ва ҳазрати хадиви комкору душманшикор камоли фуқаропарварлик ва ғоят шафқатгустарликдин ямутиянинг беш уруғининг беш кадхудосин ва мутаваллисин ўзининг ҳумоюн мажлисиға ундаб, отифати подшоҳона била аҳволпурсишлиқ қилиб сўз сўрди. Алар жавоб бердиким: “Бизларнинг тавба ва истиғфор, тазарруъ ва эътизордин бошқа сўзумиз йўқтур. Журму гуноҳимиз ҳадду ҳисобдин мутажовиз ва исёну густохликларимиз таъдодидин, ақлу хирад муҳосиби қосир ва ожиздур. Агар биз осий кулларнинг беҳисоб исёнимиз чехрасиға афву иғмоз ниқобин чекиб, мароҳими хусравонаға сазовор кўрсангиз, итоату мутобаат сироти мустақимидин ташқари қадам қўймай, қолган умримизни жаноби салтанатмаоб хизматиға масруф тутармиз ва жонларимиз жавоҳирин рикоби давлатинтисоб ғубориға нисор этармиз.

**151<sup>б</sup>** Ва агар биз гуноҳкорларнинг гуноҳимизни ўтмай, узру истиғфоримизни бовар тутмай, ғазаб якрониға рукуб қилиб, бу янглиғ ҳадду каронсиз асокири нусратмуосир бирла устумизга борсангиз, ё қатли омм бўлурмиз ва ё жалойи ватан бўлурмиз. Ушбу икки суратда ҳам бу давлати абадмуддатга зарардур ва беҳбуд эрмастур. Нединким, биз халқ остони давлатошёниға қадимдин бери ихлосшиор чоқари ва жонсипор навқаридурмиз. Ҳар ҳолда бўлсақ ҳам бу улуғ давлатхона хизматкорлиқидин гурезимиз йўқтур.

### **Байт:**

Агар қатл қилсанг сазовормиз,  
Ва гар авф қилсанг дағи бормиз.

Ва чун ямут кадхудолари сўзларин тамом қилиб, ишорати олий била ул ҳазратнинг жаннатнишон суҳбатидин ташқари чикдилар, вазири осафэътиқод ва низому-л-мулки ва-д-дунё

Ҳасанмурод кўшбегиким, абаон жадд аларнинг иши азаматпаноҳ подшоҳлардин гуноҳкорларнинг гуноҳин тиламак ва мухолифлар била **152<sup>a</sup>** мусолаҳа қилиб, фуқаро осойиши учун саъю кўшиш кўргузмак эрди, барча уламо ва умаронинг тарафидин ҳазрати хилофатмартабатнинг хизмати лозиму-с-саодатиға дохил бўлуб, ямут тавойифининг жаройими қадимий ва авосими жадидалариға шафиъ бўлуб, алар била мусолаҳа ва мушоҳада қилмоқ бобида кўп саъй ва муболағалар кўргузди ва ул ҳазрат дағи камоли мурувват ва марҳаматидин ямутия халқининг ҳар навъ гуноҳлари бўлса ўтуб, умаронинг илтимосин қабул этиб, мусолаҳа қилмоқға рухсат берди. Мазкур кўшбеги барча умаронинг тарафидин қуллуқ қилиб, ул ҳазратнинг ҳузури комилу-с-суруридин ташқари чиқиб, барча уламову қуззот ва умарову ҳукком ва ўттуз икки амалдорнинг орасида дедиким: “Ҳазрати аъло хоқоний ғояти иноятдин илтимосингизни мабзул тутуб, мусолаҳа рухсатин бердилар ва буюрдиларким, ямуту човдар ва имроли ва қардошлу ва Али эли, ота ва кўклан, **152<sup>b</sup>** қазоқ ва қароқалпоқ, ўзбаку сарт ва ҳар навъ халойиқ ва тавойифнинг биров-бирова асирлари бўлса беришиб олушсунлар ва мундин буён бир-бири била бирла ота-ўғил ва оқа инидек бўлуб, биров-бировининг молу жониға тасарруф ва таадди кўлин узатмасунлар. Ҳар тоифа бу сўзга мухолафат кўргузса, тамоми тавойиф муттафиқ бўлуб, ани қатли омм қилиб, амволу ашёсин ғорат ва торож этсунлар”.

Бу сўздин жамеъи аркони давлат ва умаройи тавойифға сурури тамом ва масаррати молакалом ҳосил бўлуб, барча ерларидин туруб таъзиму тақрим шароитин бажо келтурдилар. Ва иттифоқ била ҳамул ерда ўлтуруб, ҳазрати хадиви комкорнинг фармони саодатосориға мувофиқ бир-бири била аҳду паймон эттилар. Ва муншийи девони аъло, балоғат ва фасоҳатинтимо, жомиъ ул-фазойил ва-л-улум домла Муҳаммад Назар махзумғаким, фариди замон ва ҳайдари даврон эрди, бир аҳдномайи сулсиборот ва хушмазмун **153<sup>a</sup>** иншо қилдурдилар. Ва ул аҳднома тақрири будурким, бу мавридда тастир топар.

#### **Аҳднома:**

Алҳамду лиллоҳи раббил оламин, ва-с-салоту ва-с-салам ало хайри халқиҳи Муҳаммадин ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин ила явми-д-дин. Баъд, Хоразми эрамбазм доруссалтанасининг қуззоти ислом ва содоти киром ва уламойи изом ва умаройи соҳибу-л-эҳтишом, вузаройи соҳибу-т-тадбир ва-л-эҳтимоллариға, хусусан,

барча масокин ва мутаваддинлариға умуман мастури судури саҳифа улдурким, чун шаръан ва урфан ҳар бир мамлакат ва вилоятға суғур сайри ва ҳудуд муҳофазати ва аҳком танқиди учун бир шижоатпеша ва муноатандеша султони нофизи-л-фармон ва подшоҳи жалодатнишон баъзи вилоят аҳлининг фаросат ва киёсат осорларининг вифоқ ва жаҳди била муъаккид ва маршрута ва барча аъёну амалдорларининг анга мутобаат ва мутоваат қилмоқлари бобида иттифоқ ва аҳди била машид ва мунтазабит эрди.

То омма мусолаҳи вуқуъи **153<sup>б</sup>** ва шаръия аҳком ижроси шуюъи бобида аларнинг имдод ва иттифоқи робитаси ва ул жумланинг инқиёду вафоти воситаси била вилоятнинг нудрат авбоши фасоди дафъиға эҳтимоми тамом, лусуси ва қатоъу-т-тариқи иноди манъиға саъйи молокалом кўргузгай. Биноан ала ҳазо тарихи ҳижрий ат-тахта ала соҳибуҳо минг дағи икки юз етмиш тўртида, ражабу-л-муражжаб ойининг ўн тўқузланчиси, панжшанба куни мувофиқ йилон йили эрдиким, куллан ўзбакия ва сартия ва ямутия ва човдария ва қазоқия ва қароқалпоқия ва алардин ўзга барча тавойифи айёмнинг лозиму-л-эҳтиром кадхудо ва амалдорлари бу навъ иттифоқ ва аҳд эттилар. Ва аҳд истехкоми бобида бу янглиғ вифоқ ва жаҳд кўрсаттиларким, бизлар софният ва ориғтавият била “ати‘уллоҳа ва ати‘у-р-расула ва ули-л-амри минкум”<sup>1</sup> оятининг мазмуни жавоҳир машҳуни иқтизоси ва “итоат этмоқ амри вожиб” ривоятининг жавоҳирмакнун музмуни муқтазосича имоми **154<sup>а</sup>** ҳозаз-замон ва султони ҳозал-аср ва-л-овон, боису-л-амни ва-л-амон, мазҳару “инналлоҳа йа’муру би-л-‘адли ва-л-ихсāн”<sup>2</sup> ал-мухтасс бимазиди инояти-л-мустаъон, ал-мустағни ъани-т-тавсифи ва-л-баённи ўзларимизға подшоҳи маъдалатнишон ва султони нуфуз фармон билиб, ул ҳазратнинг амр ва наҳийлариға итоат этмак ва мутоваат кўрсатмакни Тенгри таъоло ва тақаддуснинг ва анинг расулининг амр ва наҳийга бўйунсунмоқимиз фарз ва вожиб бўлган янглиғ ўз зиммаларимизға вожиб ва лозим билурмиз. Ва ҳар нимагаким, шариати ғарро ва таҳжати байзо фармойишиға мувофиқ ва мутобиқдур, амр қилсалар самъан ва тоатан қабул қилиб, асло ва қатъан бўйун тўлғамай, ани қилурмиз. Ва анингдек ҳар нимадинким найҳ қилсалар, таван ва

<sup>1</sup> أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ (“Аллоҳға итоат этингиз ва Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) иш эгалари (раҳбарларга) итоат этингиз!”, “Нисо” сураси, 59-оят)  
<sup>2</sup> إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ (“Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга... буюрар” (“Нахл” сураси, 90-оят)

рағбатан андин юз аюрурмиз ва ямутия ва човдария ва алардин ўзга барча тоифа била оммаи фуқаро ва раоё хайрияти ва кофири анном ва бароё маслаҳати учун “**аф-сулҳу хайрун**” калимаси мазмунича мусалимат ва мусолаҳат кўргузуб, сийналаримиз **154<sup>б</sup>** ойинасин ва нақориз зангоридин орутдук ва кўнгулларимиз оламин мувосо ва мухованат куёши талъати шуоъи била ёрутдук. Ва мазкур тарихдин илгари замонда биров бировимизнинг орамизда бўлган ишлар ва олинган нималар мутолаба сабабидин ўтуб, мазкур тарихдин сўнгра биров бировимизнинг нимасин олмасликға ва биров бировимизни бағайри ҳақ ўлтурмасликға аҳд ва иттифоқ қилдук. Ва магар мазкур тарихдин сўнгра мазкур тоифалардин ҳар бир тоифақим, “авфў бил-‘аҳд”<sup>1</sup> мазмуниға амал қилмай, мазкур аҳдни синдуруб, адоват ва бебоклик майдониға хунрезлик ва саффоқлик отин суруб, савош ва фархош ғуборин турғузуб, бир-биловнинг молин олурни ўзига пеша қилса ва мусулмонларнинг ноҳақ қонин тўкмақни ўзига мубоҳ билса, ушбу зулм ва бедоди жиҳатидин “анна ла‘наталлоҳи ‘ала-з-зāлимйн”<sup>2</sup> оятининг мазмуни далолати била жаноб ақдаси илоҳийнинг **155<sup>а</sup>** абадий лаънатиға гирифтор ва мазкур аҳдни синдурғани иллатидин “лā дйна лиман лā ‘аҳда лаҳу”<sup>3</sup> мазмунича ислом динининг обод саводидин чиқиб, Тенгри таъоло ва тақаддуснинг сармадий уқубати зулматободи духулиға сазовор бўлсун. Ва баъда-л-явми мазкура тоифалардин ҳар тоифақим, нафси ҳарза мабрус таманноси ва шайтоний булҳавас иғвоси иқтизосича мазкур тоифалардин ҳар тоифақим, мазкур аҳд ва иттифоқни бузуб, подшоҳи вақтнинг амру наҳйидин бош буруб, тамарруд ва саркашлик қилса, иттифоқимиз будурким, барчамиз иттифоқ қилиб, ҳайъати ижтимоъ била анинг устига бориб, ҳар не бўлсақ бўлуб, анинг фасоди дафъиға саъй ва кўшиш қилурмиз. Ва бу аҳду иттифоқға мухолафат қилганнинг ҳам моли ва қони ҳалол бўлсун деб, ало сабили-л-иттифоқ бу аҳдномани таҳрир силкига чекиб, вусуқ ва эътимод зиёдати учун барчамиз ани ўз муҳрларимиз била музайян ва мувашшаҳ қилдук, возиҳ ва лойиҳ бўлсун, вассалом”.

<sup>1</sup> أَوْفُوا بِالْعَهْدِ (“Аҳдга вафо қилинглар”, “Исро” сураси, 34-оят)

<sup>2</sup> أَنْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ (“Золимлар узра Аллоҳнинг лаънати (“ёғилсин”!), “Аъроф” сураси, 44-оят)

<sup>3</sup> “Аҳдида турмаганнинг дини бўлмайди”

Ва чун умаройи тавойиф **155<sup>б</sup>** ушбу аҳдномани марқум қилдилар ва ўз муҳрлари била махтум қилиб, хазонайи омира хозинлариға топшурдилар.

Ва қазоқия тавойифидин одай ва тобин халқининг азиму-ш-шаън бийлари Ишадатбий ва Довудбий бошлиғ фармони олий мужиби била Ёйиқ суйи яқасидин бешумор лашкар била наҳзат қилиб, ямут муҳорабаси учун Кўҳна Урганчга келиб, лашкаргоҳ қилмиш эрдилар. Ҳазрати аъло хоқоний аларға дағи муовадат рухсатин бериб, ямут била мусолаҳа қилғани эъломи учун ёрлиғ йибориб, барча ташвишот ва муҳимотнинг итмоми ва эҳтимомидин фориғ бўлгандин сўнг бир ақшом ҳамул манзилда таваккуф қилиб, тонгласиким, мазкур ойнинг йигирмаси ва жумъа куни эрди, лашкария аснофиға муовадат рухсатин бериб, чошт чоғи сабосуръат бодпоға рукуб қилиб, аркони давлат ҳамийнонлиқи била мурожаат майдони қатъиға равон бўлди.

Ҳамул кун пешин чоғи доруссалтанайи Хивақға дохил бўлуб, сарири салтанатда ором тутти ва шаъшайи офтоб вусули била тамоми аҳли **156<sup>а</sup>** шаҳарнинг дийдаи интизорларин ёрутти.

### **Баъзи вақоеъ зикриким, мазкур сафардин сўнг воқеъ бўлди**

Чун ҳазрати соҳибқирони кишварситон мазкур сафарга азиматовар ва ҳаракатгустар бўлмасдин бурун Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхон ва Бухоро мамлакатининг подшоҳи амир Насруллоҳдин муҳаббат ва муволафат изҳори учун элчилар келиб, элчихонайи саодатнишонада муқим ва мутамаккин эрдилар, андоқким, собиқан мазкур бўлди, аларнинг ҳар бирига умаройи олийжоҳдин бир амирни қўшуб рухсат берилди. Андоқким, ҳазрати ҳадиви комкор мазкур сафардин қайтиб келгандин олти кундин сўнг ражаб ойнининг йигирма олтисида, чаҳоршанба куни Хўқанд элчиси Муҳаммад Раҳим эшоғасиға қароқалпоқия тавойифидин манқит уруғининг мунтахаби Соҳибназарбийни сифорат расми била қўшуб, муҳаббатнома била Хўқанд вилоятиға ирсол қилди. Ва шаъбон ойнининг тўртида, жумъа куни Бухоро элчиси Довудхўжа мирохурбошиға Хўжаэли содотидин Мададуллоҳхўжа **156<sup>б</sup>** бийни рисолат тариқаси била масхуб қилиб, муволафатнома била Бухоро жонибиға роҳпаймо қилди.

## **Йилқи йили веқоеъининг зикриким, тарих ҳижрий минг икки юз етмиш тўртга мувофиқ эрди**

Санайи ҳижрия минг икки юз етмиш тўртда, шаъбон ойининг олтисида, якшанба куни Наврўзи оламафрўз кириб, қуёшнинг зарринкор ғазоласи ҳут даштидин рўйгардон бўлуб, ҳамал марғзорида макон тутти, баҳор шоҳиди мусаффо чехрасин намоён қилиб номия маҳжурларининг тийра кўзларин ёрутти.

Аввалғи воқеаким, ҳамул йил воқеъ бўлди, бу эрди: Чун така жамоасиким, Эрон лашкари дастбурдидин қочиб, Сарахс вилоятидин кўчуб, Марв мамлакатига келиб, мутаваддин ва мутамаккин бўлмиш эрдилар Қовшутхон бошлиғ аларнинг барча кадхудолари ҳазрати соҳибқирони искандарнишоннинг домани ҳимоятига чанги эътисом уруб, остони давлатпосбон мулозимларидин ўзларига ҳоким бўлғудек **157<sup>a</sup>** бир киши тилаб, ихлоси тамом била аризадост йибориб эрдилар. Ул ҳазрат аларнинг илтимосин мабзул тутуб, даргоҳи гардуништибоҳ ходимларидин садоқатнишон, шижоатиқтирон Мулло Муҳаммад девонни Қовшутхон бошлиғ така кадхудолариға тилло пичоқ ва заррин хилъатлар топшуруб, шаъбон ойининг авохорида истимолатнома била такаларга кўшуб, Марв жонибиға ирсол қилди.

Ва умаройи изомдин Фозилхўжа шайхулисломниким, ўтган йил Ўрус вилоятиға сифорат расми била йиборилиб эрди, ул вилоят ҳокими Никулай Андройнинг таъзиму икромин кўруб, муовадат қилиб, ушбу йил рамазон ойининг йигирма тўртида, жумъа куни остони олийшон мулозаматиға етти ва келтурган тухафоту тансуқотин ҳузури комилу-с-сурурға еткуруб, ҳар на кўрган ва билганин тақрир этти. Ва шаввол ойининг салхида, жумъа куни Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг Мададуллоҳхўжа бийга кўшуб йиборган элчиси Нажмиддин- **157<sup>b</sup>** хўжа саломоғаси даргоҳи фалакиштибоҳ мулозамати мавқифи арзға еткурди. Ва зулҳижжа ойининг еттисида, якшанба куни ҳазрати хусрави офоқ, умаройи соҳибвифоқ зумрасидин манқит улусининг сарвари Бобо иноқни Бухоро элчиси Нажмиддинхўжа саломоғосиға элчилик йўсуни била ҳамроҳ қилиб, мувофақатнома топшуруб, Бухоро сари роҳий қилди. Ва мазкур ойнинг ўн секизида, жумъа куни Ўрус мамлакатининг волийси Никулай Андройнинг мувофақат ва мувонасат изҳори учун дорулхилофайи Хоразм ҳарасаҳаллоҳу таъоло ани-л-офоти ва-л-

лузум<sup>1</sup> сари ирсол қилган элчиси Никулай Аникнажиб Хоразм тенгизидин учанға миниб, дарёйи Жайхуннинг тенгизга қўятурган ерига келиб ва дарёда кема била қатъи масофат қилиб, атабайи сипехрмартаба тақаббулиға мушарраф бўлуб, келтурган тухфа ва ҳадяларин мувофақатномаси била **158<sup>a</sup>** назари ақдас ва ҳузури муқаддасға еткурди. Отифати подшоҳонанинг ҳолиға шомия бўлуб, Гандумкон ҳавлиғаким ул ҳазратнинг мулки холиси эрди, тушурулди. Ва ўз мойи тожидин ортукроқ вазифа ва қўнуқ анга марсум бўлди. Ва сешанба куни, муҳарраму-л-ҳарам ойининг ҳилоли моҳжабин дилраболарнинг мушкин қоши хаёлидек назокати тамом била маръий бўлуб, санайи ҳижрия минг икки юз етмиш бешга интиқол этти. Ва ҳамул ойнинг авоситида вазири аъзам Муҳаммад Раҳим меҳтар баъзи ноҳамвор афъол ва ноҳинжор ақвол жиҳатидин танбеҳ учун, балки ҳазрати аъло ҳоқонийнинг зимнан камоли илтифотидин визорат мансабидин маъзул бўлди.

Ва сафар ойининг иккисида, жумъа куни Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг иттиҳод ва якжиҳатлик вусуқи изҳори учун Бобо иноқға масҳуб қилиб, Хоразм сари ирсол қилган элчиси Мирза Убайд мирохур манозили мутааддида ва мароҳили мутакассира қатъидин сўнг **158<sup>b</sup>** жаноби хилофатмаоб зиёратиға восил бўлуб келтурган мусодақатнома ва тухфаларин назари анвар пешгоҳиға еткурди. Ва моҳи мазкурнинг тўртида якшанба куни Ўрус элчиси Никулай Аникнажибгаким, Бухороға бориб, андин ўтуб, юртиға кетмак илтимос қилиб эрди, ҳазрати хадиви комкор илтимосин қабул этиб подшоси учун савғот ва мактуб топшуруб, Бухоро жонибиға узатди.

Ва моҳи мазбур, яъни сафар ойининг авохирида Худойназар девонбеги баъзи ахлоқи нописанд ва ақволи шамотатпайванд сабаби била маъзул бўлуб, анинг ўрниға суддаи сидрамисолнинг хушиқбол мулозимларининг зумрасидин мумтоз Отаниёзхўжа ва ихлоставъом Файзи маҳрам марҳамати хусравонаға ихтисос топиб, ала сабили-л-иштирок девонбегилик музаккийлик мансаби олийси била сарафроз ва баҳраманд бўлдилар.

#### **Назм:**

Кимгаким лутф этса шоҳи сарфароз,  
Бўлғусидур аҳли жоҳу бениёз.  
Гарчи хору паст эса ҳам хокдин,  
Ўтгуси бир дамда **159<sup>a</sup>** юз афлокдин.

<sup>1</sup> Аллоҳ уни офат ва балолардан сақлагай!

**Ҳазрати ҳадиви комкори душманшикорнинг сайри сахро  
ва зиёрати мақобири авлиё иродаси била давлат самандиға  
рукуб қилғани ва зиёрат эҳрози ва биёбон тафарружи била  
комёбу шодком бўлуб қайтиб келғани**

Чун “ман зāра–л-мақāбира катабаллāху та‘āлā би кулли қадамин ‘ибāдата сана”<sup>1</sup> ҳадисининг муқтазоси била ва “зийāрату–л-қубўри каффāрату-з-зунўб”<sup>2</sup> калимасининг фаҳвоси била мақобир зиёрати жамеъи аҳли исломға суннати сунния ва хислати марзиядур. Ҳазрати шахриёри диёнатшиор ҳамул суннат эҳёси ва ҳамул хислат ижроси ва шикор тамошоси ва сахро сайри тақозоси билаким, барча тибоъға нофиъ ва жамеъи авзоға дофиъдур, мазкур йил рабиъ ул-аввал ойининг иккисида, шанба куни биродари бузруквори, амирулумаро, усвату-л-кубаро, муҳибби масокин, ҳомийу-д-давлати ва-д-дин шахзодаи соҳибжуд Саййид Маҳмуд тўра рафаъаллоху таъоло аълома маротибих<sup>3</sup>ни наёбатға муқаррар қилиб ва давлат ва иқбол маркабиға рокиб бўлуб, аркони **159<sup>б</sup>** давлат ва умаройи зи-шавкатнинг ҳамроҳлиғи била дорулхилофайи Хивақ зайъаналлоху таъоло би-н-низоми ва-н-насақдин хуршиди жаҳонтоб янглиғ чиқиб, кавкабайи давлатинтисоб била қатъи масофат қилиб, Урганч балдасининг ғарбий жонибидағи работи лозим ун-нишотиғаким, ул ҳазратнинг мулки холиси ва макони маврусии эрди, нузули ижлол файзидин фирдавсмисол қилди. Ва ҳамул ақшом ул мавзеъда истироҳат базмин тузди ва ишрат бодайи нобин нўш этарга рағбат кўргузди.

Сўнгги кунким, якшанба эрди, мазкур манзилдин кўчуб, дарёйи Жайхундин гардунвусъат ва ҳилолсурат кемалар била убур қилиб, мазкур дарёнинг шимолий каноридаким, ўрдуйи ҳумоюн ва пешхонайи сипеҳрнамунни амри олий мужиби била бурунроқ ўтқариб, барпо ва муҳайё қилмиш эрдилар, нузул қилиб, ҳузури вофиру-с-сурури баҳоридин дарёнинг ҳамул қирғоғин тароватда жаннат боғиға таъназан, балки зебу зийнатда Кавсар ва Салсабил анҳориға шўришафкан қилди. **160<sup>а</sup>** Ва тонгласи душанба куни умаройи олиймиқдор ва сипоҳи бешумор била ҳамул манзилдин

<sup>1</sup> “Ким қабрларни зиёрат қилса, Аллоҳ таоло ҳар қадамига бир йиллик ибодат савобини ёзади”.

<sup>2</sup> “Қабрларни зиёрат қилиш гуноҳларга каффоратдир”

<sup>3</sup> Аллоҳ мартабалари байроқларини баланд қилгай!

рукуб қилиб, инони саодат самотиға Кўхна Кот жониби илтоб бериб, ҳазрати сарвари авлиё, сардафтари атқиё, акмалу-л-комилин, афзалу-л-восилин соҳиби каромати жиббилый шайх Аббос Валий қуддуса сирроҳунинг марқади мунаввараси зиёратиға хулуси ният ва сафойи тавият била восил бўлди. Ва каломи раббоний хатмоти ва тиловати Қуръон машуботидин ул ҳазратнинг руҳи пурфутухиға баҳрайи тамом еткурди ва ул макони қуддусийнишонда фуюзоти илоҳийдин футухоти номуғаноҳий ҳосил қилди. Зиёрат маросимидин сўнг ул остони шарофатошиённинг мужовир ва жорубкашилариға назуроти вофир ва садақоти муттакосир бахшиши била фараҳи тамом ва масаррати молакалом еткуруб, дуойи ижобатороларин олғандин сўнг, саманди давлатға рукуб қилиб, ул ҳаволидағи васеъ дашт сайриға сипоҳи бешумор била озим бўлуб, барқрафтор оҳуларға бодчангал италгуларни солиб, шикорандозликға **160<sup>б</sup>** иштиғол кўргузди. Кечрак сайдгоҳдин мурожаат қилиб, Уйғур мавзеидағи ҳавлийи васеъ ва қасри рафеъғаким, мамлакайи подшоҳиға дохилдур, ўрдуйи кайҳонпўйдағи амри олий била анда бориб, нузул қилмиш эрди. Қудуми саодатлузум вусулидин анинг зурвайи фаҳоматин фалак буржининг кунгурайи матонатидин ўткарди. Ва анда бир кеча маснадоройи нишот ва бодапаймойи инбисот бўлди.

Ва тонгласи сешанба куни андин кавкабайи воло ва ўрдуйи муалло била кўчуб, шикор тариқаси била дашту сахрони гулгашт ва тамошо қилиб, Андирой чунгули отлиғ мавзеёға ворид бўлуб, мазраби хиёми иқбол ва мақарри кавкабайи ижлол қилди. Ва чаҳоршанба куни ўрдуйи давлатнишонни ҳамул макондин кўчурмай, мавкабайи ҳумоюн била отланиб, ул атрофдағи дашт ва ҳомунни айланиб, ажалчангал ва сарсарбол чурғлар била паримисол ва дилкашжамол ғизолларни сайд этиб, сайру тамошодин улчақим коми эрди, етиб ибтиҳожиди тамом ва иртиёжи **161<sup>а</sup>** локалом била мурожаат қилиб, мазкур мавзеёда боргоҳи сипехриштибоҳға нузул қилиб, шарафи қудумидин куббайи иртифоъин қамайи меҳру моҳдин ошурди. Ва ҳамул тун ул манзилда мутаваққиф бўлуб, тонгласи панжшанба куни андин кўчуб, давлат раҳшин сайдгоҳ жонибиға суруб, бир кўл канориға еттиким, аснофи туюр анда бисёр, хусусан, қошқолдоқ сайди беҳаду бешумор эрди. Ул кўлнинг бир қироғида таваққуф қилиб, ул миқдор куш солиб, ул масобада ов олдиқим, шикори Жамшид афсонаси тоқи нисёнда қолди.

### Маснавий:

Ов олиб, уйла, шоҳ шоҳбози,  
Ки кўнгулларни шўхлар нози.  
Ул сифат тезлик била учубон,  
Ким кўз очғунча сайдин кучубон.  
Солиниб куш фузун ниҳоятдин,  
Олиниб сайд ҳадду ғоятдин.  
Қўзғалиб ҳар тараф алолалар,  
Комича кўрди эл тамошолар.

Ва шикорандозлиғ тамошосидин ком олғандин сўнг издиҳоми тамом била хиром этиб, Қаландархона мавзеъин **161<sup>б</sup>** ўрдуйи ҳумоюн ва мавкиби маҳшарнамунға манзил ва мақом қилди. Жумъа куни андин наҳзат қилиб, ҳазрати қутбу-л-қуттоб, увайсун-л-асҳоб, маърифат ва ҳақиқат жавоҳирининг муаддини Султон Увайс Қараний разийаллоҳу анҳу қадамгоҳининг зиёратиға етиб, ажзу ниёз бошин ҳамул саодатнишон остони туфроқиға кўюб, истимдоди ҳиммат қилди. Арвоҳи таййиба мадади била Ҳақ таъоло карамидин ул ҳазратнинг муддаоси юзига файзу футуҳ эшиклари очилди.

Фақир агарчи узр сабаби била ҳамул сафардин қолиб эрдим, аммо ҳамул мақомға мувофиқ бир ғазал назм қилиб, ул ҳазратнинг хизматиға йибориб эрдим. Ул ғазал будурким, мастур бўлур, **ғазал:**

Остонингдур матофи аҳли ирфон, ё Увайс,  
Марқадингдур маҳбати анвори субҳон, ё Увайс.  
Дарғаҳи покиндадур хайли малойик посбон,  
Файзи қудси хоки кўйингдин намоён, ё Увайс.  
Мақдаминг туфроқиға етмас жамеъи авлиё,  
Вақфи зотингдур камоли қурби Яздон, **162<sup>а</sup>** ё Увайс.  
Топти суҳбат кўйингга солғач ўзин ҳар дардманд,  
Топмаса олам аро дардига дармон, ё Увайс.  
Келдилар автод ила ақтоб хайли чокаринг,  
Сен эрусан ул жамоат ичра султон, ё Увайс.  
Арсайи сафинг аро неруйи имдодинг била,  
Бўлди мустазҳар замири Шоҳимардон, ё Увайс.  
Кўҳи Чағро доманида воқеъ бўлди манзилинг,  
Софу беғаш зарга тоғ ўлған киби кон, ё Увайс.  
Ҳар киши ихлос ила урса қадамгоҳингга юз,  
Қайтмоқ мақсудини топмай не имкон, ё Увайс.  
Ушбу кунким, дарғаҳингга кўйдилар рўйи ниёз,

Сидқ ила аҳли сипоҳу ҳазрати хон, ё Увайс.  
Қуввати руҳоният бирла мададлар еткуруб,  
Комёб айлаб борин қил шоду хандон, ё Увайс.  
Огаҳий ҳолиға ҳам боқиб иноят айнидин,  
Қўймағил маҳрумлиғ бирла паришон, ё Увайс.

Ҳазрати аълоҳоқоний зиёрат лавозими тақдимидин сўнг лутфу эҳсон панжасин очиб, назр тариқаси била беҳадду бекарон нақдлар сочиб, ул файзасар остон- **162<sup>б</sup>** нинг жорубкаш ва мужовирларин маҳзуза ва баҳравар қилиб, азимат таковариға рукуб этти. Сайр тариқаси била Оҳак тоғининг этакида бир кўл қирғоғиға нузул қилди. Ҳамул кеча ул мавзеъда истироҳат кўргузуб, тонгласи шанба куни ул манзилдин ўрдуйи ҳумоюнни кўчурмай отланиб, тоғ этакида тавакқуф қилиб, от чоптуруб, югрук отлиғ кишиларни байроқ баҳонаси била хазина эҳсонидин ададсиз ёрмак бериб, дунёдин мустағний қилди. Ва шикор ҳаваси била саборафтор самандин тоғ орасиға суруб ва сайри ниҳоятин Шағол тахтаси ва Қайноқ даҳанасиға еткуруб, муовадат жонибиға юз урди ва кечрак келиб мазкур кўшға тушти. Якшанба куни андин кўчуб, ўрдуйи кайҳонпўй била дарёдин ўтуб, жанубий соҳилида Алибобо отлиғ бузрукворнинг жавори файзосориға нузул этти.

Тонгласи душанба куни ул манзилдин кавкабайи воло била масофатпаймо бўлуб, Гурланда аркони давлат **163<sup>а</sup>** зубдаларидин ихлос ва эътиқодпарвар Муҳаммад Назарбек ибн амири марҳумий Шохниёз оталиқнинг меросдин теккан ҳавлисиға даввор фурукидин ошурди. Беки мазкур ийсор тариқаси била ҳазрати хадиви комкорнинг саодатосор аёқиға жавоҳири обдор ва нуқуди бешумор сочиб, хизмат бўнасида комили айёр ва ихлос шиорлиқин зухурға еткурди. Ва тонг отғунча зиёфат лавозимиға ихтимом ва хизмат маросимиға қиём кўргузуб, гуногун атъама ва ранго-ранг ашраба муҳайё қилдуруб, неча мартаба назари анвар пешгоҳиға еткурди. Тонгласи сешанба сабоҳи эрди, ул ҳазратнинг рукуб ҳангомида гаронбаҳо хилъо кийдуруб ва жаҳонпаймо от миндуруб, бир хуршидсиймо туғма жилавдорлиқға таъйин этти.

Ва ҳазрати хадиви комкор отға сувор бўлуб, сипоҳи бешумор била Гурландин наҳзат кўргузуб, азимат амрида суръат расмин изҳор қилди. Ва пешин чоғи Чанакшайх мавзеъидағи **163<sup>б</sup>** ҳавлийи босафо ва боғи дилкушосиғақим, ул ҳазратнинг мулки холисидур, ворид бўлуб, ҳумоюн кудуми масосидин ҳамул ҳавлининг кунгурайи эътиборин гардунасос ва зурвайи ифтихорин хуршид-

мамос қилди. Пешин намозин ажзу ниёз била ўқуғандин сўнг ҳамул мавзеъдин иқбол рахшиға руқуб қилиб, масофат қатъиға қадамандоз бўлди. Ва аср хангомида кавкабайи тамом ва дабдабайи молокалом била доруссалтанайи Хивақға дохил бўлуб, салтанат тахтида мақом ва хилофат маснадида ором тутти. Ва ҳумоюн дийдорининг анвари мушоҳадасидин дорулхилофа мутамаккинларининг дийдайи интизорин ёрутти. Бу муборак сайрнинг муддати ўн бир кун эрди.

**Қўнгрот қалъасининг арзол ва авбоши иттифоқи била хилоф ва шиқоқ тариқиға тамарруд ва инод қадамин урғани ва фасоду бедод тиғи Қутлук Муродбий бошлиғ баъзи қўнгротия акобиридин ўлтургани ва ул қалъа ичра қиёмат шўриши аломатин зухурға етқургани, Муҳаммад Паноҳ отлиғ 164<sup>а</sup> бир муфлис ва муфсид ҳаромини ўзларининг орасида хон кўтариб, ҳукумат маснадиға миндургани ва муфсид ҳамул қалъа аҳлининг ихтиёр зимомин тасарруфи илкига кийургани**

Хомаи ажубаосор ва қалами бадойеъшиор мундоқ воқеанигорлик ва бу янглиғ ходисагузорлик русумин изҳор қилурким, қўнгротия тавойифининг рунуду авбош ва муфлису қаллошларидин жамоайи касир ва жамеъи ғазир нафсу шайтон иғвоси ва ямут ашрорининг азлолу илтимоси ва ботил хаёллар таманноси ва ғафлат ва жаҳолат саҳбосининг накбат ва мастлиги тақозоси била ҳазрати аъло хоқони кишварситоннинг итоати рибқасидин убудият рақабасин тортиб, тамарруд ва инод яқосидин мухолафат ва фасод бошин чиқариб, шиқоқ мажлисида нифоқ шамъин ёқиб, пинҳоний машварат ва иттифоқ қилиб, йилқи йили санайи ҳижрий минг икки юз етмиш бешда рабиъ ул-аввал ойининг ўн олтисида, душанба куни ҳужуми тамом била жалодат тийғин 164<sup>б</sup> шақоват ниёмидин чекиб, бегуноҳ давлатхоҳларнинг устига балойи осмонийдек пинҳоний тўқулуб, қатлу кўшиш, салху кўшиш амриға машғул бўлдилар.

Маълум бўлсунким, қўнгрот халқининг уч соҳибҳукумат бийи бор эди: бири Қутлук Муродбий ва бири Паҳлавонниёзбий ва бири Юсуфбий. Ва ул овонда Қутлук Муродбий Қўнгрот қалъасида эрди. Ва Юсуфбий баъзи қўнгротия навқари била кўҳна Урганчда қалъа ҳаросатиға машғул эрди. Муфсидлар вақтни ғанимат билиб, Қутлук

Муродбийни аксар ўғлонлари била қатлға еткурдилар. Ва Паҳлавонниёзбийнинг бир ўғлин ва Юсуфбийнинг икки ўғлин баъзи мутобеълари била ўлтурдилар ва даргоҳи давлатнишоннинг ихлосманд ходимларидин Муҳаммад Карим девонниким, фармони қазожараён мужиби била ҳамул ошонда Қўнгрот қалъасига бориб, Қутлук Муродбий била барча қароқалпоқия ва қўнгиротия **165<sup>a</sup>** раоёсидин солғут олурға машғул эрди, хизматидағи ҳамроҳ борған мулозимлари била қатлға еткардилар.

#### Назм:

Жаҳолат била тортибон тиғи тез,  
Ҳамул қалъа ичра солиб растахез.  
Тўкуб бегуноҳ элдин ул навъ қон,  
Ки қон селин эттилар ул дам равон.

Ва қўнгрот табақотининг болғали уруқидин Аллоҳбердибекнинг Муҳаммад Паноҳ отлиғ бир ўғликим, Хивақ музофотидин Каттабоғ мавзеида ўлтурған қўнгротдин эрди, толеъи дунлиқи ва бахти забунлиқи ва ақл камлиқи, хуш адамлиқи жиҳатидин еру юртидин айрилиб, жалойи ватан бўлуб, Қўнгротга бориб, авқотгузорлиғ учун баъзи одамларга хизмат этиб, ниҳоятсиз хорлиғ била деҳқончилик қилур эрди. Ани хон кўтариб анга байъат қилдилар. Ва фуқаро дағи заруратдин анга мутобаат кўргуздилар. Ва Муҳаммад Паноҳ мазкур бўлған уч бийнинг амволу асбоб ва ашёву акмаша ва нукудинким, кўплукда Фаридун хазойини ва Қорун **165<sup>b</sup>** дафойини анинг закоти ҳисобиға кира олмас эрди, жамъ этиб, хиттайи тасарруфиға солди ва солғутдин жамъ бўлған тиллоларни ҳам борлаб олди. Ва муфсидларнинг ҳар бирига бир амал берди ва ўзига кўмак учун ямут ашроридин кўп кишини ундаб келтурди ва аларнинг баъзисин ҳам мансабдор қилиб, ҳукумат амрида ўзига саҳим ва шерик этди. Ва ҳар кун аларнинг вазифа ва улуфасига кўп мол ва нақд муқаррар қилди. Ва обрўйлиғ кадхудоларнинг исмат пардасида ўлтурған қизларин ямут ҳаромиларининг ақди никоҳига киюрди. Ва фуқародин ва аҳли ғинодин кўп нақду мол олиб, ямутга борди ва ул диёнатсиз муфсидларни атрофу жавонибдағи қазоқ ва қароқалпоқ ва ўзга мусулмонларнинг амволу аҳшоми чаповулига буюриб, ҳар тарафга таадди ва татовул қўлин узатди. Бу жиҳатдин барча қалпоқия ва қазоқия тавойифи бир ерга жамъ бўлуб, атрофиға хандақ казиб ва қалъа **166<sup>a</sup>** солиб, кўрон-кўрон бўлуб ўлтурдилар. Бу хабари ваҳшатасар ҳазрати хадиви нусратпарварнинг ҳумоюн самъиға етиб, мазкур ойнинг

йигирма олтисида, чаҳоршанба куни азиму-ш-шон саркардаларидин жалодат ва шижоатнишон Маҳмудниёз ясовулбошини ва қўнгрот Паҳлавонниёзбийни бир гуруҳ лашкари била ҳамул муфсидлар мудофаасиға ирсол қилди. Ва фармони олий мужиби била Юсуфбий дағи ўз мулозаматидағи лашкари била Кўҳна Урганчдин наҳзат қилиб, аларға қўшулди ва иттифоқ била озим бўлуб, Чимбой қалъасининг ҳаволисидағи қароқалпоқ кўронига бордилар ва бир неча муддат ул атрофдағи элнинг аҳволи тафаҳхусига қиём кўргузуб, барча маҳомига сарамжон бергандин сўнг ул мавзеъдин издиҳоми тамом била азимат эълонин ҳаракатга киргузуб, қазок Азизберганбийнинг сангарифагим, Қўнгрот қалъасининг орқа тарафида Толлиқ наҳрининг 166<sup>б</sup> аёқида, Қўнгротга тахминан беш фарсахлик йўлдур, баъзи қазоқия ва қалпоқия гуруҳи йиғналиб ўлтурмиш эрдилар, нузул қилиб таваккуф кўргуздилар. Ва Азизберганбий бошлиғ Жамбул мавзеъидағи элнинг иттифоқи била гоҳо лашкар чекиб, Қўнгрот қалъасининг устига бориб, муҳосара қилиб, муонидлардин кўп кишини мақтул ва маъсур этиб ва бениҳоят амволу мавоший ғанимат олиб мурожаат қилур эрдилар ва яна дафъа-дафъа чаповул йибориб, муфсидларига улуғ дастбурдлар еткурур эрдилар.

#### **Маснавий:**

Баҳодирлар аён айлаб такупўй,  
Уруб ҳар кун муонидлар сари рўй.  
Талаб топса, адувнинг ҳар на борин,  
Ҳужум айлаб қабаб гаҳи ҳисорин.  
Сурарлар эрди кўп молу мавоший,  
Олурлар эрди асбобу ҳавоший.

Ва муфсидлар дағи ямут муфсидларидин гуруҳи анбухни истидъо қилиб, орасиға келтуруб сақлаб, вазифасиға кўп нақд 167<sup>а</sup> ва мол таъйин этиб боқар эрдилар, балки қалъа ичидағи фуқаро ва раоёнинг барча асбобу молининг, балки аҳлу аёлнинг зимоми ихтиёри аларнинг қабзайи иқтидорида эрди. Ва аларнинг кўмак ва мадади била гоҳо қалъадин чиқиб, атрофу жавонибдағи қалпоқия ва қазоқия кўронлариға чаповул урар эрдилар.

Ва баъзи мусулмонларни қатл ва асир қилиб, молу мавошисин сўрар эрдилар. Ва гоҳо ул муфсидлар сипоҳи нусратпаноҳга малофи бўлуб, муҳораба амриға қиём кўргузуб талош этар эрдилар ва муқоматға тоб келтура олмай ҳазимат топиб жазосига етар эрдилар.

Ва алқисса, барча қалпоқия ва қазоқия тавойифи ва жамеъи Орол ва ўзбак улуси қабила-қабила ва кўрон-кўрон қабилиб, барчасига фароғат эшики масдуд ва роҳат осори мафқуд бўлуб, айшу осойиш мақомидин жудо, машаққат ва қоҳиш балосига мубтало бўлдилар.

#### **Маснавий:**

Бўлуб халқдин амният бартараф,  
Туман фитна юз 167<sup>6</sup> кўргузуб ҳар тараф.  
Муонидлар айлаб ҳисор ичра жой,  
Еб эл молин ўлдилар ишратфазой.  
Ямон кун раоёга тушти баса,  
Бузуклук эл ичра етушти баса.  
Фалак гардиши бирла аҳли Орол,  
Неча кун бу навъ ўлдилар тангҳол.

Моҳи мазкурда, яъни рабиъ ул-аввал ойининг ўн тўққузида, сешанба куни ҳазрати аъло хоқоний Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг элчиси Мирзо Убайд мирохурбошиғаким, бир неча муддатдин бери элчихонайи ҳумоюнда мутамаккин эрди, мурожаат рухсатин берди. Ва даргоҳи олампаҳо мулозимларидин иззатдастгоҳ Отаниёзбекни элчилик тариқаси била анга рафиқ этиб, амир Насруллоҳ учун мусодақатнома топшуруб, Бухоро савбиға ирсол қилди. Ва маълум бўлсунким, ушбу йил, муҳаррам ойининг авоситида визоратпаноҳи манзилатдастгоҳ, дастури садоқатасар Муҳаммад Раҳим меҳтар баъзи мардона афъол ва дўстона ақвол жиҳатдин, балки фалакнинг каж ҳаракатидинким, қуёшдек 168<sup>a</sup> софтийнат кишиларни ҳамиша авжи иззатдин ҳазизи маззалатга тушургусидур, визорат мансабидин маъзул бўлуб, гўшайи ҳамулда мутамаккин ва малул эрди.

#### **Назм:**

Қуёшким, етургай жаҳонға зиё,  
Солур чарх ани тийра туфроқ аро.  
Чу Юсуф маҳалли садоқатдурур,  
Макони сияҳчоли зиллатдурур.

Рабиъ ул-аввал ойининг йигирма секизида, панжшанба куни иқбол ёр ва давлат мададкор бўлуб, сидку ихлос ва софдиллику давлатхоҳлик ва некройлику росттадбирлиги сабабидин яна ҳазрати хадиви комкорнинг хотири шафқатшиори анинг иззату эътибориға мойил бўлуб, лутфу карам била ани ҳузури комилу-с-суруриға чақириб, инояти подшоҳона тақозоси ва мароҳими хусравона

муқтазоси била ниҳоятсиз дилжўйлиқлар ва ғоятсиз дилнавоз-лиқлар кўргузуб, бурунғи мансабиға мансуб қилиб, барча дўсту душман орасида мумтозлиғ ва сарафрозлиғ еткурди ва иззату эътибори бошин фалак боргоҳи қуббасидин ошурди.

**168<sup>б</sup>** Ори, ҳар кишининг зотида сидқ нури намоён бўлса, хорлиғ зулматида доимий қолмай, албатта, эътибор авжиға чиқар ва ҳар кишининг кўнглида ихлос меҳрининг партави аён бўлса, безътиборлиғ зиллатида жовидона ер тутмай ахир иззат маротибиға иртиқо топар, андоқким, **назм:**

Қуёш зотида бор эди чун зиё,  
Чиқиб ердин этти фалак узра жо.  
Чу Юсуфда бор эди сидқу тамиз,  
Чиқиб чоҳи зиллатдин ўлди азиз.

Ва сўнғи кунким, жумъа эрди, Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг улуғ қўшин била бориб Ўратепа кўрғонин мусаххар қилиб, суюнчилатиб йиборган элчиси Саййидмурод тўқсоба келди ва даргоҳи фалакиштибоҳ ҳожибларининг воситаси била ҳузур мажлисиға духул шарафин топиб, барча вуқуъға етган воқеотни одоби тамом била тақрир қилди ва навозишоти хусравонадин шодком бўлуб, ишорати олий била элчихонайи фирдавснишонада ором тутти.

Яна **169<sup>а</sup>** ул овонда рабиъ ус-соний ойининг олтисида, жумъа кунни кўклан тавойифи Хуросондин кўчуб Хоразмга келди.

Бу ижмол тафсили улким, собиқан мазкур бўлмиш эрдиким, ул замондаким, ҳазрати соҳибқирони гетиситон таъйиди илоҳий била салтанат тахтига жулус қилди, кўклан халқи баъзи зуҳурға еткурган журму гуноҳлари учун ул ҳазратнинг қаҳру сатҳидин мутаваҳҳим бўлуб, Хоразм диёрида тура олмай барча аҳшом ва амволи била кўчуб, мақом ва масканларидин иқомат рахтин кўтариб, фирор тариқаси била қатъи масофат қилиб, Хуросон музофотидин Охол диёриға қарийб тоғ ичида Қарри қалъа отлиғ мавзеъға бориб, иқомат юкин ташлаб таваққуф хаймасин қурдилар ва така халқи била мувосо қилиб, ул навоҳийда кўп паришонҳоллиқ била ўлтурдилар.

Ва чун Курдистон қизилбоши така жамоаси била ёғий эрди, кўклан халқи такага мувофақат кўргузган жиҳатидин қизилбошдин така савошиға, хусусан, кўклан қасдиға дафъа-дафъа **169<sup>б</sup>** лашкар келиб, қитол ва жидол маркабин сурар эрди, жамиатлари бунёдиға чаповул ва татовул селобасин еткурар эрди. То алар фароғат била

деҳқончилик қила олмай, неъмат куфрони жазосиға гирифтор бўлуб, маошлариға бағоят танглик етушти, балки кўпраки ҳалокат вартасиға тушти. Ва уч йил муддатға қарийб барча асбобу амвол ва улоғларин сотиб ўзлариға қут эттилар. Анинг била ҳам бўлмай, очлиғ ғалабасидин қувватлари кетиб жонлариға еттилар ва Хоразм мамлакатининг жонпарвар обу ҳавосининг ҳасратида доимо дийдагирён ва турлук неъматларининг фараҳафзо мазаси жонлари мазоқидин кетмай, ул неъматлар хуморидин ҳамиша саргардон эрдилар.

Охируламр камоли нусрат ва изтирордин номусу ордин кечиб, барчаси иттифоқ била истиғфору эътизор таъкидин изҳор қилиб, ҳазрати аъло хоқони карамшиорнинг инояти подшоҳонаси этакига тазарруъ ва зорлиғ илкин уруб, яна Хоразм диёриға **170<sup>a</sup>** келиб ул ҳазратнинг сояйи ҳимоятида ором ва қарор тутмоқни илтимос этиб, аъён ва акобирдин бир жамоани остонбўслиқға йибордилар ва алар келиб ул жамоанинг аризасин атабайи осмонмартаба нуввобининг арзиға еткурдилар. Ҳазрати хилофатмартабат камоли шафқат ва марҳаматдин ул жамоанинг аҳволиға тараҳҳум кўргузуб, гуноҳларин афву илтимосларин қабул этиб иноятнома бериб, келган кадхудоларни қайтарди. Ва кўклан халқи ул иноятномани кўргач, ўлук баданлариға тоза жон топиб, ниҳоятсиз хушҳол ва шодон бўлуб, ҳеч таваккуф кўргузмай, қуввату қудратлари борича афтону хезон, пиёда ва сувора мақсад жонибиға равон бўлдилар ва мароҳили мутакассирани қатъ этиб, мазкур бўлган кун Хоразм диёриға еттилар. Ва ишорати олий мужиби била даргоҳи сипехртимсолнинг наввоб ва уммоли аларға Тошҳавзда маъво ва сукно таъйин эттилар.

Ва яна моҳи мазкур, яъни рабиъ ус-соний ойининг ўнида, сешанба куни Бухоро элчиси **170<sup>b</sup>** Саййидмурод тўқсобаким, амир Насруллоҳнинг Ўратепа кўрғонининг фатҳ этган хабарин келтурмиш эрди, андоқким мастур бўлди, анга Раҳматуллоҳ қарокўзни сифорат расми била қўшуб, ҳамул фатҳ муборакбодлиғи учун Бухороға йиборилди.

**Амирулумаро, умдату-л-кубаро, сархайли мукаррам,  
сипаҳсолори муаззам шаҳзода саййид Маҳмуд тўра  
рафаъаллоҳу таъоло аълома шавкатиҳининг сипоҳи  
зафардастгоҳ била қўнгрот ва туркман муонидларининг  
танбеҳи учун Орол диёриға азимат қилғони ва аҳли инод ва**

**арбоби фасодға танбиҳи балиғ ва гўшмоли азим еткуруб,  
фармони олий мужиби била фатҳи азимат қилиб қайтиб,  
даргоҳи давлатпаноҳ мулозаматиға келгани**

Чун кўнгрот муонидларининг айёми иноди ва туркман муфсидларининг замони фасоди имтидод топиб узокға чекти, ҳазрати аъло ҳокони кишварситон ул муонидларнинг ғофил кўнгиллариға огоҳлиғ ва ул муфсидларнинг дасти таъбисиға кўтоҳлиғ 170<sup>б</sup> еткурмак учун ўзининг биродари аржуманди ва ахуйи саодатманди амирулумаро, зубдату-л-кубаро, афзалу-л-аозим, акмалу-л-акорим, гардунжоҳ, кавокибсипоҳ, офтобзамир, афросиёбназир, **маснавий:**

Шаҳи оламнинг иззатлиғ ақоси,  
Хилофат тунининг заррин яқоси.  
Келиб фархунда зоти фаҳри олам,  
Жаноби маржаъи авлоди одам.  
Жабини мазҳари нури сиёдат  
Замири машриқи меҳри саодат.  
Фалакқадру сарафрозу мукаррам,  
Зарринройю сипаҳсолори аъзам.  
Бўлуб лутфи била хуррам сипоҳи,  
Эрурлар хизмати бирла мубоҳи.  
Ҳамиша тут ани ё Раб музаффар,  
Неким коми айласа қилғил муяссар,

аъни, соҳибу-л-эхсон ва-л-жуд шаҳзода Саййид Маҳмуд тўра рафаъаллоҳу таъоло аъломаҳу ва авсала ало мафориқи-л-аъдо самсомаҳу<sup>1</sup>ни ўзига махсус черик била Орол сафариға номзад қилди. Ва яна умаро ва сарҳанглар ва сипаҳдорлардин олийжоҳ рафеъжойгоҳ Шоҳмурод иноқ ва Ибодуллоҳ иноқ бошлиғ бир жамоани ўзларига мутааллиқ навкарлари била ул жанобнинг ҳумоюн рикоби мулозаматиға 171<sup>б</sup> буюрди. Ва ул сафарда лашкар асбобининг саранжоми ва аскар маҳомининг эҳтимоми ва умур машварати ва жумҳурий маслаҳати ва жамеъи воқеа ва ҳодисаларнинг уқдакушолиғи учун давлат арконининг изомидин вазири аъзам, дастури мукаррам, хуршидзамир, осафназир, соҳиби девони аъло, низому-л-мулки ва-д-дунё, донишпаноҳ, бинишдаст-гоҳ, ҳикматмаоб, фаросатинтисоб, афзалу-л-фузало, акмалу-л-кумало, визорати олийнинг сипехри, сидорат тораминанинг меҳри,

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг тухини баланд қилиб, қиличини душманлар бошига етказсин.

ҳазрати аъёнӣнинг пешвоси ва жамеъи сипоҳ ва раоёнӣнг қадрдони ва мушқилкушоси, **маснавий**:

Вазири софрой-у, адлойин,  
Низому-л-мулки ва-дунёи ва-д-дин,  
Рафеъу-л-қадр дастури муқаррам,  
Бинойи салтанатға рукни аъзам,  
Тамоми давлат арқониға меҳтар,  
Жамеъи ҳазрат аъёнӣға сарвар,  
Арасту ҳикмату, байзофатонат,  
Ҳумоюн хилқату, осафдиёнат.  
Етиб ул ҳадға ақлининг камоли,  
Ки оламдур анга тирноқ мисоли.  
Визорат маснадида айлаб ором,  
Бериб олам умурӣға **172<sup>а</sup>** саранжом.  
Бўлуб тадбири бирла мулки Хоразм,  
Бари олам элига мажлиси базм.  
Музайян дониши анвар юзида,  
Мубайян неча маъни ҳар сўзида.  
Мунаввар офтобосо замири,  
Эмас мумкин жаҳон ичра назири.  
Рақам не навъ қилса хомаси фош,  
Хатидин олам аҳли чекмайин бош.  
Бўлуб мулки жаҳон ройидин обод,  
Жаҳон аҳли атову базлидин шод.  
Бари аъло ва асфал ҳолдони,  
Отадек барча элнинг меҳрибони.  
Бировга етмайин озори анинг,  
Тамоми халқ миннатдори анинг.  
Бўлуб андин сипоҳу шоҳ рози,  
Сипоҳу шаҳнаким, Аллоҳ рози.  
Илоҳий, давлатин асру фузун эт,  
Бу давлат бирла умрини узун эт.  
Ки то туз айлабон олам низомин,  
Етурсун барчанинг мақсуду комин,

аъни хужастаманзар, некусияр Муҳаммад Раҳим меҳтар зодаллоҳу иқболаҳу ва ҳассала аъмолаҳу<sup>1</sup>ни ул жанобнинг хизматиға таъйин этти. Ва ул жаноб ҳазрати подшоҳи комёб ва шаҳаншоҳи қамарриқобнинг фармони лозиму-л-имтинони мужиби била сафар

<sup>1</sup> Аллоҳ иқболини зиёда қилсин ва амаллари ҳосиласини берсин.

асбоби ва лашкар яроғи таҳиясидин сўнг 172<sup>б</sup> мазкур йил жумод ул-аввал ойининг ўн тўққузиди, шанба куни ҳазрати аъло ҳоқонининг муборак фотиҳасин олиб, маъмур бўлган умаро ва саркардаларнинг ҳамъинонлиқи била шаҳри Хивақ зайаналлоҳу таъоло би-л-адли ва ан-насақдин<sup>1</sup> чиқиб, аъломи зафарфаржомнинг мунаввар моҳчасин қуёшдек жилвагар ва камардек сайргустар қилиб, Жоник шайх мавзеъидаким, хайма ва хиргоҳ бурунрок бориб барпо ва муҳайё бўлмиш эрди, давлат била нузул этиб, қадами ва вусулидин ул маконға жаннат гулшанидек сарбаландлик берди. Ва анда бир кеча таваққуф кўргузуб ва ярим тунгача ишрат базмин тузуб, тонгласиким, якшанба эрди, андин кўчуб Қўшкўприк мавзеъин муҳайями хиёми давлат ва мазараби сародиқоти савлат қилди. Ва анда дағи бир оқшом маснадоройи истироҳат ва бодапаймойи айшу роҳат бўлуб, сўнгғи кунким, душанба 173<sup>а</sup> эрди, кўчуб Шоҳободға бориб тушди. Анда уч оқшом бўлуб, панжшанба куни ливойи зафарҳавони ҳаракатнамо қилиб, кавкабайи воло била Гурланга етиб, нузул этти. Ва анда лашкар жамияти учун беш кун таваққуф кўргузди ва сешанба куни андин давлат якрониға руқуб қилиб, Бурка отлиғ мавзеъға ворид бўлди ва анда тўрт кун мутамаккин бўлуб, шанба куни кўчуб, Хитой мавзеъиға етиб вусули шарафидин анинг эътибори фарқин гардунсой қилди. Ва бу манзилда дағи уч кун таваққуф воқеъ бўлди. Ва ҳар манзилда уч-тўрт кун ихмол кўргузмакнинг сабаби бу эрдиким, узокдин келатурған лашкариянинг изи етиб, ўрдуйи ҳумоюнға мулҳақ бўлғай. Ва сешанба куни Хитойдин кўчуб, издиҳоми тамом била аъломи нусратфаржомни ҳаракатга киргузуб, ул жаноб Хитой билан Манқит орасидағи ўзининг мулки холиси ва мазраъи васеъиға ворид 174<sup>б</sup> бўлуб, кавкабайи волоға мустақар ва асокири зафаринтимоға муаскар қилди. Ва ул мавзеъда тўққуз кун мутаваққиф бўлди. Ва таваққуфға зоҳирий сабаб ул эрдиким, човдар тоифасининг авбошу ҳаромиларидин бир жамоа туркманлик шарорати жиҳатидинким, аларнинг хабосатасар зотида жибиллий ва мухаммардур, бурунрок иттифоқ била шақоват тақовариға сазовор бўлуб, мамолики маҳрусанинг қирғоғ ва канорида ўлтурған саҳронишин фуқаронинг амволу ағномиға қароқчилик йўсуни била тааддий ва таарруз қўлин еткуруб, бир оз мол суруб ўбасиға келтурмиш эрдилар. Ул жаноб ул жамоанинг орасиға баҳромсавлат ва миррихсалобат ясовуллар йиборди, токим ул элнинг

<sup>1</sup> Аллоҳ таоло адолати ва тартиби билан зийнатласин

кадхудолари иттифоқ била раоёдин олинған молларни ҳар кимда бўлса топиб олиб, жамъ этиб, бир мўйин кам этмай тезрак келтургайлар, то эгаларига топшурилғай ва агар на андак тааттул ва ихмол кўргузсалар, мавкиби кайҳонпўй 174<sup>a</sup> ва асокири нусрат-муосир била ул тоифанинг устига бориб, эл ва аҳшомин тор-мор қилиб, жазойи кирдорлариға гирифтор қилғай. Чун ясовуллар ул жанобнинг фармони давлатмаобини човдар акобириға еткурдилар, алар ул жанобнинг қаҳру ғазаб сатватидин мутаваҳҳим бўлуб, дарҳол ҳумоюн мисолин қабул кўзиға суртуб, истеъжол била мазкур бўлған амволнинг истирдодиға иштиғол кўргуздилар ва оз фурсатда барча амволни жамъ этиб ва ўз навкарларин йиғнаб, инкисори тамом ва эътизори локалом била ул жанобнинг атбабўслиқиға еттилар ва ажзу ниёз ашки жавоҳирин остони ҳумоюн туфроқиға нисор эттилар ва мазкур амволни даргоҳи олий мулозимларининг илкиға топшуруб, авбош ва ҳаромиларнинг журму гуноҳларин тазарруъ ва зорлиғ била тиладилар.

Ул жаноб камоли карамдин аларнинг илтимосларин мабзул тутуб, хурсанд ва масрур қилди ва мазкур манзилдин тўққузланчи кун кўчуб, жумъа куни 174<sup>b</sup> Манқит қалъасининг атрофиға нузул этти. Ул манзилда ул жанобнинг муқарраб ва муътамад мулозимларидин иззатнишон Муҳаммад Ниёз девонбеги неча тевага қанд ва чой юклаб, изидин келиб, ул жанобнинг хизмати шарафин топти ва қанду чойларни назари анвар пешгоҳиға еткурди. Ва ул жаноб аларнинг барчасин ҳамул кеча умаро ва саркардаларға ва сипаҳдорларға тақсим қилиб бериб, шафқат жомидин саршор ва ширинком қилди. Ва ул мақомда икки кеча оромгузин бўлуб, якшанба куни Қипчоқ қалъаси музофотидин Қарожа кўли отлиғ мавзеъға тушулди. Сўнгғи кунким, душанба эрди, андин кўчулди. Ва Қангли мавзеи ва Жайхун қирғоғи ўрдуйи ҳумоюн ва сипоҳи зафарнамунга манзил ва маскан бўлди. Ва сешанба куни дарёдин убур этиб, шимолий соҳилда Ўрпақ балиқ кўлининг ҳаволисин кавкабайи волоға мақарру маъво қилди. Чаҳоршанба куни кўшхонаға тушти. Анда икки ақшом таваккуф кўргузуб, жумъа куни кўчуб, издиҳоми 175<sup>a</sup> маҳшарнизом била Чотли отлиқ мавзеъға ворид бўлуб, асокири зафарфаржомға муаскар қилди. Ва ул мавзеъда баъзи умури мусолиҳий жиҳатидин қирқ беш кун муддатиға қарийб таваккуф ва даранг воқеъ бўлди.

### **Таваккуф айёмидаги вуқуъға етган воқеалар**

## Зикри

Ул жумладин улким, Хўжаэли қалъасининг ҳокими Муртазохўжа бийким, ул ошонда ҳазрати аъло хоқоннинг фармони вожибу-л-изъони мужиби била мазкур қалъанинг ҳаросатиға машғул эрди, ўз ҳолиға лойиқ тухфа ва пешкашлар тартиб бериб, муаскари ҳумоюнга келиб, амирулумаро Тўранинг даргоҳи олампаҳоқ мулозамати шарафиға етти. Ва келтурган ҳадоёсин ул жанобнинг мулозимлари назарига маъруз этти ва отифати беғоя ва марҳамати билониҳояға ихтисос топти.

Яна улким, остони салтанатошиён умаросидин иззатнишон Ҳакимниёз оталиқким, амри олий мужиби била неча муддатдин бери Чинбой қалъасида қароқалпоқия тавойифидин ўн тўрт тоифанинг орасида ҳукумат маснадида мутамаккин **175<sup>б</sup>** эрди, ул дағи муносиб тухфалар муҳайё қилиб, қароқалпоқия акобири била келиб, ул жанобнинг мулозамати давлатидин баҳраёб бўлди ва навозиши беҳисобдин хурсандлиғ ва комёблиғ топти.

Яна улким, олийжаноб, иззатмаоб, шавкаторо амирулумаро Тўра рафаъаллоҳу аълома давлатиҳи ва заййада савлатаҳунинг<sup>1</sup> ҳумоюн самъиға еттиким, қароқалпоқиянинг Қўнгрот кўрғониға ёвуқ ўлтурған икки-уч кўронининг улусиға муфсидлар таарруз илкин еткуруб, Қўнгрот қалъасиға кўчурмак сададидадурлар. Ул жаноб ҳамул элдин муонидларнинг дасти тааддисин кўтоҳ қилмоқ ва кўчуруб кўп элнинг орасиға олиб келмак учун Ҳакимниёз оталиқ ва Муҳаммад Мурод маҳрам бошлиғ умаройи изом ва сипаҳдори киромдин бир жамоани ўзларига мутааллиқ навкарлари била буюрди. Ва алар фармони олий муқтазоси била озим бўлуб, бир неча кун беша ва биёбонни қатъ этиб, издиҳоми тамом, жалодати локалом била **176<sup>а</sup>** мазкур бўлған кўронларнинг устиға етиб, барча асбобу амвол ва аҳмолу асқоли била кўчурдилар ва кўчларига ҳаросат ва ҳимоят кўргузуб, кўп элнинг орасиға еткурдилар. Муфсидларнинг пойкўб ва дастбурди офатидин фориғ ва эмин қилиб қайтиб, амирулумаро Тўранинг жаноби давлатмаоби мулозаматиға етиб, ул жанобнинг навозишу марҳаматидин баҳраманд ва комёб бўлдилар.

Яна улким, ул жаноб умаройи шижоатмаоб ва шужаойи жалодатиктисоб зумрасидин амири равшанзамир Шоҳмурод иноқ ва Ҳакимниёз оталиқ ва Муҳаммад Мурод маҳрам ва Муртазобий

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг давлати байроқларини баланд қилиб, савлатини зиёда қилгай!

ва Авазмуродбий бошлиқ бир гуруҳ муборизатшиор сипахдорни лашкари жаррор ва сипоҳи бешумор била Қўнгрот қалъасидағи аҳли инод ва арбоби фасодға гўшмоли балиғ ва дастбурди азим еткурмак қасди била Қўнгрот жонибиға ирсол қилди. Ва умаройи мазкур фармон мужиби била дабур хайлидек туман биёбон ва чангалистондин убур этиб, казоқия акобиридин Азизберганбийнинг сангарифагим, 176<sup>б</sup> Толлиқ нахрининг аёқида эрди еттилар. Ва андин дағи Маҳмудниёз ясовулбоши ва Азизберганбий кўп лашкар била қўшулуб, издиҳоми тамом ва жамъияти молокалом била аъдойи накбатфаржом дастбурди учун қўнгрот қалъаси сари озим бўлдилар. Иттифоқо, Қўнгрот қалъасидағи ямут ва ўзга муфсидлардин гуруҳи анбуҳ дағи иттифоқ била улуғ лашкар тортиб бориб, Қўнгротдин чиқиб, Азизберганбийнинг сангарифа чаповул урмоқ қасди била мутаважжих эрдилар. Йўл асносида сипоҳи нусратпаноҳнинг қаросин кўруб, кибру нахват юзидин аларни эътибор кўзига илмай, от солиб хужуми тамом била масоф майдониға далирона кириб ҳамла қилдилар. Сипоҳи зафарпарвар дағи жалодат тийғин муборазат ниёмидин чекиб, шижоат якронин муҳораба арсасиға суруб, ажал уқоби янглиғ хунрезлик чангалин очиб, сарафшонлиғ ва жонситонлиғ русумин бурд арсасида намоён этти.

### **Маснавий:**

Муборизларға 177<sup>а</sup> ёв келтурмайин тоб,  
Саросар бутради андоқки, симоб.  
Қочиб қўрғони сари аҳли идбор,  
Нечукким, меҳри рахшондин шаби тор.  
Хазимат топибон ул хайли гумроҳ,  
Нечукким, тунд ел эсгач пари коҳ.

Сипоҳи зафарпарвар аъдойи накбатасарни то қалъаға киргунча қовуб, кўп кишини ўлтуруб, амаллари жазосиға еткурдилар ва кўп амволу асбобға мутасарриф бўлдилар. Ва ямут мақтулларидин Билимверди англиским, инод ва фасод аҳлининг сардори, балки қалъа аҳли умурининг соҳибихтиёри эрди, бу зафар нишонаси учун анинг бошин кесиб олдилар. Ва ҳамул кеча икки жалодатшиор ва таҳоввуросор баҳодирни йибориб, қалъа дарвозасиға ўт бериб, мурожаат қилдилар ва солим ва ғоним амирулумаро Тўранинг мулозаматиға етиб, заррин саруполар кийиб, ул жанобнинг марҳаматидин сарафрозлиғ топтилар. Ва ул жаноб Берди англисининг бошин ҳазрати аъло хоқонининг даргоҳи олийси

остониға 177<sup>б</sup> йиборди. Ва андин сўнг ул жаноб мазкур мавзеъдин ўрдуйи давлатинтисоб била кўчуб, бир манзиллик йўл юруб, бир васеъ бешага тушуб, лашкаргоҳ қилиб, анда баъзи умур масолиҳи учун ўн уч кун таваккуф кўргузди. Ва ул манзилда таваккуф асносида умаройи олийшон кубаросидин муалломакон, иззатнишон амирзода Элтузар иноқ, халафи рашиди амири кабири, жаннатсарир Раҳмонбердибий ҳазрати аъло хоқони гетиситоннинг фармони вожибу-л-изъони муқтазосича бир гуруҳ лашкари жаррор била Хивақ шаҳридин озим бўлуб, амирулумаро Тўранинг ўрдуйи ҳумоюниға кўшулуб, ул жанобнинг кўшуниға ўзга янглиғ зебу оройиш еткурди. Ул жаноб андин сўнг Қўнгрот устига бормоқ иродаси била баъзи ажмол ва асқол ва хайма ва хиргоҳни кемаларга солиб, Ўгузкетган наҳрининг канорида нўкуз халқининг кўрониға йиборди, токим сўнгроқ мавкиби ҳумоюн ва асокири маҳшарнамун била 178<sup>а</sup> рокуб қилиб бориб, ҳамул мавзеъни муаскар қилғай.

Ул аснода муқарраби ҳазрати султоний ва махсуси соҳибқироний давлат ва иқбол ҳамдам Аллоҳберган маҳрам ҳазрати хилофатмартабатнинг муборак ёрлиқин ул жанобға еткурди. Бу мазмун билаким, ул жаноб Элтузар иноқни баъзи лашкария била муфсидлар гўшмоли ва муонидлар танбеҳи учун ул ҳаволида кўюб, ўзи ўзга кўшун била қайтиб, салтанат мажлисининг духули шарафиға мушарраф бўлғай. Ва ул жаноб фармони саодатмаоб мужиби била амал қилиб, Элтузар иноқни ўзига ҳамроҳ борған черик била Нўкузга бориб бўлмоқға йиборди.

Яна умаро ва сипаҳдорлардин Фозилхўжа шайхулислом ва Яькуб маҳрам ва ғайриҳумони ўзларига мутааллиқ навкарлари била анинг мулозаматиға таъйин этти. Ва ул жаноб барча умур ихтимомии ва масолиҳ саранжомидин сўнг шаъбон ойининг йигирма иккисида, шанба куни давлат ва иқбол била мурожаат қилиб, етти кун манзил баманзил суръат била наҳзат кўргузуб, мазкур ойнинг 178<sup>б</sup> йигирма тўққузида, жумъа куни Хивақ шаҳриға келиб, ҳукми олий муқтазоси била ўз давлатхонасида оромгузин бўлди. Бу сафарнинг муддати тўқсон тўққуз кун эрди.

Ва ул овонда ҳазрати аъло хоқони гардунмакон сайр тариқаси била Тунглюкли мавзеъиға бориб, ҳазрати Паҳлавон қуддиса сирруҳу наҳрининг ёқосин қаздуруб, сув очмоқ тамошосиға машғул эрди. Қазув қаздурмоқ ва сув очмоқ ишидин фориғ бўлуб, рамазону-л-муборак ойининг иккисида, душанба куни қайтиб келиб, салтанат саририда ором тутти ва дийдори ҳумоюнӣ

мушоҳадасидин амирулумаро Тўра бошлиғ барча умарову сархайл ва сипаҳдору маориф ва машоҳирнинг дийдаи интизорларин ёрутти ва барчасининг борасида подшоҳона марҳаматлар зухурға еткуруб, олтун гажимлик отлар миндурди ва хусравона навозишлар била иззат ва рифъатлари бошин қуёш бўркидин ошурди.

**Назм:**

Гоят қилиб хусрав дилнавоз,  
179<sup>а</sup> Борин айлади хурраму сарфароз.  
Гаҳи базл ила, гоҳ бахшиш била,  
Гаҳи пурсишу, гаҳ навозиш била.

**Баъзи воқеот зикриким, амирулумаро Тўрайи мазкур  
сафарға озим бўлғандин сўнг даргоҳи хилофатпаноҳ  
мулозимларининг орасида вуқуъға етти**

Ул жумладин улким, даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимларидин қароқалпоқия манқитининг сарвари садоқатпарвари иззатасар Соҳибназарбийким, бурунроқ Хўқанд элчилигига маъмур бўлуб, Худоёрхоннинг олдиға бормиш эрди, Худоёрхоннинг иниси Муҳаммадёрхон Хўқанд вилоятида хон бўлуб, анинг қўшған элчиси Мирза Абулваҳҳоб панжоҳбоши била мазкур йил жумод ус-соний ойининг тўртида, сешанба куни келиб, остонбўслиғ давлатиға фойиз бўлди.

Бу ижмол тафсили улким, Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхон неча муддатдин бери шайтон иғвоси ва нафсу ҳаво иқтизоси била айшу ишратға мойил бўлуб, лаҳву лаъбға иштиғол кўргузди ва салтанат умури ва мамлакат масолиҳидин 179<sup>б</sup> бепарволиғ қилиб, бурунғи роҳу равишин бузди. Охир жамеъи умаро ва раоё ниҳоятсиз тангу малул бўлуб, иттифоқ била иниси Муҳаммадёрхонни салтанат тахтиға миндуруб, ани азл этиб, юртдин чиқариб қовуб йибордилар. Ул Бухороға бориб амир Насруллоҳнинг давлати соясин ўзига паноҳ қилди. Муҳаммадёрхон салтанат саририда мутамаккин бўлуб, мамлакат маҳоми ва сипоҳу раъият саранжомиға иштиғол кўргузди ва умаросидин Абдулваҳҳоб панжоҳбошини элчи қилиб, подшоҳона тухфалар била ихлоснома топшуруб, Соҳибназарбийга ҳамроҳ қилиб, даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға ирсол этти. Ул қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, мазкур бўлған кун келиб суддаи хилофат хокбўслиқи саодатиға истисъод топиб, Муҳаммадёрхоннинг йиборган мувофи-

қатнома ва ҳадяларин ул ҳазратнинг кимёасар назариға одоби тамом била еткуруб, навозишоти мулуконадин сарафрозлиғ топти.

Яна улким, остони давлатпосбон мулозимларидин Отаниёзбек **180<sup>а</sup>** ва Раҳматуллоҳ Қарокўзким, Бухороға сифорат расми била бормиш эрдилар, андоқким мастур бўлди, амир Насруллоҳ аларға ўз умаросидин Раҳматуллоҳ мирохурбошини кўшуб, муҳаббатнома ва подшоҳона тухфалар била даргоҳи давлатпаноҳ сари ирсол этти. Раҳматуллоҳ мирохурбоши аларнинг ҳамроҳлиқи била манозили мутакассирани қатъ этиб, ражаб ойининг йигирма олтисида, сешанба куни атабайи сипехрмартаба зиёрати давлатининг саодатиға мушарраф бўлуб, келтурган мактубу тухфасин давлатмаоб назарлариға еткуруб, навозиши хусравонадин махзуз ва баҳраманд бўлди.

Яна улким, шаъбон ойининг тўртида, сешанба куни фармони олий мужиби била давлати абадмуддат аминлари Хўқанд элчиси Мирзо Абдулваҳҳоб панжохбошиға жаноби салтаннатмаоб мулозимларидин ўн тўрт уруғи қароқалпоқиянинг сархайл ва мунтахаби ихлоспаноҳ Эрназарбийни рисолат расми била масхуб қилиб, муволафат мазмуни била бир мактуб топшуруб, Хўқанд подшоҳи **180<sup>б</sup>** Муҳаммадёрхон жонибиға равон қилдилар.

### **Қўй йилининг вақоеъиким, тарихи хижрий минг икки юз етмиш бешга мутобиқ эрди**

Ул жумладин улким, Наврўздин бир кун сўнг шаъбон ойининг ўн секизида, сешанба куни Бухоро подшоси амир Насруллоҳнинг элчиси Раҳматуллоҳ мирохурбошиға ихлоспаноҳ хизматкорларидин Исмоилбой Хонақоҳийниким, сартия тавойифининг саромади эрди, элчи йўсуни била ҳамроҳ қилиб, муқоватмазмун ва муҳаббатомун мактуб бериб, Бухоро жонибиға азиматнамо ва даштпаймо қилдилар.

Яна улким, моҳи мазкурнинг йигирмасида панжшанба куни умаройи иззатшиор зумрасидин қиёт Муҳаммадёрбий марази табиий била вафот топти. Ҳазрати аъло ҳоқонийнинг инояти хусравонаси анинг амакиси Ортуқ Муҳаммадбекнинг ҳолиға шомил бўлуб, бийлик мансаби била сарбаландлик топти.

Яна улким, шаввол ойининг йигирма иккисида, сешанба куни Бухоро элчиси Мирза Убайд мирохурбоши **181<sup>а</sup>** Исмоилбой Хонақоҳийнинг ҳамроҳлиқи била остони олий хокбўслиқи

шарафиға дохил бўлуб, амир Насруллоҳнинг топшурған тухафот ва супоришотин назари анвар пешгоҳига еткуруб, навозишоти мулукона била шодкомлиғ топти.

**Ҳазрати подшоҳи беаҳмол ва шаҳаншоҳи ҳумоюнфолнинг иқбол қойиди далолати била қўнгрот муфсидларининг танбеҳу гўшмоли, балки аъдо истийсоли учун аъломи нусрат-иштимолини Орол диёри жонибиға ҳаракатға киргузгани ва мавокиби зафармарокибда ва афвожи баҳрамвожнинг дарёйи заххор янглиғ тамаввуж била бало селидек ул диёрға ворид бўлуб, шижоат тиғининг барқафшонлиғи ва саромат тўпининг гулулапарронлиғидин мутаҳассинларга қиёмат куни ошубин кўргузгани ва баъзи умури ажибанинг зухурға етгани ва ул ҳазратнинг аркони давлат илтимоси била Орол кишваридин мурожаат этгани**

Гузориш оламининг кишваркушоси ва нигориш жаҳонининг мамлакатороси, яъни хомаи жалодатнишон **181<sup>б</sup>** саҳифа майдонида бу янглиғ сайру суръат аён қилурким, чун қўнгрот муфсидларининг иноди фурсати ва ямут мутамарридларининг фасоди муддати истимрор ва имтидод топа бошлади ҳазрати султони нусратнишон пешбинлик юзидин мулоҳаза қилдиким, туғён ва исён аҳлининг дафъида мусолаҳа қилмоқ ва мамлакат умурининг низомида муколаҳа кўргузмак ҳазм ва эҳтиёт расмидин йироқ, ақл ва дониш қоидасидин узоқдур. Ложарам, қўнгрот муфсидларининг қалъу қамаъи қасдин пешниҳод хотири хатир қилиб, Орол юруши азмин жазм қилди ва лашкари жаррор ихзори учун мамолики меҳрусанинг жамиъи билоди амсориға бодрафтору сарсаршиор хабарчилар ирсол қилиб буюрди то ихлососор вакиллар ва сиддиқосор саркорлар сафар асбобининг таҳияси ва ҳарб олотининг тажлиясиға иштиғол кўргуздилар.

#### **Маснавий:**

Эшитгач хабар лашкари кинахоҳ,  
Бўлуб шодлиғлар била рў ба роҳ.  
Келиб ҳар тарафдин гуруҳо гуруҳ,  
**182<sup>а</sup>** Бўлуб ҳар биридин аён юз шукуҳ.  
Қилиб барчаси шоҳ жанобиға майл,  
Нечукким қилур майл дарёға сайл.  
Анингдек бўлуб жамъият ошкор,

Ки қилди жаҳон кенг фазосин тор.

Чун лашкар ижтимои саранжомидин ва сафар яроғи эҳтимомидин фароғ ҳосил бўлди ул ҳазрат ўзининг иззатшиор ва сиддиқосор ақоси зубдату-л-кубаро, мушфиқу-л-фуқаро, жамолу-д-давла ва-д-дин, амирулумаро Саййид Маҳмуд Тўра заййадаллоҳу адлаҳу ва эҳсонаҳуни<sup>1</sup> ўз наёбатиға муқаррар қилиб, мазкур бўлган йил зулқаъда ойининг иккисида, панжшанба куни қуёш тулуъидин сўнг бир соатнинг ичидаким, ҳукамойи замон эътимоди била бағоят масъуд эрди, давлат қадамин ғайрат рикобиға еткуруб, шижоат маркабиға руқуб қилди ва хизматидағи ҳозир умаро ва сипоҳ била хуршиданвор ахтари хайли орасида жилвагар бўлғандек, шаҳри Хивақ ҳафизаллоҳу таъоло би-л-адли ва-н-насақ<sup>2</sup>дин чиқиб, суръати тамом била йўл азиматиға хиром кўргузди.

### Назм:

Суруб шоҳи жаҳоноро таковар,  
**182<sup>b</sup>** Бўлуб азм айламакда суръатовар.  
Юзидин фош ўлуб нури саодат,  
Қуловузлик қилиб иқболу давлат.  
Аламлар оллида чун қомати ёр,  
Қилиб жилва бўлуб нусрат амалдор.  
Сипоҳининг ғубори мушксоси,  
Бўлуб гардун кўзининг тўтиёси.  
Шитобидин бўлуб бурж ларзон,  
Шуқуҳидин фалак аҳли ҳаросон.

Мундоқ жамшидона шавкат ва хуршидона наҳзат била чошт чоғи Жоникшайх<sup>3</sup> қариясиға ворид бўлуб, андағи қасри дилкушо ва Боғи жаннатосоғаким, ул ҳазратнинг мулки холиси эрди ва ўзининг мулкоро ҳукми бонийсининг баннолиғи била тоза бино топмиш эрди, нузул этиб, ҳумоюн мақдами шарафидин анинг кунгурайи рифъатин гардуносо ва аршфарсо қилди. Ва ул ҳазратнинг азми савлати ва қаҳри ҳайбатидин ямут жамоасининг хотириға ваҳм ва ҳарос ғолиб бўлуб, мўътабар кадхудоларидин Ҳасанбек ва Бахши вакил бошлиғ пеш ва муҳрдор ва соҳиби эътибор кадхудоси ҳамул манзилда келиб, арз мавқиғиға ҳозир бўлуб, **183<sup>a</sup>** инкисори тамом ва изтирори локалом била илтижо ва илтимос кўргуздиларким: “Биз жамоа бурунғи исён ва густохлигимиздин нодим ва пушаймон

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг адолати ва яхшиликларини зиёда қилгай!

<sup>2</sup> Аллоҳ уни ўз адли ва низоми билан ҳифзу ҳимоятида тутгай!

<sup>3</sup> Ҳозирги Чанашиқ.

бўлуб, эмди хизматкорлик ва жонсипорлик қавоидин камоҳаққиқ изҳор қилмоқ орзусидадурмиз. Бизларга меҳрибон бўлуб, вазири аъзам, мушири муаззам, соҳибу-с-сайфи ва-л-қалам<sup>1</sup> олийнажод Ҳасанмурод қўшбегини қўшунг токим, анинг ҳамроҳлиғи била Хонобод мавзеида ўлтурган ямут устига борали ва ул жамоанинг баъзи нодон ва қалтабонлариғаким, сархайли арбоби исён Отамуродхоннинг иғво ва тарғиби била Қўнгротға бориб, сардафтари асҳоби туғён Муҳаммад Паноҳхонға фасоду инод амрида ёрлиғ ва мададкорлиғ кўргузадурлар, ўз кирдорлариға лойиқ таъдибу гўшмол еткурали. Ва барча отлиғларин ўзумга ҳамроҳ қилиб, Кўхна Урганч ва Арнак кири устидан юруб, от йўлидан ўтали. Ва Қўнгрот қалъасининг атрофу жавонибиға чаповул уруб, кўз кўргудек бир хизмат зухурға еткуруб, **183<sup>б</sup>** ўрдуйи ҳумоюн Қўнгрот қўрғонининг муҳозисига еткан аснода рикоббўслиқ шарафиға восил бўлуб, жонсипор хизматкорлар қаториға қўшулали”.

Агар чандеким, ул ҳазрат ул муфаттин ва безътибор тоифанинг бир сўзда росих ва барқарор ва бир ваъдада собиту устувор тура олмаслигин тажрибайи имтиҳон юзидин билур эрди, аммо вақт муқтазоси била аларнинг муддаолари сийнасиға дасти рад урмай ва таманнолари жабҳасиға чини кудурат еткурмай, илтимосларин мабзул тутуб, Ҳасанмурод қўшбеги ва Ортуқбий ва Раҳматуллоҳ ясовулбошини аларга сархайл қилиб, ямут халқи устидин юрарға рухсат берди.

Ва ул ҳазратнинг ўзи мазкур манзилдин жумъа куни ўрдуйи аъло ва кавкабайи ҳайратафзо била наҳзат ливосин жилванамо қилиб, Шоҳобод қалъасиға баҳоросо нузули файзидин беҳишт қасридек дилкушолиғ еткурди. Анда бир кеча бистароройи тавакқуф бўлуб, **184<sup>а</sup>** тонгласи шанба куни кўчуб, издиҳоми тамом ва дабдабайи саодатфаржом била озим бўлуб, Гурлан қалъасининг шимолий жонибида дарёйи Жайхун канориға етиб, Бобо Али отлиғ бузрукворнинг қадамгоҳиким, дарёнинг машҳур маъбаридур, мазраби боргоҳи давлатилтизом ва мақарри сародиқоти сипехр-эҳтишом қилди. Ва фармони олий мужиби била бурунроқ ҳамул маъбарда фалакрафтор жунглар ва ҳилолвор кемалар беҳадд жамъ бўлмиш эрди, ҳукми воло ишорати била сарбоз ва шамхолчи ва пиёда навкар тавойифи ҳамул кемаларға миниб ва аксар аҳмол ва

---

<sup>1</sup> Қилич ва қалам эгаси.

асқолни юклуб, “фи-л-фулки-л-машхун”<sup>1</sup> мазмунин зухурға еткуруб, Жайхун юзидин яғоч бодполарни мақсад жонибиға сурдилар. Ва ҳамул мавзеда салтанат боргоҳининг махсуси ва муқаррибларидин садоқат ва шижоаттавбам Аллоҳберган маҳрамга мавқифи жоҳу жалолдин фармони лозиму-л-имтисол иззи асдор топтиким, Чимбой қалъасиға бориб, ул атрофдағи ўн тўрт урук **184<sup>б</sup>** қароқалпоқияга юруш асбобин ва уруш яроғин мухайё ва омода қилдуруб, кавкабайи воло Хўжаэли ҳаволасиға етганда, ўрдуйи аьлоға еткургай ва сўнгғи кун ул ҳазратнинг ўзи сипоҳи нусратпаноҳ била марокиби бодпоймоға рукуб қилиб, “мин мислиҳи ма йаркабун”<sup>2</sup> муқтазоси била дарёнинг жанубий тарафи ва ҳомун фазосидин равон бўлди.

### Назм:

Тутуб хайл шаҳ баҳр ила бар юзин,  
Нужум, уйлаким, чархи ахзар юзин.  
Сикандар киби кўргузуб қатъи роҳ,  
Чекиб баҳр ила барча хайлу сипоҳ  
Тушуб азмидин даҳр аро растахез,  
Қилиб оллидин бир фитна хайли гурез.

Мундоқ душмангудоз дабдаба ва дўстнавоз кавкаба била Оққум ва Хитой сарҳадиға нузул этиб, андин кўчуб Юмриға тушулди. Ва андин наҳзат қилиб, Қипчоқ қалъасининг юқорисида Қарияқа отлиғ мавзеға ворид бўлуб, бир неча асокири нусратмуосирға муаскар қилилди. Андин кўчуб Қанглиға тушулди ва андин рукуб қилиб, Лавдон **185<sup>а</sup>** наҳрининг саққосиға ва андин Хўжаэли музофотида дарё яқосиға ва андин Кўпкема отлиғ манзилға нузул қилилди. Ва ул манзилда чобукдаст ва суръатпараст мулозимлардин Вайсниёз маҳрам ва Иноят маҳрам дарёнинг каноридағи қалин дарахтлар ва жангалларни қатъ этиб ва баъзи ўзаклар ва наҳрларнинг саққосин кўмуб, афвожи қиёматасар бетасдеъ ва безарар маътал бўлмай, мурур этгудек йўл тузатурға маъмур бўлдилар. Ва тонгласи кавкабайи воло ҳамул мавзедин ҳаракатнамо бўлуб, Арисоқой наҳрининг тўшида Бекёфининг саққосиға тушулди. Ҳамул манзилда барча кўшун била фалаквусъат ва сарсарсуръат кемаларга миниб, дарёнинг шимолия

<sup>1</sup> فِي الْفُلْكِ الْمَشْحُونِ (“...тўла кемада...”, “Ёсин” сураси, 41-оят)

<sup>2</sup> مِّن مِّثْلِهِ مَا يَرْكَبُونَ (“...ўша (кемага) ўхшаш (от, туя) каби минадиган нарсалар...”, “Ёсин” сураси, 42-оят)

жонибиға ўтулди. Ҳамул маконда Шукурберди шайх Кўҳна Урганчдин келиб ямут халқининг шарорати зотий муқтазоси била ваъдалариға хилоф қилиб ва қиёматгача остидин чиқа олмағудек бидъат зиллатин бўйинларига олиб, қўшбеги бекнинг тевалариға чаповул уруб **185<sup>б</sup>** кетгани ва қўшбегининг хизматида ямутиядин киши қолмагани хабарин ҳазрати ҳадиви душманшикорнинг хумоюн самъиға маъруз этти.

Бу воқеа баёни улким, чун Ҳасанмурод қўшбеги ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Ортуқбий Жоникшайх қариясида ҳазрати аъло хоқонийнинг фармони вожибу-л-изъони била ямут кадхудоларига ҳамроҳ бўлуб, ул тоифа оломонин жамъ этмак учун Ғозиобод қалъасиға бориб туштилар, сўнгги кун Бадркентда Назар вакилнинг уйига нузул эттилар.

Тонгласи қутбу-л-авлиё раъсу-л-атқие ҳазрати Исми Маҳмуд ота алайҳи ат-таҳията ва-с-санонинг марқади мунаввараси зиёратиға етушуб, ўнбегининг уйига туштилар ва анда икки ақшом бўлуб, учунчи кеча Измухширда Сари сардорнинг манзилида истироҳат қилдилар.

Маълум бўлсунким, ҳар манзилда ямут ҳаромиларидин ўғирлик ва саркашлик ва кўп қабих ҳаракатлар зуҳурға етар эрди, аммо вақт муқтазоси била қўшбеги ани тағофил ва иғмоз **186<sup>а</sup>** пардаси била пинҳон етар эрди. Ва тонгласи Ҳилолий қалъасининг қибласида Искандар Оқий паҳлавоннинг уйига нузул эттилар. Ҳамул кун барча ямут акобири жамъ бўлуб, қўшбеги бекнинг ҳузуриға келиб, иттифоқ била аҳду паймонни онт ва иймон била муаккид қилдиларким, барчамиз кўнглумизда ҳар навъ гина ва кудурат бўлса, ушбу кун чиқардук. Эмди соф кўнгул ва ориғ ният била ҳазрати подшоҳи карамдастгоҳга қабул тушгудек хизмат қилғумиздур. Ул мажлисда Хонободдағи ўлтурған ямутиядининг кадхудолари отиға хат ёзиб, муҳрларин босиб, пайғом йибордиларким, “Бизлар худ барча гуноҳ ва исёнимиздин тавба қилиб, подшоҳи исломпаноҳ итоатин вожиб билиб, ихлос била хизмат қилмоқға эътиқод била бел боғладук. Агар сизлар дағи бизларга қариндош бўлсангиз ва бизнинг била бориш ва келиш умидингиз бўлса, бизга мувофақат кўргузуб хизматға келинглар. **186<sup>б</sup>** Токим, бу хизмат воситаси била журму исёнларингиз жаридасиға афву иноят рақами чекилиб, марҳамати подшоҳонаға сазовор отифати хусравонадин бархурдор бўлғайсиз”.

Ва бу воқеалардин сўнг Қўшбеги бек ва ясовулбоши жамъ бўлган оломон била кўчуб, Ҳилолийнинг ошоқида Кафчақум отлиғ мавзеъга тушуб, бир кеча таваққуф кўргуздилар. Тонгласи андин озим бўлуб, қалъали қародошлу тоифасининг орасиға бориб нузул эттилар. Андин кўчуб, зулқаъда ойининг ўн тўртида, душанба куни Кўхна Урганчга бориб қалъанинг бошида ҳазрати султону-л-орифин бурҳону-л-кошифин зубдату-л-авлиё шайх Нажмиддин Кубро куддиса сирруҳ ул-азизнинг<sup>1</sup> муборак мақбараси жавориға тушуб лашкаргоҳ қилдилар. Учунчи кунким, чаҳоршанба эрди Хонободдағи ямутларнинг барча кадхудолари Ўда эшонни олдиға солиб, Қўшбеги бекнинг хизматиға келиб, **187<sup>a</sup>** сув тиламак бобида кўп мунозара ва муболаға кўргуздилар. Панжшанба куни қўшбегининг кенгаши била барча мутаваққиф бўлуб, бир аризадост ёзиб, анга барча муҳрларин босиб, сув илтимос этмак учун Одина Алихон ва Назар вакил ва Балам оталиқни ҳазрати хоқонийнинг остони давлатошиёниға йибормакчи бўлуб турган ҳолда бир ғавғо пайдо бўлди. Ул ғавғо сабаби бу эрдиким, ул аснода ямут оломони шарорати жибиллий ва шақовати ғаризий муқтазоси била пешбинлик ва намакхўрлик риоясидин таанни ва тааммул кўзин юмуб, Қўшбеги бекнинг тевалариға чаповул уруб, барчасин сурдилар ва Кўхна Урганч фуқаросидин дағи икки-уч ўғлонни асирлик қайдиға чекиб, бир кишига оғир захм еткуруб, ўбалари жонибиға юз урдилар.

Бу воқеадин сўнг тарокима тавойифининг барча акобиру кадхудолари дағи Қўшбеги бекка истеза ва аъроз юзидин дедиларким: “Бизларни яхши сийласанг **187<sup>b</sup>** ва ҳар отлиғ бошиға ҳар кун тангадин қўнуқ берсанг, оломонни яна йиғнаб келтурурмиз, йўқ эрса, бизлар дағи хизмат қилмақға ярамасмиз” – деб бу сўзни айтиб, қўшбегидин рўйгардон бўлуб, қўшларни кўчуруб, ўз масканлари тарафиға равон бўлдилар ва кўрнамаклик балосин бошлариға солиб, “суду-л-важҳи фи-д-дорайн”<sup>2</sup> мазмуниға мувофиқ икки жаҳон қаролиқин бўюнлариға олдилар.

#### Назм:

Бермагил ножинсга ҳаргиз кўнгул,  
Ким фидо жон этсанг ўлмас дўст ул...<sup>3</sup>  
Нонинг ўлса бўлғусидур ошно,

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг азиз сирларини муқаддас тутгай!

<sup>2</sup> “Икки дунёда юзи қора”.

<sup>3</sup> Шу ўринда мулоҳаза қилиниб, бир байт табдили берилмади.

Йўқса тишлаб жисмингга солғай яро.  
Жаҳлу ғафлат не бори одат қилиб,  
Не мусулмонлиғ, не кофирлиғ билиб,  
Гар алар ҳар ерда бўлса мўътабар,  
Амниятдин қолмағай анда асар.

Бу воқеайи ҳайратафзо ва бу ҳодисаи ваҳшатнамо вуқуъидин сўнг кўшбеги бек ҳазму эҳтиёт риоясин маръий тутуб, кўшин **188<sup>a</sup>** кўчуруб, Кўҳна Урганч қалъасининг ичига киргузди. Ва бу воқеаларға муштамил бир аризадошт ёздуруб, ани Шукурберди шайх топшуруб, ҳазрати ҳадиви комкорнинг даргоҳи фалакмадориға ирсол қилди. Ва Шукурберди шайх ул аризани кавкабайи воло дарёдин ўтган ерига бориб ҳазрати аъло хоқонийнинг ҳумоюн мутолаасиға еткурди, андоқким, собиқан мазкур бўлди. Ул ҳазрат эҳтиёж ва дурандешлик юзидин бу кулфатасар хабарни ўрду ва лашкар орасида шуҳрат бермай Кўшбеги ўз мулозаматидағи лашкар била “биз кўнгротдин қайтиб келгунча Кўҳна Урганчда бўлсун” деган мазмун била бир хат топшуруб, Шукурберди шайхни ҳамул манзилдин қайтарди. Андин сўнг ул ҳазрат ўрдуйи ҳумоюн ва сипоҳи маҳшарнамун била кўчуб, Қорабойли наҳрининг саққосиға тушти. Ва фармони олий мужиби била ҳамул кун оломон кўшу кўшланглари била мазкур наҳрдин ўта бошладилар. **188<sup>b</sup>** Ва ҳамул манзилда Аллоҳберган маҳрам ўн тўрт уруқи қароқалпоқиянинг барча отлиғ ва пиёда черикин жамъ қилиб, ўрдуйи аълоға келтуруб, рикоббўслиғ саодатиға истисъод топти. Ва сўнгғи кун мавкаби ҳумоюн Қаробойли наҳридин ўтуб шимолий канориға нузул этти. Андин кўчуб Шўрқочув сўйининг канориғақим, анда амри олий мужиби била олийшон, рафеъмакон, амирзодаи офоқ Элтузар иноқ, умаро ва сипаҳдорлардин Фозилхўжа шайхулислом ва Қаробаҳодир мироб ва котли Бобобек ва Атониёзбек ва Муҳаммад Яъқуб маҳрам била бир фавж лашкарга бош бўлуб, неча муддатдин бери Кўнгрот қалъасининг атрофу жавонибиға чаповул уруб, илғор тариқаси била ётмиш эрдилар, нузули ижлол воқеъ бўлди.

Маоний баҳриға вақт заврақин сургучи фаҳму фатонат аҳлининг замойириға бу сўз гавҳари пўшида қолмасунким, ҳамул мавзеъда дарё уч бўлак **189<sup>a</sup>** бўлуб, ҳар бири бир тарафга оқар:

Бири Шўрқочувдирким, етти-секиз йилдин бери Жайхуннинг икки ҳисса сувин чекиб, улуғ дарё бўлуб орқа тарафга оқиб Ўгуз отлиғ ўзакка кўшулуб, андин сўнг яна кунботар жонибға айланиб,

Қўнгрот қалъасига икки фарсахлик ёвуқ бориб, яна кўхна дарёга кўяр.

Яна бири Қиётёрған наҳридурким, қибла кунботарга айрилиб, от йўли тарафига оқар.

Яна бири Кўхна дарёдурким, мазкур бўлган икки наҳрнинг ўртасидин ва Қўнгрот қалъасининг остидин оқар ва ҳамул мавзеъда дарё орқа тарафга айланур.

Ва сўнгги кун мазкур манзилдин издиҳоми тамом била Шўрқочувдин ўтуб, Кўхна дарё била Шўрқочувнинг ўртасига кўшулди. Ҳамул ерда икки кеча мутаваккиф бўлуб, барча лашкарияни кема била Шўрқочув сўйидин ўтқариб бўлғандин сўнг кўчуб, мазкур бўлган Ўгуз наҳрининг дарёга **189<sup>б</sup>** қуйган мавзеъга нузул қилилди. Ва лашкар аҳли дарҳол фармони вожибу-л-имтисол мужиби била ҳамул наҳрдин дабур хайлидек убур этарга машғул бўлдилар. Ва ул наҳрнинг сўйи Шўрқочув сўйи кўшулган жиҳатдин андоқ иштидод ва эҳтидод била оқар эрдиким, андин ўтарда лашкариядин бир киши ва бир от сузуридин ўзин соҳилга еткура олмай талаф бўлди. Ва ул маконда ишорати олий муқтазоси била кодирандоз тўпчилар тўбларни нишонага отиб, орзулари ўқи мурод ҳадафига тегиб, инъоми подшоҳонадин баҳраманд бўлдилар.

Сўнгги кун Ўгуз наҳридин ўтуб тушулди ва сўнгги кун андин кўчуб Нўғай отлиғ мавзеъга тушулди. Ва бу тариқада бир неча кун қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, зулқаъда ойининг йигирма учида, панжшанба кун алолалар фалакфарсо била Қўнгрот музофотиға етиб, ғавғойи қиёматнамо била муфсидлар қалъаси ёвуқиға нузул этилди. Ва ул мавзеъни **190<sup>а</sup>** кавкабайи ижлолға мустақар ва асокири зафараштимолға муаскар қилиб, боргоҳи гардунмисол ва хиргоҳи нусратмаол куббасин меҳру моҳ қамасидин ошурдилар.

Тонгласиким, жумъа эрди ҳазрати аъло хоқони гетиситон ўз нафси била шижоат якрониға рукуб қилиб, шужаойи жалодатшиор ва тўпхонаи майманатосор била ўрдуйи ҳумоюндин чиқиб, қалъа муҳосараси қасдиға озим бўлди. Ул чоғда қалъа муфсидларидин тамоми ўзбак ва ямут баҳодирларининг палид димоғлариға кибру гурур ели йўл топиб, лашкари зафарасарға муқобил бўлуб, муҳораба қилмоқ муддаоси била дарёдин убур қилиб, муаскари ферузийасар жонибиға келур эрканлар. Йўл асносида умаройи изомдин Шоҳмурод иноқ ва Муҳаммадмурод маҳрамғаким, кўклан ва човдар черики била муқаддимаи сипоҳ бўлуб илгари борур

эрдилар, учраб, ясов ясаб уруш ва талош, савош ва фархош амрига қиём кўргуздилар. Ва бу тараф муборизлари 190<sup>б</sup> дағи суфуфи зафарвукуфни ораста қилиб, масоф майдониға жалодат якронин суруб, қитол ва жидол расмин туздилар.

#### Маснавий:

Қилиб эллар икки тарафдин ситез,  
Солиб наърадин даҳр аро растохез.  
Суруб барқдек рахш майдон аро,  
Ғуборидин айлаб жаҳонни қаро.  
Чекиб бир бири қасдиға тиғи кин,  
Кириб ларзага ҳайбатидин замин.  
Бўлуб гарм хангомайи герудор,  
Аён ўлди ошуби ошкор.

Бу хабар ҳазрати подшоҳи зафарпарварнинг самъи саодатасариға етгач, жалодатгустар саркардалардин қипчоқ Ҳакимниёз оталиқ ва қўнгрот Бобобекни барча қароқалпоқ лашкари била аъдо шаррининг дафъиға буюрди. Маъмурлар фармони қазожараён мужиби била саёлат рахшин басолат жодасиға суруб, ўзларин балойи ногаҳонийдек муҳораба майдониға еткуруб, андоқ далерона ва мастона ҳамлалар қилдиларким, аъдойи гурезпой ани мушоҳада қилғач, жон хавфи бошлариға тушуб, ғурур шароби мастлигидин 191<sup>а</sup> айилдилар. Ва номус юзидин андақ карру фарр қилиб, шужаоъи рустамсифатнинг мутавотир ҳамалотиға тоқат келтура олмай, охируламр ҳазимат воситаси била жонларин омон қутқармоқни ғанимат англаб, маъракаи корзордин юз эвурдилар ва изтирор маркабин фирор номусгоҳиға сурдилар. Қуталойи шижоатпайвандким, мундоқ фурсатнинг орзуманди эрдилар, фасод ва инод аҳлин барқу боддек таоқиб қилиб, андоқ қатлу кин ишиға илик урдиларким, кўкракни шамшир шерининг алафи ва ажал ўқининг ҳадафи қилиб, адам гурезгоҳиға еткурдилар. Ва ўқ захми ва қилич зарбидин қутулғанлари жон ваҳмидин от ва яроқларин ташлаб ўзларин дарёга урдилар. Ва “уғриқў фа-удхилў нārā”<sup>1</sup> ҳукми била сув йўлидин дўзах ўтиға дохил бўлуб, “жазā’ан бимā кāнў йа‘малўн»<sup>2</sup> фаҳвоси била амаллари жазосин кўрдилар. Ва ҳамул урушда сарандозлик ва жонбозлик кўргузган баҳодирлардин

<sup>1</sup> أُغْرِقُوا فَأُدْخِلُوا نَارًا (“...ғарқ қилиниб, (сув балосидан сўнг яна) оловга киритилдилар, “Нух” сураси, 25-оят)

<sup>2</sup> جَزَاءِ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ (“(Бу) улар қилиб ўтган амалларнинг мукофотидир”, “Ахқоф” сураси, 14-оят)

човдар **191<sup>б</sup>** Холдурди баҳодир ва Болтабой баҳодир бошлиғ бир неча киши калла келтуруб, инъомоти хусравонадин сарафроз бўлдилар. Ҳамул кун ҳазрати шахриёри душманшикор сипоҳи жаррор ва издиҳоми тамом била қалъа устига бориб, умаройи номдорнинг ҳар бирига ўзининг махсус навқари била булжор таъйин этиб, суфуфи саодатвуқуфнинг баранғар ва жаванғарин шужаойи жалодатшиорнинг вужуди нусратнамуди била безаб буюрди. Жонбоз шамхолчилар ва қодирандоз тўпчилар эртадин кечгача тўпу занбурак отмоқда андоқ саъй ва кўшиш расмин такдимға еткурдиларким, қалъа аҳлининг бошиға бало барқин ёғдурдилар. Ва ҳамул кун бўлғандин сўнг мавкиби воло ўрдуйи аълоға мурожаат қилиб, тонгласи яна кавкабайи тамом ва издиҳоми зафарфаржом била муҳосара амриға иқдом кўргузуб, тўпандозлик ва оташбозлик ишида андоқ саъ-ю эҳтимом қоидасин **192<sup>а</sup>** зухурға еткурдиларким, ўқ зарбидин қалъа девори ғирбол масаллик муштабик ва буржу борулар рабти маҳсурларининг доғлик сийнаси чокидек мунфак бўлди. Ва қалъа аҳлидин кўп кишининг жисми ажал ўқиға ҳадаф ва жони бало ва ано шиканжасида талаф бўлуб, ҳеч киши қалъадин бош чиқаролмай, балки кўча ва кўйларда юриёлмай ул ҳолға етдиларким, сичқон масаллик кулба қазиб, ер остида макон эттилар.

#### **Маснавий:**

Етиб қалъа аҳлиға ул навъи ҳол,  
Ки тебранғали қолмайин эҳтимол.  
Чиқарса агар қалъадин бошини,  
Бошидин жудо кўргуси лошини.  
Қатиғ бошларин сақламоқға омон,  
Қилиб ўзларин ер тубида ниҳон.

Ва сўнгги кун ҳукми олий муқтазоси била аснофи лашкария ва анвоъи навқария қалъанинг кунчиқар дарвозаси муқобаласида бир баланд саркуб кўтардиларким, гардун ҳисорининг буржиға даъвойи мусоват қилур эрди. Ва анинг устига чиққан кишиға қалъа оёқ остида намоён бўлуб, агар бир мўр **192<sup>б</sup>** тебранса кўринур эрди.

#### **Байт:**

Бу рифъат бирла ани кўрган одам,  
Гумон этгай фалак бомиға суллам.

Ишорати воло мужиби била тўпхонайи ҳумоюн саркорлари ҳамул саркуб устига икки тўпи раъдошуб чиқариб, чобукдастлик била тўпандозлик амриға иқдом кўргузуб, осмондин қалъа

жонибиға тавотир расми била юлдуз янглиғ оташин гулулалар ёғдуруб, ҳамул шайтанатасар муфсидларга “ва жа‘алнāхā ружўман ли-ш-шайātйн”<sup>1</sup> муқтазоси била оташандоз уқубатин ошкор эттилар. Тўп оғзининг хайбатлиғ садосидин “ва нуфиха фи-с-сури”<sup>2</sup> фахвосин зухурға еткуруб, тийра дудунинг осмонфарсолиқидин ҳамул шақоватпарвар мутамарридларга “йавма та’ти-с-самā’у би духāнин мубйн”<sup>3</sup> муддаоси била қиёмат кунин намудор қилдилар. Ва қалъа аҳли жон ваҳмидин фирор этгудек макон топмай “йақулу-л-инсāну йавма’изин айна-л-мафарру”<sup>4</sup> мазмуниға қойил бўлуб, камоли тангликдин “хāзā йавмун ‘асирун”<sup>5</sup> афғонин фалаки асир кўрғонидин **193<sup>а</sup>** ошурди.

### Назм:

Очиб оғзини тўби осмонкуб,  
Садосидин солиб оламға ошуб.  
Дамидин еткуруб ўт осмонға,  
Шарарлар сочибон ушбу жаҳонға,  
Қалин дуди куёш юзи ниқоби,  
Вале хасм аҳлиға офат саҳоби,  
Тагаргосо дамодам ёғдуруб ўқ,  
Қилиб аьдо вужуди сабзасин йўқ.  
Босиб барча инод аҳлини қайғу,  
Оқиздилар кўзидин йиғлабон су.  
Илик ювдилар ул су бирла жондин,  
Ошурдилар фиғонин осмондин.

Агар чандеки, мутаҳассин бўлган жамоайи боғия ва тоифайи тоғиянинг ҳоллари бағоят саъб ва мушкул бўлди, аммо ғазаби султоний ва сахати аьло хоқонийдин мутавахҳим бўлуб, жон хавфидин ҳисордин ташқари чиқиб, истимон ва мутобаат мақомиға келмадилар. Қалъа матонати ва хандақ ҳасонатига эътимод этиб, кесак остида ўлмакка кўнгул кўюб, милтуқ оғзидин бошқа оғиздин асло садо чиқармай, ҳеч важҳ била такаллум қилмадилар. Ўн кун муддатиғача ҳар кун ҳол бу минволда ўтуб, **193<sup>б</sup>** тўб гўлуласининг

<sup>1</sup> وَجَعَلْنَاهَا رُجُومًا لِلشَّيَاطِينِ (“ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар килиб қўйдик”, “Мулк” сураси, 5-оят)

<sup>2</sup> وَنُفِخَ فِي الصُّورِ (“Сур(най) чалингач, уларнинг барчаларини тўплаймиз”, “Қаҳф” сураси, 99-оят)

<sup>3</sup> يَوْمَ تَأْتِي السَّمَاءُ بِدُخَانٍ مُّبِينٍ (“Сиз осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кутинг”, “Духон” сураси, 10-оят)

<sup>4</sup> يَقُولُ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ أَيْنَ الْمَفْرُ (“ана ўша кунда инсон “(Жазодан) қочадиган жой қаерда?” – деб қолур”, “Қиёмат” сураси, 10-оят)

<sup>5</sup> هَذَا يَوْمَ عَسِيرٍ (“Бу оғир Кундир”, Қамар сураси, 8-оят)

ва шахмол шалангининг мутаботир ва мутаоқиб рафту омадидин ўзга ҳеч тарафдин бориш ва келиш расми воқеъ бўлмай, фалак золи ҳар субҳидам мажруҳлар ҳолиға шафақдин қон йиғлаб, мақтуллар мотамида анжумдек ашкафшон бўлур эрди.

### Мухосара айёмида воқеъ бўлган воқеот зикри

Ул жумладин улким, кавкабайи воло Қўнгрот музофотиға дохил бўлғандин сўнг, муфсидлар эҳтиёт юзидин кемаларин йиғнаб, қалъа дарвозаси олдида дарё қироғида боғлаб қўймиш эрдилар. Ҳазрати аъло хоқонийнинг ишорати лозиму-л-башорати била қароқалпоқия лашкаридин бир гуруҳи дарёшукуҳиким, шижоат бешасининг диловар паланги ва жалодат дарёсининг шиновар наҳанги эрдилар, ўзларин дарёйи заххорға моҳийвор ташлаб, шино дастурлиқи била сув юзидин дабур хайли убур этгандек, бир турфату-л-айн ичра бориб, дарвоза олдидағи боғланиб турган мазкур кемаларидин эллик уч кемани **194<sup>а</sup>** суруб, назари анвар пешгоҳиға келтурдилар.

Ва ҳазрати подшоҳи баландиқболнинг дасти дарёнаволи гавҳарафшонлиғидин ва муддаолари киштиси гаронбор бўлуб, абнойи жинси орасида қуёшдек имтиёз ва эътибор топдилар. Аммо кемаларнинг танобин кесиб олур аснода қароқалпоқия баҳодирларидин қангли Абдибийга қалъадин отилган ўқлардин бир ўқи коргар тегиб, шаҳодат шаробин ичиб ҳамул мавзеъда беҳуд бўлуб йиқилди. Ул аснода аркони давлат акобиридин шижоатпаноҳ, жалодатдастгоҳ, муборазат аҳлининг қўлдоши Абдуллоҳ мингбоши ҳамул воқеани мушоҳада қилиб, Раҳмонберган юзбоши бошлиғ беш-ўн йигит била ҳамият юзидин ғайрат раҳшиға маҳмиз бериб, барку бод янглиғ тунду тезлик била ўзларин қалъа дарвозасин олдиға еткуруб, мазкур бийнинг дарё канорида ётган жасадин кўтариб, ўрдуйи ҳумоюнға олиб келдилар.

Яна улким, ҳамул айёмда Орол диёрининг **194<sup>б</sup>** буғдой ва арпаси пишиб, баъзиси ўрулуб хирмон қилилмиш эрди ва кўк-экинлари дағи кўкариб, баъзиси етилмиш эрди. Лашкария аснофи қасду кин юзидин “изроран ли-л-муфсидин”<sup>1</sup> ўруб ва тугуб олдилар ва қолғанин поймол қилиб, саҳл вақтда дарёнинг шарқий жонибидағи мазраълар зироатин тамом қилдилар. Ва дарвоза олдидағи жамъ бўлган хирманларға дағи офат барқи шуъласин

<sup>1</sup> “Фасодчиларга зарар етказиш учун”

еткуруб, муфсидларнинг умид анборхонасин маҳрумлиғ хокистаридин тўлтурдилар.

Яна улким, аркони давлат акобиридин Маҳмудниёз ясовулбошим, кўп муддатдин бери ҳукми ҳумоюн мужиби била дарё аёқидағи қазоқия машоҳиридин Азизберган баҳодирнинг кўрониға бориб, баъзи човдар оломони била илғор йўсунлиғ ётиб, Қўнгрот қалъасининг атрофу жавонибиға пайдарпай чаповул урар эрди, мулозаматидағи човдария ва қазоқия улусининг тануманд ва шижоатпайванд баҳодирлари **195<sup>a</sup>** била остони давлатмаоб хизматиға келиб, рикоббўслиғ шарафидин сарбаланд ва комёб бўлди.

Ва яна улким, умаройи изом ва кубаройи сипехрэхтишом саромадидин Шоҳмурод иноқ ва Маҳмудниёз ясовулбоши ва Муҳаммад Мурод маҳрам бошлиғ барча аркони давлат ва аъёни ҳазрат иттифоқ била ҳазрати аъло хоқони кишварситоннинг ҳузури комилу-с-сурури хизматиға жамъ бўлуб, некандешлик ва давлатхоҳлик юзидин кенгаш ва маслаҳат тариқаси била арз қилдиларким: “Дарёнинг шарқий жонибидағи мазраъ экинлари билкулл тамом бўлди ва муҳосара муддати дағи узоқға чекти. Ва қалъа ҳам девор баландлиги ва хандақ чуқурлиқи жиҳатидин ниҳоятсиз матин ва ғоятсиз ҳасиндур. Бовужуди мунча ҳисонат агар сипоҳи журъатнамой ва шужаъойи кишваркушой, қалъагирлик қасди била атрофу жавонибдин ҳужум кўргузуб, ғайрати мафвур била югурсалар, давлати қоҳира мадади била бир ҳамлада қалъа мафтух бўлуб, **195<sup>a</sup>** зафар шоҳиди жилвагар бўлур. Аммо ҳар қалъаким, қаҳру ғалаба била мусаххар бўлса, яқиндурким, кўп бошлар кесилиб, кўп қонлар тўкулгай. Бас, ақлан олдидин маълумдурким, мунингдек юз қалъанинг фатҳи сипоҳи нусратпаноҳ афродидин бир нафарнинг зотиға нуқсон етмакига арзимас. Агарчи, ҳоло қалъа аҳли ҳазрати соҳибқироннинг қаҳру ғазаби шиддатидин кўркуб, амон талаби била қалъадин чиқмаслар, аммо мавкиби ҳумоюн ва кавкабайи қиёматнамун муҳосара таркин топуб қалъа устидин кўтарилса, қалъа аҳли муфсидлар жафоси ва қаҳати ғалла балосиға тоқат қилолмай, иншооллоҳ, тездурким, Муҳаммад Паноҳхон бошлиғ жамеъи фасод ва инод аҳлин тутуб ва бошларин кесиб тухфа йўсунлиқ даргоҳи олампаноҳ туфроқиға еткургайлар ва қалъа фатҳи бетасдеъ ва бетараддуд муяссар бўлғай. Ва Орол мулки яна бурунғидек ҳавзайи тасарруфға киргай. Аммо

“ал умуру мархунатун би авқотиҳа”<sup>1</sup> мазмуни муқтазоси била вақтиға мувофиқдур. Эмди муносиб давлат улдурким, **196<sup>a</sup>** ва “интазиру ила-л-вақти фи-л-умури”<sup>2</sup> ҳукмининг фаҳвоси била мавқуф бўлган вақтға кўз тутуб, қалъа устидин кўчуб, дарёнинг ғарбий жонибиға ўтулса, ҳамул тарафидин ошоқға озим бўлуб, манзил баманзил ҳамул жонибдағи экинларни поймол ва нобуд қилиб, Қазоқ дарёси саққосиға еткандин сўнг яна дарёнинг шарқий жонибиға ўтуб ва Чинбой қалъаси устидин давлат қойидининг раҳбарлиги била мустақарри салтанат сари мурожаат қилилса.

Ҳазрати подшоҳи исқандаршавкат аркони давлатнинг бу маслаҳатинким, айни савоб эрди, қабул қилиб, қалъа устидин кўчмак руҳсатин берди.

Иттифоқо, ҳамул аснода дарёнинг аёқидағи ва тенгиз қироғидағи қароқалпоқия сарварларидин Мулла Маҳмудбийнинг сангаридин мундоқ хабар келдиким, тенгиз ичида ва дарёнинг тенгизга қуятурған ерида ўрус кофирларининг уч нафар ўтучани узоқдин мушоҳада қилилди. **196<sup>b</sup>** Гумони ғолиб улдурким, дарёға кириб, бу жонибға келмак сададидадур. Ҳазрати аъло хоқоний бу хабари ваҳшатасарни эшитгач, дарбори фалакмадор мулозимларидин ихлос ва жалодаттавъом Иноят маҳрамни дарёнинг аёқиға ирсол қилди. Тоқим, ул жонибға бориб тажассус ва тафаххус қилғай. Агар учанлар келгани рост бўлса, учан аҳли била сўзлашиб, не муддао била келганин билиб келғай.

Ул ҳазратнинг ўзи дағи ҳамул кунким, муҳосара муддатининг ўн бирланчи куни ва зулҳижжа ойининг иккиланчиси, душанба куни эрди, мазкур маҳрам кетгандин сўнг ҳазму эҳтиёт юзидин қалъа устидин ўрдуйи кайҳонпўйни кўчуруб, аҳмолу асқол, бўнаву ўғруқни ва пиёда лашкарни кемалар била дарё ичидин йибориб, ўзи жамеъи отлиғ сипоҳ била дарё соҳилидин ошоқ жонибға юруш қилди.

Ва Кўба тоғиға ёвуқ етган аснода ул ҳазратнинг махсус ва муқарриб мулозимларидин Исмоил маҳрамким, пешхонайи давлат-**197<sup>a</sup>** нишонани бир неча кемаға юклаб илгарироқ кетмиш эрди, узоқдин дарё ичида уч учанни кўруб келиб арз қилдиким, “инак, ўруснинг уч нафар ўтучани дарё ичидин бу тарафға келадур”. Бу хабардин сўнг бир оз йўл юруб, кавкабайи воло Кўба тоғиға етканда учанларнинг аламлари кўрунди. Ул аснода ҳазрати аъло

<sup>1</sup> “Ишлар ўз вақтлари билан гаровға олинган”.

<sup>2</sup> “Ҳар бир ишда ўз вақтини кутинг”.

хоқоний буюрдиким, барча умаройи шижоатшиор ва асокири жарораат тўпларини дарё канориға элтиб сафларин ораста қилиб, омода ва тайёр бўлиб турғайлар. Ул ҳазратнинг ўзи беш-ўн отлиғ маҳрам била Кўба тоғининг устига чиқиб тамошо қилмоқ учун таваккуф кўргузди. Ул чоғда бир гургонли ямутниким, Қўнгрот қалъасидин ўрдуйи ҳумоюнға бир фосид хаёлға тушуб, жосуслиқ расми била келмиш эрди, лашкариядин бир киши тутуб, арзи мавқифиға еткурди ва фармони қазожараён мужиби била ани кўклан Берди Мухаммад баҳодир сиёсати 197<sup>б</sup> подшоҳона учун уқубати тамом била ўлтурди.

Чун қаро черикларнинг кўзи учанға тушти, кўнгулларига андак ваҳму ҳарос етушди. Бу жиҳатдин Баноту-н-наъш янглиғ кам-кам паришонлиғ кўргузуб сафлариға тазалзул ва ясовлариға тахалхул еткура бошладилар. Ул ҳазрати баҳромсавлат ва мирриххайбат муҳассиллар буюриб, черик жамияти силкига яна бурунғидек инъиқод берди.

Ва яна фармони олий мужиби била умаройи гардунэхтишом зумрасидин Шоҳмурод иноқ ва Мухаммад Мурод маҳрам ва Абдуллоҳ мингбоши бошлиғ барча саркардалар ўзларига мутааллиқ навкарлари била дарё канориға бориб, учанларнинг муқобаласида ясов ясаб, тўпларни ўқлаб ҳайбати тамом била оромгузин бўлдилар. Яна сархайли киром жумласидин Ҳакимниёз оталиқ ва Ибодуллоҳ иноқ ва Бобобек валади Солиҳ оталиқ ишорати султон муқтазоси била ўн тўрт уруки қароқалпоқия черикин ва гурлан ўзбаки жунудин 198<sup>а</sup> жамъ этиб, дарёнинг орқа жонибиға ўтуб, учанларнинг муҳозисида издиҳоми маҳшаринтизом била саф тутуб, “ва-л-жибāла автāдā”<sup>1</sup> мазмунича тоғдек ором кўргуздилар. Ва яна ҳукми олий имтисоли била ўн минг чоғлиқ қодирандоз мерган ва шамхолчи гардунмисол кемаларга миниб, сув юзидин келиб учанларға муқобил бўлдилар.

#### **Маснавий:**

Тутуб лашкари шоҳ сахро юзин,  
Не сахро юзин, балки дарё юзин.  
Анингдек аён эттилар издиҳом,  
Ки қўл ювди рус аҳли жондин тамом.

<sup>1</sup> وَالْجِبَالِ أَوْتَادًا (“Тоғларни эса (Ерни тутиб турувчи) қозиклар қилиб қўймадикми? “Набаъ” сураси, 7-оят)

Алқисса, сипохи нусратпаноҳ тўрт тарафдин хужум этиб, учанларни ўртаға олиб ҳазрати аъло хоқонийдин рухсат тиладилар. Тоқим, барча бирдин қасд қилиб, бир ҳамлада учанларни вайрон ва кофирларни жаҳонға келмаганлар била яқсон қилғайлар. Ул чоғда ўруслар бу ҳолни кўруб, учанларни дарёнинг ғарбий қироғига еткуруб, лангар ташлаб турдилар. Ва тўпларни зарурат юзидин отмоқ учун учанлар ичида курдилар. **198<sup>б</sup>** Ва жон ҳавлидин бир бири била видоъ қилишиб, омон талаби била нола-ю назр садосин сипехрасар зурвасидин ошурдилар.

Ул ҳолда арқони давлат ва аъёни ҳазрат маслаҳат юзидин арз мавқифида туруб, илтимос кўргузуб дедиларким, уруш амрида қистанмай аввал учанларға киши йибориб, ўрусларнинг сўзин эшитилса ва муддаолари не эрқанин билиб, андин сўнг анга яраша иш этилса, подшоҳлиғдин бағоят муносибдур. Ул ҳазрат умаронинг илтимосин қабул қилиб, учанларға элчилик тариқаси била киши йиборди. Ўруслар тазарруъ-ю зорлиқ ва гиряву беқарорлиғ кўргузуб дедиларким: “Русия подшоҳи ушбу подшоҳ била мувофақат кўргузуб, ҳамиша икки тарафдин элчи йиборишиб, бир бири била сидку ихлос юзидин дўстдурлар. Бизлар ул жиҳатдин икки юртни бир юрт фаҳм қилиб, ушбу воқеадин беҳабар сайр тариқаси била **199<sup>а</sup>** бу жонибға гузар қилдук. Бизларнинг ҳеч киши бирла ишимиз йўқтур. Агар ўлсак ҳам киши бирла савош ва талош қилмасмиз”.

Умаройи изом бу сўзини эшитгандин сўнг яна ул ҳазратдин илтимос қилдиларким, уруш ва талошдин дам урмай мундоқ тазарруъ ва тахашшуъ била маъзурат кўргузган халққа озор еткурмак мурувватдин эрмасдур. Бас, аларға дахл қилмаслиғ улуғлиқдин муносиб кўринур. Ул ҳазрат камоли азиматдин умаронинг мултамасин мабзул тутуб, сипохи нусратгоҳға учанлар қасдин қилурға рухсат бермади ва буюрди, то ўрдуйи кайҳонпўйнинг барча кемалари учанларға ёндашиб ўттилар. Учан аҳли асло жойидин тебранмади. Кемалар ўтуб тамом бўлгандин сўнг шижоатнишон саркардалардин Ҳақимниёз оталиқ ва Ибодуллоҳ иноқ ва Бобобекка фармони олий содир бўлдиким, қароқалпоқ ва Гурлан черики била учанларнинг атрофида туруб қайси тарафға **199<sup>б</sup>** юруш қилганин билиб, кечрак қайтиб ўрдуйи аълоға келсунлар. Ва ул ҳазратнинг ўзи ўзга сипохи жаррор била йўлга равона бўлуб, Субарбийнинг қалъасиғаким, атрофиға сув бормиш эрди, мавкиби саборафтор била бориб, мухайями хиёми

давлатсор қилди. Ҳамул кун намозшомдин сўнг Ҳакимниёз оталиқ ва Ибодуллоҳ иноқ ва Бобобекким, ўзлариға мутааллиқ сипоҳ била учанларнинг қайси тарафға юруш қилганин маълум этмақ учун қолмиш эрдилар, муаскари зафарасарга келиб, учанларнинг юқори жонибға азимат қилгандин хабар бердилар.

Маълум бўлдики, учанларнинг кишиси уч юз нафардин ва тўпи олти сондин зиёда эрмас эркан. Тонгласи якшанба куни қуёш тулуъидин сўнг мазкур манзилдин кўчуб, барча тўпларни ва жамеъи аҳмол ва ақшолни кемаларға солиб йибориб, ул ҳазратнинг ўзи саманди бодпоға руқуб **200<sup>а</sup>** қилиб, жуюши дарёхуруш ҳамроҳлиқи била пешин вақтиғача сув ичидин масофапаймолиғ қилди.

Воқеъоти ғариба жумласидин улким, иттифоқо, ҳамул ошонда Тенгри таъоло қудрати била дарё суви талотумхез ва сув мавжи тарокимангиз бўлуб, сув ул масобада тоштиким, дарёнинг икки соҳилидин ошти, балки неча йиллар сув етмаган биёбонларнинг пасту баландиға бирдек туташти. Назар аҳлиға илиқ аёсича қуруғ ер намудор бўлмай, ер юзида Нуҳ тўфонининг туғёни ошқор бўлди.

#### **Маснавий:**

Сув андоқ беҳаду андоза тошиб,  
Баланду пастға яксар туташиб.  
Қолиб сув остида кўху биёбон,  
Аён ўлди магар ошуби тўфон.  
Халойиқ нечаким кўз солса ўтру,  
Кўзига бўлғуси маръий қаро су.  
Бўлуб йўл қатъида ҳайрону музтар,  
Ки сув тутмиш жаҳон аҳлини яксар.

Аммо сув туғёни лаҳза-лаҳза баланд бўлур эрди ва аксар сипоҳ ва лашкар отларининг аёқи гоҳи лойға ва гоҳи чуқурға ётиб йиқилур эрди ва ўз- **200<sup>б</sup>** лари дағи бошдин аёқ балчиқға булғаниб, сувға эзилур эрди.

#### **Назм:**

Отлари балчиғ устида ётиб,  
Ўзлари сарбасар сувға ботиб.  
Гаҳ ётар эрди, гаҳ турарлар эди,  
Кўргулик не эса, кўрарлар эди.

Ул жумладин фазилат арбобининг акрами ва давлат арконининг аъзами ва подшоҳий мажлисининг надим ва маҳрами, иззатнишон Муҳаммаджонбекким, Фаҳмий лақаби била машҳур-

дур, оти лойға ботиб йиқилди, ўзи ҳам от устидан йиқилиб лойға булғанур бўлган чоғда Исмоил мирохурким, агарчи ҳайъати ва қомати ниҳоятсиз хурд ва паст эрди, аммо чобукликда ғоятсиз зўр забардаст эрди, ул ҳолда огоҳ бўлуб, беки мазкурни балчиғқа ботмасидин бурун камоли чувликдин бир кўли била кўлтукидин тутуб, юқори кўтариб турди, яна бир кўли била отни лойдин чиқариб ани отлантурди.

### **Байт:**

Кишига ҳамроҳ ўлса марди чолок,  
Анга йўл офатидин йўқ турур бок.

**201<sup>a</sup>** Ҳамул аснода ҳазрати аъло хоқоний йўл бошлағучи қароқалпоқ йўлчиларни муборак ҳузурига талаб қилиб, итоб юзидин мундоқ хитоб қилдиким, “Мунча сонсиз оломонни қор янглиғ ҳадду гаронсиз сувлиғ йўлидин не учун бошлади?”. Алар хавфу изтироб била бу тариқа жавоб бердиларким: “Ўткан кун бу ерларда асло бир қатра сув асари йўқ эрди, иттифоқо, Тенгри таъолонинг қудрати била дарё суви андозасиз тошиб, икки кун муддатида олам юзи сартосар бу янглиғ каронасиз тенгиз бўлуб турур ва чун суви ичи била масофат қатъи этмакдин ўзга чора йўқ эрди”.

Ложарам, оташқадам бодполарни оҳиста-оҳиста сув сатҳиға суруб, Ямончанок отлиғ дарёнинг бир иғирмиға етушган чоғда ўрдуйи аълонинг кемалари дарё юзида намоён бўлди. Ҳамул маконда ҳазрати зиллиллоҳи олийшон шаҳзодалар ва гардунтавон амирзодаларнинг мансабдор аморатшиорларидин Элтузар иноқ **201<sup>b</sup>** ва Султон Маҳмудбий ва Боғибек бекларбеги ва махсус маҳрамлар била музайян қайиқларға миниб, дарё ичидин равон бўлди. Ва барча умаро ва сархайлларға буюрдиким: “Биз илгари бориб, бир сувсиз ер топсақ, анда туруб тўп отдурурмиз. Оломон тўп овозин эшитиб, ҳамул ерга борсунлар, фармон мужиби била барча умаро ва лашкарнинг зўровар янглиғ баҳри ахзар ичига кириб, кўшиши бесамар била азиматгустар бўлдилар. Аксар жойда отлар ярим фарсах, балки бир фарсах, масофат миқдори юзар эрди.

### **Байт:**

Юруб кўк сувора анвоъи лашкар,  
Фалак баҳрида мисли хайли ахтар.

Ушбу ҳол била Қутлук эшоннинг яғочлиқиға етган аснода лашкариядин бир оз киши адашиб, Азизберганбийнинг сангари жонибиға кетдилар. Ва ўзга жунуди номаъдуд, жуюши

дарёхурушни Эрмухаммад чехраоғаси бошлаб, Қазоқ дарёсининг саққосиға қараб, гоҳ чўмуб, гоҳ юруб машаққати бениҳоят била йўл қатъиға азимат **202<sup>a</sup>** кўргуздилар. Пешиндин сўнг Қазоқ дарёсининг саққосиға ярим фарсах миқдори ёвуқ борған чоғда бир тепага еттиларким, устида тахминан икки таноб ерга сув чиқмамиш эрди. Саркардалар ҳамул ерга нузул этиб, ҳар соат эзилган либосларин қурутурға машғул бўлдилар. Ул чоғда Қазоқ дарёси саққосидин тўп овози келди. Халойиқ билдиларким, ул ҳазрат анда бормишдур. Андин сўнг барча умаро ва акобир ул ҳазратнинг хизматиға бормоқчи бўлуб кўрдиларким, ўтруда бир улуғ арна оқиб дарё янглиғ мавж урадур. Андин ўтолмай ҳайрон бўлуб турган чоғда ул ҳазратнинг жонбоз муқаррибларидин хусусияттавъом Авазниёз маҳрам бир барқсуръат заврақға миниб, сув юзидин ели чобукидек елиб, саркардаларнинг қошиға келди. Ва дедиким: “Ҳазрати аъло хоқоний Қазоқ дарёсининг саққосида қайиқ ичида ўлтурубдур, асло ҳамул тарафда аёқ босғудек **202<sup>b</sup>** қуруғ ер йўқтур. Ул ҳазратнинг амри олийси буким, ушбу ерда қўшун тушгудек имкони бўлса, тушуб оломонни сўнгғи етушгунча таваққуф қилинлар ва етушган лашкарни келган кемаларга миндуруб, иккилантурмай йиборинлар”.

Бу сўзни айтиб яна ул ҳазратнинг хизматиға муовадат кўргузди. Андин сўнг барча умаро ва уламо ва саркардалар қози Юсуф эшон ва Мухаммад Солиҳ раис ва вазири осифсияр Мухаммад Раҳим меҳтар бошлиғ ҳамул маконда оромгузин бўлуб, фармони вожибу-л-изъон муқтазоси била амал қилдилар. Ва ул ҳазратнинг ўзи Қазоқ дарёсининг саққосида кун ботгандин сўнг яна уч соатгача қайиқ ичида туруб ва машъаллар ёктуруб, келган оломонни ўз кўзи била кўруб, мазкур дарёнинг ичи била ўткариб йибормакка машғул бўлди. Бу сафинайи маъонийоро маллоҳларининг хоотири баҳри махотириға пўшида қолмасунким, Қазоқ дарёси Кўҳна дарёдин айрилиб, кунчиқарға **203<sup>a</sup>** қараб оқадур. Бу чоғда дарё суви беандоза тошиб, икки қироғидин тизза бўйи юқори ошиб, аксар мавзеъларда дарё дағи маълуму мафҳум бўлмас эрди. Ул ҳазрат чодир қурғудек қуруғ ер талаби била ҳамул дарё ичидин кема била кишилар йибориб, кўп жустужўдин сўнг чаҳоряк фарсах илгарида беш-олти тўпа топтиларким, ҳар бирининг устида уч-тўрт чодир қурғудек қуруғ ер бор эди. Ул ҳазрат боргоҳ ва саропардани анда йибориб, ҳамул тўпаларни асокири давлатмуосирға муаскар қилди ва кема била келган оломон

дағи мазкур тўпаларға бориб, отлари сув ичида туруб, ўзлари тўпаларининг устида ўлтурур эрдилар.

Ва ул ҳазрат ҳамул оқшом кечадин уч соат ўтгандин сўнг тамкини тамом била мазкур тўпаларға бориб, давлат хаймасида оромгузин бўлди. Тонгласиким, душанба эрди ул ҳазратнинг ўзи яна сабосуръат заврақға етиб, камоли шафқат ва марҳаматдинким, **203<sup>б</sup>** азиму-ш-шон подшоҳларнинг одати лозимидур, ўрдуйи хумоюндин келиб Кўҳна дарёға кириб лашкария аҳлининг аҳволидин хабардор бўлмоқ ва аларға шафқати подшоҳонадин баҳрабордор қилмоқ учун таваккуф қилиб, буюрди то хизматидағи ҳозир мулозимларидин Паҳлавон Мушарраф ва Соат така бошлиғ бир неча чобук ва ғайратли йигитлар кемачиларнинг устига ясовул бўлуб, мазкур саркардаларнинг изидин келган лашкарини маътал қилмай ўткармакда саъйи машкур ва жаҳди мавфур зухурға еткурдилар. Фармони лозиму-л-имтинон мужиби била Элтузар иноқ ва Боғибек бекларбеги ҳам ўз мулозимлари била дарёнинг кунботар қироғига ўтуб, оломонға мадад еткуруб, кемаларни тез ўткарурга машғул бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг ўзи қайиқ била пешин чоғи муаскари хумоюнға бориб, пешин намозин ўқуғандин сўнг яна келиб, намозшомғача лашкар ўткармакға иштиғол кўргузди.

### **Байт:**

Гар тушар **204<sup>а</sup>** ўз бошиға оламда ҳар одам ғами,  
Лек шаҳ бошиға тушгай жумлайи олам ғами.

Ҳамул кун бир кема ғарқ бўлуб, икки от ва Абдуллоҳ мингбошининг Қурбонажз отлиғ бир туғмаси адам гирдоби остида макон туттилар. Ўзга халойикни бодрафтор қайиқлари барқдек чувтлик била бориб, ҳалокат вартасидин омон қутқардилар. Ва ул ҳазрат кеч яна қайтиб келиб, ўрдуйи хумоюнда истироҳат кўргузди. Ва тонгласи сешанба куни тафҳис қилиб кўрдиким, келган лашкари аснофи ва навкария анвоъи кўшун тушган тўпаларға сиғмай, барчаси сув ичида аёқ устида тик турмишлар. Андин сўнг улуғ боргоҳ била пешхонае кемага солиб, Султон Маҳмудбийнинг келган оломониға бош қилиб, Бўзкўл отлиғ мавзеъға йиборди. Токим, бурунроқ бориб анда боргоҳи сипехриштибоҳни барпо қилдуруб, кема била борған лашкарияни ул маконда йиғнаб алар аҳволиға саранжом бериб ўлтурғай.

Маълум бўлсунким, Бўзкўл Чинбой **204<sup>б</sup>** қалъасининг тавобиъидиндур. Ва анда ҳануз сув бормамиш эрди ва анинг била

ушбу манзилгоҳ бўлган тўпаларнинг ораси тўрт фарсахлик масофатдур. Аммо йўли саросар тенгиз янглиғ кўк сув эрди. Ва ул ҳазрат қароқалпоқ сардорларидин баъзиға буюрди, токим кема била келган оломонни мазкур тўпалардағи ўрдуға тушурмай, бошлаб Бўзкўлга олиб борғайлар. Андин сўнг ўзи махсус маҳрамлар била миниб, Кўхна дарёға кириб ўз назарида оломон ўтқарурга машғул бўлди. Бу кун ҳам намозшомда қайтиб мазкур тўпалардағи хайма ва хиргоҳ ва саропардаларни ҳам кўчуруб, барқхиром заврақларни **205<sup>a</sup>** сарсар янглиғ сув юзидин суруб, намозшомдин бурунрок муборак қадумин Бўзкўл манзилиға еткуруб, душанбадин то жумъағача Искандардек сув сатҳида юруб, жумъа куни Ҳақ таъоло инояти била сувдин чиқиб қуруғ ер кўрди. Ва ҳузури комилу-с-сурури шарафидин боргоҳи гардуништибоҳнинг рафеъ манжуқин қуббайи Уюқдин ошурди. Ва барча лашкария дағи омон ва эсон сувдин чиқиб, ҳамул мавзеда жамъ бўлдилар. Ул ҳазратнинг мунча ғайрат ва жалодати ва давлатининг рифъат ва қуввати бу миқдор адувсиз оломоннинг андоқ ҳудудсиз тенгиздин омон чиқмоқиға сабаб бўлди. Йўқса, агар андак мусолаҳа қилилса, лашкариянинг ўндан бири ҳаёти кемасин офат гирдобидин нажот соҳилиға чиқара олмас эрди. Давлат зўрлиқининг нишонасидурким, мунча мавфур лашкардин андоқ чуқур сувда бир киши ва йигирма чоғлиғ отдин бошқа ҳеч нимарса зойиъ бўлмади. Агар дағи ўзининг ва эгасининг **205<sup>b</sup>** сиёсатлиқ ва бепарволиқидин талаф гирдобида қолди.

#### **Маснавий:**

Худо шаҳға лутфу иноят қилиб,  
Ато-ю карам бениҳоят қилиб.  
Насиб этти мундоқ сафар ранжини,  
Искандар киби баҳру бар ранжини.  
Бу ишдур хирад олдида бегумон,  
Барру баҳр не фатҳ этардин нишон.  
Ки, то кўрмайин баҳру бар меҳнатин,  
Киши билмагай салтанат лаззатин.  
Тажорибғаким, топса огоҳлиғ,  
Ангадур мусаллам шаҳаншоҳлиғ.

Ва мазкур мавзеъдин тонгла, жумъа куни жамияти тамом ва савлати молакалом била кўчулуб, Ражаббийнинг боғига тушулди. Ҳамул манзилдин кўчар ҳолда қароқалпоқ баладлари лашкарияға деб, айдиларким: “Ушбу ердин то олдимиздағи манзилға борғунча сув йўқтур ва йўл ҳам қум ва узокдур. Ҳар киши ўзи ичгудек бир оз

сув кўтарса яхшироқдур”. Черик аҳликим, сувнинг кўп ранжу озорин кўриб, ниҳоятсиз мутанаффир ва безор бўлмиш эрдилар, дедиларким: “Эзилган либосларимизни сиқиб сувин ичсак ҳам, бир кунлик **206<sup>a</sup>** ва икки кунлик чўлдин омон чиқармиз”. Бу сўз билад сув кўтармай, йўлга равона бўлдилар. Иттифоқо, ҳамул кун ҳаво ҳарорати ниҳоятсиз баланд бўлуб, жаҳонни танур янглиғ қиздурмиш эрди. Аксар оломон ярим манзиллик масофат қатъидин сўнг чўллаб, ниҳоятсиз ҳавл ва танглик билад қўшға келдилар ва баъзиси келолмай созоқларнинг соялариға бориб йиқилдилар. Иттифоқо, умаройи аъзамдин Фозилхўжа шайхулисломким, бир зарурий иш сабаби билад кейинда қолмиш эрди, чўллаган оломонни кўриб, ул ҳазрат Ражаббийнинг боғиға тушгандин сўнг издин келиб ҳол суратин тақрир қилди.

Ул ҳазрат камоли шафқат ва ғоят лашкаргоҳ ичида мунодий қилдурдиким: “Ҳар киши йўлда қолган одамларнинг олдиға сув элтиб, отиға ҳар киши миндуруб келтурса, марҳамати подшоҳона ва инояти мулуконадин сарафроз ва мумтоз бўлғусидур”. Бу нидони **206<sup>b</sup>** эшитгач, ғайратлиғ ва ҳимматлиғ йигитлар қувватлиғ ва жалодатлиғ отларға миниб, машку митҳаралар билад сув еткуруб, барча ташна қолганларни отлариға миндуруб келтурдилар. Ҳамул кун воқифи кавн ва зу-л-фаҳми ва-л-имтиёз, қошифи румузу-л-ҳақиқати ва-л-мажоз, муншийи балоғатнишон Паҳлавонниёз девонким, мирзабошлиғ мансаби олийси билад сарафроздур, ҳамул чўлда қолиб олдиға сув йиборилса, келтурилган оломоннинг ададин хатга олурға маъмур бўлмиш эрди. Ул дедиким: “Хат юзидин беш юз киши ҳисоб силкига кирди. Агар ҳамул кун ҳазрати подшоҳи баҳру бар ва султони фуқаропарварнинг дарёйи марҳамати тамаввужи ул жамоаға саршорлиғ еткурмаса эрди, барчаси ажал жомининг шарбатин ногузин ложуръа сипқарур эрди”.

#### **Маснавий:**

Илоҳи, қилиб шоҳ умрин узун,  
Ниҳоятдин эт давлатин фузун.  
Ўтур чархдин қадрининг поясин,  
Айирма улус бошидин соясин.  
Муроди юзин қил намоён анга,  
Не мушкул **207<sup>a</sup>** эрса, айла осон анга.

Ҳамул сафарда гоҳо дарё суви ичра масофат қатъи шиддатидин ва гоҳо саҳро чўли қатъида ҳаво ҳарорати хирқатидин

шоҳу сипоҳға ҳар кун гуногун субутлар ва ҳар лаҳза ранго-ранг машаққатлар юзланиб, “ас-сафару қитъатун мина-с-сақари”<sup>1</sup> мазмуни жилвагар бўлди.

Ва ҳазрати зуллилоҳи мазкур манзилда бир кеча таваккуф кўргузуб, тонгласиким, шанба куни ва қурбон ийди эрди кўчуб, Чинбой қалъасиға кавкабайи ҳайратафзо била нузул этиб, бир кеча истироҳат масканида бистаророй бўлди ва сўнгги кунким, якшанба эрди, Чинбойдин кўчуб барча аснофи лашкария ва анвоъи навкарияға “ва йанқалибу илā аҳлихй масрӯрā”<sup>2</sup> фаҳвоси била тушлуқ тушидин уйлук уйига бориб, тезрак аҳлу авлодиға кўшулмоқ рухсатин бериб, Давлатназарбийнинг қалъасиға келиб, ани бир кеча ўрдуйи саодатасарға мустақарр қилди. Душанба куни андин наҳзат кўргузуб, Наҳри Ҳалаж канориғаким, ани Кўкўзак ва Қувончёрма ҳам дерлар, **207<sup>б</sup>** афвожи баҳрамвож била келиб нузул этти ва ҳукми олий мужибби била ҳамул маъбарда кўп кема бурунроқ келиб жамъ бўлмиш эрди, сипоҳи нусратпаноҳ ҳамул кемаларга миниб, отларин ёланғочлаб сувға солиб, ипидин тутуб ўткардилар ва андин ўтарда бир-икки от мамот гирдобига ғарқ бўлди. Ва андин кўчуб сешанба куни Бештўпа мавзеъиға келиб кўшулди ва андин азимат самандиға рукуб қилиб, чаҳоршанба куни Ориқ балиқ кўлини канориға нузули баҳорий файзидин жаннат гулзоридек тоза тароват еткурулди.

Ва ул мавзеъда ҳукми ҳумоюн имтисоли била вазири волонажод Ҳамзод кўшбеги ва Ортукбий ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши Кўҳна Урганчдин келиб, остони давлатошиён мулозамати шарафидин комёб бўлуб, навозиши хусравонадин комронлиғ топдилар. Ва ул ҳазрат мазкур манзилдин давлат ҳамъинонлиқи била азимат кўргузуб, панжшанба куни Хўжа кўлининг қироғига нузул шарафи вусулидин **208<sup>а</sup>** беҳишт боғидек файзу назорат еткурди. Ва ишорати олий муқтазоси била давлати абадмуддат саркорлари ўрдуйи ҳумоюн Чинбой қалъасидин кўчар куни ул ҳаволидағи қароқалпоқ раоёсидин уч юз ароба олиб, улоғлариға нуқсон етушган лашкариянинг оғир юкларин юклаб келтурур эрдилар. Хўжа кўлиға келгандин сўнг амри олий мужибича ҳар аробачиға бир тиллодин уч юз тилло бериб, хуррам

<sup>1</sup> “Сафар сақар (дўзах)нинг бир парчасидир”.

<sup>2</sup> وَيَنْقَلِبُ إِلَىٰ أَهْلِهِ مَسْرُورًا (“ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли (оиласи)га шоду хуррам холда катажак”, “Иншиқоқ” сураси, 9-оят)

ва хушҳол қилиб ўз юртлариға қайтардилар. Андин сўнг кавкабайи воло Хўжа кўлидин кўчуб, ҳазрати шайх Жалил ота тоғининг шарқий жанубидин дашту биёбон бўлуб, жумъа куни Оҳак тоғининг этагиғаким, ҳазрати Султон Увайс тоғининг шўьбаларидиндур, тушулди. Андин кўчуб, шанба куни Элтузархоннинг қальасиға келиб кудуми саодатлузум вусулидин анинг буржи ифтихорин фалаку-л-афлок ҳисорининг зурвайи рифъат- **208<sup>б</sup>** мадоридин ошурди. Ва анда бир кеча мутавакқиф бўлуб, тонгласи якшанба куни афвожи баҳрамвож била сел янглиғ наҳзат кўргузуб, Урганч тушиға – дарёйи Аму канориға ворид бўлди. Ва ҳамул кун саборафтор кемаларга ва сарсаркирдор заврақларға миниб, дабур хайлидек мазкур дарёдин убур қилиб, Урганч мавзеъидағи боғи беҳишт осориғаким, ул ҳазрат илтифоти кўшиши била маъмур бўлмиш эрди, баҳори ҳузуридин ўзга янглиғ файзу тароват берди. Ва анда бир кеча маснадоройи базми ишрат бўлуб, тонгласи зулҳижжа ойининг ўн тўққузида, душанба сабоҳиким, хуршиди жаҳонтоб хусрави машриқ манзилидин чиқиб, мағриб оромгоҳи азми била фалак майдони қатъиға юз якронин сурди. Ҳазрати аъло хоқоний мазкур боғдин давлат самандиға рукуб қилиб, чошт вақти Жоникшайх қариясидағи боғи дилкушосиға келиб, ҳумоюн қадами масосидин ҳамул боғ фазоси фарқин гардунмамос қилди. **209<sup>а</sup>** Бу хабари беҳжатасарни эшитгач шаҳардин барча олийшон шахзодалар ва рафеъмакон озодалар ва уламои изом ва фузалойи киром, балки жамеъи улуғ ва кичик фараҳи тамом била чиқиб, қатра хайли дарёйи уммонға ва зарра гуруҳи хуршиди тобонға етушгандек мазкур боғға бориб, ул ҳазратнинг муборак юзи ҳузуридин дийдаи интизорларин равшан ва навозиши подшоҳона вуфуридин хотири умидворларин гулшан қилдилар.

Магар, бу дилшикаста фақирким, бу ҳуруф роқимидурман, иқболим аёқининг ланглигидин ҳамул давлати боқийдин бебахра қолдим. Ул ҳазрат ҳамул кун Жоникшайх боғидин пешин чоғи отланиб, кавкабайи султоний ва дабдабайи сулаймоний била кеч пешин вақтида шаҳри Хивақ зайъаналлоҳу таола би-н-низом ва-н-насақ даври салтанасиға дохил бўлуб, ҳумоюн кудуми шарафидин хилофат тахтиға ўзгача зебу зийнат еткурди ва муборак вужуди висолидин дийдори мунтазирлар баданиға тоза жон киюрди.

### **Маснавий:**

**209<sup>б</sup>** Улус не қилиб шодмон келмакинг,

Етурди баданларға жон келмакинг.  
Қудуминг била топти пироя тахт,  
Ошурди фалак авжидин поя тахт.  
Вужудингға ҳаргиз зарар етмасун,  
Дами соянг эл бошидин кетмасун.

**Кавкабайи воло Қўнгротдин мурожаат қилиб, Хивак  
доруссалтанасиға келгандин сўнг вуқуьға етган воқеалар  
зикри**

Ул жумладин улким, ҳазрати аъло хоқони мазкур сафардин қайтиб келиб салтанат тахтида мутамаккин бўлгандин сўнг мунҳийлар ахборидин маълум бўлдики, кавкабайи воло издиҳоми қиёматнамо ва садамайи ваҳшатафзо била Орол диёри савбиға масофатпаймо бўлганининг сайту овозасин эшитиб, Қўнгрот муфсидларининг хавотирлиғ хотирлариға дағдағайи руъб ва ҳарос етиб, иттифоқ била ҳийла ва тадбир юзидин бир хат битиб, Муҳаммадхон Паноҳ бошлиғ барча ўзбакия ва ямутия муфсидларининг акобири ҳамул хатға муҳрларин босиб, ани Сир дарёсининг аёғи ва Хоразм **210<sup>а</sup>** тенгизининг қироғидаги қалъа қолиб, маскан тутуб ўлтурган Русия тоифасиға йибормиш эрканлар. Хат мазмуни бу эрмишким: “Бизлар ўз подшоҳимиз итоатидин юз эвуруб, мундоғ улуғ ишга мутасадди бўлдуқ. Аммо бу иш уҳдасидин чиқа олғудек қудратимиз ва Хивак лашкарининг дафъа-дафъа келган чаповуллариға муқобил бўлғудек қувватимиз йўқтур. Ушбу ҳол била Қўнгрот диёрида фориғбол ўлтурмоқимиз асло мумкин эрмастур. Муддаомиз улким, Русия халқидин бир оз лашкар келиб, бизнинг қалъамизда бўлса ва бизлар ихтиёримиз инонин аларнинг иқтидори кўлиға топшурсоқ. Ва Сир дарёси аёқидаги қалъа била ҳам бориш ва келиш ва савдову сотиғ қилиб, аларнинг ҳимояти паноҳида Хивак сипоҳининг чаповул ва ғорати офатидин омон ўлтуруб, Русия лашкарининг ҳар на мувоанати бўлса, ўз муддаоларича аларға еткурсак. Эмди агар бизларнинг илтимосимизни **210<sup>б</sup>** қабул қилсалар, бу кунни тонглага қўймай тездин тез етушсунлар”.

Русия жамоаси бу сўзни эшитгач, тамаълари тамури мутаҳаррик бўлуб, уч юз киши асбобу яроғ била уч учанға миниб, суръату шитоб елганин кўруб, елдек яғоч маркабларин сув сатҳиға сурдилар. Ҳазрати подшоҳи искандаршавкатнинг Қўнгрот қалъаси

устидан кўчуб мурожаат қилган кун ул ҳаволиға беҳабар етиб, йўл асносида сипоҳи нусратпаноҳга мулоқий бўлдилар ва тазарруъ ва маъзират василаси била ҳалокат вартасидин қутулдилар, андоқким, ўз мавридида мастур бўлди. Ва лашкари зафарасар алардин ўтуб, Чинбой қалъаси жонибиға кетгандин сўнг Қўнгрот қалъасининг остиға етиб, иқомат лангарин ташладилар ва қалъага кирмак тақозоси била бир неча кун бориш ва келиш расмин бошладилар. Охир қалъа аҳли аларни ичкари киргузмакка ризо бермадилар, балки ўзларин тутмоқ 211<sup>б</sup> ва асбобу амволин таламоқ фикрида бўлдилар.

Ўруслар бу ҳолдин огоҳлиқ топиб, “аҳтазиру минал бало”<sup>1</sup> мазмунича дарҳол учанлариға кириб, муовадат бодбонин қурдилар “ва ражаъа-л-қаҳқара”<sup>2</sup> тариқи била учанларин келган йўлиға сурдилар ва суръати тамом била тенгиз масофатин қатъ этиб ва икки кўлин бурунлариға суқуб ўзларин ўз қалъасиға еткурдилар.

Маълум бўлсунким, ноқиллар нақли била Қўнгротға учан келганининг воқеаси ижмол юзидин ушбудир. Яна улким, ҳазрати аъло хоқоний Қўнгрот сафариға озим бўлмасдан бурун Бухородин амир Насруллоҳнинг элчиси Мирзо Убайд мирохурбоши остони сипехриштибоҳ мулозаматиға келиб, мурожаат рухсатин топмай шаҳарда қолиб, элчихонайи ҳумоюнда мутамаккин эрди, андоқким собиқан маркум бўлди, ул ҳазрат мазкур сафардин келиб, салтанат саририда истироҳат кўргузгандин уч кун сўнг зулҳижжа ойининг йигирма учида, 211<sup>б</sup> жумъа куни анга муовадат рухсатин бериб, остони давлатпосбон мулозимларидин Абдуррахмон сарҳангни элчилик расми била анинг ҳамроҳлиқиға таъйин этиб, подшоҳона савғот била мувофақатнома топшуруб, Бухоро жонибиға ирсол қилилди.

**Қўнгрот халқи ҳужум этиб, Муҳаммад Паноҳхонни баъзи муфсидлари била ўлтургани ва анинг бемағз бошин кесиб, атбайи аъло туфроқиға еткургани**

Чун ҳазрати султони сулаймонмакон мўру малахдек сипоҳи бекарон била Орол диёриға бориб, Қўнгрот музофотининг экинларин марокибу мавошийға едуруб, фасод аҳлиға улуғ гўшмол

---

<sup>1</sup> “Балодан ҳазар қиламан”.

<sup>2</sup> “Ва орқага қайтиб келди”

ва зўрдастлик еткуруб қайтти, қалъа улусининг орасида қаҳат ва жуъ балоси ғалаба қилиб, очликдин ўла бошладилар.

**Назм:**

Бўлуб фош алар ичра қаҳату ғалла,  
Ҳама бўлдилар жуъға мубтало.  
Қилиб кўзларин тийра нон фурқати,  
Солиб танлари ичра жон фурқати.  
Чиқиб қилич қин топмайин, жон бериб,  
**212<sup>a</sup>** Бақа инчикин топса иймон бериб.

Ва золимлар дағи зулми ва ситагин кундин-кун зиёда қилиб, тааддий ва татовул қўлин узатиб, фуқаро ва раоёнинг тамоми асбобу амволин олиб, аёлу атфолида ҳам ихтиёр қўймадилар.

**Маснавий:**

Очиб зулм эли панжаи иқтидор,  
Олиб халқнинг илкидин ихтиёр.  
Ебон барча амволини тўймайин,  
Олиб нақду асбобини қўймайин.  
Халойиқ ҳама айрилиб молидин,  
Демай молидин, аҳлу атфолидин.

Ложарам, фуқаро ва раоё очлиғ балосининг шиддати ва золимлар жафосининг суубатига тобу тоқат келтуролмайд жон муҳаббати ва нон лаззатидин илик чекиб, мамот захрин ҳаёт шарбатига таржих қилиб, санайи минг икки юз етмиш олтига дохил бўлгандин сўнг муҳаррам ойининг тўртида панжшанба куни барча иттифоқ била Бобоҳўжа ва Қўлмон доруға бошлиғ нужум хайлидек хужум кўргузуб, Муҳаммад Паноҳхоннинг қатлига қасд эттилар. Муҳаммад Паноҳхон ул ҳолдин хабар топиб, ўзининг **212<sup>b</sup>** ансору аъвони била ҳавлига қаболиб, милтуқ отиб, мудофаа амрига машғул бўлдилар. Чоштдин то пешинғача икки тарафдин милтуқ отишиб ва ҳамла қилишиб, жаҳди тамом ва саъйи молокалом била муҳораба ва музораба ишига иқдом ва қиём кўргуздилар.

**Маснавий:**

Икки соридин айлаб оҳанги жанг,  
Қилиб қасд бир бирига бедаранг.  
Бўлуб ҳар тараф жилвагар харобалар,  
Икки ёнга ҳам еткуруб зарбалар.  
Ҳавола бўлуб кулулаи оташин,  
Кириб сийналарга бўлуб ҳамнишин  
Неча кимсанинг жисми юз чок ўлуб,

Тушуб ерга олудайи хок ўлуб.

Охируламр Бобохўжа ва Қулмон доруға камоли ғайрат ва ниҳояти шижоатдин қалъадағи жамии авомунносга бош бўлуб, издиҳоми зафаранжом била ҳавлиға югурдилар ва қуввати тамом била дарвозани синдуруб ичкари кирдилар ва шерона талош ва рустамона савош била аҳли фасод ва арбоби иноднинг кўпракин қатлға еткуруб, мардлик ва мардоналик додин бердилар. **213<sup>a</sup>** Ул ғавғойи омм ва шўриши маҳшарнизом асносида Муҳаммад Паноҳхон бир неча муфсидлари рўсиёх била жон ҳавлидин ҳамул ҳавлининг ичидаги бир уйга қабалиб, милтуқ отиб муҳораба ва мудофааға машғул бўлди. Охир қалъа улуси ани ҳам камоли шижоат ва зўрлиғ била тутуб, қилич зарбининг ишоратидин адам мулкининг тасхириға озим қилдилар.

#### **Маснавий:**

Тўкулди ҳамул лаҳза қон ҳар тараф,  
Бўлуб сел янглиғ равон ҳар тараф.  
Ётиб қону туфроқ аролашлар,  
Бўлуб лошлардин жудо бошлар.  
Анингдек аён ўлди ғавғойи омм,  
Ки топти ҳамоно қиёмат қиём.  
Топиб қалъа аҳли адувға зафар,  
Суруб қатлу кин тиғини сарбасар.  
Кушишда қилиб, уйла, кўшиш аён,  
Ки қолмай вужуд адувдин нишон.

Андин сўнг ул маҳлакадин қочиб кўй ва кўчада мутафарриқ ва саргардон бўлган ўзбек ва ямут муфсидларин тутуб, уқубат зиндонида маҳбус этиб, ағлоли гарон ва салосили печон **213<sup>b</sup>** озори била жазойи амаллариға гирифтор қилдилар.

Ва бу воқеайи ҳойиланинг сўнгги куниким, жумъа эрди, Қулмон доруға қалъа забтиға мутасадди бўлуб, баъзи умури мулкия саранжомиға иқдом кўргузуб, Қўнгротда қолди. Бобохўжа баъзи кадхудолар била Муҳаммад Паноҳхоннинг бошин олиб, доруссалтанайи Хивақ жонибиға озим бўлди ва жаноҳи истеъжол била қатъи масофат қилиб, муҳаррам ойининг ўн бирида, чаҳоршанба куни мулозамат шарафиға восил бўлуб, ҳамул хабари беҳжатасар башоратин ҳазрати аъло хоқонийнинг самъи саодатпарвариға еткурди. Ва Муҳаммад Паноҳхоннинг пурғурур бошин остони нусратошён туфроқиға гўй масаллик ғалтон қилди.

#### **Қитъа:**

Кимки, чавгондек эгиб бош қилмаса шаҳ хизматин,  
Гўйдек гардун анинг бошин кесиб ғалтон қилур.  
Тождору сарбаланд ўлмоқ ҳавас қилған бошин,  
Тождор айлаб ҳавода шуҳрайи даврон қилур.  
Аҳли атфолин укубат қасдиға айлаб асир  
Мулк ила **214<sup>a</sup>** молин бало яғмосидин вайрон қилур.  
Айлаган афъолу аъмоли жазосин еткуруб,  
Икки оламда ани шармандаи исён қилур.

Ва Бобоҳўжанинг мундоқ жалодат ва шижоат ва ғайрат хизмати ҳазрати ҳадиви комкорнинг табъи ҳумоюниға мақбул ва мутаҳасан тушуб, отифати подшоҳонадин шайхулисломлик мансаби олийсиға етушуб, абнойи жинси орасида қуёшдек сарафрозлик топти.

#### Қитъа:

Ҳар киши шаҳ хизматида бошин ўйнаб олса бош,  
Меҳр янглиғ сарфарозу сарвари даврон бўлур.  
Иззату иқбол авжиға тараққийлар топиб,  
Сокини болойи садри мажлиси султон бўлур.  
Сидку ихлосиға лойиқ ҳосил айлаб обрўй,  
Икки оламда топиб мақсудини шодон бўлур.

Ва Бобоҳўжа шайхулислом Муҳаммад Паноҳхоннинг бошин келтурган куни фармони вожибу-л-изъон мужиби била атбайи сипехрнишон мулозимларидин Мирзахон маҳрам асорат қайдиға муқайяд бўлған бадҳохларни келтурмак **214<sup>b</sup>** учун суръати тамом била Қўнгротға боруб, барча ўзбак ва ямут асирларин, қароқалпоқия акобиридин баъзининг ҳамроҳлиғи билан муҳаррам ойининг йигирма еттисида, жумъа куни келтуруб, остонбўслиғ шарафиға фоиз бўлди. Ва ҳукми олий муқтазоси била ҳамул асирларнинг баъзиси сўнгғи кун сиёсатгоҳда ғазаб тиғи била мақтул бўлуб, тириклик ранжидин кутулди. Ва баъзиси укубат зиндонида маҳбуслиғ топиб, амаллари жазосиға гирифтор бўлди. Мазкур ойнинг йигирма тўққизида, якшанба куни амри олий мужиби била аркони давлат саромадларидин Маҳмудниёз ясовулбоши, Қўнгрот кадхудоларидин Бобоҳўжа шайхулислом ва Паҳлавонниёзбий ва Тожимуродбийнинг ҳамроҳлиғи била Қўнгрот жонибиға озим бўлди.

Ва қатъи мароҳилдин сўнг мазкур вилоятға етиб, мамлакат умурининг инзиботи ва раоё маҳомининг иртиботиға кўшиши тамом ва саъйи молокалом била қиёму иқдом кўр- **215<sup>a</sup>** гузди. Ва

сафар ойининг бешида, шанба куни Жонибекбий бошлиғ қароқалпоқ тавойифининг баъзи акобири Муҳаммад Паноҳхонға меҳтару қўшбеги ва давлатҳох бўлган бадҳохлардин бир жамоани келтуруб, аларни ўз амаллариға лойиқ жазога еткурулди.

Яна улким, Абдуррахмон сарҳангким, Бухороға элчилик тариқаси била кетмиш эрди, андоқким собиқан мазкур бўлди, амир Насруллоҳнинг анга иззат ва эҳтиром кўргузуб қўшуб йиборган элчиси Дадахўжа мирохурбоши анинг ҳамроҳлиғи била сафар ойининг салхида, сешанба куни атабайи сипеҳрмартаба хокбўслиқи шарафиға мушарраф бўлуб, амири мазкурнинг йиборган муҳаббатнома ва шоҳона тухфаю ҳадяларин назари саодатасар мутолаасиға еткуруб, инояти хусравонадин сарбаландлиғ топти.

Ва яна улким, амри олий мужиби била қароқалпоқ акобиридин Эрназарбий Хўқанд элчилигига марсул бўлмиш эрди андоқким собиқан гузориш топти. Мазкур вилоятнинг волийси Муҳаммадёрхон- **215<sup>b</sup>** нинг сидку ихлос юзидин анга масхуб қилиб йиборган элчиси Муллабек додхоҳ рабиъ ул-аввал ойининг ўнида, жумъа куни остонбўслиғ саодатиға истиъод топиб, хони мазкурнинг исрол қилган тансуқотин мусодақатномаси била арзи аълоға еткуруб, навозиши мулуконадин хурсанд ва баҳраманд бўлди.

Яна улким, Бухоро элчиси Дадахўжа мирохурбошиким, бурунроқ сифорат расми била келди, элчихонайи ҳумоюнда оромгузин эрди, анга мурожаат рухсатин бериб, умаройи аъзам зумрасидин Яхши Муҳаммад доруғани элчилик тариқаси била анинг рафоқатиға таъйин этиб, рабиъ ус-соний ойининг еттисида чаҳоршанба куни Бухоро сўйиға ирсол қилди.

Яна улким, жумоди ул-аввал ойининг ўн иккисида, сешанба куни умаройи сипеҳрэхтишом зумрасидин уйғур Муҳаммад Мурод оталиқ ўзининг сиёсатлиқ ва ноқобиллиқи **216<sup>a</sup>** жиҳатидин ҳазрати аъло хоқонийнинг ҳумоюн таъбиға мукаррада тушуб, мансабидин маъзул бўлди. Ва анинг ўрниға уйғур тавойифининг акобиридин Худойберган шиғовулким, бағоят сидку ихлослиқ хизматкор эрди, ҳазрати подшоҳи макаруматшиорнинг фармони олийси била карами хусравонасиға махсус бўлуб, оталиқлик мансаби олийси била ўзининг акрон ва ашбоҳи орасида болонишинлиқ мартабасиға етиб аржумандлик ва сарбаландлик топти. Ва анинг ўрниға Кўнгрот Худойберган бий ибн Муҳаммаджонбекким, салтанат остонининг жонбозу сарандоз мулозимлари жумласидин эрди,

отифати подшоҳона назариға манзур бўлиб, бахту иқбол зўрлиқидин шиғовуллик мансаби олийсиға етиб, умаройи олиймақом маъракасида ўрун топти.

#### Қитъа:

Зиҳи шаҳи карамойин, ки лутфи омидин,  
Шижоат аҳли сипоҳ ичра эҳтиром топар.  
Кишики хизматида ўзни хоксор этса,  
**216<sup>b</sup>** Азизлар аро дохил бўлуб мақом топар.  
Бировга сидқ ила қўйса бошини даргоҳиға,  
Халойиқ ичра куёш янглиғ эҳтишом топар.

Яна улким, жумод ус-соний ойининг иккисида, сешанба куни аркони давлат ва умаройи зушавкат зумрасидин Муҳаммад Мурод маҳрам ва Муҳаммад Раҳимбий “куллу нафсин зā’иқату-л-мавт”<sup>1</sup> шароби хушгуворин нўш қилиб, “валлоҳу йад’ў илā дāри-с-салām”<sup>2</sup> гулистонида манзилу мақом қилдилар.

Яна улким, Хўқанд элчиси Муллабек додхоҳғаким, бурунрок келиб дарбори фалакмадор хокбўслиқиға мушарраф бўлмиш эрди, андоқким, юқорида мастур бўлди, муовадат рухсатин бериб, қароқалпоқ ақобиридин Оймуҳаммадбийни элчи йўсунлуқ анинг ҳамроҳлиға номзад қилиб, муолифатнома била жумод ус-соний ойининг йигирма иккисида, душанба куни Хўқанд подшоҳи Муҳаммадёрхоннинг олдиға равона қилилди.

Яна улким, аркони давлат саромадидин Яхши Муҳаммад доруғаким, **217<sup>a</sup>** фармони олий мужиби била сифорат дастурида Бухоро жонибиға кетмиш эрди, андоқким, собиқан тастир топти, амир Насруллоҳнинг анга ҳамроҳ қилиб йиборган элчиси Нажмиддинхўжа Ўроқ ражаб ойининг ғуррасида, сешанба куни остони давлатпосбон мулозаматиға восил бўлуб, наввоби садоқатинтисоб васоти била мажлиси олийға духул шарафин топиб, келтурган туҳафоту тансуқотин ва мусодақатномасин назари кимёасар пешгоҳиға еткурди ва ўз муддаосича подшоҳона навозишлар ва хусравона бахшишлар кўрди. Шаъбон ойининг тўккузида, жумъа куни анга умаройи изомдин Фозилхўжа шайхулисломни сифорат тариқаси била ҳамроҳ қилиб, мурожаат

<sup>1</sup> كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ “Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир” (“Оли Имрон” сураси, 185-оят, “Анбиё” сураси, 35-оят, “Анкабут” сураси, 57-оят)

<sup>2</sup> وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ “Аллоҳ (одамларни) салом диёри (жаннат)га чорлайди”, (“Юнус” сураси, 25-оят)

рухсатин бериб, муҳаббатнома била Бухоро вилоятига ирсол қилилди.

**Бижин йилининг вақоеъиким, таърих ҳижрий минг икки юз  
етмиш олтига мутобиқ ва ҳазрати аъло хоқони  
кишварситоннинг жулуси саодатмаънуси- 217<sup>б</sup> нинг  
олтилончи йилига мувофиқ эрди**

Ул жумладин улким, Наврӯз кириб, куёш чобуки Хут масканидин чиқиб, Ҳамал маъманига қадам қўйган куниким, шаъбон ойининг йигирма еттисию сешанба куни эрди аркони давлат ва аъёни ҳазрат акобиридин Файзи девонбеги ва Отаниёз девонбегининг баъзи афъол ва аъмоллари ҳазрати подшоҳи жамжоҳнинг табъи ҳумоюнига мустаҳсан тушмай, амалларидин азл этиб, сидку ихлоставъом Худойназар маҳрамни лутф ва иноят назари била манзур қилиб, аларнинг ўрнига девонбегилик ва закотгирлик мансаби олийси била сарафроз этти.

Яна улким, шаввол ойининг ўн олтисида, шанба куни Хўқанд вилоятининг волийси Муҳаммадёрхоннинг элчиси Тошмуҳаммад-бий ҳазрати аъло хоқонийнинг йиборган элчиси Оймуҳаммад бийнинг ҳамроҳлиги била салтанат остонаси зиёратиға мустасъад бўлуб, келтурган ихлосномаси била 218<sup>а</sup> савғот ва ҳадясин арз мавқиғиға еткуруб, назари анвар олдидин ўткарди. Ва мазкур ойнинг йигирмасида, чаҳоршанба куни Бухоро элчиси Турсунхўжайи садр Фозилхўжа шайхулисломнинг рафоқати била атабайи фалакмартаба мулозаматиға етиб, амир Насруллоҳнинг йиборган нома ва ҳадясин кўрунуши олийға дохил бўлуб, таъзими тамом била маъруз этти.

Яна улким, шавол ойининг йигирма саккизида, панжшанба куни умаройи изом ва кубаройи зу-л-эҳтиром зубдаси Муҳаммад Солиҳ оталиқким, қўнгрот акобирининг умдаси эрди ажал соқийси илкидин “куллу нафсин зā’иқату-л-мавт”<sup>1</sup> шаробин нўш этиб, қазо ундакчиси тилидин “валлоҳу йад‘ў илā дāри-с-салām”<sup>2</sup> нидосин қабул қулоқи била эшитиб, “фй мақ‘ади сидқин ‘инда малйкин

<sup>1</sup> كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ “Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир” (“Оли Имрон” сураси, 185-оят, “Анбиё” сураси, 35-оят, “Анкабут” сураси, 57-оят)

<sup>2</sup> وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ “Аллоҳ (одамларни) салом диёри (жаннат)га чорлайди”, (“Юнус” сураси, 25-оят)

муқтадир”<sup>1</sup> манзилгоҳиға етиб, раҳмати илоҳий маснадида ором тутти.

### **Маснавий:**

Нечаким, аҳли эътибор ўлғил,  
Даҳр аро соҳибихтиёр ўлғил.  
Ихтиёрингни чарх олур охир,  
Ер тубига сени солур охир.

Зулқаъда ойининг бешида, **218<sup>b</sup>** панжшанба куниким, мазкур оталиқ вафотининг саккизланчи куни эрди, ҳазрати зиллиаллоҳийнинг инояти хусравонаси Муҳаммад Ризобек ибн амири марҳумий Шохниёз оталиқнинг ҳолиға шомил бўлуб, мазкур оталиқнинг ўрниға оталиқлик мансабининг хилъати хоси била анинг қомати қобилиятин қуёш нурининг қадидек музайян ва ораста қилди. Ва ҳамул кун ул ҳазрат камоли марҳаматдин қиёт Бобобек валади Муҳаммад Паноҳбекни отифати мулуконасиға машмул қилиб, марҳуми Муҳаммад Раҳимбийнинг ўрниға бийлик мансаби била абнойи жинси орасида мумтоз ва сарафроз қилди.

Ва яна улким, зулқаъда ойининг ўн бешида, сешанба куни Хўқанд элчиси Тошмуҳаммадбийга қароқалпоқ аозимидин Ражаббийни элчи йўсунлик қўшуб, муволафатнома била Хўқанд волийси Муҳаммадёрхоннинг олдиға ирсол қилилди. Ва мазкур ойининг йигирма иккисида, душанба куни Бухоро элчиси Турсунхўжаи садрға **219<sup>a</sup>** умаройи аъзам зумрасидин қиёт дудмонининг мунтахаби иззатнишон Ортуқбийни сифорат расми била ҳамроҳ қилиб, мактуби муҳаббатуслуб топшуруб, амир Насруллоҳнинг қошиға йиборилди.

### **Умаройи аъзамнинг фармони давлатнизом мужиби била Тамоч мавзеъиға бориб, қалъа солғанлари ва анда таваккуф қилурға саркарда ва лашкар таъйин этиб, муовадат қилғанлари**

Чун ямут тавойифининг авбош ва ҳаромилари шарорати зотий ва разолат сифотий муқтазоси билаким, аларға одати жибиллий ва пешайи озмудадур, гоҳо иттифоқ била кўп отлиғ жамъ бўлуб, мамолики маҳрусанинг атроф ва акнофиға қароқчулик ва раҳзанлик тариқаси била дохил бўлуб, саҳронишин фуқаро ва раҳгузарларға таъадди ва татовул қўлин тегуруб, амвол ва ашёсин ғорату ёғмо

<sup>1</sup> فِي مَفْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِكٍ مُقْتَدِرٍ “Қодир Подшоҳ ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар”, (“Қамар” сураси, 55-оят)

қилур эрдилар, ҳазрати хоқони муаззам фуқаро осойишин ва муфсидлар гўшмолин барча ишдин вожиб ул-лузум билиб, ва ул умур кайфиятида аркони давлат била машварат қилиб, **219<sup>б</sup>** ушбу тадбирни маслаҳат кўрдиким, “ямутнинг масокин ва мавотиға ёвукроқ бир мавзеда қалъа солиб, бир фавж лашкар қўюб, аҳли фасоднинг йиғноқ дастгирларига дастбурд еткурулса, токим бу тадбир воситаси била ямут мутамарридлари сангаридин ташқари чиқолмағайлар. Ва фуқаро ва раҳгузарлар фориғ ва амин бўлғайлар”. Ушбу маслаҳат барча аркони давлатға мақбул ва мустаҳсан тушгандин сўнг фармони вожибу-л-имтинон иззи судур топтиким, Муҳаммад доруға умаройи соиброй жумласидин Шохмурод иноқ ва Ибодуллоҳ иноқ ва Яхши Муҳаммад доруға ва Абдуллоҳ мингбоши ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Яъқуб маҳрам ва Абдурраҳмон сарҳанг ва Муҳаммадниёз девонбеги ва ғайриҳум бориб, иттифоқ била бир муносиб мавзеда қалъайи матин бино қилғайлар.

Маъмурлар ҳукми воло муқтазосича зулқаъда ойининг йигирма иккисида, душанба куни лашкари жаррор била озим бўлуб, Ғозиобод қалъасининг орқа жонибида Тамоч мавзеинким, аҳли фасоднинг йиғноқиға ёвук эрди **220<sup>а</sup>** савғот ҳадясин арз мавқиғиға еткуруб, назари анвар барча иттифоқ била муносиб кўруб, анда қалъа иморатиға ва хандақ ҳафриға машғул бўлдилар ва уч-тўрт кун муддатида бир ҳисори фалакмадор бино қилдиларким, сипехри барин қалъасининг зурваси рифъатда анинг хокирези олдида шармсорлиғ топти. Ва хандақининг ости ҳазозати доир остидағи балиқ орқасиға етти. Ва қалъа иморати итмомидин сўнг мазкур умаро ва саркардалар фармон ва давлати некном мужиби била соҳибфарҳанг сархайлларидин Абдурраҳмон сарҳангни интиҳоб қилиб, бир гуруҳ сарбоз ва икки тўп ва бир фавж суворийи жалодатшиор била ҳамул қалъада тамарруд аҳлининг гўшмоли учун таъйин эттилар. Ва ўзлари мурожаат қилиб, хилофат остонаси мулозаматиға еттилар ва Абдурраҳмон сарҳанг бир неча муддат ҳамул қалъада мутамаккин бўлуб, мутаоқиб ва мутавалли чаповуллар йибориб, арбоби инод ва асҳоби фасоднинг аҳволиға танглик еткурмакға машғул бўлди.

**Янги қалъа мавзеидағи боғи хушҳаво 220<sup>б</sup> ва кўрунушхонайи бихишторонинг бино топмоқи ва ҳазрати хадиви кишвархудонинг ўрдуйи аъло била анда кўчуб бормоқи**

Ҳамул йил вазири аъзам, дастури мукаррам, маржаъи аҳли олам, соҳибу-с-сайфи ва-л-қалам, олийнажод, осафниҳод Ҳасанмурод кўшбеги ишорати воло мужиби била чобукдаст меъморлар, жалодатпараст нажжорлар ва ҳикматшиор муҳандислар ва монийгар наққошлар ҳазрати аъло хоқонийнинг Янгиқалъа мавзеидаги ҳавлийи дилкушосиғақим, Нуруллоҳбой исми била машҳурдур, жамъ этиб, ҳамул ҳавлининг ҳарими ҳаволисидаги боғи жаннатсафо деворин мужаддадан иморат қилурға буюрди. Ва ҳамул боғнинг ичида, ҳавлининг кун чиқар буржиға муттасил бир кўрунишхонаи олий биносигақим, бир неча хужра ва даҳлиз ва айвонға муштамилдур жаҳди тамом ва саъйи молокалом била юз урди ва бир неча муддат лаҳза тинмай ва таянмай коргарлар ва устодлар устида ғайрат кўргузуб юрди. Тоқим, ҳамул боғи жаннатсуроғ **221<sup>а</sup>** ва кўрунишхонаи нозиму-л-фироғ иморатин мазкур йил зулҳижжа ойининг авоситида итмому эҳтимом сарҳадиға еткурди.

#### **Маснавий:**

Боғ девори топти, уйла, бино,  
Ки анинг келмагай мисоли яно.  
Бўлубон сарбасар ҳасину матин,  
Қилди чарх устодиға таҳсин.  
Айлабон чекти устида чангал,  
Ки фалакдин аёқ қочурди Зухал.  
Ушбу боғ ичра кўшк ила айвон,  
Жаннату қаср шаклин этти аён.  
Қасрининг боши осмондин ўтуб,  
Кохининг қоши Қаҳқашондин ўтуб.  
Сақфу девори зарнигор келиб,  
Фарши хишти гуҳарнигон келиб.  
Тарҳ ила вазъи бемисол ўлубон,  
Ақл назорасида лол ўлубон.  
Айлаган лаҳзае тамошасин,  
Айламас хулднинг таманносин.  
Шаҳга ани муборак этсун Ҳақ,  
Эл кўзига таборак этсун Ҳақ.

Фақирким, бу хуруфи саодатвуқуф роқимидурман, ҳамул кўрунишхонаи давлатнишона иморатининг итмоми ушбу таърихни назм силкига чекмиш эрдимким, **221<sup>б</sup>** бу авроқда мастур бўлур.

### **Таърих:**

Шаҳаншоҳи гетиситон Саййид Муҳаммадхон,  
Ки Тенгри қилмамиш мавжуд анингдек бир шаҳи воло.  
Бу кўрунишхона анинг ҳукмидин топти бино андоқ,  
Ки ҳайрондур тамошасида аҳли олами боло.  
Зиҳи олий иморатким, музайян атласи гардун,  
Келибдур рифъат бозорида бир камтарин коло.  
Мисоли бўлса бўлган жаннат ул маъво аро мавжуд,  
Ва лекин ушбу оламда назири йўктурур холо.  
Чу таъмиру иши ушбу иморатнинг тамом ўлғач,  
Деди Огаҳий таъриhini “Кўрунишхонайи воло”.

Ва ул боғи жаҳоноро ва кўрунишхонайи фараҳафзонинг таъмиру тазйини иши эҳтимоми тамом била итмомға етиб, барча мавозиъ ва масокин ораста ва пироста бўлгандин сўнг зулҳижжа ойининг йигирма тўртида, жумъа кечасиким, асъади соот ва аршади авқот эрди, ҳазрати султони давлатдарбон ўрдуйи майманатнишон била арк фазосидин кўчуб, мазкур ҳавлининг ишратсаросин шарафи духул ва файзи вусулидин 222<sup>а</sup> жаннат қасриға баробар ва фалак айвониға ҳамсар қилди.

### **Маснавий:**

Шоҳ чун ҳавлида тутти мақом,  
Айш соқийси кўлидин ичти жом.  
Комин олди шоҳиди мақсудидин,  
Топти неким, истади маъбудидин.

Ва санайи ҳижрия минг икки юз етмиш еттига дохил бўлган кунким, муҳарраму-л-ҳаром ойининг ғурраси ва панжшанба куни эрди, ҳазрати зиллуллоҳнинг миждози шариф ва табъи лутфиға касали сақил ориз бўлуб, заифлик бистариға наҳифлик паҳлусин еткурди ва олам аҳли бошлари ошёнидин хушлари қушларин учурди.

### **Маснавий:**

Санга етгуча бу касал меҳнати,  
Менга етгай эрди жаҳон офати.  
Сен ўлғунча бу дард ила мустаманд,  
Мен ўлғай эдим то абад дардманд.  
Танингға сенинг етмай озори дард,  
Менинг жисмим ўлғай эди гард-гард.  
Нетайким, бериб юз туман ганжу мол,  
Киши дардини кимса олмоқи маҳол.

Алҳамду лиллаҳ ва-л-миннаким, ҳазрати Ҳакими корсоз **222<sup>б</sup>** ва Раҳими банданавоз карамининг дорушифосидин дору ва шифо топиб, ўн беш кун муддатида ул ҳазратнинг ҳумоюн мижозидин касал ранжининг шиддати бир неча тахфиф топиб, муборак жисмининг заъфи сихҳату қувватға юз кўйди ва асо дастёрлиқи бирла ҳарамсародин кўрунишхонайи олийға чиқиб, адлу дод маснадида мақом тутти ва бори омм бериб, мамлакат умурининг интизоми ва сипоҳу раъият маҳомининг саранжомиға машғул бўлди.

### **Маснавий:**

Шаҳи адлойину кишварпаноҳ,  
Жаҳон аҳли бошиға зиллуллоҳ.  
Бари халқнинг дарди дармонидур,  
На дармонки, олам эли жонидур.  
Танин дарддин сақла, ё Раб, омон,  
Малул айлама хотирин бир замон.  
Даме кўрмасун ранж офатдин,  
Мудом амн ўлсун балийётдин.  
Вужудиға ҳаргиз халал етмасун,  
Улус бошидин сояси кетмасун.  
Не макруҳ эса зоил ўлсун анга,  
Не матлуб эса ҳосил ўлсун анга.

Ва мазкур ойнинг йигирма секизида, чаҳоршанба куни **223<sup>а</sup>** Бухоро волийси амир Насруллоҳнинг Ортуқбийға қўшуб йиборган элчиси Офоқ хўжайи садр даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға мушарраф бўлуб, амири мазкурнинг пайғоми фараҳанжомин мактуби мусодақатуслуб била арзи мавқифиға еткуруб, навозиши мулуконадин масаррати жовидона топти.

**Ямутия акобирининг ажзу инкисор била келиб, даргоҳи жаҳонпаноҳ туфроқиға тавба ва истиғфор бошин урғани ва аларнинг тавба ва истиғфори мақбул бўлуб, фармони олий мужиби била тавбалари таъкиди учун оқуйлук келтургани**

Хомайи жалодатшиор мундоқ воқеанигорлиғ қилурким, ҳазрати аъло, хоқони мамоликситон кўнгрот сафариға озим бўлғанда ямутия акобири остонбўслиқға келиб, рикоби ҳумоюн хизмати учун жамъ бўлуб, Кўнгротға бормоқ ваъдаси била Ҳасанмурод қўшбегини саркардаликка тилаб олиб, Кўҳна Урганчга

борғандин сўнг ҳамул ваъдаға вафо қилмай, баъзи номуносиб ишларни баҳона қилиб, қўшбегининг қошидин **223<sup>б</sup>** тарқашғандин сўнг камоли хижолат ва шармандалиқдин ҳазрати зиллуллоҳининг даргоҳи олампаҳоҳ хизматиға кела олмай, ул ҳазратнинг қаҳру ғазаби подшоҳонасидин мутаваҳҳим бўлуб, ўбаларин кўчуруб, бир неча маҳкам ерларга бориб, сангар қилиб ўлтурдилар.

Ва ҳазрати аъло хоқоний аларнинг тазйиқ аҳволин қасд қилиб буюрди, токим мамолики маҳруса бозорлариға фасод аҳлидин киши келтурмағайлар ва аларға ғалла ва ўзга коло байъу шаросидин нафъе еткурмағайлар.

Фармони олий мужиби била барча билод ва амсор бозорларида аҳли инод била савдо ва сотиғ расмин қатъ эттилар, балки келганин ғорат ва торож қилиб қатлға еткурдилар. Ва яна ишорати воло муқтазоси била Ғозиобод қалъаси ёвуқидин банд қилиб, ямутнинг мазраълариға сув ўткармай, умидлари зироатин маҳрумлик барқидин қуруттилар. Ва бу воқеадин сўнг оз фурсатда ул тоифайи шақоватнишон орасида ғалла нархи **224<sup>а</sup>** андоқ гаронлиғ топтиким, нон ҳасратида жон бермак оғоз қилиб, буғдой орзусида сийналарин чок этиб, мусоаба туфроқиға йиқилиб, ҳалок бўлурға юз кўйдилар.

### **Маснавий:**

Ул эл ичра айла нарх ўлди гарон,  
Ким барининг кўзларидин учти нон.  
Юзланиб аҳволиға қаллошлиқ,  
Олғали бир танга топмоқ ошлиқ.  
Кўрса бир ерда агар нон суратин,  
Бўлғуси кўрган каби жон суратин.  
Айлабон буғдой киби кўксини чок,  
Бўлдилар тариғ ғами бирла ҳалок.  
Кўзлари яксар чавгондек оқариб,  
Арпадек бемор ўлуб ўздин бориб.  
Олғали бир дона кудрат топмайин,  
Еғали, балким најосат топмайин.  
Жон бериб топмай эшакнинг бошини,  
Жон топиб гар топса итнинг лошини.  
Уйла ифлосу фалокат бўлдилар,  
Ким бари макруҳсурат бўлдилар.  
Кийғали бир парча эски топмайин,  
Топгани ҳам авратини ёпмайин.

Жома эгнида секиз йилқи тери,  
Лекин **224<sup>б</sup>** ани ҳам топиб мингдин бири.  
Не тирикларга бўлуб мастур тан,  
Бетоб ўлганлари жисми бекафан.

Охируламр, ҳоллари ислоҳиға итоат ва инқиёд кўргузмакдин ўзга чора суратин топмай, хизматкорлик ва жонсипорликда собитқадам ва росихдам бўлмоқни ихтиёр қилиб, ул жамоанинг барча машхур кадхудолари келиб, тазарруъи тамом ва тахшиайи молокалом била даргоҳи олампаноҳ туфроқиға йиқилдилар ва барча фасод ва исёнлариға муътараф бўлуб, ниҳоятсиз ажзу инкисор била тавба ва истиғфор қилдилар ва ул ҳазратнинг узру инояти домониға истеъфо ва истимон илкин уруб, ғоятсиз зорлиғ ва беқарорлиғ кўргуздилар ва итоату хизматкорлик тариқида маҳкаму устувор бўлмоқға аҳду паймон қилиб, ваъдалари таъкиди учун оқ уйлук бермакка мутасаддий бўлуб, валодатнишон, қутби жаҳон Умар эшон била Раҳматуллоҳ ясовулбошини тиладилар, токим алар била ямут орасиға бориб, **225<sup>а</sup>** ул ҳазратнинг узру инояти муждасини еткуруб, ул жамоанинг машоҳир ва маорифидин кўнгуллари не чоғлиғ тиласа, оқ уйлук олғайлар.

Ул ҳазрат камоли шафқат ва мурувватдин аларнинг гуноҳлари жаридасиға авф рақамин чекиб, илтимосларин қабул этиб, мазкур эшон била ясовулбошини аларға қўшуб, муҳаррам ойининг авоситида рухсат бериб, ирсол қилди. Ва алар фармон мужиби била ямут мунтазирларининг орасиға бориб, омон муждасин еткурғач, ўлук баданлариға тоза жон топиб, иззат ва эҳтиром расмин камолини бажо келтурдилар. Ва маъмурайни мазкурайннинг хоҳлағанча оқуйлук жамъ этиб, кадхудолардин бир жамоани қўшуб, остонбўслиқға йибордилар. Ва алар мазкур эшон ва ясовулбошининг ҳамроҳлиғи била оқ уйлукларин сафар ойининг учида, душанба куни даргоҳи жаҳонпаноҳ куллуқиға еткуруб, таъзим ва такрим шароитин бажо келтурдилар **225<sup>б</sup>** ва убудийят жабҳасин мутоваат туфроқиға еткурдилар. Ҳазрати зиллуллоҳи камоли карам ва мурувватдин аларни зироатгоҳлариға сув очмоқ ва бозорларға бориб ғалла олмоқ рухсатин бериб, шодкомлик била қайтарди ва барчасин очлиғ балоси ва ҳалокат вартасидин қутқарди.

### **Байт:**

Қаҳр ила қотил эса шоҳи жаҳон,  
Лутфидин ҳам топғуси кўп кимса жон.

Ва мазкур ойнинг ўнида, душанба куни аркони давлат ва умаройи зушавкат зумрасидин Ибодуллоҳ инок марази табиий била жаҳони фонийдин рихлат кўргузуб, олами боқийда макон тутти.

Яна улким, раббий ул-аввал ойнинг йигирмасида, жумъа куни ҳазрати зиллуллоҳи ўрдуйи подшоҳий била Нуруллоҳбой отлиғ ҳавлисидин ҳавоси хушлиқи жиҳатидин ҳамул ёз фаслида анда барча шахзодалар ва жамаъи тааллуқоти била манзилгузин ва маснаднишин эрди, кўчуб келиб, арк тахтин оромгоҳ қилди. Мазкур ойнинг йигирма иккисида, якшанба куни Бухоро элчиси Офок- 226<sup>а</sup> хўжа судурғаким, амир Насруллоҳнинг муҳаббат ва муволафати изҳори таъкиди учун келмиш эрди, даргоҳи олампаҳо мулозимларидин Раҳматуллоҳ Қоракўзни элчилик тариқаси бирла ҳамроҳ қилиб, муҳаббатнома била Бухоро вилоятига ирсол этти. Ва рабий ус-соний ойнинг тўккузида, панжшанба куни Хўқанд вилоятининг элчиси Фармон доруға, остони олий хизматгузорларидин қароқалпоқ Ражаббий билаким, бурунроқ ҳазрати зиллуллоҳининг иноятномасин олиб бормиш эрди, Хўқанд подшоҳи Муҳаммадёрхоннинг йиборган ихлоснома ва тухфа-ю ҳадяларин келтуруб, даргоҳи мулозимлари назариға еткурди.

**Қочория лашкарининг Марв диёриға келгани ва така жамоаси била муҳораба қилгани ва шикасти фоҳиш топиб, кўпракининг мақтул ва маъсур бўлгани ва баъзисининг дарё канори била фирор кўргузуб, беҳад машаққат била ҳалокат вартасидин қутулгани**

Бу воқеъа сабаби ул эрдиким, така тавойифидин бир жамоа бир неча йилдин бери 226<sup>б</sup> Сарахс диёрида мутаваддин бўлуб, дин муғойирати жиҳатидин қочория халқи била муҳосимат кўргузуб, тоғ ичида ўлтурган шиъа тавойифининг масокин ва мавотаниға чаповул урур эрдилар ва кўп кишини қатлу асир қилиб, қилоъ ва билодиға хароблиғ ва вайронлиғ еткурур эрдилар.

Бу жиҳатдин қочория лашкари ҳужуми тамом била неча мартаба Сарахсга келиб, така халқи била муҳораба қилиб, қалъасин қабаб, маскану мазраълариға хароблиғ ва поймоллиғ еткурур эрдилар. Бу жиҳатдин така жамоасининг ҳоллариға ниҳоятсиз танглик етиб, Сарахсда ўлтура олмай, уч йилға ёвуқ бўлдиким, аҳлу аёл ва аҳшоми била кўчуб, Марв вилоятиға келдилар. Ва ул элнинг сардори Қовшутхон бошлиғ ўзга кадхудолари иттифоқ била

кадхудолардин бир жамоани ҳазрати соҳибқироннинг хизматиға Хоразм дорулмулки тарафиға иртисол қилиб, Марв диёридин ер тилаб, ўзларининг **227<sup>a</sup>** ишига низом ва саранжом бергудек ҳоким талаб қилдилар.

Ул ҳазрат мурувват ва фуқаропарварлик муктазоси билаким, малаксифот зотида жибиллийдур, аларнинг мултамасин мабзул тутуб, келган кадхудоларға атабайи аъло бандаларидин Мулла Муҳаммадниким, фаросат ва шижоатда машорун илайх ангуштнамо эрди, ҳукумат ёрлиғи била сарафрозлиғ еткуруб, ҳамроҳ қилди. Ва Қовшутхон учун заррин хилъат ва мурассаъ ханжар топшуруб, келган кадхудоларға муламмаъ сарупойлар кийдуруб ва Марв жонибиға қайтарди. Аммо сорик тоифасиким, қадиму-л-айёмдин Марв вилоятида мутамаккин эрдилар, ер тақсими устида така халқи била мухосама ва мунозара ҳангомасин туздилар. Ва бир неча муддат жангу жадал амрида мудовамат кўргуздилар. Охири мағлуб ва манкуб бўлуб, Марв диёридин кўчуб, хазлон бодиясида саргардон ва атрофдағи вилоятлар жонибиға мутафарриқ ва паришон бўлдилар.

Ва ул элнинг **227<sup>b</sup>** кадхудолари иттифоқ била Эрон мамлакатининг волийси Насриддиншоҳ қочорнинг олдиға бориб, така халқининг тааддисидин истиғоса кўргуздилар. Ва анинг ҳимояти этакиға тасарруъ илкин уруб, мадад ва кўмак талаб қилдилар ва Насриддиншоҳнинг хотирида аввалдин худ така халқининг гўшмоли қасди мусаммим эрди, сорик улусининг истиғосаси ул қасд вуқуъиға илова бўлуб, буюрди то Ироқ ва Озарбайжон ва Эрону Хуросон улусидин қочор ва ўзга тавойифдин йигирма беш минг сарбоз ва пиёда ва ўн минг отлиғ ва икки минг чоғлиғ косиб ва аҳли ҳирфа ва аҳли бозор бир неча муддат тараддуди суръат била атрофу акнофдин келиб, муқаррар бўлган лашкаргоҳға жамъ бўлдилар. Ва лашкар ижтимоъидин сўнг ўзининг амакиси Ҳамза мирзони умаройи аъзамдин Қаввомуддавла била ҳамул лашкарнинг ҳукумат ва иморатиға таъйин этиб, ўттуз тўп ва ҳаддин афзун **228<sup>a</sup>** асбобу олот била Марв жонибиға равона қилди ва қочор лашкари бир неча муддат шитобу суръат била қатъи масофат қилиб, ниҳоятсиз издиҳом ва жамиат била мазкур йил, яъни санайи минг икки юз етмиш еттида, шаввол ойида Марв вилоятиға дохил бўлдилар. Ва така халқи барча асбобу амвол ва аёлу атфоли била қалъадин кўчуб, Марв дарёсидин ўтуб, дарёнинг орқа тарафида Қораёф мавзеида сангар қазиб, эл ва аҳшомиға ани

маскан қилдилар. Ва уруш асбобининг таҳиясиға машғул бўлдилар. Ва қочория сипоҳи бўлак бўлуб, ярими Марв қалъасин ўзлариға мақом ва ярими Қароёф мавзеъи муқобаласиға бориб, муаскар қилиб, ором тутдилар. Ва таканинг жалодатнишон йигитлари иттифоқ била ҳар куни атрофу жонибдин қочор сангарининг ўтунчи ва ўтчиларин қатлу асир қилиб, озук келатурған йўлларин масдуд ва мадрус этдилар ва қочор лашкарининг ҳоли танг бўлуб, очлиғдин махмаса **228<sup>б</sup>** мартабасиға етдилар ва тўрт ой муддати савош ва фархош воқеъ бўлмай ўтти.

Бешинчи ойким, рабиъ ул-аввал оyi эрди, ҳамул ойнинг аввалида қочор черики сафар муддати узоқға чеккан учун, озук важҳидин танглик чекиб, охир така халқи била муҳораба қилмоқға бел боғлаб, издиҳоми тамом била қалъа ва сангардин чиқиб, қалъанинг ғарбий тарафида дарёнинг жанубий жонибида саф тузуб, уруш талаби била ҳангома оралиғ кўргуздилар.

Така муборизлариким, ҳамиша уруш маъракасининг талаби ва жонбозлиғ майдонининг роғиби эрдилар, ул ҳолни мушоҳада қилғач, дабур хайлидек дарё сувидин убур қилиб, қочор сафининг кунботар жонибида ясов ясаб, душман гуруҳиға муқобил бўлдилар ва икки тарафдин муҳораба ва муқотала қиличи жилвагар ва ҳар жонибдин кўп киши бежону бесар бўлуб, ул майдонда қизил қондин дарёлар равон бўлди ва душман сипоҳининг бир улуғ сийрати ўлди. Ул ҳолда кун **229<sup>а</sup>** кеч бўлуб, икки тараф черики ҳам масоф майдонидин муовадат қилиб, ўз сангарлариға бориб ором тутдилар ва бу урушнинг тўртунчи куни қочор черики барча тўплари била ўтун ва ўт талаб қилиб, сангаридин чиқмиш эрдилар, така муборизлари андин хабар топиб, жалодат тиғин шижоат ғилофидин чекиб, ғайрат рахшиға маҳмиз бериб, аъдо черики устига балойи навхез янглиғ етиб, уруш солдилар ва кўп кишини асир этиб, икки тўпин тасарруфлари илкига олдилар. Бу воқеа вуқуъидин уч кун ўткандин сўнг қочор лашкари ва жамеъи куффор аскарининг кўнгуллариға хавфу ҳарос истило топиб, Қораёф мавзеъида турмоқни маслаҳат кўрмай, қалъаға бориб, барчаси бир-бириға қўшулмоқни ўз ҳоллариға ислоҳ билдилар.

Ва така ҳалқининг дастбурдидан хавотир тортиб, кундуз кўчмай бир кеча хуфтандин сўнг тўп отиб, кўчуб қалъа жонибиға юруш қилдилар. Ул чоғда Мулло Муҳаммад **229<sup>б</sup>** бошлиғ така баҳодирлари ул ҳолдин хабардор бўлуб, барча отлиғ ва яёқ ёйок, балки аёлу атфолиғача қўллариға сируқ ва таёқ олиб, муҳораба

амриға белларин маҳкам боғлаб, дарё сувидин сабо масаллик ўтуб ярими ақшом ҳангомида балойи мубрам ва балки, қисоби маҳкам янглиғ алолойи ҳушрабой била қочор черикига дохил бўлуб, шамширзанлик ва мардафканлик ишига жалодати тамом ва ғайрати молокалом била иштиғол кўргуздилар.

Ҳамул тийра тун ичида ўткур киличлари дамнинг шаъшасидин қиёмат кунининг ошубгоҳин жилваға киргуздилар. Ва қочор лашкарининг баҳодирлари ижтимоъи ҳайъати била така муборизлариға муқобил бўлуб, муҳораба ва муқотала ишин улчаким мумкиндур, зухурға еткурдилар. Ва номус юзидан савошу талош ва ғайрату фархош умурин ҳаддин ошурдилар. Аммо така муборизлари ҳазрати соҳибқироннинг кишварситон давлатининг ҳимояти ва қуввати била анингдек **230<sup>a</sup>** улуғ лашкар ва қавий душманға ғолиб келдилар. Ва қочорнинг ҳадду шуморасиз сипоҳи мағлуб ва манқуб бўлуб, ул тийра ва тор кечада сахар чоғи барча асбобу олот ва хайма-ю хиргоҳ ва тўпхона-ю кўрхона, хазина-ю дафиналарини ташлаб, ёмонроқ ҳол ва қатиғроқ аҳвол била фирор кўргузуб, атрофу жонибға мутафарриқ ва паришон ва қайси тарафға борурин билмай саросима ва ҳайрон бўлдилар. Аммо кўпраки қавмга кириб, Сарахс жонибиға азимат қилдилар ва бир манзиллик масофат қатъ этмасдан бурун ҳамул ҳавлноқ чўлда очлиғ ва ташналик ғалабасидин касолат ва ҳалокат туфроқиға йиқилдилар.

Ва така халқининг барча улуғ ва кичик, аёлу атфоли ҳамул кун ғайрати тамом била куффори нофаржомни асиру дастгир ва мағлулу муққайяд қилмоқға машғул бўлуб, атрофу акнофға мутафарриқ бўлғанларни дағи таъоқуб қилдилар. Ва ўлганларнинг асбобу яроғин олиб, тирикларга сув ва таом бериб, **230<sup>b</sup>** ҳар тарафдин қўй калласи янглиғ гуруҳ-гуруҳ суврат келтурдилар ва йигирма етти минг сарбоз ва пиёда ва косибнинг баъзиси муҳораба ҳангомида баҳодирларнинг тиғи зарбидин мақтул бўлдилар. Ва баъзиси чўлда ташналик шиддатидин ўлдилар ва кўпраки асирлик бандиға гирифтор бўлдилар.

Ва ул жамоадин беш-ўн сонлиғ кишидин бошқаси ул маҳлака вартасидин нажот соҳилиға чиқиб, омон қутулмади. Аммо Ҳамза мирзо ва Қаввомуддава ва сипоҳ акобири отлиғ лашкардин бир жамоа била ўзларин қавмға урмай, Марв дарёсининг каноридин фирор йўлиға истеъжол ва изтирор маркабин сурдилар ва мутафарриқу паришон бўлуб, ҳар жамоа бир вилоятға юз урдилар.

Ва туман минг меҳнат ва машаққат била ўзларин бир гўшага еткурдилар. Ва замон жафоси ва фалак гардишидин кўрдилар, улчаким, кўрдилар. Ва така халқи анингдек қурғун<sup>1</sup> ва улуғ қўшуннинг барча тўпхона **231<sup>a</sup>** ва асбобу яроғ ва амволу улоғ ва хазина-ю дафиналарин тасарруфлари хийтасиға киюрдилар.

Ва ул тоифанинг адно гадолари ғанилиғ, балки қорунлиғ лофин урдилар ва ғанимат амволи жумласидин ўттуз тўп ва йигирма хачир зар ва минг чоғлиғ тиллодин тuzалган, зуруфу жавоҳирдин мурассаъ бўлган адо не эрдиким, ҳар бири жаҳон хирожиға арзир эрди, ўзга амволу ғанойимнинг не чоғлиқ кўплугин мундин қиёс қилса бўлур ва ўзга асбобу ашённинг не янглиғ вофир эрканин муниг юзидин билса бўлур.

Алқисса, така тоифаси анингдек қавий душманға голиб келиб, билкулл мақхур ва масхул қилиб, ҳаддин афзун ва қиёсдин барин зару молға мутасарриф бўлғандин сўнг фориғболлиқ била ҳазрати зулжалолнинг шукрин бажо келтуруб, Марв вилоятин ўзлариға маскан ва маъман қилиб ўлтурдилар. Ва асирларин атрофдағи вилоятларға сотмоқ учун гуруҳ-гуруҳ сурдилар. **231<sup>b</sup>** Ва ислом диёрларининг жамеъи бозорларин асиру бардадин тўлдурдилар.

Ва така халқининг шижоатнишон сардори Қовшутхон ҳазрати соҳибқирон учун ҳамул амволидин хумс чиқариб, кўп тухфа ва ҳадялар била така кадхудоларидин бир жамоани Мулло Муҳаммад юзбошиға қўшуб, Хоразм жонибиға ирсол қилди. Алар камоли истеъжол била қатъи манозил қилиб, рабиъ ус-соний ойининг авохирида остони давлатошиён хокбўслиқи шарафиға мушарраф бўлуб, келтурган тухфа ва пешкашларин назари анвар пешгоҳига еткурдилар. Ва ҳамул ҳайратафзо воқеанинг кайфиятин тафсил била баён қилиб, подшоҳона навозишлар ва хусравона бахшишлар кўрдилар.

### **Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг вафоти ва баъзи воқеоти зикри**

Мазкур йил, яъни санайи ҳижрия минг икки юз етмиш еттида рабиъ ус-соний ойининг учида, жумъа кечаси Бухоро вилоятининг волийси амир Насруллоҳ ибн амир Ҳайдар марази табиий била вафот топти. **232<sup>a</sup>** Ҳамул айёмда анинг ўғли Музаффар тўра ҳукумат йўсуни била Кармана вилоятида мутамаккин эрди. Дарҳол

<sup>1</sup> Катта, улуғ; бой

умаройи изом ва уманойи киром ва жамеъи коргоҳ давлатхоҳлар иттифоқ била соиру-с-сайр қосид Кармана жонибиға йибориб, мазкур тўрани талаб қилдилар, токим отаси ўрниға салтанат тахтига миндургайлар. Музаффар тўра бу хабарни эшитгач истеъжол маркабин суръат тариқиға сурди. Душанба куни чошт вақтида ўзини Бухоро шаҳриға еткурди. Барча умаройи изом ани иттифоқ била подшоҳлик маснадида ўлтурғуздилар ва анинг амру найҳ сидку ихлос юзидин мутобаат кўргуздилар. Ва амир Музаффар салтанат саририға жулус қилиб, Бухоро кишварининг зимомии ихтиёрин қабзайи иқтидориға олиб, мамлакат умуриға низом ва райият маҳомиға саранжом бергандин сўнг отаси дастурида мувофақат ва мусодақат шевасин маръий тутуб, отаси вафотининг изҳори ва ўз жулусининг ахбори учун ўзининг мўътабар умаросидин Шоҳхўжа садрни **232<sup>б</sup>** муҳаббатнома, яхши тухфа-ю ҳадялар топшуруб, ҳазрати ҳадиви комкорнинг дарбори фалакмадори хизматиға ирсол этти.

Ва Шоҳхўжа садр бир неча муддат қатъи манозил қилиб, рабиъ ус-соний ойининг йигирма бешида остонбўслиғ саодатиға етиб, келтурган муҳаббатуслуб мактубни тухфаю ҳадялари била хузури олийга еткуруб, илтифоти подшоҳонадин хурсандлиғ ва масрурлиғ топти. Ва бир неча кун таваққуф қилиб, фароғ ва осойиш ҳосил қилгандин сўнг ҳазрати соҳибқирон умаройи олийшон зумрасидин Яхши Муҳаммад доруғани анга ҳамроҳ қилиб, муборакбодлиғ ва фотиҳахонлиғ расми била Бухоро жонибиға равона қилди.

Ҳамул оғонда Юсуф дастурхончи вафот топиб, ҳазрати зиллуллоҳнинг марҳаматидин анинг ўғли Бобобой дастурхончилиғ мансабиға мансуб бўлди. Ва жумоди ул-аввал ойининг йигирма бешида умаройи ҳашаматпаноҳ изомидин Искандар иноқнинг умри қуёши вафот мағрибиға ғуруб қилиб, қипчоқ **233<sup>а</sup>** акобирзодасидин Муҳаммад Яъқуббек ибн Қутлуқ Муҳаммад иноқнинг давлати ахтари иноқиёт машриқидин тулуъ этти, яъни ҳазрати зиллуллоҳнинг мулукона марҳаматидин иноқлик мартабасиғаким, ўзининг маврусий мансаби эрди, етти.

Ва мазкур ойнинг йигирма секизида, шанба куни атбайи аъло хизматкорларидан Раҳматуллоҳ Қоракўзким, ҳазрати ҳадиви комкорнинг фармони саодатосори била бурунроқ Бухоро сифоратиға марсул бўлмиш эрди, амир Насруллоҳнинг вафотидин уч-тўрт кун сўнг Бухоро шаҳриға дохил бўлуб, амир Музаффарнинг

хузуриға етти ва анинг амри била бир неча муддат Бухоро қальасида эъзози тамом била таваккуф этти. Ва амир Музаффар отаси фавтининг эъломи ва ўз салтанатининг пайғоми учун Шоҳхўжа садрни остони сипехрошиён хизматиға ирсол этгандин сўнг анга дағи ўзининг умаросидин Содик мирохурни элчилик тариқаси била кўшуб, Хоразми фирдавсбазм вилоятиға ирсол этмиш эрди, даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға етиб, **233<sup>б</sup>** амири мазкурнинг мусодақат изҳори бобида йиборган пайғомин маъруз этти ва илтифоти подшоҳонадин ҳар наким муддаоси эрди, етти.

Жумоди ус-соний ойининг ўн бешида, жумъа куни Хўқанд вилоятининг элчиси Фармон доруғаким, бурунроқ ул вилоятнинг олийшон султони Муҳаммадёрхоннинг ихлосномасин тухфа-ю ҳадяси била ҳазрати хоқони гардунтавоннинг хузури комилу-с-суруриға еткуруб, элчихонайи ҳумоюнда муқим эрди, саодатпаноҳ, нажобатдастгоҳ, фазилатнишон Қубодхон хўжани ҳамроҳ қилиб, сифорат расми била муҳаббатнома топшуруб, Хўқанд тарифиға равона қилилди. Ражаб ойининг йигирма иккисида шанба куни Бухоро элчиси Содик мирохурбошиға умаро зумраси сарафрозларидин қипчоқ Ҳакимниёз оталиқни элчилик йўсуни била масхуб қилиб, Бухоро кишвариға ирсол этилди. Ва ражаб ойининг салхида, шанба куни Марв вилоятининг ҳокими Мулло Муҳаммадниким, бурунроқ така кадхудолари била остони олий хокбўслиғи саодатиға восил бўлуб, ўзининг **234<sup>а</sup>** авлоду ақрабоси орасида вофир ва комил ишлар била оромгузин эрди, ўзининг ҳамроҳлари била яна ўз ҳукуматининг марказиға равона қилди. Ва шаъбон ойининг ўн иккисида, жумъа куни Бухоро элчиси Офокхўжа амир Музаффарнинг фармони била Яхши Муҳаммад доруғаға ҳамроҳ бўлуб, мазкур амирнинг муҳаббатуслуб мактубин подшоҳона ҳадя ва тансуқоти била ҳазрати подшоҳона гардунпойгоҳнинг хузури шарофатдастгоҳига еткуруб, навозиши хусравонадин баҳрамандлиғ топти.

### **Товуқ йили воқеаларининг зикри**

Аҳли нужум ва арбоби ҳисобнинг ҳикматмаоб қоидаси била санайи мазкурда, рамазон ойининг ўнунчи кечасида Наврўзи оламафрўз шоҳиди хуфо пардасидин бардар қазосида жилвагар бўлуб, товуқ йили баҳжат ва сурур канотин қоқиб, зухур шохсориға қўнди ва жаҳон гулшани янгидин сар то қадам фирдавс боғидек

сабзу хуррам бўлди. Ҳамул фараҳфаржом ва саодатанжом йилда воқеъ бўлган воқеалар жумласидин бири улким, Бухоро элчиси Офокхўжа садрким, дўстлиғ лавозимининг изҳори учун **234<sup>б</sup>** амир Музаффарнинг йиборган нома ва пайғомин ҳузури давлат илтизомига еткуруб, неча муддатдин бери ишорати аъло мужиби била элчихонайи дилкушо ва осойишу истироҳат учун мутаваккиф эрди.

Ҳамул йил, яъни санайи минг икки юз етмиш еттида шаввол ойининг бешида, душанба куни ул ҳазрат ани кўринуши олийга ундаб, баъзи пайғом ва сафар ишини анинг ҳуши кулоқиға еткурди. Ва анга умаройи соҳиббэхтишом акобиридин Шохмурод иноқни сифорат расми била масҳуб қилиб, Бухоро диёриға ирсол қилди.

Яна улким, шаввол ойининг ўн тўккузида, душанба куни Ҳакимниёз оталиқким, мундин бурун амир Музаффарнинг бурунги элчиси била элчилик тариқасида ҳамроҳ бўлуб, Бухороға бормиш эрди, мазкур амирнинг кўшуб йиборган элчиси Мирзабек мирохур била келиб, ҳузури олий вусулидин комёблиғ топти. Зулҳижжа ойининг ўн тўртида, шанба куни Қуббодхонхўжаким, Хўқанд кишварининг элчилигига марсул бўлмиш эрди, андоқким юқорида мазкур **235<sup>а</sup>** бўлди, Муҳаммадёрхоннинг анга ҳамроҳ қилиб йиборган элчиси Муҳамадамин Додахўжа била остонбўслиғ шарафиға мушарраф бўлуб, навозиши хусравонадин сарафрозлик топти.

Ва санайи ҳижрий минг икки юз етмиш секизга интиқол этгандин сўнг муҳаррам ойининг еттисида, якшанба куни ҳазрати аъло хоқоний гардунмакон ҳукамойи замон қавли била муборак пайкарининг сихҳату солимлиғи издиёди учун тузга тушмакни ирода қилиб, сайр тариқаси била доруссалтанайи Хивақ зайналлоху таъоло би-л хайри ва-н-насақдин умаройи изом ҳамийнонлиғи била анжум хайли орасида куёш хусравидек сайр амрида суръат кўргузуб, гоҳо куро ва сахро сайрин ва гоҳо нахру дарё гаштин қилиб, манзил-баманзил қатъи масофат этиб, Фитнакнинг юқорисида Султонсарой тузиғаким, жаҳон мамоликида анингдек мусаффо ва хосиятлик тузиниким, нишонпарварлар бориб, барча хосу нудомо ва умаро била тушуб, ул туз хосиятидин кўп манфаатларға етушуб, мурожаат қилди. **235<sup>б</sup>** Ва сув фазосида яғоч бодполарни барқжавлон қилиб, мазкур ойнинг учида, шанба куни дорулхилофа Хивақға келиб, салтанат марказида қарор тутти. Ва шаҳар аҳлининг интизорлари кўзин дийдор куёши анваридин

ёрутти. Ҳамул ошонда Бухоро элчиси Мирзобек мирохурға остони олий мулозимларидин Дўстниёз маҳрамни қўшуб, Бухоро жонибиға йиборилди.

Яна улким, Шоҳмурод иноқким, элчилик тариқаси била Бухорога бормиш эрди, андоқким юқорида мазкур бўлди, бир неча муддатдин сўнг Амир Музаффар анга эъзози тамом била рухсат бериб, ўзининг олиймақом умаросидин Муллахўжа Ўрокни элчилик расми била анга ҳамроҳ қилди. Ҳамул аснода Дўстниёз маҳрам Бухоронинг сўнгги элчисига элчи йўсунлуқ қўшулуб, Бухороға борди. Амир Музаффар ани ҳузуриға ундаб, савол ва жавоб адосидин сўнг навозишлар кўргузуб, мурожаат қилурға рухсат бериб, мазкур элчигига қўшуб йиборди. Алар манозили мутақасира қатъидин сўнг **236<sup>a</sup>** сафар ойининг учида, жумъа куни остони иқболпосбон тавофи шарафиға восил бўлуб, ҳузури комилу-с-сурур вусулидин фараҳи тамом ва баҳжати молакалом ҳосил қилдилар.

Яна улким, мазкур йил рабиъ ул-аввал ойининг иккисида шанба кечаси саҳар хангомидаким, барча кечаларнинг маҳмуди ва жамеъи соатларнинг масъуди эрди, **маснавий:**

Йўқ эрди наҳс юлдуздин нишона,  
Саодатдин тўла эрди замона.  
Шарофатлиғ кавокаб толеъ эрди.  
Қамари ҳайлож сари рожеъ эрди.  
Нахусат муртафиъ эрди замондин,  
Қудурат мунқатиъ эрди макондин.  
Ниҳоятсиз муборак эрди милод,  
Эди соат саодат бирла обод.

Ҳазрати Воҳибу-л-атоё хадиви жаҳонороға каромат юзидин бир саодатпай ва хирадпайванд фарзанд ато қилдиким, фарри вужудидин жаҳон аҳлиға фараҳафзо бўлуб, файзи ҳузуридин ер юзига жаннат фазосидек дилкушолиғ еткурди.

#### **Маснавий:**

Саодат машриқидин туғди бир ой,  
Не ойким офтоби оламорой.  
Севинчиға фалак сочмоқ учун дур,  
Дурру ахтардин этти **236<sup>b</sup>** доманин пур.  
Жабини нуридин даҳр ўлди равшан,  
Қудуми файзидин ер юзи гулшан.  
Жаҳонда воқеъ ўлди сур уза сур,

Жаҳон аҳли бўлуб маҳзузу масрур.

Подшоҳона жашни вусур ва хусравона айшу сурур инқизосидин сўнг ул салтанат қуррату-л-айниға ғайбий илҳоми била шахзода Саййид Ҳомид Тўра от қўйдилар. Ва ул мавридда замон фузалоси ва даврон шуароси ғарро қасидалар ва дилкушо таърихлар назм силкига чекиб, ҳазрати соҳибқирони, карамнишоннинг **маликона** марҳаматидин ниҳоятсиз саллалар олиб ва заррин хилъатлар кийиб, қуёшдек мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топдилар.

Ул жумладин фақирким, бу ҳуруф роқимидурман, ул воқеаға бир таърих топиб, назм силкига чекмиш эрдим. Ани ушбу варақға сабт этгумдур:

### **Таърих:**

Тараб кун эй дили мажруҳу помол,  
Ки идбори ту рафту омад иқбол.  
Ки Ҳақ шоҳаншоҳи кишварситонро,  
Яке фарзанди солиҳ дод **237<sup>a</sup>** имсол.  
Зи маймунии осори вужудаш,  
Халойикро муяссар гашт омол.  
Хусусан ҳазрати соҳибқиронро,  
Зи рўяш гашт равшан чашми ижлол.  
Саййид Ҳомид Тўра фархунда номаш,  
Бувад оин ном бар иқболи ў дол.  
Шуд аҳли фазл масрур андар ин сур,  
Хилоъ пўшидаю бигрифта амвол.  
Илоҳо, карда афзун умру жоҳаш,  
Зи офати замон кун фориғ ул-бол.  
Ҳамин шаб Огаҳий таърихи ғарро,  
Ба фикрат ёфта з-он гашта хушҳол.  
Биафканда назар бар авжи афлок,  
Бигуфто “нав ниҳоли боғи иқбол”.

### **Таърихнинг таржимаси:**

“Эй яраланган ва оёқости бўлган кўнгил шодланки, сенинг бахтсизлигинг кетиб, иқболинг кулди, яъни Ҳақ таъоло мамлакат шоҳига бу йил бир солиҳ фарзанд ато қилди. Унинг туғилиши шарофатидан халқда умиду ишонч пайдо бўлди. Хусусан, ҳазрати соҳибқироннинг кўзи жалолат нури билан равшан бўлди. Муборак номи Саййид Ҳомид Тўра бўлиб, отининг ўзи иқболидан дарак

беради. Фазл аҳли бу тўйда шодланиб, ҳам сарполар кийиб, ҳам бир нимали бўлдилар. Илоҳим, умру давлатини ортиқ қилиб, замон офатларидан омонликда тутгайсан. Бу тун Огаҳий унинг таърихни масрур ҳолда топиб, осмон авжиға назар солар экан, “нав ниҳоли боғи иқбол” – “саодат боғининг тоза ниҳоли” деди”.

Яна улким, Бухоро элчиси Муллахўжа Ўроқким, бурунрок амир Музаффарнинг садоқатнома ва ҳадяю тухфасин келтуруб, уманойи давлат васотати била назари анвар пешгоҳиға еткуруб, элчихонаи ҳумоюнда таваккуф кўргузмиш эрди ҳазрати аъло ҳоқоний анга мурожаат рухсатин умаройи ўзбакнажод зумрасидин Авазмуродбийни элчилик тариқаси била ҳамроҳ қилиб, рабиъ ул-аввал ойининг ўн еттисида, шанба куни Бухоро вилоятиға ирсол этти.

**237<sup>б</sup>** Яна улким, мазкур ойнинг йигирма тўртида шанба кечаси аълам ул-уламо, афзул ул-фузало Муҳаммад Қосим маҳзумким, Отажон муфтийға машҳур эрди, фано хокдонидин уқбо гулистониға хиром этиб, “фй мақ‘ади сидқин ‘инда малйкин муқтадир”<sup>1</sup> мақомида ором тутти. Анинг ўрниға жомиъу-л-улуми ва-л-фазоил, ҳоди-л-фунуни ва-л-масоил<sup>2</sup> Муҳаммад Юсуф охунд ҳазрати подшоҳи донишпаноҳнинг илтифоти хусравонаси била аъламият мансабиға мансуб бўлуб, даражайи олийға иртифоъ топти. Ҳамул айёмда Хўқанд вилоятининг элчиси Муҳаммад Амин додхоҳғаким, бурунрок мазкур вилоят волийси Муҳаммадёрхоннинг ихлоснома ва тансуқотин келтуруб, мақоми олийда муқим эрди, ул ҳазрат марҳаматлар кўргузуб, мурожаат рухсатин берди ва хизматгузор ходимлар изомидин Бобо дастурхончини анга сифорат расми била қўшуб, муҳаббат мазмунлиғ рукъа ва ҳадя топшуруб, Хўқанд кишвари жонибиға равона қилди.

**Ҳазрати аъло ҳоқони давлатдарбоннинг сайру шикор қонуни била 238<sup>а</sup> наҳзати обо масканин тузгани ва дарёйи Амунинг шимолия соҳилин қўшлаб, ул тарафдағи бузрукворларнинг муборак марқадин зиёрат қилиб, муовадат кўргузгани**

<sup>1</sup> فِي مَقْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيكٍ مُّقْتَدِرٍ (“Қодир Подшоҳ ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар”, “Қамар” сураси, 55-оят)

<sup>2</sup> Илму фазилатлар жам бўлган ҳамда фанлар ва масалалар раҳбари

Мазкур йил рабиъ ул-аввал ойининг йигирма тўккузида, панжшанба куни чошт вақтидаким, барча соатнинг масъуди ва жамеъи вақтнинг маҳмуди эрди, ҳазрати хадиви комкор, душманшикор, “ман зāра–л-мақāбира каталлāху та‘āлā би кулли қадамин ‘ибāдата сана”<sup>1</sup> ҳадисининг мазмуни била авлиёуллоҳ мақобирининг зиёрати шароитин бажо келтурмак ва “аш-шафқату ала холқиллоҳ муфодун” била фуқаро ва масокиннинг аҳволин истиғфор қилиб, мурувват ва шавқат русумин зуҳурға еткурмак учун зоҳиран сайр ва шикор тариқаси била доруссалтанай Хивак ҳарасаҳумаллоҳу таъоло ўан офот-и-л-ҳарақи ва-л-фарак<sup>2</sup>дин ва давлат якрониға рукуб қилиб, азимат йўлиға равон бўлди.

### Назм:

Киши гар ихтиёр этса гаҳи сайр,  
Кўрар ҳаддин фузун ул сайр аро хайр.  
Бўлур кўнгли кудуратдин мубарро,  
Тани дағи касолатдин муарро.  
Неча турлук тажоруб ҳосил ўлғай,  
**238<sup>b</sup>** Туман огоҳлиқиға восил ўлғай.

Ҳамул кун Янгиариқ мавзеъидағи ҳавлийи олийға нузул қилиб, вусули файзидин анга жаннат гулистонидек хуррамлиғ ва раёнлиғ еткурди. Ҳамул кеча ул мақомда айшу-ишрат ором қилиб, тангласиким, жумъа куни эрди, чошт чоғи андин наҳзат кўргузуб, Найман мавзеъидағи работи лозиму-н-нишотни қудуми юмнидин ғайрати жаннат қилди. Сўнгғи кунким, шанба эрди андин кўчуб, Ос ҳавлиға бориб, бир кеча истироҳат кўргузди. Якшанба куни андин наҳзат самандиға рукуб қилиб, Ҳазорасб қалъасининг кун ботар тарафидағи дилкушо боғқаким, ул боғ зиллуллоҳининг бузруквор биродари амирулумаро, зубдату-л-кубаро шаҳзода Саййид Маҳмуд тўра рафаъаллоҳу таъоло аълома жалолиҳининг<sup>3</sup> мулки холисидур, вусули баҳоридин фирдавси барин гулзоридек назоратшиорлиғ еткурди.

Ҳамул кеча амирулумаро тўранинг девонбегиси ҳимматшиор сиддиқосор Муҳаммад Ниёз девонбеги гуногун **239<sup>a</sup>** зиёфатлар ва муносиб хизматлар қилиб, садоқат ва убудийят шароитин камоянбағи тақдимға еткурди ва ҳамул кеча фармони саодатнишон

<sup>1</sup> Ким қабрларни зиёрат қилса, Аллоҳ таоло ҳар қадамиға бир йиллик ибодат савобини ёзади.

<sup>2</sup> Аллоҳ таоло уларни қон тўкилиш ва бўлиниш офатларидан сақласин!

<sup>3</sup> Аллоҳ таоло унинг шукуҳи байроқларини баланд қилгай!

содир бўлдим, Ҳазорасб паҳлавонлари жамъ бўлуб, кураш тутуб, тамошо берғайлар ва дарҳол ҳукми олий мужиби била жамеъи паҳлавонлар ҳозир бўлуб, ҳамул боғ сахнида боргоҳи олампадох пешгоҳида куштигирлик маъракасин қурдилар. Ва кураш тамошосидин халойиқға ниҳоятсиз нишот ва ғоятсиз инбисот еткурдилар ва инояти хусравонадин кўп инъом ва эҳсон кўрдилар.

Ҳамул оқшом подшоҳона суҳбат ва мулукона айшу ишрат била ўтуб, тангласи душанба сабоҳиким, қуёш хусрави машриқ ишратгоҳидин чиқиб, сипехри ахзар тенгизининг каноридин шуоби аламин намудор қилди ҳазрати подшоҳи жамжоҳ мазкур ишратгоҳдин давлат якронига руқуб қилиб, дабдабайи каёнӣ ва кавкабайи сулаймонӣ била мақсад жониби равон бўлди. Ҳамул кун дарёи Амуя соҳилига етиб, Тунглюкли **239<sup>б</sup>** мавзеъига ким, ҳазрати қутбу-л-авлиё, раъсу-л-атқиё Паҳлавон Маҳмуд алайҳи-т-тахия ва-с-санонинг муборак арнасининг саққосидур, нузули баҳорининг файзу баракотидин жаннат боғидек назорат ва кавсар қароғидек зебу зийнат еткурди. Ва ҳамул оқшом ул назоҳатлиғ мақомда айшу нишот маснадида ором тутуб, лашкариға руҳсат берди, токим ҳамул мавзеъда фармони олий мужиби била жамъ бўлган гардунмисол кемаларга миниб, тонг отғунча аксар сипоҳ сарсар шамол хайлидек дарё юзидин шимолия жонибға убур эттилар. Тонгласи сешанба кун, чошт чоғи ул ҳазратнинг ўзи хосса сипоҳ ва махсус маҳрамлар била ҳилолсурат ва сабоҳаракат заврақларға миниб, дарё юзидин масофат қатъиға суръат кўргуздилар.

#### **Маснавий:**

Заврақ ичра қилиб шаҳи одил,  
Маҳи нав ичра меҳрдек манзил.  
Ўтти сарсармисол Жайхундин,  
Анжум нечукки, гардундин.

Ҳамул кун ул дарёи бекарондин Ҳақ таъоло ҳифзининг **240<sup>а</sup>** замонида<sup>1</sup> солим ва омон ўтуб, шикоргоҳ жонибиға равон бўлди ва ажал чангали италгуларин сарсарқадам охуларға солиб, юз турлук тамошо била неча сурук оҳуни олди, балки сайд аснофининг жамеъи анвоъиға қирон солди.

#### **Назм:**

Ҳамул кун шаҳ солиб чобук италгу,  
Ҳудуд андозасиз сайд этти оҳу.

<sup>1</sup> Бу “вақт” маъносидаги زمان эмас, “кафолат” маъносидаги ضمان сўзи.

Солиб дашт узра ҳар сори хиромин,  
Шикору сайр ишидин олди комин.

Ҳамул кун кечрак шикоргоҳдин қайтиб, дарёдин убур этган мавзеъидаким, фармони олий мужиби била боргоҳи гардуништибоҳ ва хийёми саодатфаржом барпо ва муҳайё бўлмиш эрди, нузул этти. Сўнгги кунким, чаҳоршанба эрди, мазкур мавзеъдин сипоҳи нусратпаноҳ била отланиб, яна сайру шикор тариқаси била дашту сахрони айланиб, Сарикамиш отлиғ манзилга келиб тушти. Ва ул манзилга ул ҳазрат кудуми шарофатидин Эрам гулзоридек сурхрўйлиғ тариқаси била **240<sup>б</sup>** равон бўлуб, Болтаниёз отови деган бешага вуруди баҳоридин жинон боғи масаллик назоҳат ва райёнлиғ бағишлади. Ва жумъа куни андин кўчуб, наҳзат якронин жавлонға солиб, Шўраҳон мамлакати тавобиъдин Анборхона мавзеъидағи ҳавлийи дилкушо ва боғи хушҳавоғаким, ул ҳазратнинг мулки холисидур, ворид бўлуб, ул боғнинг ичидағи қасри олийдаким, биҳишт қасридек фараҳафзо эрди, бир кеча истироҳат маснадида тамкин кўргузди ва тонг отғунча айшу тараб ақдохин давронға киргузуб, подшоҳона созу суҳбат тузди. Ва тонгласи шанба куни ҳамул ишратнишон макондин ҳаракат қилиб, қуёш янглиғ сойиру саҳро юзида жонпарвар ҳаво масаллик доир бўлуб, Калтаминор отлиғ манзилнинг ифтихори бошин шарофатшиор нузули баракатидин сипеҳри даввор гунбазидин ошурди. Ва бир оқшом ул манзилда таваккуф кўргузуб, сўнгги кунким якшанба эрди, ул мақомдин **241<sup>а</sup>** подшоҳона шавкат била биёбон сайриға хиром этти. Ва шикорандозлиқ ва оҳугирлик тариқаси била ирфон аҳлининг зубдаси ва ийқон хайлининг умдаси, зухду тақво баданининг жони, ҳазрат шайх Абдуллоҳ Бозинжоний қуддиса сирруҳу-л-азизнинг мақбарайи мутабарракаси зиёратиға-ким, ул биёбонда воқеъ эрди, мушарраф бўлуб, ихлос жабҳасин ул муборак остонға суртуб, ул ҳазратнинг пурфутуҳ руҳидин мадад ва иноят тилади. Ва ул ҳарамии муҳтарамнинг мужовир ва жорубкашлариға назр тариқаси била кўп сийму зар бериб, ижобатасар дуоларин олди.

Ва зиёрат лавозими ва масканат маросими адосидин сўнг ул шарофатпайванд макондин давлат самандиға рукуб қилиб, сайр амрида сабомонанд суръат кўргузуб, аср ҳангомида Шўраҳондағи улуғ боғқаким, шахзодағи жаннатмакон Раҳмонқули иноқнинг мустаҳид зотидиндур, ҳоло амирулумаро тўранинг тасарруфи хийтасиға дохилдур, нузул этиб, ҳамул кеча боғ ичидағи **241<sup>б</sup>** олий

қасрда жамшидона суҳбат тузуб, мулукона айшу нишот соғарин давраға киргузуб, ҳарнаким коми эрди, фалак гардишидин маҳсул ва муҳайё топти. Ва душанба куни андин сайр тариқаси била равона бўлуб, Сорибий отлиғ манзилни ўрдуйи кайҳонпуйға макон этти. Ва ул мақомда бир кеча ором қилиб, сешанба куни андин барқхиром ашҳабиға тезкомлиғ еткуруб, ул маърифат гавҳарининг кони ва ҳақиқат ахтарининг осмони ва тариқат аҳлининг аввали ҳазрати шайх Аббоси Валий наварраллоҳу марқадаҳу<sup>1</sup>нинг муборак равзасининг зиёратиғаким, Кўҳна Катда воқеъдур, мушарраф бўлуб, инкисори тамом ва ифтихори молокалом била истимдод кўргузди. Ва ул равзайи мутабарраканинг устидаги олий иморатиниким, ул ҳазратнинг амри била ҳамул йил бино топиб, таъмири иши итмомға етмиш эрди, дийдаи эътибор била тамошо қилиб, ўрдуйи ҳумоюнғаким, ҳамул файзосор мақбаранинг жавориға нузул этмиш эрди, келиб кеча ул мақомда оромгузин **242<sup>a</sup>** бўлди ва ул остони малоийкпосбондағи мужовир ва муқим бўлган мусофир ва етимларга назр тариқаси била ул миқдор сийму зар нисор қилдиким, барча дунёдин мустағний бўлуб, молдорликда ўзларин Қорундин ғанийроқ билдилар.

Тонгласи чаҳоршанба куни ҳазрат сарсархиром ашҳабга руқуб қилиб, Шимомкент отлиғ мавзеъ жонибиға сайдандозлиғ расми била озим бўлди. Маълум бўлсунким, Шимомкент қадимдин қолган бир бўз ва ҳамвор биёбоннинг отидурким, ул ҳазратнинг шарофатнишон фармони била остони олийшон хизматкорларидин Муҳаммад Яъқуб маҳрам тоза ёф қоздуруб, ул бўз ерга сув келтурмиш эрди. Ва ул ҳазратнинг таважжуҳи файзидин ул биёбон биҳишт бўстонидек ободон бўлуб, ғалла анвоъи фаровон ҳосил бўлур эрди.

Ул ҳазрат ҳамул мавзеъға етиб, ўрдуйи ҳумоюнғаким, олий ишорат била анда нузул этиб, хайма ва хиргоҳ ва саропарда ва боргоҳ барпо-ю муҳайё бўлмиш эрди, иқбол қуловузлиқи била **242<sup>b</sup>** ул саодатнишон маконға ворид бўлуб, муборак қудуми баракатидин ўзга янглиғ назоҳат ва райёонлиғ еткурди. Ва ул мавзеъни боғу бўстонға қобил ва муносиб кўруб буюрди, то донишманд муҳандислар ва хирадпайванд массоҳлар юз таноб ерни ўлчаб боғи андозасин тарҳ эттилар ва фармон мужиби била юз турлук мевадор дарахт ниҳолни эктилар. Умид улким, ҳазрати зиллуллоҳининг таважжуҳи шарофатидин ул муборак боғ жаннат

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг ётган ерини ёкти (нурли) қилгай!

бўстонидек назоҳат ва ободонлиғ ва фирдавс гулистонидек тароват ва райёнлиғ топиб, олам инқирозигаҗа даврон ҳаводисидин хазон ва вайронлиқин кўрмагай, омин.

Ва ҳазрати соҳибқирон ул майманатнишон манзилда бир неча кун айшу сурур била истироҳат кўргузуб, тонгласиким, панжшанба куни эрди, андин давлат ва иқбол қонуни била азимат оҳангин тузуб, Андарой жангалига борди ва бир улуғ кўл канориға нузул этиб, вусули шарафидин боргоҳи олампаҳоқ манжуқин зурвайи уюқдин ўткарди. **243<sup>a</sup>** Ва мазкур кўлда сайд аснофи бисёр, хусусан, қошқалдоқ шикори бешумор эрди. Бу жиҳатдин ҳамул кўл канорида икки ақшом таваққуф қилиб, куш солмоқ ва ов олмоқ тамошоси била хотири хатири шоҳбозин шикоривор кўчуруб ва наҳзат бодпосин сахро сайриға суруб, Раҳмонберди бийнинг Қаландархона отлиғ хушҳаво боғ ва фараҳафзо иморатиға нузул этиб, қудуми саодатлузуми баҳори файзидин биҳишт боғидек тоза тароват ва беандоза назорат бағишлади. Ва ул кун ул ишратнишон маконда гардунтавон паҳлавонларни кураш тутдуруб, байроқ расми била инъом бериб, барчасиға шодкомлиғ еткурди. Ва ҳамул кеча ул файзосор манзилда подшоҳона айшу ишрат базмин тузуб, фараҳу беҳжат соғарин давраға киргузди.

Ва тонгласиким, якшанба куни эрди, Қаландархонадин кавкабайи мулукона ва афвожи маҳшарнишона била отланиб, боғ этакидаги майдонда тоғдек тамкин била **243<sup>b</sup>** ором тутуб, от чоптуруб, кураш тутдуруб, оти ўтган сайисларға ва ҳарифини йиққан паҳлавонларға жалду байроқ баҳонаси била неча-неча сийму зар ва этак-этак нақду гавҳар сочиб, барчасин ғанилик мартабасиға еткурди ва саҳо-ю ато расмин ул масобада эътидол ҳаддидин ошурдиким, Ҳотам Тойи саховати ва Маън Зоида самоҳати<sup>1</sup>нинг афсонасиға насху бутлон хатин урди. Ва от чоптурмоқ ва кураш тутдурмоқ тамошоси интиҳосидин сўнг азимат инонин тоғ жонибиға маътуф этиб, ул тариқат арбобининг султони ва ҳақиқат асҳобининг соҳибқирони ва ул ирфон гавҳарининг маъдани ва ийқон зарининг махзани ва ул ақиқи обдори яманий, аъни ҳазрати кутб ул-ақтоб Султон Увайс Қараний равваҳҳаллоҳу руҳаҳунинг муборак қадамгоҳиғақим, тоғ доманасида тилло конидек воқеъдур, ниҳоятсиз ажзи инкисор ва ғоятсиз тавозеъ ва

---

<sup>1</sup> Маън ибн Зоида – Абулфазл Маън ибн Зоида бин Абдуллоҳ аш-Шайбоний. Машҳур саховатпеша. Араб баҳодир ва фасих (сўз устаси)ларидан. Вафоти 151 ҳижрий қамарий. Маън Зоида самоҳати – Маън ибн Зоида жўмардлиги.

умидворлиғ била муборак хонақоҳнинг остонайи шарофатнишонаси зиёратиға **244<sup>a</sup>** фоиз бўлуб, арвоҳи таййиба баракотидин кўп файзу футуҳот ҳосил қилди ва зиёрат лавозими адосидин сўнгра ҳамул олий хонақоҳ ичида умаройи олийжоҳ ва уламоёйи шариатпаноҳ била ўлтурди ва фармони вожибу-л-изъон мужиби била ширинкор таббохлар гуногун атъмайи лазиз муҳайё қилиб, жалодатшиор фаррошлар одоби тамом била ҳамул таомлар анвоъин излик изидин келтуруб, шоҳ ва сипоҳ олдиға чекди ва ранго-ранг қанду набот ва гуногун ҳалво-ю қандолот ул микдор ҳамул мажлис ичига келтуруб, хирмону харвор қилдиларким, халойиқ аларни зулла қилиб кўтармакдин ожиз келдилар.

Ва ушбу зиёфат лавозими интиҳосидин ва Каломуллоҳ тиловати маросими адосидин сўнгра ул муборак остонадағи фуқаро ва масокин ва мужовир ва мусофирларға назр ва садақа тариқаси била нуқуди фаровон инъом ва эҳсон қилиб, дуойи хайрларин олди. Андин сўнг умаройи олийшон ва сипоҳи шавкатнишоннинг ҳаминшонлиқи била ул муборак макондин муовадат тариқиға равон бўлуб, **244<sup>b</sup>** кечрак мазкур бўлган Қаландархонаға, ўрдуйи ҳумоюн анда мутавакқуф эрди, келиб тушуб, кеча ишрат маснадида истироҳат кўргузди. Сўнгги кунким, душанба эрди, доруссалтанайи Хивақға муовадат қилмоқ учун ўрдуйи аъло била кўчуб, дарё канориға келиб, Урганч қалъасининг тўшиға тушти.

Ва тонгласи шанба куни дарёдин убур этиб, Урганч диёридағи фирдавснишон боғғаким, ул ҳазратнинг мулки маврусий ва макони холиси эрди, нузул этиб, бир оқшом анда тавакқуф кўргузди ва чаҳоршанба куни рабиъ ус-соний ойининг ўн тўккузида Урганчдин отланиб, туш вақтида Жоникшайх қариясидағи ўзининг бино қилдурған олий ҳавлиси ва дилкушо боғиға келиб тушти ва ул боғни тамошо қилиб, пешин намозин адо қилғандин сўнг отланиб, давлат ва иқбол била намози аср ҳангомида дорулхилофа Хивақға ворид бўлуб, салтанат саририға муборак кудуми вусулидин зебу равнақ еткурди. Аммо ушбу фақири касиру-л-қасирким, **245<sup>a</sup>** бу ҳуруфи майманатвуқуфнинг роқимидурмен, аёқимнинг шикастланганлигининг кадимий узрим сабаби била ул ҳазратнинг ҳумоюн рикоби мулозамати давлатидин маҳрум бўлғаним учун ўз кулбам гўшасида ўлтуруб, ғоятсиз малул ва андуҳгин эрдим. Аммо дуо тариқасида бир ғазал фикри била ғамгин хотиримға қарор ва таскин бердим, ул ғазал будурким, бу ерда мастур бўлур:

**Ғазал:**

Шаҳо, азми шикор этсанг, санга Хақ лутфи ёр ўлсун,  
Рикобингда мулозим фатху нусрат бандавор ўлсун.  
Қаю сахроға от сурсанг, бўлуб Хизр анда ҳамроҳинг,  
Қаю манзилгаким, тушсанг ҳафизинг Кирдигор ўлсун.  
Қушинг ҳар учғанида сайд ўлуб бир Қоф анқоси,  
Анинг ҳар секриганда бир Фалак шери шикор ўлсун.  
Ҳумоюн қарчиғайинг солсанг ушбу сайдгоҳ ичра,  
Ҳумойи иззу шавкат сайд анга беихтиёр ўлсун.  
Сафарда чун қила олман танимни гарди жавлонинг,  
Ҳазарда мақдамингға жавҳари жоним нисор ўлсун.  
Сабабдур амру адлинг халқ орому қарориға,  
**245<sup>б</sup>** Жаҳон бир неча, ё Раб, умру адлинг барқарор  
ўлсун.

Рикобинг хизматидин гарчи бўлмиш Огаҳий ожиз,  
Ва лекин жисми туфроғи жанобингда ғубор ўлсун.

Ва бу майманатасар ва беҳжатгустар сафарда ҳазрати  
зиллуллоҳининг валади амжади ва халафи аршади шаҳзодаи  
муаззам ва валиаҳди мукаррам, мазҳари хулқи карим, аъни  
Муҳаммад Раҳим тўра дома иқболуҳу ва зийда ижлолуҳу ва зоида  
ажлолах<sup>1</sup> дағи ҳазрати салтанатмаобнинг рикоби нусратинтисоби  
мулозаматида ҳамроҳлиғ кўргузди ва қуш солмоқ ва ов олмоқ  
қонунида жалодат оҳангин ўзга янглиғ тузди.

#### Назм:

Гаҳи қарчиғай гаҳи италгу солиб,  
Гаҳи қирғавул, гоҳ оҳу олиб.  
Анингдек шикор амрин этти аён,  
Ки аснофи сайд ичра тушти қирон.

Ва бу сафарда улчаким, коми эрди, сайр ва шикор этмак додин  
берди ва ниҳоятсиз фарраҳ ва беҳжат била ҳазрати зиллуллоҳининг  
ҳумоюн рикоби мулозаматида мурожаат қилди ва Тенгри таъоло  
ҳифзининг замонида хуш ва хуррамлиғ била давлатхонаи  
фирдавснишонаға келди.

Фақирким, ул жанобнинг остони **246<sup>а</sup>** давлатмаоб  
дуогўйларидиндурман, ҳамул сайру шикор таърифида бир ғазал  
назм силкига чекиб, назари анвари мутолаасиға еткурдим ва ул  
жанобнинг илтифоти бекаронасидин ифтихорим бошин қуёшнинг  
заррин амомасидин ошурдим. Ул ғазал будурким, бу авроқда  
марқум бўлур:

<sup>1</sup> Иқболи доим, шарафи зиёда бўлсин!

### Назм:

То ирода айлади шахзодаи аъзам шикор,  
Оллида жонин нисор этти бўлуб хуррам шикор.  
Сайдки, азмин қилиб чароғин нурафшон айлагач,  
Бўлди сахрода жамеъи оху-ю зайғам шикор.  
Ер юзида бўлмади ёлғуз шикори ваҳшу тайр,  
Арсайи гардунда бўлди Насри тойир ҳам шикор.  
Қўймайин олди ҳаво-ю ерда сайд аснофини,  
Бу била ҳаргиз кўрмади Баҳром бирла Жам шикор.  
Ё раб, имдодинг била ул жамнишон шахзодани,  
Шоҳбози давлатини айлагил оламшикор.  
То шикор осори бордур, кўнгли шунқориға қил,  
Инбисоту айшу давлат қушларин ҳар дам шикор.  
Огаҳий кўнгли чу бўлди лутф сайёдиға сайд,  
Комиға етти ҳамул пажмурдаву пурғам шикор.

### **246<sup>б</sup> Хўқанд вилояти шахзодаларидин Маҳмуд тўрани Бухородин қочиб даргоҳи олампаноҳға келгани ва ҳазрати аъло хоқонининг анга подшоҳона марҳамат кўргузуб, марсумот муқаррар қилгани**

Мазкур йил рабиъ ус-соний ойининг авохирода Хўқанд вилоятининг волийси Муҳаммад Амин хоннинг ўғли Маҳмуд тўра Бухородин қочиб, остони давлатин посбони мулозаматиға келди. Ва бу давлати абадмуддат қасрининг поясин ўзига паноҳ қилди.

Бу ажмол тафсили улким, юқорида ўзининг мавридида ишорат қилилмиш эрдиким, баъзи умури мулкия сабабидин Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳ била Хўқанд волийси Муҳаммад Аминхоннинг орасида мухосама ва мунозъиа моддаси йил-йилдин издиёд ва кун-кундин иштидод топар эрди, то амир Насруллоҳ жамеъи Мовароуннаҳр черикин жамъ этиб, истеъдоди тамом ва истизҳори молакалом била Хўқанд вилоятиға бориб, шахру ҳисорин мафтүҳ ва мусаххар қилди ва барча хазойин ва дафойинини **247<sup>а</sup>** тасарруф илкига олиб, Муҳаммад Аминхонни қатлға еткурди ва анинг ўғли Маҳмуд тўра бошлиғ барча атфол ва аҳлу аёлин жамеъи мутааллиқоти била Хўқанд шахридин кўчурди ва Бухороға келтуруб, маскану макон таъйин этиб, вазифа ва кўнук муқаррар қилди. Ва алар зарурат юзидин замонасозлик қилиб, бир ҳол била авқот ўткарур эрдилар, то амир Насруллоҳ вафот топиб,

амир Музаффар салтанат маснадиға жулус қилғандин сўнг аларнинг ҳолиға кўпрак танглик етушуб, Маҳмуд тўра ҳамул танглик шиддатиға сабру тоқат қилолмай, фурсат топиб, Бухоро шаҳридин чиқиб қочти.

Ушбу йил рабиъ ус-соний ойининг авохирида ҳазрати зиллуллоҳининг жаҳонпаноҳиға келиб, атбайи аъло туфроқиға ажзу ниёз ашки гавҳарин этак-этак сочти. Ул ҳазрат анинг ҳолиға рикқат ва тараҳхум кўргузуб, мурувват юзидин ҳолин сўруб, дилжўйлик ва хушгўйликлар била ғамгин кўнглиға шодлиғ еткурди ва анга саройи дилкушо ва маъвойи хушсафо **247<sup>б</sup>** таъйин этиб, ҳар кун харожати учун нуқуди вофир бермак буюрди. Ва мазкур тўра ул ҳазратнинг улуғ давлат ва азим марҳаматидин туганмас неъматига дучор бўлуб, кўнгли тилаганча айшу ишрат сурди.

#### **Назм:**

Зиҳи подшоҳи саховатнизом,  
Ки ком олди эҳсондин хосу ом.  
Мусофир атоси била шод ўлуб,  
Мужовир сахосиға мўътод ўлуб.  
Жаҳон ичра инъомидин сарбасар,  
Киши қолмади бўлмайин баҳравар.  
Ҳама комин олиб атоси била,  
Туну кун эрурлар дуоси била.

**Ҳожи Шукруллоҳ оқанинг сифорат важҳи иродаси била Хоразмдин Румға борғани ва Румдин Маккайи муаззама ва Мадинайи мунаввараға бориб тавоф ва зиёрат шартларин бажо келтуруб, яна Румға келиб таваққуф қилғани ва ул авонда баъзи воқеъотнинг зуҳурға етгани ва Рум волийси Султон Абдулмажидхон вафот топиб, анинг биродари султон Абдулазизхоннинг хилофат тахтиға жулус этгани ва Ҳожи Шукруллоҳ оқанинг Румдин Хоразмға **248<sup>а</sup>** мурожаат қилғани ва суръат била қатъи масофат қилиб атбайи аъло хизматиға келгани**

Бу нусухайи паришон ахборини мутолаа қилғучи таворих аҳлининг замири байзонишониға пўшида ва пинҳон қолмасунким, Ҳожи Шукруллоҳ оқа Хоразм давлатининг қадимий давлатхоҳ умаросидин ва сартия тавойифининг корогоҳ кубаросидиндур ва анинг муншаъ ва мавлуди Кот вилоятидур ва ватану маскани ҳам

андадур. Ва шаҳид Сайид Муҳаммад Аминхон жаннатмаконнинг салтанати авойида анинг амри била элчи бўлуб, Рум подшоси султон Абдулмажидхонга нома ва тухфа элтиб, анинг нома ва ҳадясин ҳам мазкур хоннинг олдиға келтурмиш эрди. Ва Муҳаммад Аминхон ўзининг умри ва салтанати айёмининг авохирида барс йили, таърих ҳижрий минг икки юз етмиш бирда, рабиъ ус-соний ойининг ғуррасида Шукруллоҳ оқани ўз тарафидин вакил этиб, ҳаж савобин ҳосил қилмоқ нияти била байтуллоҳ зиёрати ва Рум сифорати учун нома топшуруб ва йўл харожати учун **248<sup>б</sup>** кўп нақду мол бериб, яна Рум вилоятиға ирсол қилди. Ва Муҳаммад Аминхоннинг ўзи мазкур ойнинг еттисида Хоразм черики била муфсидлар истилоси учун Марвға ва андин Сарахсға бориб, Тенгри тақдири била ражаб ойининг ғуррасида шаҳодат даражасиға фоиз бўлди. Бу воқеайи ҳайратафзо ўз мавридида тафсил била рақам топмиш эрди. Ва чун Ҳожи Шукруллоҳ оқа хони мазкурнинг фармони била Хоразмдин мақсад жонибиға равон бўлуб, узоқ дашт ва биёбонларни қатъ этиб, Эрон вилоятиға борди ва анда бир неча кун мутаваққиф бўлуб, осудалиғ топғандин сўнг Рум жонибиға азимат маркабин суруб, суръат била Арзанат ур-Рум шаҳриғаким, ани Арзирум ҳам ёзмишлар, бориб тушди.

Ул овонда Рум султони Абдулмажидхоннинг Эронга йиборган элчиси дағи Арзанат ур-Рум қалъасиға етушти. Бу ҳол асносида Эрон вилоятининг чопари **249<sup>а</sup>** ва хати Арзанат ур-Румға келиб, Муҳаммад Аминхоннинг қатлға етган хабарин еткуруб, барча воқеъ бўлган ҳодисаларни тақрир қилди. Рум элчиси бу воқеъани эшитиб, кайфиятин билгандин сўнг Ҳожи Шукруллоҳ оқа била бир мажлисда ўлтуруб, анга деди: “Сенинг подшоҳинг мақтул бўлубдур, бизнинг дастуримизда эмди сенинг элчилигинг ботил ва келтурган номанг мазмуни номасмуъдур, агар сен элчи бўлсанг, ўз юртингға қайтиб борғил, ҳоло юртингда ҳар ким подшоҳ бўлса, андин нома келтурғил. То сенинг элчилигинг мақбул ва муддаонг маҳсул бўлғай, йўқ эрса Румға борғанинг бекордур. Нединким, сабаби элчи қаторида билмағайлар ва номангни олиб мутолаа қилмағайлар”.

Шукруллоҳ оқа қайтмоқни маслаҳат кўрмай, анинг сўзи қабулидан имтиноъ кўргузуб деди: “Мен мундин бурун бир мартаба Румға сифорат расми била бориб, халифа била садри аъзамдин яхши меҳрибонлиғ ва ошнолиғ кўруб қайтмиш эрдим.

**249<sup>б</sup>** Бу навбат мақсад асли Байтуллоҳ тавофин ва ҳаж савобин ҳосил қилмоқдур, ғараз элчилик эрмастур”.

Алқисса, бу сўз била Арзанат ур-Румдин Рум кишвари жонибиға озим бўлуб, бир неча муддат баҳру бар масофатин қатъ қилиб, Рум мамлакатининг дорулмулки Исломбул шаҳриға етти, анинг элчилигин қабул этмадилар. Аммо меҳмондорлик шароитин бажо келтуруб, анга кўп иззат ва ҳурмат қилиб, муносиб маскан таайин этти. Ва Ҳожи Шукруллоҳ оқаким, бағоят донишманд ва баса суханвар ва хушмуҳовара кишидур, бу жиҳатдин ани халифа ва халифанинг улуғ вазир ва мўътабар вакили садри аъзам Али подшо аксар авқот мажлислариға ҳозир қилиб, азиз ва мукаррам туттилар. Ва иноят шамъи партавидин хотири кошонасин ёруттилар. Ушбу ҳол била бир йил муддат ўтгандин сўнг Шукруллоҳ оқа халифадин рухсат олиб, Маккайи муаззамаға бориб, ҳаж шароитин бажо келтурди ва Румдин бир кишига кўп мол ва зоди роҳила бериб, Муҳаммад Аминхон марҳумий учун **250<sup>а</sup>** вакил этиб, ўзи била Маккага элтиб, ҳаж қилдурди. Андин сўнг Мадинайи мунаввараға бориб, ҳазрати Расули олам саллаллоҳу алайҳис-саломнинг равзайи мутабарракасин зиёрат қилиб, қайтиб яна Румға келди. Ва Хоразм диёрида воқеъ бўлган ҳодисот ва фитратни эшитган жиҳатидин ва халифа ва садри аъзамдин кўп иноят ва илтифотни кўрган сабабдин Хоразм вилоятиға мурожаат қилмоқни маслаҳат кўрмай, муддати мадид Исломбул шаҳрида таваккуф кўргузди, токим ҳазрати аъло ҳоқони кишварситон, зилли Субҳон Саййид Муҳаммад Баҳодирхоннинг арзу инон карамидин Хоразм дорулмулки тахтида истиқрор кўргузганин ва жамеъи мамоликнинг маҳоми ва низомин адлу сиёсат била бурунғидин зиёдароқ тузганин эшитиб, ул ҳазратнинг хизматиға ўз ҳолин арз этиб ва халифа учун бир нома илтимос қилиб, ариза ирсол этти. Ва ул ариза ҳолиға йўл асносида бир неча ҳодиса рўй бериб, кўп муддатдин **250<sup>б</sup>** сўнг ҳазрати зиллуллоҳининг хизматиға етти. Ва аризани маъруз этиб, ҳарнаким кўрмиш ва билмиш эрди, тафсил била тақрир этти ва ҳазрати зиллуллоҳи ҳоли ҳақиқатиға иттилоъ топгандин сўнг Рум султони Абдулмажидхонға бу мазмун била нома ёзиб, ирсол эттиким: “Муҳаммад Аминхони марҳумий оқамизнинг воқеайи ҳойиласидин сўнг Хоразм мамоликида бир неча муддат неча навъ тавабзааб ва фатарот воқеъ бўлди. Аммо фатарот айёми бир йилға ёвуқ етган ҳангомда ҳазрати зу-л-жалол ва-л-икромнинг лутфу марҳамати имдодидин маврусий мулкимиз

тасарруфимиз хийтасиға кириб, Хоразмшоҳлиқ тахтида истиқлол била ўлтурдук ва адлу сиёсат русуми била юртимизға аввалғи замондин яхшироқ маъмурлиқ ва ободонлиғ еткуруб, фуқаро ва раоёни бурунгидин зиёдароқ фориғбол ва осудаҳол қилдук. Ва ўзимиз ушбу ишлардин фароғат топғандин сўнг Шукруллоҳ оқаниким, Муҳаммад Аминхон марҳумийнинг амри била **251<sup>a</sup>** Рум вилоятиға марсул бўлмиш эрди, ҳоло Исломбул шаҳрида олий жаноблари хизматида таваққуф кўргузмишдур, ўз тарафимиздин вакил ва элчи қилдук, анинг вакиллик ва элчилигин қабул этсунлар ва Муҳаммад Аминхон марҳумий оқамизнинг йиборган номасида ҳар на сўз бўлса, бизнинг ҳам сўзумиз шулдур ва эшитсунлар”.

Ҳазрати зиллуллоҳининг бу номаси бир неча муддатдин сўнг Шукруллоҳ оқанинг қўлиға етушти. Шукруллоҳ оқа ул номани садри аъзамнинг васотати била Рум халифаси Султон Абдулмажидхоннинг назарига еткурди. Ва халифа нома мазмуниға мутталеъ бўлғандин сўнг Шукруллоҳ оқанинг элчилигин ва Муҳаммад Аминхони жаннатмаконнинг номасин қабул қилди ва Шукруллоҳ оқанинг мартабасин бурунғидин неча даража баланд этиб ва вазифасиға кўп зару мол муқаррар қилди ва Шукруллоҳ оқа ғоятсиз масрур ва хушҳол бўлуб, бир неча айёмни Хоразм азимати учун рухсат олмоқ фикрида ўткарди.

**251<sup>b</sup>** То ўтган йил таърихи ҳижрий минг икки юз етмиш еттида зулҳижжа ойининг авохирида Рум султони Абдулмажидхон охират оламиға равон бўлуб, анинг сулбий биродари Абдулазизхон Рум мамлакатининг ихтиёри зимомин иқтидор қўлиға олиб, хилофат тахтиға ўлтурди ва адлу сиёсат била мамолик умурига саранжом бериб, фуқаро ва раоё аҳволиға рафоҳият ва ором еткурди.

Ва ул воқеъадин икки муддат ўтгандин сўнг санайи минг икки юз етмиш секизда, рабиъ ул-аввал ойининг авойилида Ҳожи Шукруллоҳ оқанинг кўнгли қуши Хоразм азимати ҳавасида бурунгидан зиёдароқ болафшон бўлуб, ҳазрати зиллуллоҳининг даргоҳи давлатпаноҳи хизматининг таманносида ниҳоятсиз изтироб ва беқарорлиғ аён этти. Лиҳазо Ҳожи Шукруллоҳ оқа садри аъзамни восита қилиб, Рум халифаси султон Абдулазизхондин Хоразмға муовадат қилмоқ учун ижозат тилади. Халифа ижозат бериб, **252<sup>a</sup>** ҳазрати зиллуллоҳи учун номайи муҳаббатхатм ёздуруб, ўзининг муҳрини бостуруб Шукруллоҳ оқага берди ва Шукруллоҳ оқа яна садри аъзамдин ҳазрат зиллуллоҳиға тухфа

қилмоқ учун мўйи муборак тилади. Садри аъзам халифанинг рухсати била Расули акрам саллаллоҳу алайҳи-с-саломнинг муборак мўйларидинким, Рум хазинасида махзун ва маҳфуз эрди, уч муборак мўйни олиб, бир мусаффо шишага солиб, Шукруллоҳ оқоға топшурди. Ва Шукруллоҳ оқа кўп таъзим ва такрим кўргузуб, мундоғ улуғ давлат шукрин бажо келтурди ва садри аъзам йўл харажати учун вофир нақд ва Ўрус устидан юрмак учун мўътабар хат бериб, яхши иззат ва икром била узатти. Ва Шукруллоҳ оқа барча ҳамроҳлари ва рахтлари ва мутобеъилари била Румдин учанга миниб, бир неча муддатдин сўнг Ўрус мамлакати музофотидин чиқти ва рахту мутобеъиларни учандан чиқариб кўрдиким, учан ичида тенгиз сувининг **252<sup>б</sup>** рутубати етиб, кўп моли чуруб ва эзилиб зоеъ бўлубтур.

Ложарам жамеъи матоларин офтоб рўйиға ёзиб, қурутурға машғул бўлди. Бу ҳолдин ўрус болюзи<sup>1</sup> ва инглис болюзи хабар топиб, иттифоқ била Шукруллоҳ оқанинг олдиға киши йибориб дедиларким: “Бизларнинг зақунимизда ҳеч кишини зарарда қўймоқ раво эрмастур. Агар хоҳласанг барча мол ва матоъингни зоеъ бўлғанлари била баҳойи тамом бериб, сотғун олурмиз. Ул шарт билаким, матоъинг орасидин ҳеч бир нимарсани олмағайсан”. Шукрулло оқа андиша қилдиким, рахт ва матоъи орасида мўйи муборак ва халифанинг номаси ва каломуллоҳ ва ўзга зарурий нимарсалар бордур ва аларни ўз ихтиёри била куффор қўлиға бермак бағоят душвордур. Камоли диндорликидин дунё фойдасидин кечиб деди: “Ман мол ва матоъимни сотмасман ва ҳар нечук зарар бўлса, анга ўзимнинг хушнудлиқим била розидурман”. Болюзлар бу сўзни эшитиб, **253<sup>а</sup>** хуррам ва хушвақт бўлдилар ва ўзга сўз демадилар.

Маълум бўлсунким, “болюз” деб ҳар мамлакат подшоҳининг тужжор ва ўзга мусофирнинг аҳволидин хабардор бўлмоқ учун учан чиқатурған ёқишларда таъйин этиб қўйған кишини айтурлар. Ва Шукруллоҳ оқа учандин чиқарған молларининг зоеъ бўлғанларин ташлаб, ўзгасин олиб яна Ўрус мамлакатада бир неча муддат манзил-баманзил, шаҳар-башаҳар қатъи масофат этиб, Ўрунбург шаҳриға келди ва анда Хоразм корвониға қўшулуб, Хоразм кишвари жонибиға равон бўлди. Ва истеъжоли тамом била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, мазкур йил, яъни санайи

---

<sup>1</sup> Бу “полис // полиция” сўзининг тилимиздаги илк шаклидир. Қуйироқда муаррих изоҳидан маълум.

минг икки юз етмиш секизда, жумод ус-соний ойининг йигирма еттисида, якшанба куни дорулхилофа Хивақға дохил ва ҳазрати зиллуллоҳининг ҳузури сиёдатвуфуриға восил бўлуб, Расул алайҳи-с-саломнинг мўйи мушкиншамома ва халифайи Румнинг номайи муҳаббатхомасин ўзининг келтурган ҳадя **253<sup>б</sup>** ва тухфалари била назари анвар пешгоҳида жилвагар қилди. Ва хусравона навозишлар била ниҳоятсиз шодкомлиғ ва мушфиқона пурсишлар била ғоятсиз фараҳфаржомлиғ топти ва анинг бу сафарининг муддати секиз йилға чекти.

Яна улким, умаройи аъзам зумрасидин нўкузнаход, ўзбакниҳод Авазмуродбийким, фармони олий мужиби била Бухоро элчилигига кетмиш эрди, андоқким собиқан мастур бўлди, амир Музаффарнинг ҳузуриға бориб, ҳазрати зиллуллоҳининг йиборган нома ва пайғомин еткурди ва амири мазкурдин кўп навозиш ва бахшишлар кўрди. Ва анинг амри била Бухоро элчихонасида икки ойдин кўпроқ таваққуф кўргузди. Ва амири мазкур икки ой муддатидин сўнг анга мурожаат рухсатин бериб, ўзининг мўътабар умаросидин Зикриё хўжа Ўроқни сифорат расми била анга ҳамроҳ қилиб, муволафатнома ва муносиб ҳадялар топшуруб, Хоразм вилоятиға ирсол этти.

Ва Зикриёхўжа Ўроқ мазкур бийнинг ҳамроҳлиқи била манозил **254<sup>а</sup>** ва мароҳилни қать этиб, жумоди ус-соний ойининг йигирма секизида, душанба куни Шукруллоҳ оқадин бир кун сўнг атабайи сипехрмартаба хизматиға битиб келтурган нома ва ҳадяларин ҳузури олийда одоби тамом била маъруз этиб, мароҳими хусравонадин сарафрозлиғ топти. Ва ишорати аъло била элчихонайи ҳумоюнда оромгузин ва ишратқарин бўлди.

Ҳамул йил шаъбон ойининг учида, якшанба куни умаройи кубародин Шоҳмурод иноқ вафот топти. Ҳазрати зиллуллоҳи анинг жанозасиға бориб, хешу акрабосининг мотамзада кўнгулларин таъзияпарастлик била хушҳол ва хуррам қилди. Ва мазкур ойнинг секизида, жумъа куни ул ҳазрат Бухоро волийси амир Музаффарнинг элчиси Зикриё хўжа Ўроқғаким, бурунроқ муволафат ва мусодақатнома келтуруб, элчихонайи олийда муқим эрди, рухсат берди.

Даргоҳи олампаҳоқ мулозимларидин Паҳлавонниёз мирзабошиниким, донишманд ва хирадпайванд фузалодин эрди, **254<sup>б</sup>** изҳори ихлос била муҳаббатнома ва тухфаю ҳадя топшуруб,

ирсол расми била мазкур элчиға масхуб қилиб, Бухороға амир Музаффарнинг олдиға ирсол этти.

### Ит йили воқеъотининг зикри

Таърих ҳижрий минг икки юз етмиш секизда, рамазон ойининг йигирма бирида, жумъа кечаси фалак офтобининг гавҳари жаҳонтоби Хут дуржидин Ҳамал буржиға интиқол этиб, Наврӯз султони воқеъ бўлуб, ит йили кирди.

Ва бу йил воқеъ бўлган воқеа жумласидин бири улким, умаройи изомдин Бобо дастурхончини Хўқанд ҳокими Муҳаммадёрхондин келган элчига сифорат расми била ҳамроҳ қилиб, Хўқандга йиборилмиш эрди, андоқким юқорида мастур бўлди, ул борғандин сўнг Муҳаммадёрхон анга кўп эъзозу эҳтиром кўргузуб, мақоми олийға тушурди ва бир неча муддатдин сўнг таъзими тамом била рухсат берди ва ўзининг умаросидин Азимбой бийни ихлос ва иттиҳод изҳори учун лойиқ тухфа ва ҳадялар била анга ҳамроҳ қилиб, **255<sup>a</sup>** Хоразм жонибиға равон этти.

Ул мазкур Бобо дастурхончи била манзил баманзил қатъи масофат қилиб, мазкур йил шаввол ойининг иккисида, сешанба куни атабайи олий хокбўслиқи шарафига етиб, Муҳаммадёрхоннинг ихлоснома ва тухфаларин назари анвар пешгоҳидин ўтқариб, навозиши хусравонадин хушхонлиқ топти. Маълум бўлсунким, ҳамул элчилар Хўқанд вилояти сарҳадидин чиқиб, Хоразм жонибиға равон бўлгандин сўнг, Хўқанд умароси иттифоқ била шаъбон ойининг авойилида Муҳаммадёрхонни ўлтуруб, анинг биродарзодаси Шоҳмуродбекни хон кўтардилар. Мазкур ойнинг йигирма иккисида, душанба куни Паҳлавонниёз мирзабошиким, элчилик тариқаси била Бухороға амир Музаффарнинг олдиға кетмиш эрди, анинг кўшуб йиборган элчиси Ҳожи Муҳаммад мирохур била остони фалакнишон мулозаматиға етиб, пайғом ва савғотин маъруз этти. Ва зулҳижжа ойининг ўн бирида, душанба куни амир Музаффарнинг **255<sup>b</sup>** элчиси Ҳожи Муҳаммад мирохурға қутбу-л-авлиё қудвату-л-атқиё ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд қуддиса сирруҳунинг муборак равзаси вақфиятининг мутававалиси Мусо мутававалийни элчи йўсунлук кўшуб, амир Музаффарнинг олдиға Бухоро вилоятиға ирсол этилди.

Яна улким, зулҳижжа ойининг йигирма бирида, панжшанба куни умаройи изом ва сархайли киромдин Ортуқбийни така тавойифининг кўмаги учун Охал диёрига озим бўлди. Бу ижмол тафсили улким, Охал музофотидин Анав қалъасида така халқи била қизилбош тоифасидин бир жамоа мувосо қилиб, аралашиб ўлтурмиш эрдилар. Алар била така халқининг орасида иттифоқо баъзи важҳдин андак номувосолик воқеъ бўлди. Ани эшитиб, тоғ ичида қизилбошлардин кўп лашкар Анав қалъасин тасарруфлариға киргузмак орзуси била тоғдин чиқиб келиб, ҳамул қалъа муҳосарасиға машғул бўлдилар. Ва ҳар куни муҳораба ва муқобала кўргузар эрдилар. **256<sup>a</sup>** Муҳосара муддати узалғандин сўнг така халқи ожиз бўлуб, кўрдиларким, қизилбош била муқовамат қила олмамағусидурлар. Охир кадхудоларидин бири жамоа иттифоқи била даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозаматиға келиб, така фуқароси била аҳволининг танглигин даргоҳ бандалариға маъруз этиб, кўмак тиладилар.

Ҳазрати зиллуллоҳи мурувват юзидан аларнинг мултамасин мабзул тутуб, соҳибэҳтишом саркардаларидин қиёт дудмонининг мунтахаби шижоатнишон Ортуқбийни бир фавж лашкар била така кадхудолариға кўшуб, мазкур бўлган кун, яъни зулҳижжанинги йигирма бирида, панжшанба куни Охал диёриға йиборилди. Ва Ортуқбий фармони олий мужиби била қатъи манозил қилиб, Охалга икки-уч манзиллик ёвуқ етганда, қизилбошлар эшитиб, Охал диёрида турмакни маслаҳат кўрмай, така била кўп васила ва восита била мусолаҳа қилиб, бир жамоани гирд қувиб, Анав қалъасидағи қизилбошларни кўчуруб олиб кетдилар. Ул воқеъадин бир-икки кун сўнг Ортуқбий Охал бориб, икки ой **256<sup>b</sup>** муддатдин кўпроқ анда таваққуф қилиб, ул вилоят маҳомиға саранжом бергандин сўнг амри олий мужиби била мурожаат қилиб, атабайи фалакмартаба мулозаматиға етиб, мароҳими подшоҳонадин баҳраманд бўлди.

Яна улким, санайи минг дағи икки етмиш тўққузда, маҳаррам ойининг ғуррасида, якшанба куни Бухоро подшоҳи амир Музаффарнинг умаросидин Жабборқули тўқсоба, амирнинг Хўқанд шахрин фатҳ этган хабарин эълон этмак учун севинчилаб келди. Бу ижмол тафсили улким, бир неча йил эрдиким, Бухоро волийси амир Насруллоҳ ва ўғли амир Музаффарнинг Хўқанд вилоятининг подшоҳлари ва умароси била адоватлари бор эрди. Ва ўтган йил аксар Мовароуннахр лашкарин жамъ этиб, кўп истеъдод ва жамият

ва асбоб била Хўқандга бориб, шахрининг ёвуқиға нузул этти. Ва Хўқанд умаросининг орасида мухолафат пайдо бўлуб, Бухоро черики била мухораба қилмоқда мутаффиқ бўла олмай қалъадин чиқиб, **257<sup>б</sup>** амир Музаффарнинг хизматиға бориб, мутоибат кўргуздилар. Ва Хўқанд подшоҳи Шоҳмуродхон ўзининг ва хизматкорлари била шаҳардин чиқиб қочиб кетти. Ва амир Музаффар Хўқанднинг бурунғи ҳокими Худоёрхонниким, бурунроқ кўмак тилаб бориб, анинг хизматида ҳамроҳ эрди, Хўқанд шаҳрида ҳоким қилиб, ўзи Хўқанддин қирғиз тоифасининг устига борди ва ул тоифа била кўп урушуб, кўп лашкари ва асбоби нобуд бўлуб, ҳеч иш қила олмади. Охир уламо ва умаросининг маслаҳати била қайтиб, яна Хўқандга келди. Ва анда бир неча кун бўлуб, Бухоро жонибиға мурожаат қилди. Ва Жиззах шаҳриға келганда ўзининг мўътабар умаросидин Жабборкули тўқсобани Хўқанд фатҳининг эълони учун ҳазрати зиллуллоҳининг даргоҳи олампаҳо хизматиға ирсол қилди.

Жабборкули тўқсоба бир неча кун қатъи манозил қилиб, Хоразм вилоятиға келиб, мазкур бўлган кун, яъни **257<sup>б</sup>** санайи минг икки юз этмиш тўққузда муҳаррам ойининг ғуррасида, якшанба куни дарбори олий хизматиға етиб, Хўқанд фатҳи хабарин сомеъайи аълоға еткурди ва илтифоти хусравонаға махсус бўлуб, кўп навозишу бахшишлар кўрди. Ва ҳазрати зиллуллоҳи ўн тўққуз кундин сўнг анга рухсат бериб, остони олий мулозимларининг саромадларидин Раҳматуллоҳ қарокўзни ўз тарафидин муборакбодлиғ қилмоқ учун мактуби муҳаббатуслуб топшуруб, рисолат тариқаси била мазкур элчиға ҳамроҳ қилиб, мазкур ойнинг ўн тўққузида, чоҳоршанба куни Бухоро жонибиға равона қилди. Ва ул мазкур элчининг ҳамроҳлиқи била сафар ойининг авойилида амир Музаффарнинг хизматиға етиб муборакбодлиғ кўргузди. Амир анга бир неча муддат яхши меҳмондорлик қилиб, Мусо мутававали билаким, бурунроқ рисолат расми била анда бормиш эрди, муовадат рухсати берди ва ўзининг мўътабар умаросидин Обидхўжа ўроқни сифорат расми тариқаси била аларға ҳамроҳ қилиб, Хоразм жонибиға ирсол этти.

Обидхўжа аларнинг **258<sup>а</sup>** ҳамроҳлиқи била қатъи манозил қилиб, рабиъ ул-аввал ойининг ўн бешида, чаҳоршанба куни Хивак доруссалтанасида даргоҳи давлатпаҳо мулозамати шарафиға етиб, амир Музаффарнинг йиборган мактуб ва ҳадясин назари анвариға

еткурди ва инояти хусравонадин мақоми олийда маскан қилиб, бир неча кун яхши иззат ва эҳтиромлар кўрди.

Ҳамул йил рабиъ ус-соний ойининг ўн бирида, якшанба куни ҳазрати зиллуллоҳи мазкур элчиға мурожаат рухсатин бериб, қадимий ҳавохоҳлар акобиридин ҳожийи ҳарамайни-ш-шарафайн Шукруллоҳ оқани рисолат расми била анга масҳуб қилиб, нома ва ҳадялар топшуруб, амир Музаффарнинг олдиға Бухоро жонибиға равона қилди.

### **Ҳазрати зиллуллоҳнинг шикор иродаси била рукуб қилгани ва шикор тамошосидан кўнгил қушин овлаб қайтиб келгани**

Ҳамул йил рабиъ ус-соний ойининг ўн еттисида, якшанба куни ул ҳазратнинг муборак хотириға сайру шикор ҳаваси тушуб, давлат раҳшиға сувор қилди ва умаройи номдор ва кавкабайи жамшидвору ҳисобсиз сайри шикор била доруссалтанайи Хивақдин чиқиб, офтоби пуранвардек **258<sup>б</sup>** сайру суръат расмин изҳор қилиб, кечрак Янгиариқ мавзеидағи манзили файзосорға ворид бўлуб, нузули шарафидин анинг ифтихори бошин сипехри даввор айвони қошидин ўткарди.

Ва ул кеча ҳамул беҳиштнишон манзилда айшу тараб бодасин нўши жон қилиб, сўнгғи кун дабдабайи каёний ва кавкабайи сулаймоний била давлат якрониға рукуб қилиб, Ос мавзеиға етиб нузул этти. Ва анда бир кеча ишрат базмин тузуб, тараб соғарин сипқорурға рағбат кўргузди. Тангласи андин наҳзат қилиб, Ҳазорасб ҳисорининг зурвайи интизорин ҳумоюн қадами ғуборидин фалак қалъасининг рифъатмадор кунгурасидин ошурди. Сўнгғи кун андин шавкати тамом била саманди сарсархиромға рукуб қилиб, Фитнак қўрғони ҳавлисида боргоҳи сипехриштибоҳни барпо қилдуруб, нузул этти. Ва тонгласи ул манзилдин бу аликирдор<sup>1</sup> сайру шикор била отланиб, шикорандозлик тамошоси учун қир тарафиға равон бўлди. Ва сарсарпарвоз италгуларни барқтоз охуларға солиб, кўнгли **259<sup>а</sup>** комича овлар олиб, нишоти тамом ва беҳишти молокалом била шикоргоҳдин қайтиб, дарёйи Жайхун каноридаким, ўрдуйи ҳумоюн анда бориб боргоҳи фалакнамун барпо бўлмиш эрди, нузул этиб, ҳамул оқшом айшу ишрат била истироҳат қилди.

---

<sup>1</sup> Бу аликирдор – Абу Алиға ўхшаб, яъни Абу Али ибн Сино каби. “Оқилона”, “сергаклик билан” деган маънода.

Тонгласи яна шикор ҳаваси била бодпойи бодияпоймоға рукуб қилиб, қир жонибиға озим бўлуб, сайдандозлиғ тамошосиға машғул бўлди. Ва бу тариқада ҳар кун дарёнинг канори била манзил баманзил юқори жонибға юруб, ҳумоюн хотириға шикор тамошоси беҳаддин афзун масаррат ва инбасотлар еткуруб, Учўчоқ қирининг муколабасидағи Сурук бешасиға етти. Ва андин шикорандозлиғ расми била мурожаат этти. Ва ҳар куни куш солиб ва овлаб, сайру шикордин кўнгул хоҳишича баҳраманд ва фараҳатпайванд бўлуб, жумоди ул-аввал ойининг учида, якшанба куни дорулхилофа Хивақға келиб, дийдор шароби лабташналарин ҳузури бодаи хушгуворидин сероб қилди. Бу сафарнинг муддати ўн беш кун эрди.

Ва ушбу **259<sup>б</sup>** сафарда ул ҳазрат кутбу-л-авлиё, зубдату-л-атқие ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд ат-аттаҳиёту ва-с-санонинг хонақоҳ ва вақфияти мутавааллийси Мусо мутавааллини инояти хусравонасиға машмул тутуб, маъракайи подшоҳонада умаройи изомнинг, яъни оқсоқолларнинг қаторида ўлтурмоқ учун баланд мақом таъйин этиб, ани ўз акрони орасида қуёш янглиғ сарафроз қилди.

Яна улким, мазкур ойнинг йигирма тўртида, якшанба куни Хўқанд вилоятининг волийси Муҳаммад Аминхоннинг ўғликим, оти Маҳмуд тўра эрди, Бухоро вилоятидин қочиб келмиш эрди, андоқким, бу воқеъа юқорида тафсилан мазкур бўлди, бир йил муддатидин бери Хивақ шаҳрида мутамаккин бўлуб, хизонаи подшоҳидин вазифахўр эрди, бошиға Хўқанд вилоятиға кетмак ҳаваси тушуб, ҳазрати зиллуллоҳдин рухсат тилади.

Ул ҳазрат анга йўл харажати учун кўп зару асбоб ато қилиб рухсат берди. Ва ул бағоят хушҳол бўлуб, истеъжол қадами бўла Хўқанд жонибиға азимат кўргузди ва сўнгроқ масмуъ бўлдиким, **260<sup>б</sup>** йўл асносида Бухоро подшоҳи амир Музаффарнинг қаровуллариға учраб, адам зиндонида маҳбус бўлди.

Яна улким, жумоди ул-аввал ойининг йигирма секизида, панжшанба куни Бухоро подшоҳи амир Музаффарнинг Ҳисор қалъасин фатҳ этиб, севинчилаб йиборган кишиси давлати даргоҳпаноҳға келди. Воқеъа кайфияти андоқ эрдиким, амир Насруллоҳнинг замонида Ҳисор ва Кўлоб ҳокимлари замонасозлиғ расми била мувосо ва мадаро қилиб, бир навъ байъат кўргузар эрдилар, амир Насруллоҳнинг фавтидин сўнг алар мутобиат доирасидин ташқари қадам қўюб, инод ва истикбор кўргуздилар.

Ложарам, амир Музаффар кўп асбобу черик била аларнинг қасдида бўлуб, машаққати тамом била ул вилоятга бориб, Ҳисор қўрғанин мусаххир қилди. Ва камоли иттиҳод ва якжиҳатлигин ҳамул воқеъа ахбори учун бир суръатшиор қосид ҳазрати зиллуллоҳининг даргоҳи олампаноҳиға йиборди. Ул қосид истеъжол қадами била қатъи манозил қилиб, мазкур кун остони сипехрнишон мулозаматиға **260<sup>б</sup>** етуб, мазкур амирнинг мактуби муваддатуслуб ва ҳадясин назари анвар мутолаасиға еткуруб, фатху зафар топған хабарин эълон қилди. Ва мундин ул беш кундин сўнг амири мазкурдин яна бир қосид келиб, Кўлоб олган хабарин еткурди.

Ҳазрати зиллуллоҳи ҳамул элчиларни инояти хусравона ва инъоми подшоҳанадин масрур ва баҳравар қилиб, ўн беш кундин сўнг, жумоди ус-соний ойининг охирида мурожаат рухсатин бериб, даргоҳи олий мулозимларидин Мусо мутаваллини элчилик тариқаси била аларға ҳамроҳ қилиб таҳният ва муборакбодлиғ учун амир Музаффарнинг хизматиға Бухоро жонибиға ирсол этти.

Яна улким, умаройи изомдин қиёт Шоҳмурод иноқ ва найман Ибодуллоҳ иноқким, бурунроқ марази табиий била вафот этмиш эрдилар, андоқким, юқорида мастур бўлди, ушбу вақтгача аларнинг мансаблари ҳеч кишига мавфиз бўлмамиш эрди. Жумоди ус-сонийнинг тўртида, сешанба куни ул ҳазрат шавқат ва банданавозлиғ юзидин **261<sup>а</sup>** Шоҳмурод иноқнинг ўрниға иниси Муҳаммад Назарбекни иноқ мансабиға мансуб қилиб, Ибодуллоҳ иноқ ўрниға амзодаси Муҳаммад Раҳимбекка иноқлик мансаби олийси марҳамат қилиб, ўз ашбоҳи орасида мумтозлиғ еткурди. Ва қангли Бобобийким, жунун касалиға мубтало бўлуб, муттаворий ва муаддам бўлмиш эрди, анинг ўрниға қангли бекларидин ҳазорасб Элтузарбек ибн Жаҳонгир парвоначини бийлик амали била сарафроз қилди ва остони олийнишоннинг садоқатнишон ва ихлосақтарон мулозимларидин Раҳматуллоҳбой валади Давлат қарокўзга оталиқ мансаби киромисин иноят қилиб, умаро қаторида ўрун бериб, кадру иззат бошин фалак авжидин ошурди.

**Човдарнинг инод майдониға фасод маркабин суруб, Ўрус вилоятидин мурожаат қилган Хоразм корвонин ғорат қилгани ва баъзи умаро ва сипоҳнинг човдар гўшмоли қасдиға маъмур бўлуб, азимат қилгани ва баъзи воқеъаларким, ул овонда воқеъ бўлди, аларнинг зикри**

**261<sup>б</sup>** Мазкур йил, яъни ит йили санайи минг икки юз етмиш тўккузда Хоразм вилоятидин кўп корвон ҳар йили дағи дастур била Ўрус вилоятига кўп мол била бориб, савдосин буткариб қайттилар. Аларнинг бир бўлагиким, икки юз ўн икки тевага юкланган асил матоъ ва покиза кумош эрди, Сир дарёсидин ўтғандин сўнг улуғ корвондин айрилиб, илгарироқ равон бўлдилар. Жумоди ус-соний ойининг авосити Дутовқаро тенгизининг каноридағи элатга ёвуқ келган аснода човдар халқиким, мурдор табиатлари шарорат ва шақоват лойидин тахмиз топмишдур, ҳамул корвоннинг амволи фаровон била келатурғанларин маълум қилиб, зоти шароратларининг томуру ҳаракатга кириб, оқибат беайнлик кўзин хотимати ваҳоматдин юмуб, алардин секиз юз чоғли отлиғ иттифоқ била бир кадик такапўй уруб, ўзларин балойи ногаҳоний янглиғ корвон халқининг устига еткуруб, барча амвол **262<sup>а</sup>** ва ашёсин ғорат ва торож қилдилар. Корвон халқи жон ҳавлидин ҳар тарафга мутафарриқ ва паришон бўлуб, совуқ шиддатидин майдонда ўлуб, баъзи юз минг машаққату меҳнат чекиб, ўлум ҳолида ўзларин эл орасига еткурдилар. Ва човдор корвон амволига мутасарриф бўлуб, ораларида тақсим қилиб, ўбасига келиб, муонид ливосин барбарпо қилдилар.

Бу хабар ҳазрати зиллуллоҳининг самъи шарафига етиб, ихлосманд ва эътиқодпайванд умаро ва сипаҳдорлардин шижоат ва ҳамийат хизрининг йўлдоши Муҳаммадниёз ясовулбошини ва Муҳаммад Ниёзбой ибн Муҳаммад Раҳим меҳтарни бир фавж лашкар била номзад қилди. Алар фармон мужиби била бориб, Қиличниёзбой қалъасининг бир тарафида сангар қилиб, таваккуф кўргузуб, човдарга дастбурд ва гўшмол еткурмакка машғул бўлдилар.

Ҳамул йил ражаб ойининг ўнида, чоҳоршанба куни ул ҳазратнинг биҳиштнисбат мажлисининг фарҳатнишон муқарраби ва надими Муҳаммадjonбекким, Фаҳмида лақабига мусаммо эрди, марази табиий била **262<sup>б</sup>** вафот топиб, жаннат риёзининг садрида муқим бўлди. Сўнгги кунким, мазкур ойнинг ўн бирланчиси ва панжшанба куни эрди, ҳазрати зиллуллоҳи вузаройи гардунэҳтишом ва умаройи миррихинтиқомдин вазири аъзам, дастури муқаррам, соҳибасар ва зу-л-қалам, низому-л-мулк ва-л-хашам Ҳасанмурод кўшбеги ва Фозилхўжа шайхулислом ва Ҳакимниёз оталиқ ва Муҳаммад Назар иноқ ва Яъқуб иноқ ва

Ортуқбий ва Яхши Муҳаммад доруға ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва ғайрахум икки тўп ва бир жамоа сарбоз ва бир гуруҳ лашкар била човдар муонидларининг гўшмолиға буюрди. Бу маъмур бўлганлар мазкур бўлган кун иттифоқ била озим бўлуб, Тошхавз қалъасиға бориб, ул қалъа ҳаволисин лашкаргоҳ қилиб, човдар гўшмолиға бир неча муддат интиҳом ва иштиғол кўргуздилар.

Ва мазкур ойнинг охирида сешанба куни Ҳожи Шукруллоҳ оқа ва Мусо мутававалийким, рисолат тариқаси била Бухоро вилоятиға кетмиш эрдилар, андоқким ҳар бири ўз маҳҳалида мазкур бўлди, Бухороға бориб, амир Музаффардин **263<sup>a</sup>** кўп лутфу навозишлар кўруб, анинг қўшуб йиборган элчиси Обидхўжа Ўроқнинг ҳамроҳлиғи била келиб, остони олий мулозаматидин баҳрамандлик ва хушҳоллик топдилар.

Обидхўжа ўроқни дағи амир Музаффарнинг мактуб ва савғотин назари анвар пешгоҳиға еткуруб, инояти подшоҳонадин баҳрабардор бўлди. Ва шаъбон ойнининг авоситида ҳукми олий мужиби била Муҳаммадниёз ясовулбоши Дўстниёз маҳрамни қошидағи лашкария била Қиличниёзбой қалъасида ўзининг ўрнида кўюб, мурожаат қилиб, атабаи аъло мулозаматиға келди.

Ва мазкур ойнинг йигирма бешида, шанба куни фармони вожибу-л-изъон мужиби била Ҳасанмурод кўшбеги Тошхавзда Ҳакимниёз оталиқ ва Раҳматуллоҳ ясовулбошини кўюб, ўзи ўзга амр била қайтиб келиб, даргоҳи олампаҳоҳ хизмати шарафига мушарраф бўлди. Мазкур ойнинг йигирма еттисида, душанба куни зиллуллоҳи умаройи аъзамидин Муҳаммад Ниёз ясовулбошини ҳоким қилиб, қароқалпоқия тавойифининг умури саранжоми **263<sup>b</sup>** ва маҳомати истикмоли учун Ҳасанбой қалъасиға йибориб, бурунғи ҳокими Аллоҳберган маҳрамни остони олийшон хизматиға талаб қилди.

### **Тўнғуз йилининг воқеалари**

Ҳамул йил шаввол ойнининг иккисида, шанба куни Наврўз бўлуб, тўнғуз йили кирди.

Ҳамул воқеалар жумласидин улким, ҳазрати зиллуллоҳи шаввол ойнининг олтисида, чаҳоршанба куни Бухоро волийси амир Музаффарнинг элчиси Обидхўжа ўроқға мурожаат рухсатин бериб, остони саодаттавъом ходимларидин Исмоил маҳрамни сифорат

расми била анга ҳамроҳ қилиб, нома ва ҳадя топшуруб, Бухоро жонибиға равона қилди.

**Умдату-л-кубаро, амирулумаро, шаҳзодаи мукаррам, сипоҳсолори муаззам Саййид Маҳмуд тўра рафаъаллоҳу аъломаху<sup>1</sup>нинг човдар муфсидлари гўшмоли учун азимат маркабин ҳаракатга солмоқи ва чаповул сарсарининг эҳтизози маҳобатидин фитна дарёси тамаввужга кириб, муонидларнинг жамиати асоси мутазалзил бўлуб, шўр ва изтироб гирдобида қолмоқи ва тассарруъ кемасиға миниб, итоат ва надомат маллоҳининг 264<sup>а</sup> мадад дастёрлиқи била ўзларин амну нажот соҳилиға олмоқи ва амирулумаро Тўранинг муфсидлар жаройимин авф этиб ва оқ уйлик олиб мурожаат қилмоқи**

Хомаи жалодатафзо бу янглиғ хангомаоролиғ қилурким, човдар халқи корвон амволин ғорат қилғандин сўнг инод ва фасод изҳориға кун-кундин зиёдароқ кўшиш ва исрор кўргуздилар. Ҳазрати зиллуллоҳи корвон амволи талаб қилиб ва гуноҳларин авф этиб, марҳамат ва шавкат юзидан неча мартаба кишилар ва иноятномалар йиборди. Алар ўз гуноҳларининг улуғлиқидин ва ул ҳазратнинг қаҳру ғазаби ҳайбатидин мутаваҳҳим ва ҳаросон бўлуб, остонбўслиқға кела олмай, тамарруд ва инод мақомида барқарордастур бўлдилар ва неча мартаба гуруҳ-гуруҳ лашкар аларнинг устига бориб, улуғ дастбурд ва гўшмоллар еткурдилар. Анинг била ҳам, балки инод ва исён амрида аввалғидин зиёдароқ собитқадам ва росихдам бўлдилар.

Ложарам, ҳазрати зиллуллоҳи ул жамоанинг истеъдом ва истеъсоли қасди хотири хатириға мусаммам қилиб, ўзининг 264<sup>б</sup> биродари бузруквори шаҳзодаи муаззам сипоҳсолори мукаррам, маржаъу-л-аъзам, мақсаду-л-акрам, зубдату-л-кубаро, амирулумаро Саййид Маҳмуд тўра заййадаллоҳу давлатаҳу<sup>2</sup>ни ўзига мутааллиқ черики била ва аксар умаройи аъзам ва сархайли сипеҳрэхтишом ва тўрт тўп била ул шақоватосор ва тирарўзгор муфсидлар қасдига номзад қилди. Жаноб амирулумаро фармони қазожараён муқтазоси била амал қилиб, ҳамул йил зулҳижжа ойининг ўн тўртида, душанба куни маъмур бўлган умаро ва шаҳзодалар ҳамийнонлиқи била Хивақ шаҳридин равон бўлуб, Жоникшайх қариясига нузул

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг туғларини баланд қилгай!

<sup>2</sup> Аллоҳ давлатини зиёда қилгай!

этти ва навкар фуқаро черики ижтимоъи учун ҳар кун оз масофат қатъ этмоққа қарор бериб, сўнгги кунким, сешанба эрди, Жоникшайхдин кўчуб, Кабутархона мавзеъиға тушти, тонгласи озим бўлуб, Шоҳободға нузул қилди. Анда лашкар жамиати учун икки кеча тавакқуф қилиб, кўчуб, Мойлижангалга тушти. Андин кўчуб, Кўпукли отлиғ мавзеъға тушти. Андин озим бўлуб, Тошҳавз қалъасининг шимоли жонибида, Ёрмиш наҳрининг **265<sup>a</sup>** канорида Жуманиёз қуланнинг ҳавлиси ҳаволисиға нузул этти.

Андин кўчуб, Қарғанинг қалъасиға тушуб, тўрт кун тавакқуф қилди. Тавакқуф муддатида кўклан ва қародошлу сардорлари жамеъи отлиғлари била хизматға еттилар ва ямут акобири дағи навкарлар била келиб, ўрдуйи аълоға қўшулдилар. Ва Хонободдағи ямутнинг баъзи кадхудолари ҳам итоат изҳор қилиб, инкисори тамом била хокбўслиқға еттилар. Жаноби амир аларга навозишлар кўргузуб, кўнгулларин хуш қилди. Тўрт кундин сўнг мазкур манзилдин кўчуб, Назарбекнинг боғиға бориб тушуб, анда ўн беш кун тавакқуф кўргузди, токим издин келатурған қора черик келиб, ўрдуйи ҳумоюнға қўшулғайлар.

Тавакқуф айёмида Қилич ўғри бошлиғ ямут оломони икки-уч навбат чаповул уруб, човдардин кўп кишини ўлтуруб, кўп ўлжа ва асиру коло олиб жаноби аморатпаноҳға келтуруб, ул жанобнинг инъом ва илтифотидин мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топтилар. **265<sup>b</sup>** Ва ул манзилдин ўн беш кундин сўнг руқуб қилиб бориб, Золимбекнинг қалъаси атрофиға тушуб, олти кун анда мутафаккиф бўлди. Ва ул мавзеъда қароқалпоқия тавойифидин олти минг отлиғ ва қазоқ улусидин минг отлиғ олиб, етти минг отлиғ била хизматға етти. Ва олти кундин сўнг амири олийжаноб ул манзилдин кўчуб, Оқ оланг мавзеъға бориб нузул этиб, секиз кун анда оромгузин бўлди.

Ҳамул муддатда воқеъ бўлган вақоъе жумласидин бири улким, човдар муфсидларининг бир бўлаги кўп човдардин йироқроқ бир мавзеъда сангар қазиб ва қалъа солиб ўлтурмиш эрди. Жаноб амирнинг ишорати била оқшом пешвози пиёда мерган бориб, човдарнинг ҳамул сангариға шабихун урдилар. Ва кўп урушуб човдар акобиридин Собир кўр бошлиғ ўн кишини милтуқоти зарби билан ўлтурдилар. Ва муонидлардин кўп кишини захмдор қилиб, **266<sup>a</sup>** обрўйи тамом била қайтиб келиб, жаноб амирнинг инъом ва эҳсонидин шодком бўлдилар. Андин сўнг ҳамул қалъа аҳли сипоҳи

нусратпаноҳнинг ғорат ва дастбурдиндин мутаваҳҳим бўлуб, кўчуб қочиб, кўп човдарнинг сангарига бориб келдилар.

Жаноби амир секиз кундин сўнг ул мавзедин кўчуб, издиҳоми маҳшарнизом била Кўк мавзеъига бориб, Саййид Мурод шайхнинг боғин лашкаргоҳ қилиб, хайма ва хиргоҳлар ва саропарда ва бунгоҳлар насбидин ул саҳрода шаҳристон ҳайъатин изҳор ва издиҳому алоло кўплукидин маҳшар кунининг шўришу ғавғосин намудор қилди ва ул масканда баъзи масолиҳ ва умур интизоми учун ўттуз кун таваккуф воқеъ бўлди.

### **Таваккуф айёмида зухурға етган баъзи воқеалар зикри**

Ул жумладин бири улким, кўшбегийи маъзул Муҳаммад Каримбек ибн Муҳаммад Юсуфбек жаноб амирнинг фармони олий муқтазоси била кўклан ва қардошлу тавойифининг афвожига саркарда бўлуб, икки мартаба човдар сангарига чаповул уруб, рустамона жалодат ва муҳорабалар зухурға **266<sup>б</sup>** еткуруб, муфсидлардин кўп кишини ўлдуруб, бошларин баданидин жудо қилди. Ва кўп от ва ўзга асбобу амвол ўлжа қилиб, обрўйи тамом била қайтиб, жаноб амирнинг хизматиға келди ва мушфиқона навозиш ва бахшишлар била сарафроз бўлди.

Ва яна улким, Яъқуб маҳрам ва Раҳматуллоҳ ясовулбоши ва Муҳаммад Ниёз ясовулбоши жаноб амирдин рухсат олиб, ўзбак ва ямут черикидин жамоайи касира била човдарнинг улуғ сангарига чаповул урдилар ва човдарнинг жамеъи отлиғлари уруш талаби била сангардин чиқиб, ўзларин лашкари зафарасар муқобаласига еткурдилар. Ул чоғда сипоҳи нусратпаноҳ баҳодирлари барку боддек муҳораба майдониға жалодат якронин суруб, муборизат қиличин саромат наёмидин суғуруб, гурезпойға андоқ жилварезлик била юз урдиларким, қизил қонларидин ул водийда ҳар тарафға селлар оқизиб, бир ҳамлада кушталаридин пушталар кўтариб, қолғанларин мағлуб ва мутаҳаззим қилдилар. Ва ул зафар нишонаси **267<sup>а</sup>** учун муфсидларнинг жонсиз баданидин юз ўттуз бош кесиб ва кўп кишини асир этиб, ададдин ташқари оту тева ва қўй-ю қорамол ва ўзга навъ асбоб ва амвол ғанимат олиб музаффар ва мансур ўрдуйи ҳумоюнға келиб, жаноб амирнинг илтифот ва инъомотидин баҳраманд ва комёб бўлдилар.

Ва яна лашкари қиёматасарнинг муборазатпарвар баҳодирлари ҳар куни гуруҳ-гуруҳ бориб, муфсидлар сангарига чаповул уруб, муқотала ва муҳораба кўргузуб, қатлу ғоротға машғул бўлуб, муфсидларни минг балоға гирифтор ва жонларидин безор қилур эрдилар.

Ва яна ул ошонда Тенгри таъоло қаҳрининг офатлиғ баҳри жўшға кириб, Жайхун дарёсининг сувиси андоқ талотумхез ва тарокимангиз бўлдиким, ҳеч вақтда андоқ жўш ва хуруш зоҳир қилмамиш эрди. Ложарам, сув мавжининг зўридин Қоратол мавзеъидин дарёнинг қочуви бузулуб, аксар суви муфсидлар сангари жонибиға жорий бўлуб, “фа’арсална ‘алайҳиму-т-тўфана”<sup>1</sup> мазмуни била зухурға етти. Ва бир кечада сув кўп ерларни олиб бориб, човдар муонидларининг барча экинларин бости ва нахусатасар сангарнинг атрофин ҳам сув мавжи тутуб, ҳамул “фа’аҳазахуму-т-тўфану ва ҳум зāлимўн”<sup>2</sup> фаҳвоси ўзин ғайб пардасидин жилвагар этти. Ва муфсидларнинг жумла ғалласи ва қалъаси ва жамеъи асбоб ва амволи ва баъзи аёлу атфоли сув гирдоби ва бало ғарқобида маъдум ва нобуда бўлди.

Ва муфсидлар юз машаққат била бола ва чоғасининг кўлидин тутуб, ўлум ҳолида сувнинг канориға чиқариб ва барча молу асбобидин айрилиб кўчуб, Пўрси мавзеъиға бориб, бир баланд ер топиб, анда сангар қилиб ўлтурдилар. Ва анда ҳам лашкари нусратасарнинг чаповули ва дастбурди касратидин ва очлиғ балоси шиддатидин бағоят бадҳол ва дилтанг бўлдилар. Ва ҳоллариға итоат ва эътиқод кўргузмакдин ўзга чора топмай барчаси иттифоқ қилиб, омон талаби била ўзларининг мутааккид ва мўътабар эшони Муҳаммад Амин эшоннинг ўғли кадхудоларидин Муҳаммад Ниёз пойтак била элчи қилиб, **268<sup>a</sup>** барча муддаоларин аларға айтиб, жаноб амирнинг хизматиға йибордилар.

Алар ул жанобнинг ҳузуриға етиб ажзу инкисор, тавба ва интизор изҳоридин сўнг кўп човдарнинг тарафидин арз қилдиларким: “Бизлар бу хонадони олийшоннинг қадимий

<sup>1</sup> فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ الطُّوفَانَ وَالْجَرَادَ وَالْقُمَّلَ وَالضَّفَادِعَ وَالِدَّمَ آيَاتٍ مُّفَصَّلَاتٍ فَاسْتَكْبَرُوا وَكَانُوا قَوْمًا مُّجْرِمِينَ (“Шундан кейин улар устига тўфон, чигиртка, бит, бақалар ва кон (балолари)ни аниқ мўъжизалар сифатида юбордик. (Шундан) сўнг (ҳам улар) кибр қилдилар ва (ўзлари олдиндан) жинойтчилар қавми эдилар”, “Аъроф” сураси, 133-оят. Изоҳда оят ва маъно таржимаси тўлиқ келтирилди)

<sup>2</sup> فَأَخَذَهُمُ الطُّوفَانُ وَهُمْ ظَالِمُونَ (“Бас, уларни золим (кофир) бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди”, “Анкабут” сураси, 14-оят)

хизматкори ва самимий жонсипоридурмиз, барча гуноҳ ва исёнимиздин тавба қилдуқ, ҳарна ҳукм этсангиз фармонбардор бўлурмиз ва ҳар турлук хизмат буюрсангиз қабул қилурмиз, гуноҳимизни ўтунг”.

Ул жаноб аларға даргоҳи фалакпойгоҳ бандаларидин қуллар фавжининг саркардаси Ниёзмуҳаммад юзбошини қўшуб, бу мазмун била хат юбордиким, “човдар тавойифи корвондин олған молларни ва орасидағи асирларни ва оқуйлук дастури била улуғ кадхудоларидин Бўз уйлукни берсунлар, андин сўнгра гуноҳларин ўтармиз ва хизматкорликларин қабул тутармиз”.

Ниёзмуҳаммад юзбоши бориб, човдар кадхудолариға ҳамул хат мазмуни еткургандин сўнг човдар халқи бағоят хушҳол бўлуб, Ниёзмуҳаммад юзбошиға **268<sup>b</sup>** яна бир элчи қўшуб айтиб йибордиларким, “Меҳрибонлиғларидин ниҳоятсиз хушвақт бўлдуқ, аммо гуноҳларимиз ғоятсиз улуғдур, дарҳол хизматлариға бормоқға кўрқармиз. Агар бандапарварлик қилиб, мўътабар ва азим уш-шон умаронинг бирин бу водийи залолат саргашталарининг раҳбарлигига йиборсалар, то ул бизларнинг гуноҳларимизга шафиъ бўлуб, раҳнамолик кўргузса ва бизлар анинг ҳамроҳлиғи била жаноби олийлари хизматиға бориб, муддаомизни муборак хузурларида ўз тилимиз била эшитсак ва ҳар хизмат буюрсалар, қилсақ ва не чоғлиғ мол талаб қилсалар, берсак”.

Жаноби амир аларнинг бу сўзин қабул қилиб, аркони давлат зумрасининг сарафроси Муҳаммад Ниёз ясовулбошини истиқболиға чиқиб, эъзоз ва икром била уйлариға тушурдилар. Ҳар уруғ бир оқшом ғайрати тамом била меҳмон қилиб, беш уруғнинг орасида беш оқшом меҳмон бўлуб таваққуф қилди. **269<sup>a</sup>** Ва анга човдар кадхудолари етушгунча иззат ва ҳурмат қилиб, меҳмондорлиғ шароитин ихлоси тамом била бажо келтурдилар. Ва қозиси ва эшонлари ва кадхудоларидин юз-ўн отлиғ ясовулбошиға ҳамроҳ бўлуб ва кўп от-яроғ пешкаш учун омода қилиб ва бир неча асирни олиб, жаноби амирнинг даргоҳи фалакинτισобиға келиб, интизори тамом ва инкисори молакалом била тасарруъ ва зорлиғ жабҳасин ажзу изтирор туфроғига қўюб, баъзи умарони васила қилиб, гуноҳу исёнларига истисфоъ ва истиъфо кўргуздилар. Ва оқ-уйлук бермакни ва корвоннинг ҳам молин тўла жамъ этиб, эгаларига еткурмакни қабул қилиб амон талаб қилдилар. Амир камоли мурувватидин аларнинг ҳолиға тараххум кўргузуб, яхши сўзлар била рамида кўнгулларига таскин берди ва ҳолларин ва

илтимосларин аризаномага мундариж қилиб, ҳазрати зиллуллоҳининг даргоҳи уқдасиға бир муътамад киши била йиборди. Ва ул киши қайтиб келиб, ариза жавобин еткургандин сўнг жаноб амир **269<sup>б</sup>** ҳазрати зиллуллоҳининг фармони вожибу-и-иъзони мужиби била яна Маҳмудниёз ясовулбошини буюрди, то ул човдарнинг беш уруғи орасиға бориб, ҳар уруғнинг кадхудосидин беш уйлук олиб, қолған асир бўлса ҳам олди. Ва човдарлар корвоннинг молин сўнгроқ жамъ этиб бермакни ваъда қилдилар. Ва ясовулбоши йигирма беш уйлукни оқуйлук дастурида кўчуруб ўрдуйи ҳумоюнда жаноб амирнинг хизматиға келтурди. Ва яна Яъқуб маҳрамни йибориб, кўкландин ҳам йигирма оқуйлук олдилар ва жаноб амир ул жанобдағи умури мулкияга интиҳоми тамом била интизом ва саранжом бергандин сўнг Кўкчага<sup>1</sup>дин кўчуб, барча қора черикка рухсат берди. Ва ўзи умаро ва сипаҳдор била келиб, Қўшкўпрукка тушти ва анда улуғ тўй бериб, от чоптуруб, оти ўтганларга байроқ баҳонаси била кўп зару сийм инъом қилди, жамеъи умаро ва саркардаларга заррин хилъатлар инъом қилиб шодком этти. ва сафар ойи-**270<sup>б</sup>** нинг йигирма олтисида, панжшанба куни Қўшкўпрукдин кўчуб давлату иқбол ҳамроҳлиғи била Хивақ шаҳриға келиб, ҳазрати зиллуллоҳининг ҳузурпарвар сарвари вусулиға мушарраф бўлуб, мусофаҳа ва муонақа давлатидин масруру комёб бўлди.

Ул ҳазрат жаноб амир бошлиғ умаро ва кубаро сархайлларига подшоҳона навозишлар кўргузуб, мурассаъ камарлар ва муламмаъ хилъатлар ва фаровон зарлар инъом этиб, қуёш янглиғ мумтоз ва сарафроз қилди.

Маълум бўлсунким, ҳамул сафарда аморатпаноҳ, асолатдастгоҳ Боғибек бекларбеги ибн шаҳзодаи олийшони жаннатмакон Раҳматуллоҳбердиниким, оғир касал бўлуб, амирулумаро Тўранинг хизматидин рухсат олиб қайтиб, шаҳарга келмиш эрди, ҳамул мараз маъбути кун-кундин издиёзд ва иштидод топиб, жаноби амир мазкур сафардин келган куни, яъни тўнғуз йили санайи ҳижрий минг икки юз саксонда сафар ойининг йигирма олтисида панжшанба куни “куллу ман ‘алайҳа фан”<sup>2</sup> мазмунининг муқтазосича ҳаёти фоний ғамхонасининг таркин тутуб, бақойи **270<sup>б</sup>** жовидоний ишратхонасиға равон бўлди.

### Маснавий:

<sup>1</sup> Ёки Гўгчага. Топоним апеллятиви маъноси “кўк тусли кум”.

<sup>2</sup> كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ “(Ер) юзидаги барча мавжудот фонийдир”, (“Ар-Раҳмон” сураси 26-оят)

Киши ҳар неча ким топиб жоҳ,  
Қуёш афсаридин ошурсун кулоҳ.  
Бўлуб оқибат ожизу нотавон,  
Қуёшдек бўлур ер тубида пинҳон.

### **Баъзи воқеот зикриким жаноби амирулумаро мазкур сафардин қайтиб келгандин сўнг воқеъ бўлди**

Ул жумладин улким, жаноби салтанатмаобнинг хусусиятинтисоб мулозимларидин Исмоил маҳрамким, Бухоро элчилигига кетмиш эрди, андоқким, собиқан мазкур бўлди, амир Музаффарнинг хизматиға бориб, ҳазрати зилуллоҳининг йиборган муволафатнома ва ҳадяларин анинг назарига еткурди. Ва анинг подшоҳона илтифотидин кўп иззату эҳтиромлар кўрди. Ва бир неча муддат меҳмондорлиғ лавозими изҳоридин сўнг амир Музаффар анга мурожаат рухсатин бериб, ўзининг мўътабар умаросидин Подшоҳхўжайи судурни сифорат расми била анга қўшуб, муҳаббатнома ва лойиқ тухфалар била остони давлатпосбон хизматиға ирсол этмиш эрди. Алар мароҳил ва манозил қатъидин сўнг рабиъ ул-аввал ойининг 271<sup>а</sup> йигирма бирида, панжшанба куни ҳузури комилу-с-сурур вусули шарафиға мушарраф бўлуб, Подшоҳхўжайи судур амир Музаффарнинг йиборган нома ва тухфаларин назари кимёасар мутолаасиға еткуруб, марҳамати подшоҳонадин кўп навозишлар кўруб, элчихонайи олийда шодкомлиғ била оромгузин бўлди. Ва жумоди ул-аввал ойининг ўн тўртида, душанба куни ҳазрати зиллулоҳи ани мулофати хусравонадин баҳраманд қилиб, мурожаат рухсатин берди. Ва умаройи аъзамдин Яхши Муҳаммад доруға Бухоро элчилигига номзад қилди ва анга амир Музаффар учун мусодақатнома ва подшоҳона тухфа топтуруб, мазкур элчиға ҳамроҳ қилиб, Бухоро жонибиға ирсол этти.

Яна улким, жумоди ус-соний ойининг иккисида, жумъа куни Хўқанд вилоятининг элчиси Мўминхўжайи судур Худоёрхоннинг ҳукумат мансабидин маъзул бўлғани ва анинг биродари Муҳаммадёрхоннинг ўғли Султон Мурод тўранинг Хўқанд салтанати тахтига жулус қилганининг хабарин ҳазрати зиллулоҳининг ҳумоюн самъиға элчилик тариқаси била келиб еткурди. Бу ижмол тафсили улким, 271<sup>б</sup> ўтган йил Бухоро подшоҳи амир Музаффар кўп лашкар била Хўқанд вилоятиға бориб,

Худоёрхонни ҳукумат мансабиға мансуб қилиб қайтмиш эрди, андоқким, бу воқеъа тафсили юқорида мастур бўлди, амир Музаффар Хўқанддин Бухороға муовадат қилғандин сўнг Хўқанд вилоятининг жумла акобири ва қирғиз халқи иттифоқ била Худоёрхонни хонлиғидин маъзул этиб, Бухороға қовуб йибордилар ва анинг оқаси Муҳаммадёрхоннинг ўғли Султон Мурод тўрани хон кўтардилар ва ҳамма иттифоқ била анга мутиъ ва фармонбардор бўлдилар. Ва Султон Муродхон салтанат маснадида барқарор бўлғандин сўнг ҳазрати зиллулоҳини ўзига пуштипаноҳ қилиб, мўътабар умаросидин Мўминхўжайи судурни элчи қилиб, ўзининг жулуси эъломи ва ўзга воқеъалар пайғоми учун ихлоснома ва пешкашлар топшуруб, даргоҳи фалакиштибоҳ мулозаматиға йибормиш эрди. Мўминхўжайи судур биёбони бепоён ва манозили фаровон қатъидин сўнг мазкур бўлган кун остони посбонмулозамат **272<sup>a</sup>** шарафига восил бўлуб, Султон Муродхоннинг ихлоснишон мактуби била йиборган тухфа ва ҳадяларин арзи мавқифиға еткуруб, мароҳими хусравонадин баҳрабардор бўлуб, элчихонайи олийда истиқрор кўргузди.

Яна улким, ҳамул йил жумоди ус-соний ойининг йигирма иккисида, панжшанба куни ҳазрати зиллуллоҳи шикор баҳонаси била авлиё мароқади зиёрати савобининг истиҳсоли ва фуқаро кайфияти аҳволининг истифсори учун умаройи аъзам ва хулосайи лашкар била Хивақ доруссалтанасидин чиқиб, давлат якрониға руқуб қилиб, дарёйи Амуядин Урганч қалъаси тушидағи маъбардин убур этти. Ва ул тарафда бир неча кун қўшлаб, ҳазрати шайх Аббос Валий қуддуса сирруҳанинг муборак равзасин ва ҳазрати Султон Увайс Қараний наввараллоҳу марқадахунинг ҳумоюн қадамгоҳин зиёрат қилиб, ул бузрукворларнинг арвоҳи таййибаларидин файзу футуҳот ҳосил этгандин сўнг шодкомлиғ ва комёблиғ била мурожаат қилди. Ва Урганч тўшидин Жайхун дарёсидин убур этиб, ўн тўрт кун муддатида ражаб ойининг **272<sup>b</sup>** олтисида, чаҳоршанба куни шаҳарга келиб, хилофат мустақаррида қарор тутти ва муборак дийдори нуридин шаҳар улусининг интизор кўзин ёрутти.

Яна улким, ул ҳазрат шикоргоҳда эрканда Бухоро подшоҳи амир Музаффарнинг Яхшимуҳаммад доруғаға ҳамроҳ қилиб йиборган элчиси Муҳаммадшариф тўқсоба шаҳарга келиб, фармони олий мужиби била элчихонада мутаваққиф ва муқим бўлмиш эрди. Ул ҳазрат шикоргоҳдин қайтиб шаҳарга келгандин сўнгғи кунким панжшанба эрди, ани кўринуши олийға ундаб, аҳволпуруслик

маросимидин сўнг навозиш ва бахшишлар кўргузуб, хуррам ва хушҳол қилди.

Яна улким, ул ҳазрат ражаб ойининг салхида, жумъа куни Хўқанд вилоятининг волийси Султон Муродхоннинг элчиси Мўминхўжайи судурга мурожаат рухсатин бериб, олийшон умаро зумрасидин дostonнишон Қуббодхонхўжани Султон Муродхоннинг жулуси муборакбодлиғи учун Мўминхўжайи судурга масҳуб қилиб, муҳаббатнома била Хўқанд вилоятига ирсол **273<sup>a</sup>** қилди.

Яна улким, ул ҳазрат шаъбон ойининг ўн еттисида, сешанба куни Бухоро элчиси Муҳаммад Шариф тўқсобага муовадат рухсатин бериб, умаройи аъзамдин Фозилхўжа шайхулисломни анга рисолат тариқаси била қўшуб, мактуби маволифатуслуб топшуруб, Бухоро жонибиға равона қилди.

### **Сичқон йилининг воқеълари**

Шаввол ойининг ўн иккисида, якшанба куни қуёш чобуксувори Хут манзилидин Хамал буржиға таҳвил этиб, сичқон йили кирди.

Бу йил воқеълари жумласидин бири улким, Бухоро вилоятининг волийси амир Музаффарнинг Кўлоб ва Ҳисор кўрғонларин мусаххар қилиб, ул фатҳ эъломи учун даргоҳи олампаноҳға йиборган қосиди шаввол ойининг йигирма бирида, сешанба куни мулозамат шарафиға ҳамул хабарни ахбор этти. Ва бу воқеъа баёни улким, амир Музаффар ўтган йил бориб, Кўлоб ва Ҳисор қалъаларин ўзига тобеъ ва фармонбардор қилиб, яна ўз ҳокимлариға қайтмиш эрди. Амир Музаффар қайтғандин **273<sup>b</sup>** сўнг Ҳисор ва Кўлобнинг барча улуғ ва кичик улуси анинг мутобиатидин бўюн тўлғаб, инод ва саркашлик изҳор қилдилар.

Амир Музаффар ушбу йил яна оғир черик била ул жонибға озим бўлуб, зўр била Кўлоб ва Ҳисор кўрғонларин мусаххар қилиб, таҳти ҳукмиға киргузди ва ул вилоятлардин муовадат қилиб келур чоғда йўл асносида ўз мўътабар ходимларидин бирин элчи қилиб, севинчилатиб, дўстлиғ ва якжиҳатлик изҳори учун ҳазрати зиллуллоҳининг хизматиға ирсол этти. Ва ул элчи мазкур бўлган кун остонбўслиғ шарафиға мушарраф бўлуб, амирнинг йиборган фатҳнома ва тухфаларин арзга еткуруб, мароҳими хусравонадин шодкомлиғ топти. Ва зулқаъда ойининг ўн бешида панжшанба куни, ул ҳазрат ани инъомоти подшоҳонадин комёб қилиб,

муовадат рухсатин берди. Ва иззатнишон умародин Мусо мутаваллини ҳамул фатҳ муборакбодлиғи учун анга сифорат расми била 274<sup>a</sup> ҳамроҳ қилиб, Бухоро вилоятига амир Музаффарнинг олдиға ирсол қилди.

Яна улким, санайи минг икки юз саксон бирда, муҳаррам ойининг ўн олтисида душанба куни Қуббодхонхўжаким, бурунроқ Хўқанд вилоятининг элчилигига кетмиш эрди, андоқким юқорида мастур бўлди, ҳамул вилоят волийси Султон Муродхоннинг анга қўшуб йиборган элчиси Мирбобо тўқсоба била келиб Султон Муродхоннинг юборган илтифоти мулуконадин сарафрозлик топдилар.

Яна улким, умаройи фалакэхтишом зумрасидин Фозилхўжа шайхулисломким, бурунроқ рисолат тариқаси била бориб, Бухоро шаҳрида муқим эрди ва сўнроқ Мусо мутавалли ҳам муборакбодлиғ учун бориб таваққуф кўргузмиш эрди, амир Музаффар аларға бир неча муддат иззат ва эҳтиром била меҳмондорлик қилиб, ўзининг соҳибэхтишом умароси зумрасидин Абдулаҳад мирохурни рисолат учун мазкур элчиларға ҳамроҳ қилиб, 274<sup>b</sup> Хоразм жонибиға равон қилди. Алар бир неча муддат қатъи масофат қилиб, муҳаррам ойининг ўн тўққузида, панжшанба куни атабайи аъло хизматиға етиб, амир Музаффарнинг ирсол этган мактуб ва тансуқотин мавқиф арзиға маъруз этиб, отифати подшоҳанадин баҳраманд ва маҳзуз бўлдилар. Ул ҳазрат бир неча муддат Бухоро элчисига иззат ва икром била меҳмондорлик қилиб, рабиъ ул-аввал ойининг йигирма тўққузида, чаҳоршанба куни анга мурожаат қилурға ижозат берди ва муътамадалайҳ умародин Авазмуродбийни элчилик расми била анга қўшуб, Бухороға ирсол қилди.

Яна улким, рабиъ ус-соний ойининг иккисида, шанба куни ҳазрати зиллуллоҳи Хўқанд вилоятининг волийси Султон Муродхоннинг элчиси Мирбобо тўқсобаға остони гардунҳашам мулозимларидин Дўстниёз маҳрамниким, Қорли лақаби била машҳурдир рисолат йўсуни била қўшуб, Хўқанд вилояти кишвариға ирсол қилди.

**Ҳазрати султони мағфиратнишон Саййид Муҳаммад Баҳодирхон равваҳаллоху руҳаҳа мин 275<sup>a</sup> риёҳи-л-жинон<sup>1</sup>нинг воқеъайи интиқол ва ҳодисайи иртижоли**

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг руҳини жаннат райҳонларидан баҳраманд қилгай!

Чун ажал мавъудеки, жамеъи жондорнинг жабҳайи аҳволида муқаррар ва жумлайи дайёрнинг носияи рўзғорида муқаддардур ва андин ҳеч бир одамга асло гурез, балки ҳеч маҳлуқга қатъан гурез йўқтур “фа ’изā жā’а ажалухум лā йаста’хирӯна сā’атан ва лā йастакдимӯн”<sup>1</sup> фаҳвоси муқатзосича муқаррар бўлган вақти етушса, ҳеч киши бир соат кейин қолмағусидур ва бир лаҳза илгари ўлмағусидур. Лиҳазо ҳамул муқаррар бўлган вақт ҳазрати подшоҳи жаннатжойгоҳнинг ҳоли саодатмаолиға ёвуқ етиб, зоти хужастасифотиға бир суубатлиғ мараз торий бўлдики, жамеъи ҳукамо ва атиббо анинг муолажасидин ожиз бўлдилар.

Ложарам, кун-кундин ҳамул мараз суубати издиёд ва беморлиқ заҳмати иштидод топти, токим мазкур йил, яъни сичқон йили санайи ҳижрий минг дағи икки юз саксон бирда рабиъ ус-соний ойининг йигирма бирида, панжшанба куни чошт вақтидаким, сунбуланинг охирги куни эрди, “Валлоҳу йад’ӯ йлā дāри-с-салām”<sup>2</sup> 275<sup>б</sup> нидойи роҳатафзосин қабул қулоқи била эшитиб, жаннат гулистониға озим бўлди, “куллу нафсин зā’иқату-л-мавт”<sup>3</sup> шарбати хушгворин нўш этиб, “фй мақ’ади сидкин ‘инда малйкин муқтадир”<sup>4</sup> маснади олийси устида ором тутти. Бу воқеъайи ҳайратангез жамеъи олам аҳлиға мотам либосин кийдурди ва бу ходисайи балолатомиз Бани Одам хайли кўнгулларин андуҳу алам ўтиға куйдурди.

### Назм:

Фарёдки, бу сипехри ғаддор,  
 Айлаб ситаму жафолар изҳор.  
 Эл бошиға солибон қора кун,  
 Демай қора кундин қора тун.  
 Ул тунда улусни зор қилди,  
 Андуҳ ила беқарор қилди.  
 Мотам ўти ҳар тараф туташуб,  
 Селоби ғам эл бошидин ошуб.

<sup>1</sup> فَإِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ “Қачонки, уларга муҳлати келар экан, (уни) бирор соат кечга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар”, (“Аъроф” сураси, 34-оят)

<sup>2</sup> وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ “Аллоҳ (одамларни) салом диёри (жаннат)га чорлайди”, (“Юнус” сураси, 25-оят)

<sup>3</sup> كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ “Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир” (“Оли Имрон” сураси, 185-оят, “Анбиё” сураси, 35-оят, “Анкабут” сураси, 57-оят)

<sup>4</sup> فِي مَقْعَدِ صِدْقٍ عِنْدَ مَلِيكٍ مُّقْتَدِرٍ “Қодир Подшоҳ ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар”, (“Қамар” сураси, 55-оят)

Оламини тутуб фиғон саросар,  
Гўёки, зухур қилди маҳшар.

Бу бобда даврон фузалоси ва замон шуароси вақтангез таърихлар ва риққатомез марсиялар назм силкига чекиб, таъзия русумин бажо келтурдилар. Ул жумладин, фақирнинг айтган таърихи бу мавридда марқум бўлур.

#### **Таърих:**

Шоҳи олам Саййид Муҳаммадхон,  
Канда буда дарахти **276<sup>б</sup>** зулм аз бех.  
Карда фавту зи фавти у карданд  
Халқи олам ба чархи дун тавсих.  
Гашт аз дарди мотамаш ҳамаро  
Ҳар буни мўй бар бадан чун сих.  
Ложарам, канда мўйи аз танҳо  
Нохуни ғам чу оҳаку зарних.  
Чашм пўшид чун зи рўйи даҳр,  
“Хони жаннатмақом” шуд таърих.

#### **Таърихнинг таржимаси:**

“Олам шоҳи Саййид Муҳаммадхон зулм дарахтини илдизи билан кўпорган эди. У вафот этди-ю, олам халқи чиркин ғаддор фалак дастидан ўлди. Мотам дарди зўрлигидан барчанинг баданидаги ҳар бир тук сих каби ўз танига санчилди. Ноилож, танларидан тукларини ғам тирноғи билан оҳак ва зарних ( “Д.Менделеевнинг “Даврий жадвали”даги 33-унсур – AS) каби олиб ташладилар. Дунёдан кўз юмган экан, таърихи “Хони жаннатмақом” бўлди”.

Бу таърих ададда тўрт зиёда эрди, таъмия амали била сақт қилилди. Андоқким, “чашм пўшид чун зи рўйи даҳр” мисраъидин мафҳум бўлур.

Фақирким, ул ҳазратнинг назари иноятиға манзур бўлуб, ҳамиша турлук илтифот ва инъомотидин маҳзуз ва масрур эрдим, бу воқеъайи ҳойила вуқуъидин ниҳоятсиз маҳзун ва мағмум бўлуб, ғоятсиз риққату ҳасрат била йиғлаб, кўнглум ўти шуъласининг таскини учун бир ҳайратангез марсия мусаддас санъатида назм этмиш эрдим. Ани бу авроқда мастур қилмоқ муносиб кўрунди. Ул марсия будурким, бу мавридда ёзилур:

#### **Аввалғи банд:**

Оҳу дод айлаки, ул жамшиди давроним қани?  
Ер юзига ҳукмини сурган Сулаймоним қани?  
Бошиға қўйған музайян тож хоқоним қани?

**276<sup>б</sup>** Адл ила оламни обод айлаган хоним қани?  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Иккинчи банд:**

Лутфу эҳсон чоғи инъом айлаган шоҳларга тож,  
Зўри бозу бирла олған даҳр мулкидин хирож.  
Бенаволар дардиға айлаб карам қилған илож,  
Адл расми-ю шарият ҳукмиға берган ривож.  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Учунчи банд:**

Кирмиш эрди таҳти ҳукмиға бари олам тамом,  
Остониға қўйуб бош юз шоҳлар эрди ғулом,  
Бермиш эрди адл бирла даҳр мулкига низом,  
Доимо хушнуд эди андин жамеъи хосу ом,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Тўртунчи банд:**

Ваҳки, олам аҳлиға зулмин аён этти фалак,  
Ким ўшул хуршидни ерга ниҳон этти фалак.  
Ошкоро фитнайи охирзамон этти фалак,  
Жумлайи халқи жаҳон бағрини қон этти фалак.  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Бешинчи банд:**

Чунки **277<sup>а</sup>** олам мулкидин шоҳи жаҳон чекди аёғ,  
Қолмади олам аро ҳеч кимда орому фироғ,  
Айшу ишрат аҳлининг базми аро ўчти чароғ,  
Ҳар кишининг кўнглида ер тутти юз минг дарду доғ,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Олтинчи банд:**

Манки, ул шоҳи фалакмиқдордин айрилмишам,  
Заррадек хуршиди пуранвордин айрилмишам,  
Булбули бечораман, гулзордин айрилмишам,  
Даҳр аро, алқисса, йўқу бордин айрилмишам,

Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Еттинчи банд:**

Оз эрур ҳажрида ҳар неча фаровон йиғласам,  
Чок этиб кўксум чекиб, фарёду афғон йиғласам,  
Жойи бордур тинмайин ман зору хайрон йиғласам,  
Айб қилманг, дўстлар, ҳар нечаким қон йиғласам,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Секизинчи банд:**

Токи, ер тутти ҳамул шоҳи жаҳон туфроқ аро,  
Барча олам аҳлиға бўлди жаҳон мотамсаро,  
Ўзгалардин толеим 277<sup>б</sup> бўлди менинг кўпрак қаро,  
Айб эмас, кўксимни қилсам тиғи хайратдин яро,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Тўкқузинчи банд:**

Ҳолима ҳар дам назар айлар эди шафқат била,  
Давлатидин рўзи шаб машғул эдим ишрат била,  
Оҳким, онсиз бўлубман мубтало кулфат била,  
Ўзни ўлтурсам, не тонг эмди ғаму ҳасрат била,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Ўнунчи банд:**

Йиғналиб ҳар кун жамеъи маҳраму аҳли сипоҳ,  
Юз уруб даргоҳиға фақр аҳли-ю ҳам додхоҳ,  
Топмайин тахт узра ани тортадурлар ўтлуғ оҳ,  
Барчанинг аҳволи бўлди ушбу мотамдин табоҳ,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Ўн бирланчи банд:**

Уйла кўп бўлди анинг ҳажрида андуҳу ғамим,  
Ким ёқиб афлокни кул айлади дуди дамим,  
Дуд янглиғ тонг эмас, жисм аро печу хамим,  
Ким, ғамим айтушғудек йўқ ғамгусору ҳамдамим,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи кадрдоним қани?

**Ўн иккиланчи банд:**

278<sup>а</sup> Бўлмишам бу кун ҳамул шоҳи султондин жудо,

Уйлаким, бўлғай ҳазин булбул гулистондин жудо,  
Балки, бир бемор тан бўлған киби жондин жудо,  
Эмди тонг йўқ, бўлмасам бир лаҳза афғондин жудо,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи қадрдоним қани?

**Ўн учланчи банд:**

Билса ғамгин ўлғанним ғамхўрлиғ айлар эди,  
Дамбадам ҳолим сўруб дилдорлиғ айлар эди,  
Сийму зар айлаб иноят, ёрлиғ айлар эди,  
Бир нафас ичра ғани-ю борлиғ айлар эди,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи қадрдоним қани?


**Ўн тўртланчи банд:**

Эмди андин айрилиб мотамға дучор ўлмишам,  
Юз туман андуҳу меҳнатға гирифтор ўлмишам,  
Фурқатида иззат авжидин тушуб хор ўлмишам,  
Барча оламдин ман мажруҳу безор ўлмишам,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи қадрдоним қани?

**Ўн бешланчи банд:**

Бориб айт ул шоҳға жаннат гулистонин макон,  
Ҳуру ғилмон базмида руҳини қилгил шод- **278<sup>б</sup>** мон,  
Огаҳий бечора айлар бу дуони ҳар замон,  
Токи маҳшарда анинг дийдорини кўргай аён,  
Жону кўнглум қуввати, давлатли султоним қани?  
Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳи қадрдоним қани?

Ва ул ҳазрат қирқ уч ёшида дунёи фонийдан саройи  
жовидониға рихлат қилиб, ҳазрати қутбу-л-авлиё, шамсу-л-атқиё



“Гулшани давлат” асарининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 7572-ашё рақамли қўлёзмасидан

Алоуддин Хўжа эшон алайҳи-р-рахманинг жавори файзосорида Иморат мавзеида ўзининг қасабайи олий ва дахмайи мутаолийсида мадфун бўлди, тағаммадаллоҳу лиғуфрониҳи. Ва муддати салтанати секиз йилу секиз ой ва секиз кундуз. Ва ул ҳазратдин етти халафи аржуманд ва фарзанди саодатманд ёдгор қолди.

Андоқким, аларнинг асомийи киромийси бу тартиб биладурким, ҳазрати зиллу-с-субҳон, халифату-р-рахмон боису-л-амну ва-л-амон, соҳибу-л-жуди ва-л-ихсон Абу-л-музаффар ва-л-мансур Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон зайиадаллоҳу таъоло умраҳу иқболаху<sup>1</sup> ва шаҳзодаи олийшон Саййид Аҳмад тўра ва Тўра Мурод тўра. Бу учови бир онадиндурлар. Ва Аллоҳёр тўра ва Худоёр тўра ва Давлатёр тўра. **279<sup>a</sup>** Бу учови ҳам бир онадиндурлар ва Саййид Ҳомид тўра ёлғуз бир онадиндурлар. Таввалаллоҳу таъоло айёма умриҳим ва иқболиҳим ва рафаъа аъломахум ва ижлолахум<sup>2</sup>.

Фалак золими зулмидин шикоят тилин ҳаракатга солмоқ ва бир неча ибратомиз сўз била ҳазрати зиллу-с-субҳоний Саййид Муҳаммад Баҳодирхон аббадаллоҳу таъоло мулкаҳу ва султонаҳу<sup>3</sup>ға кўнгул бермак, балки кўнглин олмоқ.

#### **Маснавий:**

Аё, хусрави маъдалатдастгоҳ,  
Нажобат сипехрида рахшанда моҳ.  
Шаҳаншоҳлик ўлсун муборак санга,  
Мададкор Тенгри таборак санга.  
Бўлуб лутфи Ҳақ доимо носиринг,  
Малул ўлмасун бир нафас хотиринг.  
Замирингни сабр айлабон шод тут,  
Бори кулфату ғамдин озод тут.  
Ато сўгидин бўлма андуҳгин,  
Кўнгулни бу ғам бирла қилма ҳазин.  
Агарчи, бу ғам асру душвордур,  
Вале, чеккали банда ночордур.  
Қилиб сабр бирла суқун ошкор,  
Бари ҳолда шукр қил ихтиёр.

<sup>1</sup> Аллоҳ таоло унинг умру иқболини зиёда қилгай!

<sup>2</sup> Аллоҳ таоло умрлари ва иқболлари муддатини узун қилиб, туғу жалолатларини баланд айласин!

<sup>3</sup> Аллоҳ таоло унинг мулкани ва салтанатини мангу қилгай!

Эшитиб бу ҳазин бандадин маърифат,  
 Ки, дегум неча манфаатлиғ нукаат.  
**279<sup>б</sup>** Ки, то қилди мавжуд оламни Ҳақ,  
 Яратди бари хайли одамни Ҳақ.  
 Аларға қилиб ер юзини макон,  
 Неча навъ неъматлар этди аён.  
 Тузарга алар ичра расми низом,  
 Низом этгали адл бирла тамом.  
 Жаҳон ичра халқ айлади шоҳлар,  
 Қавийқудрату соҳибжоҳлар.  
 Қилиб баъзи лутфу карам ошкор,  
 Вале, баъзи зулму ситам ихтиёр.  
 Етиб баъзидин элга роҳат баче,  
 Вале, баъзидин ранжу меҳнат баче.  
 Бўлуб баъзи таҳсини раҳматға туш,  
 Вале баъзи нафрину лаънатға туш.  
 Қилиб салтанат барча ўз комича,  
 Суруб ҳукмини кўнгли оромича.  
 Агар яхши эрди ва гар худ ямон,  
 Ер остида бўлди бариси ниҳон.  
 На қолди аларнинг баридин асар,  
 На бўлди бирининг ишидин хабар.  
 Бариси кўруб чархи дундин ситам,  
 Адам сари ночор қўйди қадам.  
 Будур, доимо чархи золим иши,  
 Ки, зулмидин асло қутулмас киши.  
 Не фориг анинг зулмидин авлиё,  
 Не солим анинг жавридин атқиё.  
**280<sup>а</sup>** Шаҳаншоҳлар зулми мазлумидур,  
 Фалакжоҳлар жаври маъдумидур.  
 Қани ул салотини олиймакон  
 Ки, ер юзиға эрдилар ҳукмрон?  
 Қани жумла аждоду обо санга  
 Ки, қилғай вафо, ушбу дунё санга.  
 Қани Қалчидайхони жамдастгоҳ  
 Ки, кўнгрот элига эди подшоҳ?  
 Қани ул Қадонхони олийтабор  
 Ки, топмиш эди иззату эътибор.  
 Қани хони соҳибкарам Салжидой

Ки, эрди жанобида шоҳлар гадой?  
Яна хони одил Жойилхон қани?  
Адолат била ҳукм қилған қани?  
Қани ул Мункахони соҳибнигин  
Ки, эрди ҳукуматда маснаднишин?  
Қани хони соҳибқирони Арслон  
Ки, оллида қоплон эди нотавон?  
Қани дунявиёни соҳибҳашам  
Ки, эрди адолат била муҳтарам?  
Шаҳи ҳукмрон Турки омил қани?  
Ҳукумат русумида комил қани?  
Қани хони олам Таним кўрагон  
Ки, берди қизин онга Чингизхон?  
Шаҳи соҳибқибол Мусо қани?  
Куёв қилмиш эрди Ҳулоку ани.  
**280<sup>б</sup>** Қани ҳокими даҳр Нуён нуғой?  
Ки, эрди жаҳон мулкида кадхудой.  
Амири баҳодир Оғодой қани  
Ки, кўрқар эди шер кўрса ани?  
Қани ул Нуғдойбийи номдор  
Ки, эрди ҳукумат аро комкор?  
Қаён кетти Ҳорунки, Мирзо эди,  
Ки, “лаббайка” оллида гардун деди.  
Темурбий қаён борди турмай равон  
Ки, аъдо аро солмиш эрди қирон.  
Бийи соҳибқибол Қутлуқ қани  
Ки, оллида кул эрди чархи даний?  
Баҳодир лақаб Мирмунглиш қани  
Ки, умрида қилған ғазот иш қани?  
Қаён борди Мусобийи муҳтарам  
Ки, аъдо сари чекмиш эрди ҳашам?  
Қани ул баҳодирки, Оқмон эди  
Ки, тиғи адусиға буррон эди?  
Қани даҳр аро Ҳақназар Султон  
Ки, ҳукми эди олам ичра равон?  
Фалакрутба Аллоҳбаҳодир қани?  
Аморат умурида нодир қани?  
Қани Мирзобундоши покбоз  
Ки, эрди иши Ҳақға ажзу ниёз?

Қани осмонқадр Умбой иноқ  
 Ки, ҳимматда даврон аро эрди тоқ?  
**281<sup>а</sup>** Қаён борди Саййид иноқи замон  
 Ки, эрди адолатда Нўширавон?  
 Одина Муҳаммад оталиқ қани  
 Ки, бахт айламиш эрди ҳоким ани?  
 Қани Эшмуҳаммадбийи комрон  
 Ки, чокар анго эрди аҳли жаҳон?  
 Қани ул иноқ Муҳаммад Амин  
 Ки, Хевақ аро эрди маснаднишин?  
 Қани мири одил Авазбий иноқ  
 Ки, лутфу ато эрди бошдин оёқ?  
 Қани хони олиймакон Элтузар  
 Ки, бошиға қўймиш эрди тожи зар?  
 Қани шоҳи олам Муҳаммад Раҳим  
 Ки, афлокка қаҳридин эрди бийм?  
 Қаён борди Аллоҳқули подшоҳ  
 Ки, очмиш эди мулк тортиб сипоҳ?  
 Шаҳаншоҳи доно Раҳимқул қани  
 Ки, адлу карам эрди фикру фани?  
 Қани даҳр шоҳи Муҳаммад Амин  
 Ки, офоқ анга эрди зери нигин?  
 Қани соҳиби адл Абдуллоҳхон  
 Ки, ҳукми эди барча элга равон?  
 Қани хусрави даҳр Қутлуғмурод  
 Ки, қилмиш эди неча кун адлу дод?  
 Фалак барчасин номурод айлади,  
 Барисиға зулмин зиёд айлади.  
**281<sup>б</sup>** Бирин нотавон этмайин қўйдиму?  
 Даме қасди жон этмайин қўйдиму?  
 Қани каъбайи қиблагоҳинг санинг  
 Ки, эрди шафиқу паноҳинг санинг?  
 Эди қаҳридин музтариб осмон,  
 Кафи жавфидин мунфаил баҳру кон.  
 Жаҳон мулкининг подшоҳи эди,  
 Халойиқ бошининг паноҳи эди.  
 Салотин эди даргоҳида ғулом,  
 Мутобеъ эди жумла олам тамом.  
 Олур чоғ илкига тиғу табар,

Эди ожиз ўтрусида шери нар.  
 Ани ҳам қилиб ожизу нотавон,  
 Адам кишвари сори қилди равон.  
 Жаҳондин бориб неча армон била,  
 Анга қолди иш фазли Яздон била.  
 Киши шоҳ бўлсун ва ёхуд гадо,  
 Қутулмоқ фалак зулмидин йўқ анга.  
 Фалак золи баче жафокор эрур,  
 Фусунсозу маккору ғаддор эрур.  
 Юзида йўқ асло ҳаёдин асар,  
 Кўзида йўқ асло вафодин хабар.  
 Ҳаёсиздин асло вафо истама.  
 Вафосиздин асло ҳаё истама.  
 Улусға етурмак ситамдур фани,  
 Эрурлар забуни фақиру ғани.  
**282<sup>a</sup>** Биров гар муродин топиб бўлса шод,  
 Муроди онинг айламак номурод.  
 Бировга мақом ўлса гар авжи бахт,  
 Анинг қасди урмоқ ани ерга сахт.  
 Биров топса пур жомдин комини,  
 Ситам тошидин синдурур жомини.  
 Бироф нўши иқболдин топса баҳр,  
 Берур жоми идбордин анга захр.  
 Бировда агар кўрса суру сурур,  
 Қилур ани мотам аро носабур.  
 Маъалқисса, оламда яхши-ямон  
 Жафосидин анинг қутулмас амон.  
 Магар ул киши андин эминдурур,  
 Ки, дайр фано ичра сокиндурур.  
 Тутуб тенг жаҳон буду нобудини,  
 Зиён бирла фарқ айламас судини.  
 Назар қилмай асло халойиқ сари,  
 Очар кўз тамошойи Холиқ сари.  
 Бу ишни қила олмамиш ҳар киши,  
 Ки будур вилоят элининг иши.  
 Бари иш эрур Тенгрининг тақдиридин,  
 Ки, ожиздурур банда тадбиридин.  
 Қаю ишки, тақдир қилмиш Худо,  
 Керак бандага рози ўлмоқ анга.

Бугун, подшоҳо, сенга салтанат,  
 Берибдур худо кўргузуб марҳамат.  
**282<sup>б</sup>** Агарчи бу иш бас оғир юкдурур,  
 Ғаму меҳнати неча турлукдурур.  
 Ўзунгни бу юк чеккали чоғлағил,  
 Камар белга ҳиммат била боғлағил.  
 Бу ишда ўзинг солма, мардона бўл,  
 Жалодатшиору далерона бўл.  
 Бу ишнинг камолиға толиб эсанг,  
 Анинг боиси не экандур, десанг.  
 Дегай бир-бир ани бу ошуфтаҳол,  
 Топар салтанат неча ишдин камол.  
 Ки, ҳиммат биридур, шижоат бири,  
 Адолат биридур, сиёсат бири.  
 Жалодат бири, бири ғайратдурур,  
 Саховат бири, бири иффатдурур.  
 Бири ҳилм келди, бириси ҳаё,  
 Бири ваъдаға айламаклик вафо.  
 Футувват бири, соф нийят бири,  
 Мурувват бири-ю ҳамийят бири.  
 Бири шаръ ҳукмиға бермак ривож,  
 Бири куфр дардиға қилмоқ илож.  
 Биридур вукуф ўғрилар ҳолидин,  
 Алар илкини кесмак эл молидин.  
 Бири келди бўлмоқ раийятнавоз,  
 Масокину мазлумға чорасоз.  
 Бири тарбият бирла қилмоқ азим,  
 Аларникидур, некҳохи қадим.  
**283<sup>а</sup>** Бириси сипаҳ кўнглин олмоқдурур,  
 Карам доми бўйниға солмоқдурур.  
 Булардин истар салтанатға низом,  
 Буларсиз ул иш ҳеч топмас асло тамом.  
 Яна неча иш салтанатға завол,  
 Етургуси, сургум алардин мақол.  
 Ки, ғафлат бири келди, ширкат бири,  
 Қаҳолат бирию касолат бири.  
 Бириси шариятдин этмак удул,  
 Бири дод сўрмоқдин ўлмоқ малул.  
 Бири жаҳл саҳбосидин мастлик,

Бири доми шаҳватға побастлик.  
Бири фиску бидъатға бермак ризо,  
Бири жаври зулм айламак иқтизо.  
Бири айлабон майли имсоки мол,  
Сипоҳ аҳлини тутмоқ ошуфтаҳол.  
Бири келди идмони айшу тараб,  
Бири келди ийтони лаҳву лаъаб.  
Бири мулкдин беҳабарликдурур,  
Ки, шаҳларға бу иш хатарликдурур.  
Бири иззат аҳлини хор айламак,  
Улус ичра беътибор айламак.  
Бири қилмоқ авбошға тарбият,  
Бериб мансаб этмак анга тақвият.  
Бири қурби ҳассоду ғаммоз эрур,  
Ки қурби аларнинг зарарлар берур.  
**283<sup>б</sup>** Бу сўзларниким, мен баён айладим,  
Неча байт бирла аён айладим.  
Буларга қаю шаҳки, қилса амал,  
Анинг мулкига етмас асло халал.  
Ҳукумат биноти бўлуб устувор,  
Анинг хонадонида тутғай қарор.  
Шаҳо, олам ичра бу кун шоҳсен,  
Бурундин бу сўзларга огоҳсен.  
Умидим будурким, амал қилғасен,  
Амал айламакда жадал қилғасен.  
Ки, топиб ишинг бу амалдин ривож,  
Бари шоҳдин олғасен тахту тож.  
Фақирингки, ожиз эрурман базе,  
Таним нотавондур нечукким хасе.  
Дуо айларам борича қувватим,  
Ки, йўқ ўзга иш қилғали қудратим.  
Илоҳо, жаҳон борича бор бўл,  
Ҳам иқболу давлат била ёр бўл!  
Сенга ҳосил ўлсун не эрса мурод,  
Бўлуб дамбадам мулку умринг зиёд.  
Фалакка етиб адлинг овозаси,  
Ҳам ўлсун жаҳон мулкинг андозаси.  
Худо лутфи бўлсун маъманинг санинг,  
Фалак бир ғуломи камининг санинг.

Ўтуб авжи хуршиддин рифъатинг,  
 Чалинсун фалак буржида навбатинг.  
**284<sup>a</sup>** Бўлуб бахту иқбол ҳамдам санга,  
 Хизр бирла Илёс маҳрам санга.  
 Жаҳон мулкида жовидон бўлғасен,  
 Жаҳонгиру кишварситон бўлғасен.  
 Салотин бўлуб жумла фармонпазир,  
 Худо лутфи бўлсун сенга дастгир.  
 Қилиб етти гардун сенга бандалик,  
 Жанобингда қилсун сарафкандалик.  
 Кириб етти иқлим фармонингга,  
 Жаҳон айласун фахр давронингга.  
 Агар бўлса ҳар ким сенга некҳох,  
 Етушсун анга комича иззу жоҳ.  
 Ва гар бўлса саркаш санга ҳар киши,  
 Нигунсорлик бўлсун анинг иши.  
 Кириб сояи давлатингга жаҳон,  
 Улус топсун адлингдин амну амон.  
 Кўруб базли лутфингни ҳавосу ом,  
 Ҳама бўлсун осуда-ю шодком.  
 Алар ичра ушбу фақир Огаҳинг,  
 Демай Огаҳингким, ғубори раҳинг,  
 Ҳам эҳсони лутфунгдин обод ўлуб,  
 Ҳам инъому базлинг била шод ўлуб,  
 Тутуб ўз муроди била гўшае,  
 Риёзатдин анжом этиб тўшае,  
**284<sup>b</sup>**<sup>1</sup> Дуонг айламакка фароғат била,  
 Мудом айласун унс хилват била.

Ушбу мусаммо “**Гулшани давлат**”ким, жаннатмакони  
 фирдавсошиён **Саййид Муҳаммад Баҳодирхони** марҳумийнинг  
 воқеъотиға муштамилдурким, тарих ҳижрий минг уч юз дағи  
 йигирма бирда мувофиқи товушқон йили моҳи рабиъ ус-сонийнинг  
 ўн тўртида, чаҳоршанба куни<sup>2</sup> хатм топти.  
 Таммат ул-китоб<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> 7572 кўлёзма шу ўринда тугайди. 284<sup>a</sup> нинг охирида “дуо” сўзи пойгир сифатида берилган. 284<sup>b</sup> 2009 йилда Ш.Воҳидов тайёрлаган қоралама нусха асосида берилди.

<sup>2</sup> 1903 йил 8 июль.

<sup>3</sup> Китоб тугади.

ثم دنا فذلک لی ملکی سینک صاحب نکیستی دور دور و دنا معدود و دنا عالی  
 بلا مجد و دوز و او حکیم عالم الیسی کا نیدین حقیق و جو د بار بار  
 عیا بولور اول شهنشاه رسالت و کاه نیکت ببت معطر نعیه مناسبت  
 و مقرر دور کیم قات فوسین او ادا دنی نیکت نکیستی دور **نظم**  
 شمی کیم بولوب بکرمت تاج انکا مقام دنا کیددی معراج انکا  
 تا پیب لطف حق دین برافراز لبق **رسول** معشری کچره ممتاز لبق  
 صاحب نصره کیم نصره نمنی دین الی سلام شکر لیک فتوح عظیم دست  
 بردی **کامل** سیستیکم سیستی حسنی دین کفر و ظلم معشری الی سلام  
 دایره سیغه کیردی **طفونشان** طوعی غه انا فتحنا لک فتحا **مبین**  
 نیسی شقه کشای دور **فتح** آقران سعی غه و نصیرکم الله نصر آخریذا  
 جوهری نیت افزای دور **مشهور** شاه رسول خسرو نصرت پناه  
 کسکه ملاک انک حسن سپاه **عش** برین کیددی مقامی انک  
 حق برسیان نالیسه می اینک دین الی لطف دین اولوب میاب **قهری**  
 کفر ایلک اضطراب **ذات** امم خیسله رحمت کلیل **د** ایل معای غه  
 کلیل **در** که علامه سیغه کونین ارا **جمله** جهانشه لاری کیددی کدا  
 صلوات الله علیه و علی آله اکرم **منقبت** صلوات **شمار** و سلام **جمله**  
 حضرت خیر الانام علیه **صلوات** و **صلوات** نیکت صحاب کباری خصوصاً **تورت** یار صدق

اشاری

“Гулшани давлат”нинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 12552-ашё рақами билан сақланаётган қўлёзмасидан

## ДАВЛАТ ГУЛШАНИНИНГ **ТЕНГСИЗ** ТАРОВАТИ

“Гулшани давлат” Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг қаламига мансуб мустақил тарихий асарлари силсиласининг тўртинчи китоби бўлиб, Саййид Муҳаммад даври (1272 –1281 ҳижрий камарий /1856 – 1864 милодий) воқеаларини ўз ичига олади. Асарда асосан Саййид Муҳаммаднинг хон бўлиши, явмутларнинг қирғини, хон томонидан вазифа ва унвонларга ака-укалари ва қариндошлари, қабила пешволаридан тайинланиши, жумладан, акаси Саййид Маҳмуд тўрага амирумаролик ва Ҳазорасп ҳокимлиги берилгани ва хоказолар; Саййид Муҳаммад Баҳодирхон давридаги туркманлар, Зорлиқхон ва Муҳаммад Паноҳга қарши курашларнинг тафсилотлари, руслар билан биринчи тўқнашув баёни (учта ўтучан – пароходда келган 300 ортиқ рус ҳарбийларига хон кўшинининг юзма-юз келиши ва жангсиз якун); Қўқон, Бухоро билан дипломатик алоқалар, Шукруллоҳ оқанинг Туркия сафари каби муҳим тарихий тафсилотлар жой олган. Асарда баён қилинган воқеалардан кейинчалик “Тарихи Саййид Муҳаммадхон” асари ёзилишида кенг фойдаланилган<sup>1</sup>.

Огаҳий ушбу асарида ҳижрий 1278 йил воқеалари баёнида Саййид Муҳаммадхоннинг ўғли – кейинчалик Комёб таҳаллуси **билан** ижод қилган тарихчи, фозил ва шоир шаҳзода Саййид Ҳомид тўра туғилиши ҳақида ҳам ёзади: “Мазкур йил рабиъ ул-аввал ойининг иккисида шанба кечаси саҳар хангомидаким, барча кечаларнинг маҳмуди ва жамеъи соатларнинг масъуди эрди..

Ҳазрати Воҳибу-л-атоё хадиви жаҳонороға каромат юзидин бир саодатпай ва хирадпайванд фарзанд ато қилдиким, фарри вужудидин жаҳон аҳлиға фараҳафзо бўлуб, файзи ҳузуридин ер юзига жаннат фазосидек дилкушолиғ еткурди...

Подшоҳона жашни вусур ва хусравона айшу сурур инқизосидин сўнг ул салтанат қуррату-л-айниға ғайбий илҳоми била шаҳзода Саййид Ҳомид Тўра от кўйдилар. Ва ул мавридда замон фузалоси ва даврон шуароси ғарро қасидалар ва дилкушо таърихлар назм силкига чекиб, ҳазрати соҳибқирони, карамнишоннинг **маликона** марҳаматидин ниҳоятсиз саллалар олиб

<sup>1</sup> Тарихи Саййид Муҳаммадхон. Қўлёзма, ЎзФАШИ №845; Яна қар.: СВР, I, №213.

ва заррин хилъатлар кийиб, қуёшдек мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топтилар”<sup>1</sup>.

Бу воқеа ҳақида Баёний томонидан “Шажарайи хоразмшохий”да “... Аллоҳ таоло хон ҳазратларига бир фарзанд ато қилди. Они Сайид Ҳомид тўра исми била мавсум этдилар...”<sup>2</sup> – деб ёзилган.

“Тарихи хавонин” асари муаллифи Комёб: “Отам Ҳақ раҳматининг олти ўғиллари бор эрди. Учови бир онадин ва иккови бир онадин ва бирови ман фақир ёлғуз бир онадин. Ва менинг онам ўзбек жамоасидин эрдилар” – деб ёзиши Огаҳий маълумотларини тўла тасдиқлайди<sup>3</sup>.

Огаҳийнинг бошқа тарихий асарлари ушбу асаридан илмий истефода қилинган ишлар кўлами кенглиги боис алоҳида библиографик кўрсаткич тузишни талаб қилади. Мутахассисларга яхши маълум бўлгани боис уларни қайд этиб ўтиришни лозим топмадик.

Мазкур асарни адабий манба сифатида Қ.Султонова ўргангани ва олима томонидан унинг яна бир нусхаси (12552-ашё рақамли кўлёзма) аниқланиб, илмий истефодага киритилгани алоҳида эътиборга эга<sup>4</sup>.

Асар тилшунослик нуқтаи назаридан алоҳида объект сифатида ўрганилиши лозим. Унда тилимизга кириб келган русча ўзлашмаларнинг илк шакллари учрайди. Масалан, *болюз* – полиция; *закун* – қонун; *имперотўр* – император ва ҳаказо: “Бу ҳолдин ўрус *болюзи* ва инглис *болюзи* хабар топиб, иттифоқ била Шукруллоҳ оқанинг олдиға киши йибориб дедиларким: “Бизларнинг *закунимизда* ҳеч кишини зарарда қўймоқ раво эрмастур...” (253<sup>а</sup>) Бу сўзлар ҳали ўқувчиларга яхши таниш бўлмагани учун Огаҳийнинг ўзи уларга изоҳ бериб ўтади: “Маълум бўлсунким, “болюз” деб ҳар мамлакат подшоҳининг тужжор ва ўзга мусофирнинг аҳволидин хабардор бўлмоқ учун учан чиқатурған ёқишларда таъйин этиб қўйған кишини айтурлар.” 253<sup>б</sup>; “Ва Ўрус подшоҳининг отиғаким, насоро луғатида “императўр” дерлар...” (109<sup>б</sup>)

<sup>1</sup> Огаҳий. Гулшани давлат. Кўлёзма, Ўз ФА Абурайхон Беруний номидаги ШИ. – №.7572. 236<sup>а, б</sup> вар.

<sup>2</sup> Баёний. Шажарайи Хоразмшохий. Кўлёзма. Ўз ФА Абурайхон Беруний номидаги ШИ. – № 274. 431<sup>б</sup> вар.

<sup>3</sup> Комёб. Таворих ул-хавонин. 196<sup>а</sup> вар.

<sup>4</sup> Султонова Қ. Гулшани давлат муҳим адабий манба. Филол. фан. ном. дис. – Тошкент, Ўз Р ФА ТАИ, 2000.

“Гулшани давлат”да Огаҳий бошқа тарихий асарларида бўлгани каби шева имкониятларидан ўз ўрнида маҳорат билан фойдаланган. Масалан, орқа сўзи Огаҳий асарларида куйидаги маъноларда учрайдики, мазкур маънолар ҳозирда ҳам шеваларда кенг истеъмолда:

1. Аждод, бўғим: “... насаби олти *орқада* ҳазрати аъло хоқонийнинг муборак насабиға кўшулур”. (145<sup>б</sup>)

2. Орқа, олднинг зидди: “... *орқа* жонибға юз урдилар”. (56<sup>а</sup>)

3. Шимол, жанубнинг зидди: “... *орқа* жонибида Тамоч мавзеъинким, аҳли фасоднинг йиғноқиға ёвуқ эрди”. (220<sup>а</sup>)

4. Баданнинг орқаси: “... хандақининг ости ҳазозати доир остидаги балиқ *орқасиға* етти. (220<sup>б</sup>)

Шунингдек, *қибла* сўзи шевалардаги каби жануб томонни англатган ўринларни кўплаб учратамиз: “Кўхна Урганч қалъасининг *қибласидин* ўтган Кўхнадарё рудхонасиғаким, Шорқировиқға мавсумдур,..” (119<sup>а-б</sup>)

Хусусан, асар лингвопоэтикаси борасида алоҳида тадқиқот олиб борилиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Масалан, “камоли тангликдин “хāzā йавмун ‘асирун” афғонин фалаки асир кўрғонидин ошурди” (193<sup>а</sup>) жумласида иктибосдаги “кийин”, “оғир” маъносидаги *асир* ва муаллиф нутқидаги “осмон” маъносидаги *асир* сўзларининг эски ўзбек тилида товушдошлигидан фойдаланиб ўзига хос оҳанг бутунлиги юзага келган.

Муарррих Зорликхон ҳақида, жумладан, шундай дейди:

“Кўруб ҳадду андозасиз хорлиғ,  
Оти янглиғ ўлди иши зорлиғ”.

Асардан бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

“Гулшани давлат”нинг кичик бир қисми Ғулом Каримов ва **Субутой** Долимовлар томонидан нашр қилинган эди<sup>1</sup>.

Асарнинг дунё кутубхоналари (Ўзбекистон ва Россия)да мавжуд нусхалари ҳақида муфассал маълумотни Нурёғди Тошев Огаҳийнинг “Жомеъу-л-воқоти султоний” асари илмий-танқидий матнига ёзган сўзбошида беради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 6-жилд. Нашрга тайёрловчи Ғулом Каримов. Масъул муҳаррир Субутой Долимов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 129 – 201.

<sup>2</sup> Muḥammad Riżā mīrāb Āgahī. Jāmi‘ al-vāqī‘āt-i sulṭānī. Edited in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. – Samarkand – Tashkent: 2012. – P. XIII. Ҳаволада “Гулшани давлат” қўлёзмалари ҳақида манбалар (СВР, Ф.Ғанихўжаев “Огаҳий асарлари тавсифи”, Қ.Султонова диссертацияси) келтирилган.

Қўлингиздаги китоб “Гулшани давлат”нинг илк тўлиқ нашри бўлиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 7572-ашё рақамли қўлёзма асосида бажарилди. Зарур ўринларда 12552-ашё рақамли қўлёзмадан фойдаланилди. Фурсатдан фойдаланиб, яратилган имкониятлар учун институт раҳбарияти ва ходимларига алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

Асарнинг 12552-ашё рақамли қўлёзмаси ҳам чиройли настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, 181 варақдан иборат. Унинг охири:

“181<sup>а</sup> ...Алҳамду лиллаҳи ва ал-миннату, бу китоби майманатанжом “Гулшани давлат” исми била мусаммо бўлуб, ҳазрат саодатнишони жаннатмакони фирдавсошиён Саййид Муҳаммад Раҳимхон равваҳаллоҳу таъоло руҳаҳу мин раёҳини-л-жиноннинг саодатиктирон тарихот ва афъоли оғозидин анжомиғача зебу зийнат била музайян бўлуб, ҳазрати халифату-р-рахмон, зиллу-с-субҳон, алмуъайяду би таъйиди-л-малики-л-маннон, моҳи-з-зулми 181<sup>б</sup> ва-т-туғён рофиъу аъломи амни амон, хоми-д-давлати ва-д-дин Абулмузаффар ва-л-мансур Абу-л-фатҳ Саййид Муҳаммад Раҳимхон ъаззамаллоҳу таъоло оёти шаъниҳи ва давлатиҳи рафаъа роёти иззатиҳи ва шавкатиҳининг фармони вожибу-л-иъзиёнлари била санайи минг уч юз дағи йигирма бирда моҳи рамазоннинг ўн секизинчи душанба куни эрди, факиру-л-ҳақир *Хожаниёз ибн Эшбобо сўфи ал-марҳумий Ал-Хоразмий*нинг ожизлиғ ва нотавонлиғ шикаста қўлидин саъйи тамом ва жаҳди молакалом била садди итмом ва шарафи ихтимом топиб, баён килкининг рақамзадаси бўлди ва охири дуо: “Аммо инна, алҳамду лиллаҳи ва салавоту вассалам алаа хайри халқиҳи Муҳаммадин ва алаа олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин”.

Асар табдили давомида матннинг ўзига хос оҳангини сақлаб қолиш мақсадида форсий изофа олган сўз унли билан тугаса, “-йи” шаклида берилди: “Сипоси беинтимос ва *ситойиши* беиндирос таҳойифеким, *давойири* афлок сойирлариға азалдин то абаддур ва забони *ратбу-л-лисондур*, ул Подшоҳи зулжалолнинг муалло ҳазратиға нисордурким, гардунтавон султонларнинг даргоҳи туфроқиға убудийят бошин қўймоқ била тождор ва соҳибъятибордурлар ва шаъни бемунтаҳо ва шукри лоюҳсо вазойифеким, саройири хокий дойирлари анинг лаззатидин аввалдин то охир ширинком ва *вазиъу-л-баёндур*, Ул султони

*адиму-л-мисолнинг муаззам даргоҳиға сазовордурким, олиймакон хоқонлар анинг остони тошиға ажзу инкисор манглайн урмоқ била комкор ва гардуниқтидордурлар, олами малакут ҳам фазойи мухтасардур қудрати гулистонидин ва жаҳони носут бир сахни муқассардур азамати айвонидин”.*

Арабий изофали ўринлар лексик бирлик сифатида қаралса, кўшиб, синтактик бирлик сифатидагилари изофа кўрсаткичи икки томондан - (чизикча)га олинган ҳолатда ўгирилди. Масалан, *амирулумаро* (мансаб номи) – *амиру-л-умаро* (амирлар амири), шунингдек, *дорулхилофа*, *дорулимора* каби сўзлар табдили ҳам шунга асосланди. Имкон қадар шу тамойилга амал қилишга ҳаракат қилдик. Ҳижрий ой номлари эса ўзбек тилидаги таомилга кирган шакли (масалан, *рабиъ ул-аввал*) шаклида берилди.

Ушбу нашрда оятлар ўқилишида мумкин қадар аниқликка эришиш мақсадида транскрипцияда берилиб, уларнинг асли ва маъно таржимаси илова қилинди. “Қуръони карим”дан иқтибосларнинг маъно таржималари шайх Абдулазиз Мансур нашри<sup>1</sup> асосида берилди.

Ҳадиси шарифлар матни ҳам транскрипцияда берилди. Бошқа арабий жумла ва ибораларда транскрипция қўлланилмади. Оят, ҳадис ва арабий ибора ва жумлалар ўгирилишини Хоразм Маъмун академияси “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” амалий лойиҳаси (грант раҳбари А.Ўрозбоев) илмий ходими Лочинбек Абдукаримов кўздан кечириб борди. Нашр асносидаги техник ишларни лойиҳа ходимлари бажарди.

Республикамызда маънавий ҳаёти янги бир босқичга кўтарилганидан дарак берувчи ушбу нашрга ҳисса қўшган ҳар бир инсонга чуқур миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

**Абдулла Ўрозбоев,  
филология фанлари доктори**

---

<sup>1</sup> Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001.

## МУНДАРИЖА

Муҳаммад Ризо Огаҳий. Гулшани давлат.....	4-255
Абдулла Ўрозбоев. Давлат гулшанининг туганмас таровати.....	257 – 261